

Зокир ХУДОЙШУКУР

# ТУЗОҚ



---

**Зокир ХУДОЙШУКУР**

---

# **ТУЗОҚ**

*(қиссалар ва ҳикоялар)*



**Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи**  
**Тошкент – 2019**



УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

X 87

### **Худойшукур, Зокир**

X 87      Тузоқ [Матн]: қиссалар ва ҳикоялар: /З. Худойшукур. —  
Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2019. — 240 б.  
ISBN 978-9943-5383-5-1

Истиқлол йилларида бой тарихимиз, миллий урф-одатларимиз ҳамда қадриятларимизни ўрганиш ва уларни келгуси авлодларга бор бўйи билан етказиш ҳаракатлари бошланди. Ўтган даврда бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилди. Ушбу китобдан ўрин олган «Тузоқ» ва «Оқ ўтовнинг мунгли ўлани» қиссалари ҳамда «Кайвони момом чўпчаклари» туркумидаги ва бошқа ҳикоялар шу эзгу саъй-ҳаракатларга уйғунлиги билан аҳамиятлидир.

**УЎК 821.512.133-3**

**КБК 84(5Ў)6**

ISBN 978-9943-5383-5-1

© З. Худойшукур, 2019

© Чўлпон номидаги НМИУ, 2019

## ТУЗОҚ

(қисса)

Водийнинг кўҳна қишлоқларидан бири. Олдинлари у жудаям сўлим ва гавжум эди. Кейинги пайтларда, аниқроғи, ёв ҳамласидан кейин ҳувилаб қолди, харобага айланди. Одамларнинг кўпи ёғий қиличидан ўлди, тирик қолганлари аллақаерларга қочишди. Зулм қўли узунлиги боис қаёққа бормасин барибир хорлик кўришди. Қочолмаган ё ўлиб ўлолмаганлар шу ерда қолган. Бириси — Саодат исми ёш, кўхлик жувон. Асли марғилонлик. Хожаси шу манзилга қўйилгач, уни қўриб ётаман, деб келганига бир йилдан мўлроқ вақт ўтди. Эрининг бемаврид ўлими туфайли одамови бўлиб қолганди. Шунгами ё бегига бўлган меҳриданми қабристонга тез-тез боришга одатланди.

...У яна таниш тупроқ йўл бўйлаб қабристонга ошиқмоқда. Хаёллари паришон. Ёр дийдорига интилган маъшуқа каби қалби бир нималарга тўлиб борарди. Ён-верига қараб-қараб қўяр, гўё биров кўриб, уят қиладигандек, ҳадиксирарди.

Қабр бошида чўккалади, паст овозда тиловат қилиб, юзига фотиҳа тортди. Сўнг қабртошни силади: «Келиб кетганимга кўп бўлмади, яна чанг босибди», деб енги билан артди. Ёзув битилган жойини озор етказишдан қўрққандек, оҳиста чангдан тозалади. Ҳарфлар ярақлади. Гарчи, бундан олдин кўп ўқиган бўлсаям номаълум битикка илк бор дуч келган олимдек, сўзларни ютоқиб, ҳассослик билан ўқиди: «Туринг бегим, гуноҳларни ювайлик, босқинчини она юртдан қувайлик». Ёзув тагидаги қилич сурати ҳар қандай одамда шу чорловга куч бераётгандек таассурот қолдириши аниқ. Кўзидан шовуллаб қуйилаётган изтироб ёшлари билан такрор ўқиди: «Туринг бегим, гуноҳларни ювайлик, босқинчини она юртдан қувайлик».

Бу битикни эли учун ўлиб-тирилган шоиртабиат хожа-си ҳурматига ўзи қўйдирганди. Юрагидаги дарднинг бир бўлагини тошга кўчиртирди, аммо унга сифмаган, одамларга, ҳатто, яқинларига айтмаган алам ва изтироблари жуда кўп. Қариндошлари душманга ем бўлганидан нолисинми, эри билан турмуш қурганига кўп бўлмай, ундан ажраб қолгани ёки ҳомиласи бевақт нобуд бўлганини айтсинми?! Ёмони, бундай кўргуликларга учраганлар бу ўлкада ёлғиз ўзи эмас, балки минглаб топиларди...

Буларни ҳеч қаерда айта олмасди, фақат қабр бошида айтиш, шундаям секин пичирлаш мумкин. Уни фақат ўликлар тушунади, тириклар орасида бундайи қолмади ҳисоб. Бўлгани билан уларнинг гунгдан нима фарқи бор.

«Мен жим туролмайман, мазлум эл аёли, боласини қўлига ололмаган она сифатида қандай жим турай?!»

Қабртошни қаттиқ қучиб деди: «Энди бу элнинг аёллари Мадаминбек туғмайди, йўқ, туғолмайди эмас, туғишдан кўрқади. Борди-ю, бек туғилиб қолса, босқинчи ютади, ана шундан кўрқаман. Бек бўлмагач, туғиб нима қилдик. Ёки босқинчи учун кўзи, қулоғи, тили йўқ қулу малайларни туғиб берамизми?! Ундан кўра, бекларимиз ётган гўрга кирган авло!»

...Марғилон шаҳри чеккасида бир уй, уй дейишга камлик қиладиган кулба бор. Кўпдан бери ҳеч ким яшамаганидан деразаси синиб, бир ёнга сал оғиб қолганди. Одмигина ёғоч эшиги михлаб ташланган. Ҳовлининг гир айлана девори деярли қулаб тушган. Вақти-вақти билан шу ерда ҳаёт аломати пайдо бўлади: уч-тўрт киши тўпланиб, «қизиллар» қилмиши, бу кетишда юрт тақдири нима бўлишини ўзларича муҳокама қилишади. Шундаям тун ярмидан оққанда йиғилишади, негаки ҳозиргидек талотўп замонда ҳеч кимга ишонч йўқ. Бугун биров билиб қолса, эртаси ўзингни панжара ортида кўрасан.

Кимдир хонада фонус пилигини кўтарди, лекин ҳушёрлик қилиб кўпам баландатмади. Кириб келувчи кўзига нур тушганидан уни кимлигини тезда ажратолмади, тусмоллаб билди. Ўша...

Бир пасдан сўнг кўланка ортига ўгирилди:

— Ҳеч ким келмабди, келмасаям керак, — деди пасти-на овозда.

Кириб келувчи бунга изоҳ сўраб ўтирмади, чунки ша-ҳарда аскарлар изғиб юрганини, бундай кезде яширин йиғинга келиб, жонини хатарга қўйиш шарт эмаслигини ўзиям яхши билади. Шунга қарамай, унинг ичидан «Бугун зарур гап бор эди, келса яхши бўларди», деган ўй ўтди. Келмабдими, нима қиларди, иккиси гаплашади. Ҳалиям қўли-да ишлайдиган бир нечта одамга топшириқ бергани яхши бўлган экан. Бўлмаса, вақт беҳуда кетарди.

Аввалига гап гапга қовушмади. Чунки шаҳарда бўлган қонхўрликлар уларга ёмон таъсир қилган, бундан сира кутила олишмаётганди. Эрталабдан кечгача, арзимас баҳоналар билан қирғин бўлади-ю таъсир қилмасинми?! Ўз халқингни қирса, ҳақоратласа, бор-будини тортиб олса, киши бундан ҳеч қий-налмайдими?!

— Булардан умид қилиб юрибмиз-а, аҳмоқ бўлмасак, — деди анчага чўзилган жимликдан сўнг қиличдай кескир сўзи, ҳажвияга мойил шеърлари билан Марғилонда яхшигина ном чиқарган Мулла Шариф. Бу кўланка бўлиб кўринган киши ўртабўй, озгин бўлса-да зуваласи пишиқлиги ҳар бир ҳара-катидан очиқ сезиларди. Кўзлари маъноли чақнайди. Овро-паликларга хос мўйлов қўйган. Сочини силлиқ қилиб тепага тараган. Камзулли кастим-шим кийган, бошида малла тусли шлёпа. Хуллас, унинг кўриниши нафақат ўзимизникилар, ҳатто, европоликларнинг ҳавасини уйғотадиган даражада. Кейинги пайтларда у шеърларига Фигоний тахаллусини қўя бошлаганди:

— Ёв барибир ёвлигини қилар экан.

— Бошида ишонгандим буларга, — деди иккинчиси. У чордана қуриб ўтирган бўлса-да, полвонларга хос келбати борлиги яққол кўриниб турарди. Кўзлари бургутники каби ўткир ва теран. Гапираётиб қалин қошларининг чимирили-ши унинг жаҳдини чиқариш хатарли эканлигини англатар-ди. Бу йигит энди 30 ёшни қаршилаётган Мадаминбек эди. Шунга яраша юрагида ўти бор. Икки йил сургунда бўлгани, ҳозир совет милициясида ишлаётгани учун душманнинг — мақсадини яхши билиб олган. Шундай бўлсаям шаҳардаги

қирғин-баротни ҳазм қилолмаётганди. Энг ёмони ёвга қараб: «Бўлди, етар!» дейиш ўрнига, ўзи истамаса-да, уларга ёрдам берди. Қандай қабиҳлик, қандай қўрқоқлик! Шу ўйлар таъсирида бўлса керак:

— Бундан кейин умуман ишониб бўлмайди, — деди у масалага узил-кесил нуқта қўймоқчи бўлгандек. — Барчамиз бир бўлиб курашиш ўрнига ҳалиям «Ёвга ишонса бўладими, йўқми», деб ўтирибмиз. Ваъдалар бераётган бўлмасин, барибир уларга ишониб бўлмайди. Ёмони, бундай иккиланиш Туркистоннинг ҳар бир шаҳри ва қишлоғига, хуллас баримизнинг ичимизга ин қуриб олган. Гўё биров бизни сеҳрлагану, шунинг таъсиридан ҳеч чиқиб кетолмаяпмиз. Аслидаям шундай. Бўлмаса, кеча ўзларини сиёсатдон билган не-не одамларимиз ёв томонга ўтмас, кўра-била туриб, қул бўлмасди. Йўқ, бошқаларни айбламаяпман, биринчи ўринда ўзимни айтяпман. Аввалига, ўғирликда айблаб, сургунга жўнатишди, кейин гўё шафқат қилиб, озодликка чиқаришди. Кейин бу ишни беришди. Бошида бундан хурсанд бўлибман. Энди билсам, бари найранг экан. Мендан ўзимизга қарши фойдаланмоқчи булар, мана шундай бўлдику. Э-э, ҳаммасини... — кўзлари баттар ёнди, мушлари тугилди, қошлари чимирилди.

— Хом сут эмган бандамиз, бек...

— Тунов кун хивичдек келадиган деҳқонни сўроқ қилдим. Бечора «Бор будимдан айрилдим, яна нима берай, жонимними?!», деб хўп йиғлади.

— Ҳукуматга нима бердингиз? — дедим.

— Бермаган нимангиз қолди, десангиз-чи, ўртоқ, — деди у қоқ суякка айланган қўлини уқаларкан. — Аввалига даладан чиққан бор ҳосилни олди, урвоқ ҳам қолмади. Шу йили қишдан беш болам, кекса онам, хотиним билан зўрға чиқдик, ҳартугул ўлмадик. Бундай тирик юргандан кўра, ҳе, энасини... Кейин қўш ҳайдаб турган ҳўкизимни олди. Қўй борми, сигирми, товуқми, кўрпа-тўшакми, елкага илгулик кийимми — барини бердик, камандир! Яна нима сўрайди, булар?! Яна нима сўрайсиз?!

— Менга ҳеч нарсангиз керакмас, берсангиз, ҳукуматга берасиз...

— Сиз ўзимиздан-ку, ёки сиз..., — деҳқон чапани бўлгани билан гапининг давомини айтмади, зўрға ичига ютди. Нима демоқчилигини тахмин қилиб кўрдим. Менимча, «Малай бўлдингизми?», демоқчи бўлди-ёв. Ё, «Болтанинг сопини ўзимиздан чиқарган экан-да», деган бўлишим мумкин. Шуни ўйлаб, ич-этимни ейман. Наҳотки, ўз элимга ёв бўлиб қолдим.

— Ундаймас, бек, — Фигоний унинг гапини бўлди. — Ёв ичига кирган ўзимизникисиз.

— Сиз шундай дейсиз, лекин хизмат бўйича қанча кишига озор бериш, кўпинча тишининг ковагида сақлаётганини тортиб олишга тўғри келади, — деди Мадаминбек ва тиришган пешонасини қоши аралаш ишқаркан жим қолди.

Буни кўп нарсага йўйиш мумкин. Аввало, у тўғрисўз инсон сифатида зулмкорларга қарши бирон сўз демаганидан эзилаётган бўлса, бошқа ёқдан «малай бўлиб қолмадимми ўзи», деган ҳадикда эди. Бунда жон бор, чунки ёвга хизмат қилаяпти, элдошларини талашини учун кўмаклашаяпти.

— Ҳалиги чапани деҳқоннинг гапи тўғри, — у овозини сал кўтарди. — Бу ёғи қандай бўлди? Оддий деҳқон шуни айтиб тургандан кейин, бошқалар, айниқса, ўзини истиқлолчи санайдиганлар, масалан, қўрбошилар оламга овоза қилади-ку.

— Ўша қўрбошиларни уккасини...

Бек Мулла Шариф оғзидан ҳақоратли сўз чиқишига ишонқирамагандек, суҳбатдошининг юзига таажжуб билан тикилди. Буни сўзда сал юмшатиб, ҳазилнамо қилиб ифодалади:

— Бўлди, бўлди, шоири замон! Шоир сўкинса, хунук бўларкан. Ҳазил, ҳазиллашдим, тағин, мениям балогардон қилиб сўкиб юрманг. Нима, уларни хушламайсизми? Бизга ўхшаб босқинчи хизматига киргани йўқ, ёвга қарши курашиб ётибди.

— Бундай курашгандан кўра, барини йиғиштириб қўйган яхши.

— Нимага бундай дейсиз?

— Ёвга қарши отланган яхши. Лекин бунинг бошқа томони бор.

– Хўш, хўш...

– Душман ким, унинг кучи, қуроли — маълум-ку. Шунга яраша чора кўрмаслик, сизга айтсам, нодонликдан бўлак нарсамас. Буниси етмагандай, бирлашиб, гапни бир жойга қўйиб, курашиш ўрнига, ҳар бири ўз билганини қилаётганини кўрмайсизми. Эрдан олганларини ана шундай харжлаётгани баридан кўп алам қилади. Менга қолса, уларни «Кофирни ўлдириш керак!», дейишдан бошқасини билмайдиган, на замона зайлини, на сиёсатни тушуна оладиган «қора ботирлар» деган бўлардим.

– Фикрингиз кескин, — Бек тан олгандек, чуқур ўйга чўмди: «Бу одам бежиз Фигоний тахаллусини олмаган. Шунча нарсани билган киши фиғон қилади, бошқа нима бўлади. Биз ўзимизни кўзи очик, деб юрибмиз. Лекин бунинг ички кўзи жуда теран. Бўлмаса, бундай гапни айтиш у ёқда турсин, ўн йил ўйласаям топа олмасди.

Ҳақ гапни айтди: биз, аввало, кимга қарши курашаётганимизни билиб, шунга мос уруш қуролини ҳозирлашимиз керак. Буни ҳушёрлик дейишади. Агар, шуни қилмасак, барча уринишлар ҳавога учади. ...Яна «қора ботирлар», дедими? Аммо бошлабди. Агар айтганлари рост бўлса, бунга қўшилмасдан илож йўқ.

...Халқининг эрки учун курашаётган «қора ботирлар»! Жуда ғалати-а. Ахир, қора ботир эл учун курашмаган-ку. Агар, қўрбошиларни шу ном билан аташ керак бўлса, халқимиз учун курашаяпмиз, деб ўзиниям, бошқаларниям алдаб юрган «қора ботирлар», десак тўғри бўлади...»

– Камандирим, нималарни ўйлаб қолдингиз?

– Жонга тегди, — бекнинг аччиқлангани сезилиб турарди, — Қаерга борма, «камандир», «камандирим». Шуни ёқтиради деб ўйлайсизми. Ўлгудек ёмон кўраман.

– Ранжиманг. Катта курашга чоғланаётган киши бундан руҳланар, деб айтдим.

– Сизданмас, ўзимдан хафаман! Худо, бизга ақл берган, ҳуш берган, нега шу пайтгача ишлатмадим-а?! Энди ёш бола эмасмиз...

– Ҳали ҳеч нима бой берилгани йўқ. Агар курашаман, десангиз вазият ва халқ етилиб турибди.

— Сиз билан аввалроқ танишганимдами, — деди бек бироз жимликдан сўнг. Яна ўйга чўмди: «Бу одам Туркия инқилоби, Ўрусия тўнтаришида қатнашган, яна кўп воқеалар шоҳиди. Жаҳидлар билан ҳам яқин алоқада. Бу фикрини қиличдек қайраган, пишитган кўринади. Бўлмаса, бундай фикрлар ўз-ўзидан туғилмасди. Бизга шундай одамлар керак. Бугунги Туркистонда бундайларни топиш қийин. Бор эди, бариси ё отилди, ё чопилди, ё сургун қилинди...»

— Бек, бундан буёғига бирга бўлсак ҳам кўп ишни уҳда қилса бўлади, — Мулла Шариф шеригининг ичини ўқимоқчи бўлгандек, унинг юз-кўзига маънодор қаради, — Аҳдингизга қараганда, курашадиган кўринасиз...

— Курашсам нима бўлди, бегоналар учунмас-ку.

— Совет миршабисиз...Буям етмагандай, ёшсиз, яқинда уйландингиз...

— Ўзингиз шунга чоғламадингизми? — Мадаминбек шоирга бургутдек қаради. Бу билан унинг икки хил гапиршдан муроди нелигини билиш, боз устига сал аччиқланганини сездирмоқчи эди.

Шоир буни кўриб, кўрмасликка олди, камига:

— Ўтиб кетсам, ёв жим туради деб ўйлайсизми? Ота-она, ака-ука, хотинингиз, бари Марфилон аҳлига зулмни оширса керак, — деди.

— Бундан чўчимаяпман. Ҳозиргача қилганидан ортиқ яна қандай ситам бўлади. Тўғри... яна ўйлаш, ҳисоблаб кўриш керак...

— Ўйланг, узоқ ўйланг, камандир! Ўйчининг ўйи битгунча...

— Атай аччигимни чиқараяпсизми?

— Йўқ...

— Унда нима?!

— Сизни чоғлаяпман. Бошқа нарса сўраманг...

...Аёл совуқ қабртошдан илиқлик кутгандек, маҳкам ёпишиб олган. Сал ўзига келгач, атрофга қаради: қуёш ботаяпти, қизил шафақ қонга ботган Туркистонни эслатди! Буларнинг бари бир бўлиб, қалбини баттар эзарди. Шу топда фақат қабртош битиги малҳам берадигандек, тагин ҳижжалади: «Туринг бегим, гуноҳларни ювайлик, босқинчини она



юртдан қувайлик». Бироқ бу гал қалбидан ўтказиб ўқий олмади, фақат мунг тортган кўзлари олдидан ҳарфлар лип-лип ўтди. Кўзёшида ёзув ҳамда қилич сурати қуёшда ярақлагандек товланди. Шунга мос ҳолда ҳаёлида бек билан боғлиқ турли воқеалар жонланиб кела берди.

...Бек яширин кенгашдан эрталаб қайтди. Аммо бу тонг ўзиникимас, бегоналарники. Бундай тонгнинг отганидан отмагани беҳроқ. Чунки тунда эл зулмдан озод, кундузи қирғин, сўроқ, «ур-ур» авж олади. Бундай кунни ким истайди?! Одам-ку одам, ҳайвону қурт-қумурсқалар ҳам истамайди. «Бегона тонг», «бегоналар тонгги» сўзлари ҳаёлида айланиб, дардли шеър бўлиб қуйилмоқда. Фузулий девонини ҳар доим ёнида олиб юргани, уни кўп ўқиганидан ўзиям шоиртаъб бўлиб қолганди. Қоғоз қоралаган пайтлари кўп эди. Шундай кезде юрак тубидан туйғулар тошиб чиқар, қоғозга тушгач эса жимиб қоларди. Ҳозир шу ҳолда: қалби жўшиб, бир нималар деб чайқаларди. Лекин бу дард аввалгиларидек, қоғозга осон тушадиганмас. У улкан, ҳатто, тоғлардан-да чўнг ва оғир. Бу — Туркистон дарди!

*Ботирларинг инграб юрар сургунларга,  
Аламин бор юртга қўнган қузғунларга.  
Ҳам шаҳру, ҳам қишлоқларинг бузғунларга,  
Қагдинг ростла, она юртим — Туркистоним!*

Кўча дарвозасидан хобхонага етиб келгунча шу тўрт мисрани эплади. «Бегона тонг», «бегоналар тонгги» сўзларини эса шеърга солормади. Шундан бўлса керак, тўртликдан кўнгли тўлмади. Қолаверса, у дардининг мингдан бириниям ифодаламаётганди. Бунинг бари бир бўлиб, нафақат бағри, балки бутун вужудини исқанжага олди. Шу боис ичкарига ўзига ўхшамай кирди.

...Юқорига солинган ўриннинг бир четида омонатгина ўтирган келинчак унга норози бўлиб тикилди. У ким, дейсизми, эндиликда хожасининг совуқ қабртошини қучиб, ўзини зўрға овутаётган, унинг юзларини ва кўзларини софинган, эркалашини қўмсаётган саодатсиз аёл — мен, Саодат, — ҳикояни бошлади аёл. — Агар ўша маҳалда шу

ишлар бўлишини билсам, норози бўлмасдим, қовоқ уйиб, қаерда эдингиз, нима қилиб юрибсиз, демасдим. Афсуски, энди чархпалакни ортга айлантириб бўлмайди.

— Ҳамма жойда қиргин, ўйлайвериб, эсим кетди, — дедим ҳалиям қовоқ уйиб. Аслида унинг бандлигини билардим, беҳуда юрмаслигиниям. — Миршаб сўраб кетгандан сўнг нима хаёлларга бормадим. Айтиб қўйсангиз асақангиз кетадими...

— Бекор юрмагандирман, — бек чуқур хўрсиниқ ортидан узун «уф» тортди.

— Нимага бирдан...

— Бутун шаҳар қонга ботди. Ўликлар ҳар ерда сочилиб ётибди. Юзлаб одамларни ўлдирди, ўлдирдик... — бек жим бўлиб қолди. Шу туришида у афсусланаётган, айти чоғда бундан кейин нима қилишни билмаётган одамга ўхшарди. Аслида шундай. Унинг ич-ичидан афсусланаётгани очиқ кўриниб турибди. Энди нима қилишни билмаётгани ҳам аниқ. Шу соҳилда қолсинми ёки ўзимизникилар томонга ўтсинми? Агар бу тарафда қолса, яна қандай синовларга чидашига тўғри келади. Ўтиб кетсачи...

— Нимага ўйлаиб қолдингиз? — уни хаёлдан чалғитмоқчи бўлдим. Шундай қилмасам, билмадим, қачонгача мунгайиб ўтирарди. Гапим таъсир қилдими, ё ўзи хаёлдан чарчадими, ишқилиб, секин бошини кўтарди.

— Мен бир қарорга келдим, — деди ўзига хос қатъият билан.

— Нимани айтяпсиз?

— Барига чек қўйиш керак, чек қўямиз!

— Ўйлаб кўрмайсизми, унда?

— Кўп ўйлаб юбордим. Фигоний тўғри айтган дейман: «Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битади».

— Унингиз ким?

— Бир шоир. Фикрлари ғалати, ҳамма нарсага бошқача қарайди. Биз кўрбошиларни озодлик учун курашяпти, десак, у эса тап тортмасдан «қора ботирлар» деди. Буни исботлади, тан беришга мажбур бўлдим.

— Улардан шубҳам бор, — деб юбордим. Бек юзимга тикилиб қолди, сўнг:

— Сизам уларни «қора ботирлар» ҳисоблайсизми? — деди.

— Қандай аташни билмаётгандим, аммо шоирингиз топибди. Булар на замон зайлини тушунади, на ўзаро муроса қилади. Шундан келиб чиқилса, бошқа нима дейиш мумкин.

— Наҳотки, шуни билмаган, англамаган бўлсам, — бек шуни айтаркан, қоши чимирилди, пешонаси тиришди, қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Кимни ёнингизга оласиз? — дедим ичимдаги бир-иккита саволга ойдинлик киритиш мақсадида. — Қўрбошилар ўрдасига бормайсиз. Унда, сиз билан ким туради?

— Эл туради, сўнгги яктагиниям бой берган деҳқонлар, ҳунармандлар, ёшлар, қариялар, қиз-жувонлар, ҳамма-ҳамма...

— Буни қандай қиласиз?

— Буми, бу. Фигоний айтганди, аввалига эътибор бермагандим. Энди ўйлаб кўрсам, тўғри экан. Ишни шундан бошлаймиз.

— Нимани айтасиз?

— Халққа оммавий даъватнома ёзиш...

Бу маъқул келди, шу боис қўладим. У бундан руҳланиб, даъватномани ёзишни бошлади. Қайта-қайта ишлади ўзиям. Тайёр бўлгач, ўқиб берди: «Мен Туркистон Мухторияти ҳукумати ҳаракати Қўқонда бўлган пайтда шўроларга хайрихоҳ мусулмон қўшинларини қўллаб-қувватлашни зарур, деб ҳисобладим, большевиклар ҳокимиятини халқ учун энг яхши ва фойдали, деб ўйладим. Лекин кейинроқ, шуни англадимки, большевиклар фаолияти фақат бойлар, деҳқонлар ва камбағалларни талашдан иборат экан. Шунинг учун мен большевиклар хизматини ташладим ва Эски Марғилон ҳукумати қўрбошилигидан кетдим».

У «милиция» дейишни унча хушламас, шу боис қўрбошилигидан, деди.

Шу юмушлар билан бўлиб тонг отганини сезмай ҳам қолдик. Қуёш ошиқиб бош кўтараётир: кечаги қирғиндан сўнг одамлар қалбидаги қурқув музини эритай, юпунлар та-

насига илиқлик берай, дегандек. Дарвоза тақилламаганда ҳалиям ўйга чўмиб ўтирган бўлармидим, билмадим.

«Ким бўлди азонда келган», деб ўзимча минғирлаб дарвозага ошиқдим. Тирқишдан мўраладим: бекда ишлайдиган тўртта миршаб, лекин алламбало уст-бошда эмас, оддий кийинган. Сабабини кейин билдим. Бек ишни пухта қилган, кечанинг ўзидаёқ бир қарорга келиб, уларни бу ерга чақириб қўйган экан. Ҳозир вазият ўзгарди. Улар келишувида даъватнома йўқ эди. Шунинг учун қўшимча топшириқлар беришга тўғри келди. Улар қишлоқларни оралаб, даъватномани тарқатадиган, ўзлари билан кўнгиллиларни олиб, Яккатутдаги Гарбува қишлоғига борадиган бўлди.

Улар кетди. Биз ҳозирлик кўра бошладик. Чунки шаҳарда бўлиб турган нотинчликдан фойдаланиб чиқиб кетиш осонроқ эди.

— Нимани оламиз, — дедим бир неча тугунни тайёрлаб қўйган бўлсам-да.

— Ҳеч нимани, — деди бек қатъий қилиб. Кейин сабабини айтди: — Кўч-кўронни олсак, шубҳаланиши аниқ. Шунинг учун, гўеки зарурат бўйича шаҳардан чиқаётгандек, ўтиб оламиз. Бўлмаса аскарлар дарров ҳибсга олади, милицияда ишлайди, деб аяб ўтирмайди. Фақат Қуръони Карим ва Фузулий девонини олсак бўлди.

Шундай қилдик. Бу тўғри бўлган экан. Шаҳардан чиқишда аскарлар эринмасдан текширишди. Қаерга, нимага, қачон қайтасиз, деб саволга кўмиб ташлашди. «Гарвубадаги қариндошимиз қазо қилибди, шунга кетаяпмиз», дедик. Лаққа ишонди. Аслида у ерда узоқ қариндошлар бор, улар ўзига тўқ бўлгани учун кўрбошиларни қўлаб келарди. Умидимиз шулардан. Ишни бошлаб олганимиздан кейин бутун водий аҳолисидан ёрдам бўлар, деган умид ичимизни ёритиб турибди.

Қишлоқ Марғилондан анча олисда экан. Бир тарафдан шуниси яхши. Ёвдан қанча узоқ бўлсанг, шунча тинчсан. Лекин биз тинч ўтириш учун эмас, аксинча, халқ осойишталиги ва бахтини ўмарган, номусини топтаган душманга қарши кураш бошлаш учун кетаётгандик.

Жўнатилган йигитлар жуда абжир чиқиб қолди. Йўлда эканмиз, улар номидан бизга келиб қўшилганлар кўпайиб борди. Одам сони ортганидан энди хавфсирамаётгандик. Ал-лақачон большевойлар таъсиридаги ерлардан ўтгандик. Гарбувага яқин қолганда Фигоний етиб келди. Уни биринчи марта ўшанда кўрдим, ростанам бало экан. От устида ғоз ўтириб: «Озодлик йўлида сафга тизилган юрт ўғлонлари», деб барчани роса алқади. Бекка: «Хушёр бўлинг, камандир, энди улуғ йўлдасиз», дейишнйям унутмади.

Кураш шу зайлда бошланди. Бу шунчаки курашмас; босқинчилардан кўп зулм кўрган элнинг истибдодга қарши исёни эди. Ёвқур ўғлонлар даъватни эшитиб, Гарбувага ҳар ёқдан оқиб келаверди. Улар орасида кичик-кичик гуруҳларни бошқарган — Соли Маҳдум, Исмоил Полвон, Ҳошим Паҳлавон каби иш кўрган қўрбошилларнинг борлиги яхши бўлди. Соли Маҳдумнинг тажрибаси ва маҳорати катта бўлганлиги учун бек уни ўзига ёрдамчи қилиб олди.

Гарбува қишлоғи четидаги кўҳна қабристон ёнида эски қўрғон бор. Бир пайтлар соҳибқирон Амир Темур шу ерда қароргоҳ қуриб, лашкарни жангга тайёрлаган экан. Бундан бир ҳикмат топган бек қароргоҳини ана шу ерда қурди. Бу жой атрофни кузатиш, ёвнинг кутилмаган ҳужумидан ҳимояланиш учун жуда қулайдир. Қўрғоннинг қулаган, кўчиб тушган қисми қайта қўлдан чиқарилди. Эскириб, бир ёнга осилиб қолган дарвоза тузатилди. Аскарлар ётоғи, емакхона, шу билан бирга, махсус машқ майдони қурилди. Бек биринчи йиғинни шу ерда ўтказди.

— Маҳдум, бир ҳафта ичида бу ерга икки минг кўнгилли тўпланди, — гап бошлади бек. — Лекин кўпи қўлига таёқ ушлашдан бошқасини билмайдиган деҳқону ҳунармандлар. Уларни пишитмасак, шунча уриниш беҳуда кетади. Шунини зиммангизга олсангиз, чунки бу ишда сизга етадигани йўқ.

— Бунга ҳозир киришаман, — деди Соли Маҳдум бошини сарак-сарак қилиб маъқуллашкан.

— Яна бир муҳим иш, — мунозарага қўшилди Фигоний.

— Хўш, — Мадаминбек ундан жўяли фикр чиқишини билиб, синчков тикилди.

— Маҳдум каби моҳир қўрбошилар кўп. Қилич ўйна-тишда улар олдига тушадигани йўқ, милтиқ отишдаям уста. Аммо ҳозирги пайтда бунинг ўзи кам. Мана, қўлимизда четдан келтирилган милтиқ, пулемёт ва замбараклар бор. Уларни яхши ишлатишни билиш — бутун жанг тақдирини ҳал қилади. Сафимизга чет эллик зобитларни чорласак, дуруст бўларди. Ўзимизникилар ҳали уларни пухта ўзлаштириб олмаган.

— Буниям ўйлаб юргандим, — Мадаминбек бу билан нима таклифлар бор, демоқчи бўлди.

Одамнинг ичини ўқий оладиган Фигоний буни дарров илғаб, моҳир сиёсатдон каби гапира кетди:

— Атрофдагилар фақат душман эмас, хайрихоҳлар ҳам бор. Турк, афғон, озарбайжон зобитларини қўшиб олиш мумкин.

— Ҳатто, — унинг гапини маъқуллади Маҳдум, — ўриснинг ўзиданам ёлласа бўлади.

— Қандай қилиб? — Бек бунга қизиқаётганини билдириб, қўли билан «давом этинг», ишорасини берди. — Ўзини ўзига қарши. Бу хўп қизиқ экан. Лекин барибир унчалик тушунмадим.

— Улар иккига бўлинган, — Маҳдум илож қадар содда тушунтиришга уринарди. — Бир тараф янги ҳукумат ёнини олаётган бўлса, иккинчиси эски пошшо тарафдори. Бунинг ўз номи бор...

— Ўрис крестьян армиясини айтасизми? — Фигоний аниқлик киритди. — Маҳдум айтганидек, уларнинг ўзи иккига бўлиниб, сўғиш қилиб ётибди. Бунинг бизга алоқали жойи шундаки, ўрис крестьян армияси бир бўлуки куни кеча Фарғонага келган. Агар тил топишсак ҳаммамизга фойдали бўлади.

— Яхши таклиф, — тасдиқлади Мадаминбек, сўнг ҳазилнамо қилиб: — Шоир, ўзингиз шуғулланинг. Бошладингиз, охирига етказинг. Уларнинг тилини, дилини яхши биласиз.

Ҳошим Паҳлавон бировнинг гапини бўлиб қўймай, дегандек даврага кўз югуртириб олиб, ишонч ҳосил қилгач, сўз бошлади:

— Бурунги сўғиш билан ҳозиргиси фарқ қилади, — бундай жойда сўзлаб юрмаганидан, овози қалтириб, тамоғига бир нима тиқилгандек, тўхтаб қолди. Ўзига келиш учун чуқур нафас олиб, томоғини қирди. — Қурол ҳақида айтмоқчи эдим. Ҳозир жанг тақдири шунга боғлиқ. Ҳа, бизга зўр қуроллар керак, худди ёвникидек. Қўлимизда бир нечтаси бор, улар ишдан чиқса, нима қиламиз...

Ҳаёт-мамот масаласи бўлгани учун бек бу йўналишда айрим ишларни бошлаганди. Масалан, маҳаллий усталар ёрдамида ўқ-дори ва милтиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Лекин эҳтиёжнинг юздан бириниям қоплай олмас, боз устига бу милтиқлар Овропадан келтирилганларидан анча сифатсиз эди.

Замбарак, пулемёт ҳақида ҳозирча фақат орзу қилиш мумкин. Шунини ўйлаб турган бек:

— Бундаям чет эликлар ёрдами зарур, — деб масалага ойдинлик киритди. — Буни ҳал қилмай, майдонга чиқолмаймиз. Шоир, ҳалиги ўрис армиясидан зобитлар билан бирга қуролсозларни олиб келасиз! Ҳар қандай мажбуриятни зиммага олиб бўлсаям шуларни удалашингиз керак! Турк, афғон эчиларига ҳам одам боради.

...Сағана бошида мустар ўтирган аёл шуларни ўйлар экан, юраги янаям зимистон тортганини ҳис этди. Қабртошдаги битик ёрдам бермаса, бошқаси асқатмайди. Уни ўқиди: «Туринг бегим, гуноҳларни ювайлик, босқинчини она юртдан қувайлик».

Ёвларга қарши айтилган ўтти даъват, чақириқ эди бу! Бундай чақириқ она юртига меҳрли ҳар қандай одамни эрк курашига руҳлантириши керак, деб ўйларди аёл. Ахир, бу шунчаки чақириқ эмас! Бу ёвузлар тиғи остида хўрланаётган мазлума аёлнинг ёрига, у орқали бутун Туркистондаги эрларга қарата айтилган даъватидир! Бунга «Лаббай!» деб жавоб бермаганлар туронлимас, эр эмас! Бегидан бироз шоирликни юқтиргани учун: «Эрларин ўлдирсалар, ёрлари қилич тутар», деб ёзув остидаги қилич суратига қўл чўзди. Уни тутиб бўлмаслигини англагач, қиличга қўшиб ёзувларни силай кетди. Яна, яна... бу ҳол кўп такрорланганидан моҳир ҳисобчиям санокдан адашарди. У учун энди бунинг

аҳамияти йўқ. Шу кўйи беги билан боғлиқ ширин хотираларга шўнғиди.

...Бекдан совчи келганда қаттиқ иккиланганди. Айниқса, унинг иккинчи марта уйланаётганини эшитиб, кўзи пешонасига битган, ияги кўкрагига осилиб тушган бир бедаво бўлса керак, деб ўйлади. Бу энди 17 ёшга тўлган маъсума қизнинг болаларча ўйи, тасаввури эди. «Йўқса, хотини ташлаб кетармиди. Бунинг устига Сибирда сургунда бўлган эмиш, у ерда янаям қўполлашиб, маҳлуққа айланиб қолган бўлса-чи» каби гумонлар билан бир неча кун олишди. Аммо ундай бўлиб чиқмади.

— Тўй ўтди, тун ярмидан оққанда иккимиз қолдик, — ҳикоя қилади аёл, — Ёшлигимга бориб, «Ана, энди ташланиб қолади», деб ҳимояга шай турибман. Лекин ундай бўлмади. Қаршимда истарали, бақувват, одобли, донишмандсифат йигит ўтирарди. Девга ўхшамайди, сургун билан боғлиқ асоратлар умуман йўқ.

— Бари дабдурустан бўлганига, у ким, деб бош қотиргандирсиз, — деб ичимдагини топди-кўйди. Буни майинлик билан айтдики, бундан юрагим тез-тез уриб, гупиллади. Бу пайт аввалги тахминлардан асар қолмаганди. Аксинча, унга бўлган ҳурматим, таъбир жоиз бўлса, муҳаббатим ошиб бораётганди.

— Ҳеч нимани ўйлаганим йўқ, — дедим гўё ичимдагини билгану, энди ўзимни оқламасам бўлмайдигандек. Ўзимни тутиб олдим. Бошимдаги катта рўмол орасидан унга илк бор кўз ташладим. Бинойдек, ёринг бўлса шундай бўлса, деган туйғу юракнинг бир четида ғимир-ғимир қилиб кўярди. Юрагим шодланди, кўзим кулди.

— Кўзингиз чиройли куларкан.

— Кулмадим-ку!

— Ярашаркан, доим шундай юринг. Аёл кулса, эр шод бўлади, уй зиёга тўлади.

— Буни қаердан биласиз? — дедим-да, тилимни тишлаб қолдим. Ахир, у бундан олдинам оила қурган, хотин кўрган, шундай экан, буни билади-да. Бек бунга эътибор бермади. Аксинча, кўнглимни олишга уринарди. Аслида бунга ҳожат қолмаганди. Бу пайтга келиб гумонлар бари тумандай тар-



қаган, унга тобора боғланиб бораётгандим. Қалбимда у билан гаплашиш истаги жўш ураётганлигини ҳис этдим. Шунинг учун хаёлимга келган биринчи гапни қайтармадим:

— Кимни ёқтирасиз, бек? — дедим, — бегим, — деб ортидан секин қўшиб қўйдим.

Жавоб жуда ғалати бўлди:

— Бу нима деганингиз, сизни-да, — деса бўладими. Ана шунда савол нотўғри қўйилганини англадим, буни тўғирлаш учун:

— Кимнинг асарини суясиз? — дедим кипригим билан ер чизиб.

— Фузулий зўр! Содда, равон, айни чоғда ердаги инсонни осмон қадар юксалтиради. Бу китобни доим ёнимда олиб юраман, кўп марта ўқиганман, шунга қарамай, унинг мўъжизакор сирини билолмадим.

*Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмасмудим,  
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмасмудим.*

— Э, ҳали сизам Фузулий шайдосими?

Сўнгра бек ўқиди, яна мен ўқидим. Анча вақтгача пичир-пичир қилдик. Шу юмуш билан бўлиб, алламаҳал бўлиб қолганини билмай қолибмиз. Бу пайтда оралик масофа қисқарган, қарасак, иккимиз тиззама-тизза, юзма-юз ўтирибмиз. Бек энди шеър тамом, дегандек, қўли билан сочимни майингина силай кетди. Бунга қаршилиқ қилмадим, чунки танамга бу ёқиб тушаётган, руҳим шунга мойил эди. Шундай экан, нимани ўйлайман. Ўзимни унга топширдим.

Бахтиёр эдик. Бундай бахтни ким берди? Худо берди! Уни ким тортиб олди? «Қизил аждар!» Ким бой берди, уни? Ўзимиз! Маҳдудлик ва сиёсий кўрлигимиз боис оғзимиздагини бўрига олдирдик. Бугун шунинг аламини тотаяпмиз. Ҳартугул бу юртда ёвга тик қараб: «Бўлди, етар!» дейдиган мард ўғлонлар тугаб битмаган эди.

...Фигоний вазифани бажариб қайтди. У бек айтганидек, ўрис крестьян армияси билан битим тузишни уддалади. Бизга бир нечта шартлар қўйилиб, қуролсоз ва зобитлар жўнатиладиган бўлинди. Тезда улар ўрдага келди. Шундан сўнг ишлар юришиб кетди. Ўрис қуролсозлари

Ўзимизникилар кўмагида ўқ-дори, милтиқ, замбарак корхоналарини юрғизарди. Зобитлар иши яна оғир. Жанг ҳақида умуман тасавури бўлмаган одамларга қуролни ишлатиш, саф тортиш, зарур вақтда ҳужум қилиб, керакли пайтда ҳимояга қайтиш дарсини ўргатиш осонмас.

Бутун Гарбува ҳарбий ҳаракат майдонига айланди. Бир тарафда бошига кафанлигини ўраб олган одамларга жанг қилишни ўргатаётган зобит ва қўрбошилар овозлари қулоққа чалинади. Бу пайтга келиб қишлоқнинг бир нечта жойида машғулот ўтказилаётганди. Чунки кейинги кунларда шунча кўп одам йиғилдики, 20 мингдан ошиб кетди. Бунча одамга сабоқ бериш осонмас. Бошқа ёқда қурол устахоналари шовқини. Милтиқ, замбарак ва ўқ-дори устахоналари бир қишлоққа кўплик қиларкан. Ҳамма ёқни уларнинг кишини бир нимага ундаётгандек, айнаи чоғда оғир ва зерикарли шовқини тутиб кетди. Начора, ўзга илож йўқ. Қисқа фурсатда етарли қурол-яроққа эга бўлишимиз зарур. Улгурмасак, ёвнинг биринчи зарбасигаёқ дош беролмай, оламга шарманда бўламиз. Энг ёмони, улуғ орзу ушалмай қолади, эл бўйнидаги занжир олиб ташланмайди. Кейин шундай авлод яна қачон етилади, ҳозиргидек қулай вазият бўладими-йўқми, бунисини Яратгандан бўлак ҳеч зот билмайди. Агар, мағлуб бўлсак, шундай бўлади, ҳа. Бизга катта ишонч билдириб келган оломондан иборат қўшин дарров тумандай тарқаб кетади.

Кейин, орзуларга алвидо айтавер! Жонинг-да омон қолиши гумон! «Қизил аждар» ўзига қарши боргани ютмай қўймас. Шунини чуқур мулоҳаза қилган бек бир жойда тинч ўтиролмайди. Гоҳ тўс-тўполон бўлиб ётган машқ майдонига, гоҳ устахонага чопади. Жараённи ўз кўзи билан кўрмаса, иш сушлашиб қоладигандек. У ҳаммасиданам кўра, замбаракаларга катта умид боғлаган. «Бу — бугуннинг қуроли», дейди у.

Яна устахонада, замбарак ишлаб чиқариш кечикаётганидан хавотирда. Тўғрида, ўн беш кун ўтдики, ҳалиям яхшиси тайёр бўлмади. Усталар ўлиб-тирилиб иккитасини ясади. Лекин бири узоққа отолмади, наригиси нишонни ололмади. Шунинг учун, бошқа юмуши кўп бўлишига қара-

май, устахонага боришга мажбур. Келиши билан ўрис устани ёнига чақирди.

— Бу гал қандай кетяпти? — ошиқаётганини сездириб қўймаслик учун вазмин гапирди.

— Аввалгиларида қандай хато ўтганини топдик, — деди уста.

Бек: «Бу шунчалик осон бўлса, нега, олдинроқ топмадинг?», демоқчи бўлдию, ўзини босди. Кўнглига олиб, бирон шумликни бошламасин, деди. Аччиғи чиққан бўлсаям буни ташига чиқармасдан, гапни бошқа ёққа бурди: — Бизнинг усталар ўрганаяптими, ўзи? Пичоққа илинадигани борми?!

— Тўғриси айтиман, буларни устахона қўрига қўшиб, пишитсангиз-да, ҳеч балони ўрганолмайди. Бир ишни ўн марталаб ўргатаман, кейин яна бошдан тушунтиришга тўғри келаяпти. Бунча оми бўлмаса. Буларни қайдан топгансиз, бек?!

Уста буни қанчалик самимият билан айтди, айтмади, бунга бирон нарса дейиш қийин. Лекин бундан бек ғазоби қайнади, чакка томири йўғонлашди, пешонаси тиришди, панжалари муштга айланди. Аммо ҳозир буни ошкор қилиб бўлмайди. Чунки ўзига замбарак қуймоқда, иккинчидан, унга ожиз жойини кўрсатиш ярамайди. У ҳозир ўзига хизмат қилаётгани билан вақти келиб, ёв томонга ўтиб кетиши ҳеч гап эмас. Негаки у «қизил аждар» билан бир ғордан чиққан. Ота-онаси бир бегоналар. Бу бегоналик вақти келиб, иттифоққа айланса ажабланмайди.

Бек устахонадан қайтаётиб Фигонийга дуч келди. Ўн одимдан илғади: унинг юзида хавотир аломати зуҳр этган, буни хатти-ҳаракатлари тасдиқлаб турибди. «Нимадир бўлган, бу шунчалик муҳимми», ўйлади у. «Оиламга бир гап бўлдим, рақиб ҳужумга ўтдим ёки бошсиз қўрбошилар бирон ҳунар кўрсатдим...»

Оралиқ қисқариб борди, тўрт, уч, икки... Фигоний етиб келибоқ, кўзи билан «четроқ ўтайлик» ишорасини берди. Бу унинг гумони тўғрилиги, айтиш чоғда ундан баттар эканини билдирарди.

— Шаҳардан хабар келди, — дейди Фигоний четга ўтишлари билан. — Айтишларича, большевойлар бизга қарши ҳаракатни бошлабди.

— Тушунтириб гапиринг...  
— Марғилондаги большевойлар тепадан ёрдам сўраганмиш.

— Фақат ёрдамми?  
— Тағин ҳужум қилишга рухсат.  
— Ёрдам келмай туриб, ҳужум бошлайди, деб ўйлайсизми?

— Менимча, шундай! Марғилонда ва унинг атрофидаги қишлоқларда беш мингдан зиёд аскарлари бор. Барини жамласа...

— Ҳа, биздан олдин ҳаракат қилиб қолмоқчи, — деди бек, давомини ичида мулоҳаза қилди: «Ким биринчи бўлиб ҳужумга ўтса, устунлик шунда бўлади. Агар, улар бошласа, жанг кўрмаган қўшинимиз кўрқувга тушади. Агар биз... Буюм тўғри эмас. Аммо унисидан кўра яхшироқ. Шундаям бутун қўшин билан эмас, яхши тайёргарликка эга бўлук билан юриш қилса бўлади. Қолганининг нафидан зиёни кўп. Агар, уларни ишга солсак, ваҳима аралаш қочиб беради, кейин вазиятни ўнглаш қийин...»

— Бек, яна бир муҳим гап.

Қўрбоши Фигонийнинг юзига тикилиб қаради. Бу билан гапираверинг, демоқчи бўлди. Чунки аввал ҳаммасини билиши, кейин шунга қараб, бирон қарорга келиши зарур.

— Рақибнинг ҳамма жойида кўзи борми, дейман.

— Нимага ундай деяпсиз?

— Биз кўп нарсани яширишга уринганимиз билан барини билиб олган кўринади.

— Масалан?

— Нечта устахонамиз бор, уларда ким ишляпти, қанча аскарга эгамиз, тайёргарлигимиз қандай, нечта қурол ишлаб чиқардик — барчаси уларга маълум. Бу орамизда ёғий «қулоқ»лари бор, дегани. Бундай вазиятда эндиги қиладиган ишларимизни сир сақлашимиз керак бўлади.

— Айниқса, ҳарбий ҳаракатларни.

— Нима, ҳужумга ўтамизми?

— Агар ҳужум қиладиган бўлсак, кўпчилик билан маслаҳатлашамиз.

— Кўпчилик бўлса, сир тутиб бўлмайди-ку.

— Сиз қўрбошилардан — сафдошларимиздан шубҳалана-  
наяпсизми?

— Ҳаммадан шубҳалансак ҳақлимиз. Қўрбошилар, зобитлар, усталар, сафимизга келиб қўшилган оддий одамлардан ҳам гумон қилишга асосимиз бор. Орамизда хоин юрган экан, ҳушёрлик зиён қилмайди.

...Ёғий илон ёғини ялаган экан, бўлмаса, ҳар томонда хийла-найранг тўрини бунчалик моҳирлик билан тўқий олмасди», деб ўйлади қабр бошида маҳзун ўтирган аёл.

...Уни ҳийласига қўшиб ер ютсин, қайтиб чиқмас бўлсин. У шундай ҳийлакор, найрангбозки, отани болага ёвлаштиради, дўстни душман қилади, мақсадига эришиш йўлида ҳеч нимадан қайтмайди, ҳар қандай тубанликни мароқ билан бажаради. Буни оқлаб ўтирмайди, гўёки шундай бўлиши керак. Шу тутимга кўра, бекка тўр қурди. Аввалига, қўшин йиғаетгани, тез орада ҳужумга ўтиши ҳақидаги ёлғон-яшиқ гапларни устамонлик билан тарқатди. Бунга ишонтириш учун тепага телегром жўнатди, ён-атрофдаги аскарни ҳаракатлантирди. Бир қарашда, яқинда ҳужум бўладиган. Одамлар орасида турли мишмишлар урчиди. Буларнинг барчаси ҳамладан дарак берарди. Асосий мақсади — бекни ўрдадан чиқариш, Марғилонга келтириб, тузоққа илинтириш эди. Буни на бек, на ёнидагилар билди. Тўғри, Фигоний ёв макрлик эканидан келиб чиқиб, сал қаршилиқ қилди, ўйлаб кўришга ундади. Ҳийла тўри шунча ишончли эдики, бу, ҳатто, унинг ўтқир ақлини чалғита олди.

Куз тонги. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит. На қуш сайраши, на чорва маъраши, на ит ҳуруши эшитилади. Енгил шабадани айтмаса, ҳаёт тўхтаб қолгандек. Дарахтларнинг барглари аллақачон тўкилгани боис шабада эсаётгани унча сезилмас, барглар бўлганида, «шитир-шитир» қилиб белги берармиди. Нафақат бу ер, бутун Туркистонда тириклигини билдириб, шитирлайтурғон биронта барг қолмаган. Қолгани билан шитирлашни унутган эди. Марғилон шаҳрининг ғарбий дарвозасидан ҳужум қилишга ҳозирлик кўраётган бек шуни ўйлаётганди. Фигоний ҳам нимадир ўйлар гирдобида. Иккисиям шоир, улар юрт озодлиги йўлида бошини тиккан. Яна уларнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Бирдан бир фарқли

томонлари: Мадаминбек энди 30 ёшни қаршилади, шунга яраша қони қайноқ, Ҳар ишга зудлик билан киришишни истайди. Фигоний 50 ёшни қоралаган. Ҳаётда қийин вазиятларга дуч келганиданми, туғма қобилияти туфайлими, ҳамма нарсага ҳушёрлик билан қарашни одат қилган. Биринчи қадамни қўймасдан туриб иккинчиси ҳақида гапириш ёки ўйлашни истамайди.

— Шоир, кўп кутиб қолмадикми? — Мадаминбек бир Фигонийга, бир уфққа қараб қўяр экан, бу билан ичи қизиб кетаётганлигини билдирди. — Ярим тунда келгандик, яна қанча турамиз бу ерда?!

— Ҳеч бўлмаса, шаҳарга жўнатган одамларимиз келсин, улардан нима гаплигини билайлик...

— Ҳалиям «ҳийла» деб ўйлаяпсизми?

— Нима бўлсаям йўлга чиқиб қўйдик, мана, ҳозир шаҳар остонасида турибмиз. Энди ортга йўл йўқ. Фақат олдинга йўл бор, ўйлаб иш қилайлик, дейман, бек. Кейин пушаймон бўлмаслик учун ҳозир пухта иш қилишимиз зарур.

— «Қизил аждар»дан шунчалик қўрқасизми? — бек шу гапни айтдию, хафа қилиб қўймадимми, деган гумонда Фигонийнинг юз-кўзига билдирмай қараб олди. Аммо унда хафаликни билдирадиган бирон аломатни сезмади. Аксинча, унинг кўзлари ёниб турибди. Қаддини ғоз тутиб олган.

Бек шуларни ичида мулоҳаза қила бошлади: «Ҳа, у оддий одаммас, бундайи жуда кам бўлади. Арзимаган нарсадан хафа бўлиб, вақтини беҳуда сарфламайди. Муҳими, улуғ мақсадидан чалғимайди. Унинг учун мақсад — муҳим! Қолгани ҳеч нарса эмас! Ҳатто, қўрқаётганим йўқ, деб ўтирмади-я. У бундай юқори мартабага эришиш учун нима қилди экан? Қани бу элда шундай инсонлар кўп бўлса...»

Унинг ўйланиб қолганини кўрган шоир:

— Кутилаётган, албатта, келади, — деб жумбоқли гап қилди.

Бу чиндан жумбоқ. Буни камида шаҳарга жўнатилганларнинг келиши маъносида тушуниш мумкин. Ёки илҳақлик билан кутилаётган кураш, зафар онлари, яна ўзга маънолар. Бек юрагининг бир четида ўқтин-ўқтин ғимирлаб

қўяётган аянчли туйғулар башорати бўлмасин, ишқилиб. Уларни юракдан ҳайдади, ҳалиги ҳадик, хавотир чекинди. Унинг одати шундай: бирон ишда иккиланса, ўзига хос феъл-атвор билан бундай ўйларни миясию, юрагидан қувлайди. Кейин Худого таваккал қилиб иш бошлайди.

— Мулла Шариф, — бек бу сафар Фигонийни ўз исми билан чақирди. Бу эса унинг ўзиям, бошлаётган ишиям ўта жиддий эканидан дарак эди. — Бошқа кутолмаймиз.

— Икки ракаат номоз... — унинг гапини Соли Маҳдумнинг: «Ана, қайтди», деган овози босиб кетди.

— Тилимда холим бор, айтмадимми, — деди Фигоний бекка ҳазиломуз кулгу билан ўгирилиб. — Авлиёлар оғзимга туфлаган. Э, буларни қўйинг. Кези келгани учун бир калом қилдим-да. Ишга ўтсак, хуфялардан аҳволни билайлик, кейин шунга қараб, чора кўрамиз.

— Маъқул, — бек бошқа ҳеч нарса демади. Бу унинг Фигоний гапига қўшилганидан ташқари, ҳужумга ошиқаётганини билдирарди.

Хуфялар келди. Уч киши экан. Иккитаси навқирон йигитлар, бири тиш қоққан отахон. Айнан шунисига бек тикилиб қолди. Уни олдин қаердадир кўргандек эди. Шунинг учун биринчи унга мурожаат қилди:

— Ота, сиз берироқ келинг. Қаерликсиз?

— Марғилонли...

— Юзингиз иссиқ кўринади.

— Сизни кўпдан бери яхши биламан.

— Эслай олмаяпман барибир.

— Миршаблигингиздан бери танийман. Чақирингизни эшитиб, сизга эргашдик. Мард ўғлонни берган марғилонликларга минг раҳмат!

— Мабодо, сиз... ҳалиги... деҳқон...

— Янглишмадингиз, бек.

— Бўлиб ўтган ишдан ҳалигача уяламан.

— Буни қўйинг. Курашга чиқишингиз минг бор кечирिशга етади.

— Э-ҳа, сизлар эски танишми? — Фигоний гапга қўшилди. — Энди айтингчи, Сотволди ота, шаҳарда нима гаплар, йўлда-чи?

— Бу киши Сотволди отами? — бек кулди. Сўнг: — Гапираверинг, — деб қўли билан ишора қилди.

— Бир қарашда ҳеч нима ўзгармаган, ғайриодатий нарса йўқ. Одамлар ўз иши билан юрибди, аскарару миршаблар сони анча кўпайтирилган, холос. Ортиқча ҳаракат кузатилмади. Лекин бир нарсадан шубҳага бордим. Айнан шу пайтда кўп савдогар келганига ҳайрон қолдим. Бир қарасанг, бирортаси савдогарларга ўхшамайди.

— Унда, ким? — бек отага одатига кўра, тикилиб қаради.

— Ана, — деди Фигоний шуни кутиб тургандек. — Бу ерда бир ҳийла, тузоқ бор.

Бундан тетиклашган ота:

— Улар савдогардан кўра, кўпроқ машқда пишган аскарларга ўхшайди. Юриш-туриши, ўзини тутиши айтиб турибди.

— Ҳа, улар махсус гуруҳни чақирган, бизни чалғитмоқчи, — Фигоний чўккалаган жойидан туриб, юра бошлади. — Улар шумликсиз туролмайди. Ҳеч қачон очикчасига курашмайди, шундай ҳийлаларни ўйлаб топади. Яхши биламан: кулиб қучоқлайди-да биқинингга ханжар уради. Лаънатилар, маразлар!

— Унда, ортга қайтамизми? — бек бу орқали Фигонийнинг фикрини, керак бўлса, хулосасини билмоқчи эди.

— Йўқ, — қатъий айтди шоир. — Аксинча, шиддатли ҳужум қиламиз. Ундан олдин душман сонини билсак бўлгани.

— Шаҳар теграсида икки минг, ичкарида ҳалиги савдогарлар билан яна шунча, — деди Сотволди ота. — Бари тўрт минг. Яна қишлоқларда бор, деб эшитаман. Қанчалиги аниқмас.

— Сараланган уч минг аскарни ажратиб яхши қилган эканмиз, — бек ҳисоб олмоқда. — Бу томондан имкониётимиз чаккимас, вазият деярли бир хил. Аммо уларга ёрдам етиб келса, аҳвол чатоқ бўлади. Бизга ҳеч қандай ёрдамчи йўқ.

— Нимага, шаҳарликларчи? — Фигоний бу билан оддий одамлардан катта умид қилаётганини билдирди. Аслидаям деҳқону ҳунарманд, кексаю ёш, аёл ва болаларнинг сабр косаси тўлган, босқинчиларга қарши нафрати жўш ураёт-



ганди. Фақат уларни бир мақсад йўлида бирлаштириб, орқасидан етаклайдиган йўлбошчилар зарур эди. Агар халқ қўпса ва уларни оқиллар бошқарса, бундай кучни «қизил аждар» нима бўпти, балки «сарик аждар»у бошқа йиртқичлар галаси ҳам тўхтата олмайди. Халқ шундай улуғ денгиз, у қалқса, тамом, денгиздагини қирғоққа, қирғоқдагини денгизга улоқтиради.

— Буни биламан, — деди бек. Кейин мақсадга ўтди: — Энди ишга киришамиз! Келишганимиздек, биринчи Соли Маҳдум йигитлари деҳқон кўринишида кириш йўлини тўсиб турганларга яқинлашиб, бирдан босади. Қўрбоши, уқдингизми? Шундан сўнг ёппасига баримиз дарвозаларга ҳужум қиламиз.

Биринчи бўлиб Маҳдум бўлуки ҳаракат бошлади. Кетидан бошқалар юрди. Бу қўшин бир қарашда ҳар хил кийинган оддий оломон тўпини ёдга солар, табиийки, қуроллари шунга мос. Бирида ханжар, бошқасида қилич, бир гуруҳида милтиқ. Жуда ибтидоий қўшин, деган бўларди, буни кўрган ҳар қандай европалик. Аммо бекнинг қабртошини кучиб турган аёл асло ундай демайди. У: «Муқаддас кураш учун отланган улуғ қўшин», деб алқайди.

...Тупроққа қорилган орини тиклаш учун, ёғий қўлида хорланган, зулм кўрган ота-оналари, оға-инилари, хотинлари ва болалари қасдини олиш учун оёққа турди туронлилар, туркистонлилар. Алпомишдан, Алп Эр Тўнгадан тўраган тўраларим, бекларим! Ёвга омонлик берманг! Қабртошдаги ёзув ана шунга чорлов эмасми: «Туринг бегим, гуноҳларни ювайлик, босқинчини она юртдан қувайлик».

Жанг бошланди. Бек мўлжални яхши олганди. Маҳдумнинг чалғитувчи ҳаракати ёвни дарров довдиратиб қўйди. Унинг, айниқса, дарвозани қўриб турганларга кутилмаганда ташланиши кўп нарсани ўзгартиб юборди. Бир қисми ўлдирилди, қолганлари қўрқув аралаш ичкарига қочиб кирди. Асосий қўшиннинг шаҳарга кириши учун йўл очилди. Шу фурсатни кутаётганлар «ал-амон», деб шашт билан ўрнидан кўпди. Ҳамма ёқни «урҳо-ур», милтиқ ва қиличлар шовқини, ярадорларнинг аянчли овози, ғолиблар ҳайқирғию, мағлублар нодамати эгаллади. Бир зумда дарвозаларнинг

кириш йўллари ва кўчалар ўлик ҳамда ярадорларга тўлиб кетди.

Бек бўлуки билан шаҳар майдонига интилмоқда. Унинг олди ва ортида бошқа бўлуқлар кўп. Хужум кучайиб бормоқда. Бунинг акси ўлароқ, ёғий қаршилиги сусайиб борарди. Бу ҳар қандай кишида шубҳа туғдириши аниқ. Айниқса, Фигонийни ҳар хил тахминлар ўраб олди. У бир неча одами билан бек ёнига ошиқди. Унинг юзида ташвиш аломатини кўриб, хавотири баттар ошди. Етиб келиши биланоқ:

— Энди нима қиламиз? — дея муддаога ўтиб қўя қолди.

— Ҳа... нимани айтяпсиз? — деди бек вазмин гапиришга уринаркан. У шу орқали хотиржам эканлигини кўрсатишга уринди.

— Нимани дейди-я. Бу ерда ҳийла бор, булар шумликни ўйлаб қўйгани аниқ.

— Нима бўлиши мумкин? — бек шуни айтишга айтдию, юраги така-пука, бирон кўнгилисизлик бўладигандек алафда. Ўйлай бошлади у: «Ростан ёв қаршилиги бирдан сусайди, бу ўз-ўзидан эмас, бунинг тагида бир сир бўлиши керак. Аммо нима? Ёки ҳал қилувчи зарбани бериш учун барча лашкарни бир ерга жамладими? Ёки...»

— Сотволди ота айтган шаҳар атрофидаги икки минг, ичкаридаги яна шунча аскар қани? — Фигоний бекнинг хаёлини бўлиб қўйди. — Ҳалиги савдогар ниқобидагиларчи?

— Гумонингиз тўғри. Улар шу ерда бўлган, ҳозир ҳам. Бизни қайсидир бурчақда пойлаб турибди.

— Энди нима қиламиз, бек?

— Билмай қолдим. Аммо бир фикр бор.

— Фақат чекинамиз, деманг.

— Менимча, энди чекинамиз, деганимиз билан бунинг иложи йўқ.

— Нимага?

— Чекиниш йўлимизни ёв тўсиб қўйган, деб қўрқаман. Бунинг ўрнига олдинга борсак, омон қоламиз. Шу боис чекинмаймиз, бунга имкон йўқ.

— Менам шу фикрдаман. Бу ерда туравермасдан баримиз шашт билан майдонга қараб интиламиз, ҳар ёқдан кириб

борамиз. Сўнг ён-атрофни олиб, ҳимояни кучайтирамиз. Ёвнинг кутилмаган ҳужумини қайтариш учун қулай жой. Шунга нима дейсиз?

— Борди-ю, улар майдонга боришимизни, ўша ерда жам бўлишимизни кутаётган бўлса-чи? Лекин бошқа чорамиз йўқ, майдонга борамиз. Қолгани Яратганга таваккал...

Озодлик лашкари тор, эгри-бугри йўллар бўйлаб майдонга интилмоқда. У ерга яқинлашганлари сари, сал илгарироқ бўлган вазиятнинг акси ўлароқ, қаршилик кучайиб борарди. Бундан рақиб қўшини майдонда жойлашганини билса бўларди. Буни бек, Фигоний ва бошқа қўрбошилар дарров илғади. «Энди нима қиламиз?» деган савол юзага чиқди. Чунки майдон айланасига ҳимояга олинган. Биринчи чизиқдаги юзлаб милтиқлар пана жойда сездирмай нишонини кутарди. Кейингисида пулемёт ва тўплар аждардай оғзини очиб турибди. Яхши жойга эга, зўр қуролланган қўшинга қарши ёппасига ҳужум қилган лашкарнинг ҳолига вой. Бир зумда тутдай тўкиб ташлайди.

Майдон ҳар тарафдан қуршовга олинди. Аммо на ҳимояланаётганлар, на ҳужумдагилар биринчи бўлиб юриш бошлашга ошиқмасди. Бу ҳар икки тараф аҳволи танглиги, қолаверса, эҳтиёткорлик қилаётганини билдирарди. Бундай пайтда ўйлаб иш қилиш зарур. Шу боис бек бўлук бошлиқларини ёнига чақирди. У биронтасидан жўяли гап чиқишига ишонар, камида шунга умид қиларди. Қўрбошилар тез етиб келди. Бек ўз ўйлари, аниқроғи, ҳисоб-китоби билан банд. Шу дақиқа ҳал қилувчи бўлиши мумкин. Бундай кезде нима қилса бўлади? Ҳужум қилса, кўз очиб юмгунча аскаридан ажрайди. Бу ерда кўп туриб қолиш янада хатарли. Чунки уларга ёрдамчи кучлар етиб келса, тузоққа тушиб қолиш тайин эди.

Бек шуни ўйлаш баробарида даврага келиб қўшилаётганларни бирма-бир кузатмоқда. Улар ичида Фигоний йўқ. У қаерда, шу тобда бундан муҳим қандай иш бўлиши мумкин? Унинг кечикишига қараганда, бирон муаммо чиққан кўринади. Нима бўлсаям, рақибга ёрдамчи куч келмаётган бўлсин-да, ишқилиб...

Ана, ниҳоят келди...

— Шоир, кеч қолдингиз, — бек иложи борича ўзини эркин тутишга ва хавотирланаётганини сездирмасликка ҳаракат қилиб, ҳазилтоб сўз қотди. — Ёки ёғийга мушт ўқталиб қайтингизми? Улар муштан чўчийдиганмас, нима дедингиз?

— Шундайга ўхшайди, — Фигоний аксинча, босиқлик, бироз хавотир билан гап бошлади. — Бу ерда кўп турадиган бўлсак, тузоққа тушамиз.

— Шоир...

— Ёрдамчи кучлар ҳар ёқдан келаётган экан...

— Буни қаердан билдингиз?

— Рақиб айғоқчисини қўлга туширдик. Ёнида мана бу хат бор экан, — Фигоний уни бекка узатди. — Бу ерда ёзилишича, эртага чошгоҳда ёрдамчи куч етиб келаркан.

— Шундан қўрққандим, — бек ўтирган жойидан туриб кетди. У ёқдан-бу ёққа юриб, ўйлай бошлади: «Олдимизда «қизил аждар» олов пуркайман, деб турибди, орқамизда... Уларнинг бирикиши учун бир кун бор. Барини шу вақт ичида удалаш керак. Ё бошқа йўли борми?»

— Бек, сиз ўзингизга ўхшамаяпсиз, — Фигонийнинг бу гапидан барча ҳушёр тортди. Баъзилар бундан бекнинг жаҳли чиқади, дегандек унинг юзига қаради. Аммо бек хафа бўлмади. У шоирнинг бундай кескир гаплари, кутилмаган сўзларига ўрганиб кетган. Аксинча, шу фазилатлари учун уни ҳурмат қиларди.

Шу боис бўлса керак:

— Бу билан ҳужумга ўтиш керак, деяпсизми? — деди.

— Бошқа йўл йўқ, чамамда.

— Тўғриси, сиздан шунини кутгандим.

— Яна бир кун бор. Ёғийга ёрдам етиб келмасидан бурун майдонни, нафақат уни, бутун шаҳарни қўлга олишимиз керак.

— Бундан ташқари, янги ҳимоя чизигини тайёрлаб улгуришимиз зарур. Буларнинг барчасига улгуриш ақлга сифмайди, лекин шунга мажбурмиз.

— Қачон ҳужумга ўтамиз?

— Мана, шомга оз қолди. Ҳуфтондан сўнг ёппасига ҳужум бошланади. Кўпи билан тонггача майдонни эгалла-

масак бўлмайди. Биламан, имконият кам, лекин начора. Энди ҳамма жойига!

Тун чўқди. Одатда бу пайтда шаҳар тинчланиб қоларди. Лекин, бугун бунинг иложи йўқ. Ҳар икки лашкар муҳорабага ҳозирлик кўрмоқда. Ишини битказганлари ҳам жанг қачон бошланади, қандай бўлади, омон қоламанми, йўқми, деган хаёлда бўлса керак, бирон юмуш билан банд кишидек наридан-бери тентирди. Қўрбошию бўлук бошлиқлари аскарларнинг тайёргарлигини кўриш баҳонасида уларни руҳлантирмоқда. Негаки, бундай пайтда кишига руҳий далда зарурлигини улар тажрибада кўп кўрган. Буни бек топширган бўлиши мумкин. Камида Фигоний шуни маслаҳат берган. Нима бўлгандаям тайёгарлик юмушлари қисқа фурсатда бажарилди. Энди фақат «ал-амон» дея ёғий устига ёпирилиб бориш қолди.

Қўшинимиз ҳозирлик кўраётган пайтда иши алдов ва макрдан иборат бўлган рақиблар ҳийла тўрини тўқиятганди. Тўғри, аввал тайёрланди, нима керак бўлса, шуни қилди. Албатта, ҳийла-найрангни унутмади. Буни ўшанда на Фигонийнинг ўткир ақли топди, на бек ҳис этди ва на мен ёки бошқалар англадик. Рақиб тараф атайин сохта хат қилиб, уни ҳалиги аскарга беради. Аскар «кутилмаганда» асир тушди. Хатни ўқиб умуман шубҳа қилмапмиз, рост, деб ишонибмиз. Ёғий макрини эътибордан қочирибмиз. Қолаверса, хат бошдан-охир ёлғон эмасди.

Унда айтилганидек, ёрдамчи куч яқинлашиб қолганди. Аммо ҳар ёқдан «оқиб» келмаётганди. Мураккаб вазиятда улар бунга имконсиз эди. Ҳар томонда озодлик ҳаракати авж олган паллада Марғилон қуршовидагиларга катта ёрдам жўнатилмаслигини Фигонийдек инсон билмадими, бошқаларга йўл бўлсин. Сохта хат орқали нимани кўзлаган, дейсизми? Қайтиб кетишимизни, ё бўлмаса шошилиш хужум қилиб, қирилиб битишимизни кутган бўлишиям мумкин. Тағин, ким билади, дейсиз. Маккор макрининг тагига етиб бўларканми...

Сир кеч очилди. Фигоний, бек ва сафдошларимиз ўртдан кўтарилган, озодлик олови умуман сўнгандан кейингина буни билдик. «Энди бундан нима фойда» деб бек қаб-

рига муштлайман. Гўё шундай қилсам, бек ётган жойидан сапчиб уйғонадигандек.

Қўшин оёққа турди. Эрталабгача қақшатқич жанг бўлди. Зимистон тун бўлгани учун ким ўлиб, ким омон қолганлигини билиш қийин. Аввалига ёв ҳимоясини ёриб ўтишга қийналдик. Бора-бора уларнинг қаршилиги сусайиб бора-верди. Бунинг устига майдонга ҳар ёндан ёпирилиб кирган лашкар ва шаҳар аҳолиси «урҳо-ур»лари ёв кўнглига қурқув солиб, гангитиб қўйди.

Тонгда майдон эгалланди. Буни ўзимизникиларнинг шаҳар осмонини тўлдирган ҳайқириқларидан билдик. Бундан шунчалар севиндикки, буни сўз билан айтиш қийин. Зеро, бу бек ва у бошчилигидаги озодлик қўшинининг биринчи зафари эди. Аммо қувончимиз узоққа бормади. Бу пайтда, ҳалиги кўлимизга тушган хатда айтилганидек, ёв ҳар тарафдан бостириб келмаётган бўлса-да, бир неча минг кишилик қисм шаҳарга яқинлашганди. Ёмони, буни ҳамма эшитди. Униси бунисига, у наригига етказди. Гап гапга чувалашиб, ўн минг қўшин келаётган экан, деган хатарли миш-мишга айланди. Бундан шаҳар аҳолиси ваҳимага тушганини кўрсангиз. Ҳатто, баъзилари шаҳарни ташлаб, қоча бошлади. Йўлини ҳеч ким тўсмади. Негаки бу ерда қолиш хатарли. Истикдолчилар бу ердан кетса, жавобгарлик шўрлик шаҳарликлар гарданига тушади. Улар қатлиомга учрайди. Бунга баҳона тайёр: «Булар босмачига ёрдамлашди». Шунинг ўзи қирғин учун етади. Аслида ёв бундай баҳоналарни рўқач қилиб ўтирмайди. Отади — тамом!

Вазият жиддий, бек хавотирда. Бир зумда бўлук бошлиқлари унинг ёнига йиғилди. «Нима қиламиз?» деган савол барчани қийнарди. Айни чоғда қандай йўл тутишни билмасдик. Бу аниқ маълумотга эга эмаслигимиз билан боғлиқ. Бунга ойдинлик киритиш учун душман ёрдамчи кучлари келаётган тарафга ҳуфя чиқардик. Улар етиб келмасдан бирон қарорга келиш қийин. Фигоний ҳуфяларни кутиб олиш учун шаҳар ташқарисига кетган. Ҳа, агар, шу одам бирон чора топмаса, бошқа топа олмайди.

Бек шу ҳақда қанчалик мулоҳаза юритмасин, аниқ бир тўхтамга кела олмаётганди. Шу боис атрофига кўрбошилар

йиғилиб келганига қарамай, ҳануз паришон. Бошқа ёқдан шоир тезроқ келса, аҳволни билиб, кейин бир қарорга келсак, деган ўйда. Қолаверса, қимматли вақт бой берилаётганидан сиқилаётир.

Фигоний етиб келди. Уни кутавериб, сабри тутаган бек муддаога ўтди:

— Нимани аниқладингиз?

— Чиндан бир неча минглик қўшин шаҳарга яқинлашяпти, — шоир бу гапни беписандлик билан айтгандек бўлди. Аммо у каби хушёр, масаланинг икир-чикиригача ҳисобга оладиган одамнинг уч минглик лашкарга беписанд қарамаслиги аниқ эди. Назаримда, у буни айтаётиб, бошқа бир масалани ўйлаётганди. Буни сезган бек:

— Нима тагин? — деди. — Барини айтинг, кейин шунга қараб чора кўрамиз.

— Аслида бу қўшин биз учун катта бош оғриғи бўлиши тайин. Аммо бундан ҳам оғир муаммо бор...

— Мундоқ гапиринг, — Маҳдум чидай олмади. — Сизни шоширган нима экан?

— Шаҳар атрофидаги қишлоқларда қўшинлар борлигини биламиз. Ҳаммасини жамласа икки-уч мингга боради.

— Нима, улар ҳам келадими? — Ҳошим Паҳлавон бақриб юборди. У буни қўрққанидан айтмади, аксинча беихтиёр газаби қўзиганди.

— Қайтанга, келса яхши эди...

— Босиб келмаётган экан, нега хавотирланасиз? — Ҳошим Паҳлавон бундан қаноат ҳосил қилгандек яна жойига чўқди.

— Ҳамма гап шунда. Улар ёпирилиб келмаяпти, қайтиш йўлларимизни тўсиб олган.

— Бу аниқми? — бекнинг сабри чидамади. — Бундай таваккалчилик нимага керак?

— Бу кўр-кўрона таваккалчилик эмас, — Фигоний фикрини содда, равон тушунтира кетди. — Пухта режа ишлаб чиқилган. Агар биз шаҳарнинг у ер-бу ерига биқиниб олган босқинчилар билан маҳорабани бошласак, ҳалиги ёрдамчи қўшин орқадан ҳужум қилади. Исканжада кўпимиз ҳалок бўламиз, шаҳардан чиққанлар пистирмага йўлиқади. У ерда

қандай қаршилиққа дуч келишимизни Худо билади. Шуни аниқ айта оламанки, пистирмадагилар ўзи биздан анча кўп.

Хуллас, улар биронтамизни омон қўймоқчи эмас. Ҳа, биздан бутунлай қутилишни режалаштирган. Бунинг учун ҳар қандай йўқотишу, ҳийладан тап тортмайди. Нима қилиб бўлсаям бизни ўртадан кўтарса, бас.

— Шоир, воқеалардан илгарилаб кетмадингизми? — деди бек.

— Илгариламадим.

— Унда, нимага асосланиб, бу гапларни айтаяпсиз?

— Аввало, ёрдамчи қўшин шошилмаяпти. Нимага? Қишлоқлардаги қисмлар қулай жойлашиб олиши учун, албатта. Бунинг бошқача изоҳи йўқ. Мантиқ буни тасдиқлайди. Икки ҳолатдаям — ютсак-да, мағлуб бўлсак-да шаҳардан аянчли аҳволда чиқамиз. Энг ёмони, қаерга бормаилик, барибир пистирмага учраймиз. Кўрдингизми, уларнинг мақсадини. Буни «айёрлик» демасдим, каллани ишлатиш бу. Биз ҳам шундай усулларни ўргансак, ёмон бўлмасди.

— Сизни яқиндан билмаганимда, фол очяпсиз, деган бўлардим, — деди бек. У қўрбошилар ана шундай назар билан қараётганини сезганидан гапни шундан бошлади. — Айтганингиз ёлгон бўлиб чиқса, қайтанга яхши. Аммо сизни билман, бўлар-бўлмасни гапирмайсиз. Фол очмаяпсиз, ниманидир биласиз. Шунга қарамай, ҳеч тушунолмапман. Улар шаҳардан қайтиб чиқишимизга шунчалик ишонадими? Қайтиб чиқмаслигимиз мумкин-ку.

— Чиқмаслигимиз учун баримиз шу ерда ўлишимиз керак. Бордию тирик қолсак, албатта, қачондир чиқамиз.

— Қолиб, шаҳарни қаттиқ ҳимояга олсакчи? — деди Ҳошим Паҳлавон. — Деворлар мустаҳкам ҳимоя чизиги бўлади, шаҳар аҳолиси қўллаб-қувватлайди. Мана, уларнинг ёрдами билан ғалаба қозондик-ку.

— Бу гал вазият бошқача, — Фигоний қандай тушунтирсам, дегандек бир фурсат тўхтаб, сўнг давом этди. — Шаҳар девори сиз айтгандек, тўсиқ бўлиши мумкин, аммо бу сафар эмас. Ҳозир у оёғимизга урилган кишан. Шаҳар аҳолисига келсак, улар ҳолдан тойди, яна қанчагача ёрдам беради, буни билмаймиз. Агар ёғий ҳар тарафдан қуршовга



олса, бизга на ёрдам кучи келади, на озиқ-овқат. Бу — буткул қириб битиш, дегани.

Бек турли фикрларни эшитиб, ўзича мулоҳаза қиларди. Унга, айниқса, Фигонийнинг гапи маъқул. Боши билан тасдиқлагандек, ҳаракат қилганидан буни билса бўларди. Қолаверса, у бу ердан тез кетиш керак, деган қарорга келган. Фақат шаҳардаги ёғийни буткул қириб, кейин кетсинми ёки ундан олдинми, буни ёлғиз ҳал этолмаётганди. Аслида бир қарорга келиш қийин эмас, аммо аскару аҳоли орасида турли фикр келиб чиқмаслиги учун кенгашиб олиш зарур. Шунини ўйларкан, ҳалиям тортишиб-талашаётган кўрбошиларга кўз ташлади. Бу ерда бўлаётганларнинг бари ғалати кўринди. Гўёки ҳеч қандай хавф йўғу, булар бемалол баҳслашмоқда. «Бўлди, етади», деди у ичида, буни ташига бироз юмшоқроқ қилиб чиқарди:

— Бу кетишда мунозара тугамайди. Масаланинг муҳим томонига ҳеч ким эътибор бермаяпти.

— Нима экан? — деди Ҳошим Паҳлавон. Бу билан биз шунчадан бери беҳудага фикрлашаётган эканмиз-да, демоқчи бўлди.

— Йўқ, беҳуда тортишаётганимиз йўқ. Аммо вақтни бой бермаслик керак. Вазият фойдамизга ишламаяпти, фақат вақтдан ютишимиз мумкин.

— Бизда вақт деган иттифоқчи қолган, холос, — Фигоний ҳар галгидек жиддий қиёфада, овозини баралла қўйиб гапирарди. Унинг сўзлашида сир, жозибали бор эди. Ана шу ҳаммани бирданига ўзига қарашга мажбур қилди. Давранинг ҳар жойидаги минғир-минғирлар тинди. Кўзлар унга тикилган. Ҳатто, бек унга боғлангандек жиддий тикилиб қолди. Шоир бунга эътибор бермасдан босиқлик билан гапида давом этди:

— Бекнинг қандай қарорга келганини сезиб турибман. Бу қарор қандай бўлишидан қатъий назар, уни қўллаб-қувватлаймиз. Турли мунозараларни бас қилайлик. Бу кетишда ўзимизни ўзимиз жарга отамиз. Вақт кетаяпти, вақт!

Бекка Фигонийнинг шу гапи етарли бўлди. Жим, дегандек ўнг қўлини кўтарди. Барча сокин тортгач, лўнда қилиб бўларини айтди:

— Шаҳардаги босқинчи қолдиқлари билан орани очик қиламиз, сўнг бу ердан кетиш керак. Бўлмаса, бари уринишимиз йўққа чиқади, ёмони, бизда бошқа кураш имкони бўлмаслиги мумкин. Агар бу ердан омон қайтмасак, ўрдадаги қўшинимиз бир зумда тарқалади-кетади.

Келишувга биноан, тун ярмидан оққанда ҳаракат бошланди. Фигоний маслаҳати билан Мадаминбек кутилмаган йўл тутди. Асосий бир бўлукни ёв устига йўллади. Ўзи қолганлар билан шаҳарнинг ғарб томонини душмандан тозалаб, йўл очади. Агар буни ёғийнинг асосий кучини мағлуб қилгандан сўнг амалга оширса, қийин аҳволга тушиб қоларди. Жангда ҳориган, шунга яраша руҳияти тушкун аскар билан ҳар ер-ҳар ердаги пистирмаларни ёриб ўтиш осон бўлмасди. Шаҳардан омон чиққани билан қишлоқлар, овуллар, тўқайзорлар, қир-адирлардаги пистирмалардан осонгина ўтиб кетолмасди. Шундай экан, кучни тежаш энг тўғри йўл.

Фигоний барака топсин! Шаҳарда жанг бошланиши билан кичик қисмлар билан пистирмаларни бирин-кетин боса бошлади. Энди жанг бошланди, бизгача ҳали-вери етиб келмайди, деб ўйлаган пистирмадагилар ғафлатда қолди. Шу ақлли тадбир туфайли бек асосий қўшин билан шаҳар четига чиқиб олди. Улар сойҳонлик ёнида шаҳардагиларнинг келишини кутмоқда. Анчагача шаҳардан тўп, милтиқ овозлари, одамлар ҳайқириқлари эшитилиб турди. Бир қарашда жуда узоқ давом этган шовқин-сурон бирдан сўнаверди. Салдан сўнг бутунлай тинди. Ҳаялламай бекнинг шаҳар дарвозасига йўллаган одамлари қайтди. Уларнинг айтишича, қақшатқич жанг бўлган, саноклигина аскарлар омон қолибди. Шунисигаям шукур! Ҳеч ким қайтмаганда нима бўларди.

Бек мавриди эмаслигини билсаям айтиши керак бўлган гапни уқтирди:

— Келишилганидек бўлуклар изма-кетин бир йўналиш бўйлаб ҳаракат қилади. Ҳамма ҳушёр бўлсин! Бир бўлук йўлимиздаги ғовни олиб ташлай олмаса, иккинчиси зарба беради, учинсиси... Шу орқали бу халқадан омон чиқиб кетиш мумкин. Кетдик...

Қўшин эҳтиёткорлик билан ҳаракатланмоқда. Жимлик-ни одамлар ва отларнинг оёқ товушлари бузиб турибди. Бундан бошқа ҳеч бир сасу садо йўқ: на чигиртка чириллаши, на ит ҳуруши, на шабада саси бор. Фақат қаердандир бой-ўғлининг узуқ-юлуқ овози эшитилмоқда. Бўлаётган қиргин-баротни сезган курту қумурсқа, паррандаю даррандалар қўрққанидан жимиб қолдими ёки бу ердан бошқа жойларга бош олиб кетдими. От устида маъюс бораётган, айти чоғда ён-атрофни синчков кузатаётган Мадаминбек буни билмади. Кейин: «Ҳа, урушни ҳеч бир жонивор хушламайди, албатта, улар бу ерлардан бешиб кетиб қолган. Шунини ўйлаб чиқаргани... Келишиб яшаса бўлмайдими?! Наҳотки, бировлар ҳақини ўмариш ортидан бахтли бўламан, деб ўйласа. Олоҳ бундай қилмишни қоралаган, Қуръон бунинг тасдиғи. Яна буларга бундан ортиқ нима керак?!»

Ёнига қапишиб келган отнинг пишқириғи, қолаверса, унинг баданидан таралаётган тер иси димоқни ёргудек бўлиб, бекни ҳаёлларидан чалғитди. У, шубҳасиз, Фигоний. Чунки уни олдиндаги аҳволни билиш учун илгарироқ юборган, ундан хабар келишини, ўйлар гирдобада бўлса-да, илҳақлик билан кутаётган эди.

— Келдингизми? — деди от жоловини енгилгина қантариб.

— Ҳа. Менимча, хатардан қутилдик, ҳеч бўлмаганда вақтинча.

— Нимани назарда тутаяпсиз?

— Илғоримиз ёвнинг охириги тўсиғиниям олиб ташлади — бу яхши! Аммо ҳақиқий жанг энди бўлади. Тузоқдан ўз ўлжасини қочирган ўргимчак ёки панжасида турган овни бой берган қашқир қандай ҳолга тушса, ёв шу аҳволда, деб ўйлайман. Бу энди улар ҳар қанча йўқотишга қарамай, бор кучи билан ёпирилади, дегани.

— Ҳозир ҳамла қилмаса керак ёки ажинадай ёнимиздан лоп этиб чиқиб қоладими, — деди бек ҳазиломуз оҳангда. Фигонийга шу етарли эди. У ҳар қандай вазиятда мавриди бўлди, дегунча ҳазил-мутойибага эрк берар, шу йўл билан, ўзининг сўзи билан айтганда: «Юрт ғами, деб орттирган юрак гардларини ювади». Бу гал ҳам шу одатини қанда қилмади:

— Қизил ажина қизик бўлса керак. Тасаввур қилинг: ҳамма ёғи қип-қизил, шаҳид қонига бўялгандек. Тўғриси, бизга у тўғри келмас экан, ўзимизниқидан қўймасин.

Қўшин катта йўқотиш билан қароргоҳга қайтиб келди. Йўқотиш катта бўлган биринчи ғалаба. Шу боис ҳеч ким хафамас, айна чоғда хурсанд ҳам эмасди. Негаки ҳақиқий муҳораба энди бошланади. Биринчи ҳийласи иш бермаган ёв энди шундай қиладики, буни олдиндан айтиш жуда мушкул. Буни бек, Фигоний ва «қизил ўйинлар»ни яхши тушунган қўрбошилар билиб турибди. Аммо қандай ўйинлигини олдиндан башорат қилиш қийин. Энди шунга яраша ҳозирлик кўриш шарт!

Бек одатига кўра, эрта тонгда турди. Ён-атрофни кўздан кечириш учун ташқарига чиқди. Қишнинг охирлари бўлгани учун қорлар эриб, дала-қир ола-қуроқ бўлиб қолган. Фақат маҳобатли тоғлардаги қорларгина қандай бўлса, шу ҳолида турибди. Қирнинг у ер-бу ерида майса кўкарган, унда-бунда бойчечаклар бош кўтармоқда. Қурт-қумурсқа алақачон ғимирлаб қолган. Табиат қайта жонланмоқда. Бек мафтункор қирларга, сўнг олис тоғларга тикилди. У нима-ни ўйлапти?! Балки, бутун борлиқ қиш зулмидан озод бўлди, биз қачон босқиндан халос бўламиз, деб ўйлагандир. Балки, митти майсалар қишга қарши исён қилди, биз одам бўлиб шуни қилолмаймизми, дедими?! Ёки шоирлиги қолиб келиб, ичида табиат ёки озодлик ҳақида мисралар тўқидими?!

Хобхонадан чиқиб, бек ёнига ошиқдим. Чунки унинг зарур ишлари бор, бундай тураверса бўлмас, дедим. Мени кўрган бек то етиб боргунимча билдирмасдан кузатиб турди.

— Нимага, сизам... — деди етиб борганимдан сўнг жумбоқли қилиб.

— Ҳеч нарса, ўзим, — дея уни пинҳона кузатдим.

— Мана, табиатга маҳлиё бўлиб ўтирибман. Олам уйғонмоқда... биз эса жим... одамлар жим, гўё бу заминда ҳеч нарса бўлмагандек. Эркимиз ўз қўлимизда-ю шодумон ҳаёт кечираётгандекмиз...

— Одамлардаям айб йўқ...

— Тўғри айтасиз, улар нима қилсин. Жон кўрқуви, очлик кўрқуви, яна алланималар бир бўлиб, «Ватан», «озодлик» туйғуларидан устун келган. Бугун кўпчилик шу кўйда. Уларни йўлга солиб, етаклайдиган оқил инсонлар ўлдирилди, сургун қилинди. Улар бўлмагач, халқнинг қалб кўзи қайдан очилсин...

— Сиз бор, кўрбошилар бор. Халойиқ сизларга эргашмоқда.

— Қўйинг, ўшаларни.

— Хафсалангизни пир қилдими?

— Бундан баттари бўлмайди. Неча марталаб одам чиқардим, бир бўлиб курашайлик, дедим. Йўқ! Бари зўр, ўз билганидан қолмайди. Бирга ишласа, худди мартабасидан тушиб қоладигандек, обрўсини бошқа биров олиб кўядигандек. Нима бўлган буларга?!

— Биладан... Лекин барибир ҳаракат қилавериш керак. Чунки ҳозир бирикишгина бизни мақсадга етказди. Бўлинганни бўри, айрилганни айиқ ейди, дегани шу бўлади...

— Шоирнинг гапларига мана энди тўлиқ иқроп бўлдим. Булар «ёвни ўлдириш керак», дейишдан бошқасини билмайдиган «қора ботирлар» экан. Ҳа, шундай. Буларни битта мақсад остида бирлаштириш амримаҳол, деб кўрқаман.

— Яна уннаб кўриш керак.

— Шуни ўйлаб, шоирни чорлаб кўйгандим. У билан шулар тўғрисида гаплашмоқчиман. Ҳозирги ҳолатда бирлашиш энг тўғри йўл. Бундан бошқа чора йўқ.

Узоқдан Фигоний кўринди. Тетиклигига қараганда, уйқудан турганига кўп бўлган, аммо бизни бирга кўриб, атай хонасидан чиқмасдан ўтирган. Буни бир қарашда илғадим. Уларни ишдан қўймай, деган хаёлда бекни ёлғиз қолдириб, ортга қайтдим. Буни фаҳмлаган шоир бу ёққа қараб юра бошлади. Рўпарамга келгач, уни зимдан кузатдим. Ҳар доимгидек ўйчан, босиқ эди. Юз ифодаларига қараб, ҳадикми, кўрқувми, кўргандек бўлдим. Ҳаракатимиз натижаси, юрт келажаги шуларга боғлиқ бўлгандан кейин масъулият юки босади, шу менга ҳадик ва кўрқув бўлиб кўринган, дейман ўзимни чалғитиш учун. Шу ўйлар билан бўлиб, хонамга етиб келганинимни билмай қолибман.

Ортга қарасам, иккиси ёлғиз оёқ йўл билан тепаликка кўтарилмоқда. Уларнинг одамлардан ҳоли жойда гаплашаётганига қараганда, ўта жиддий масалада сўз бораётгани аниқ. Боз устига бу нарсани ичимизга кириб олган қизил ҳуфялардан пинҳон тутишмоқчи.

— Бек, бу йил баҳор эрта келадиган кўринади, — деди энтикиб нафас олаётган Фигоний. — Ҳозирдан қорлар эриб, ўт-ўлан бош кўтармоқда, қуш, қурт-қумурсқа жонланиб қолган. Шуларга қараб айтяпман.

— Шундайга ўхшайди, — бек узоқларга термулган кўйи давом этди. — Олам уйғонмоқда, «одамлар» эса...

— Э, ҳа, ҳалитдан бери шоирлик қилаётганмидингиз? — Фигоний гап нимадалигини билиб турган бўлса-да ҳазиллашди. — Давоми-чи, давоми ҳали туғилмадимми?

Бек буларни тўғри қабул қилди, шекилли, ичини ёрди:

— Кейинги йилларда, аниғи, ўрис босқинидан буён шеър ёзмадим ҳисоб. Тўғри, ичим қоронғу тортиб, мисралар қуйилиб келган пайтда қалам тутган кезларим бўлган. Анчасини бошлаб қўйганман, аммо кўпи охирига етмади. Якунлай олмадим, бунга куч етмади. Аксинча, сургундалигимда дурустгина шеърлар ёзгандим.

— Бизда бунданам баттар. Илҳом келмади, демайман. Кўпинча уларни ўзимдан ҳайдадим. Ахир, нима қилай, мудом кўзим ёвда, хаёлим уларни даф қилишда бўлса.

— Тўғри айтдингиз, биз босқингача шоир эдик, ҳозир эса жангчимиз. Худо ишимизни ўнглаб, ёғийни юртдан қувиб чиқарсак, кейин ўтириб олиб, шеъру дostonлар битамиз. Нима, дедингиз?

— Энди, бу ёғи сизга тўғри келади...

— Сизга-чи?

— Ҳали ёшсиз, — Фигоний дала-қирга маъюс боқди. Унинг ўйчанлиги, айни чоғда бир нимадан хавотирда эканлиги билиниб турарди. Аммо буни сездирмасликка уринар, муҳими, буни удалади. — Бек, ҳали айтганимдек, ҳали ёшсиз. Кўпи билан беш-олти йилда юртни озод қилсак, сиз ўшанда 40 ларга бориб қоласиз. Бу ёшда зўр шоир бўлиш мумкин. Мен мункиллаган чол бўлиб қоламан. Шалвираган чолдан шоир чиқмасов. Ёки чиқади? — кутилмаганда

портлаб кулди. У ана шу кулгу билан хавотир ва маъюсликни ўзидан ҳайдади.

— Ундоқ деманг, етмишда ҳам зўр шоир бўлиш мумкин. Мана, Ҳофиз саксондан ошганида «Эй, Дилором!» деган ўтлуғ ғазалини битган. Сизам ёзасиз, иншооллоҳ!..

— Шундай бўлсин, ишқилиб. Бунинг учун вақтдан фойдаланиб қолиш зарур. Вақт билан вазият биз тарафда. Икки иттифоқчимиз бор.

— Нени айтасиз?

— Ҳозир ўриснинг ўзи иккига бўлиниб, муҳораба қилиб ётибди. Бутун салтанатда уларга қарши озодлик ҳаракатлари авжида. Бу шароитда бизга қарши катта куч ташлай олмаслиги аниқ.

— Шундайликка шундай. Бироқ шу ердагиларининг ўзи биздан анча устунликка эга. Қурол-яроғи, аскарлар тайёргарлиги яна баланд. Шундан келиб чиқилса, ҳозир бошсиз қўрбошиларни бир ўрдуга бирлаштиришгина бизни қутқаради. Бундан бошқа йўл йўқ!

— Бир неча кундан бери шу ҳақда ўй сураман.

— Ҳамма томонни остин-устин қилиб ётган бу қўрбошиларни йўлга солмасак бўлмайди. Бунга шу гал эришиш лозим.

Дабдурустандан айтилган бу гапдан бек бир сесканди. Айниқса, сўнгги гапи — «Бунга шу гал эришиш лозим», деган гапи ғалати эди. Бир қарашда бу шоирнинг видосидек бўлиб жаранглаганди. Шундан бўлса керак, бек уни беихтиёр огоҳлантирди:

— Вазиятга қараб иш қилинг. Содиқ қўрбошилардан кўнгил тўқ, аммо шубҳалиларидан эҳтиёт бўлинг. Агар жуда зарур, деб билмасангиз, улар билан учрашманг. Бир-иккитаси ўтмаса ўтмабди, бу халақит бермайди.

— Йўқ, ҳар бири билан учрашиш, таклифимизни айтиш зарур. Буни қабул қиладими, йўқми, бу уларга ҳавола. Ўзларини шу юрт ўғлони деб билса, албатта, кўнади, кучимизни бирлаштиради. Борди-ю айтмасак, кейин биздан домангир бўлиб юради.

— Билганигизни қилинг, сиз билан баҳслашиб бўлмайди, — бек бу билан унга ҳам ҳазил қилди, ҳам вазиятга

қараб иш қилинг, барчасига ақлу фаросатингиз етади-ку, демоқчи бўлди. Бунинг акси ўлароқ, Фигонийнинг бироз хаёли паришон. Буни унинг узук-юлуқ гаплари ҳам тасдиқларди:

— Билганимни қилсам... Билганим жуда кўп... Бир мушт бўлсак... Агар шундай қилмасак, йўқ, бирлашмасак, бўлмас... Ҳамма нарса шунга боғлиқ. Буни улар қани тушунса... Тушунадиганлари бор... тушунмайдиганиям...

— Умидимиз сиздан, уларни ўзингиз мурасага келтирмасангиз, бошқа биров келтира олмайди, деб ўйлайман. — Фигонийга тикилиб, сўзида давом этди. — Янги пайдо бўлганларга ҳам бормоқчимисиз?

— Ўзингиз қандай фикрдасиз?..

— Менга қолса, уларга борманг. Чунки улар ким, қандай пайдо бўлди, мақсади нима ҳали аниқ билмаймиз.

— Мақсади нима бўларди, талончилик-да...

— Йигитларимиз ўзимизни таласа, бу қандай бедодлик!

— Булар ўзича пайдо бўлмаган, ортида ўрис турибди, деб кўрқаман.

— Бундан муроди нима уларнинг?!

— Бирови қишлоққа ўт қўйса, бошқаси талончилик қилса, одамларда барча кўрбошиларга нисбатан ёмон фикр туғилади. Гапдан гап урчиб, кўрибсизки, ҳаммамизни «талончи», «босмачи», дейди. Мана, уларнинг мақсади.

— Бизниямми?..

— Бўлмаса-чи...

— Биз, ахир...

— Фалончи кўрбоши талон қилибди, деса, бас. Шунинг ўзи баримизга татийди.

— Нокаслар, тулкилар! Нималарни ўйламайди бу доғулилар.

— Ўрисда НКВД деган идора бор. У ана шундай ўйинларга уста, деб кўп эшитгандим. Энди эса ўзимиз кўриб, амин бўлиб ўтирибмиз.

— Бунга қарши нима қилсак экан...

— Шунинг учун янги чиққан кўрбошиларга ҳам бормоқчиман.

— Ўриснинг ўзи ёллаган бўлса, гапингизга кўнармиди.



– Миллий туйғуларини қитиклайман, агар қолган бўлса. Бир уннаб кўрай. Ҳеч иш қилмагандан кўра, бу яхши-ку.

– Аммо эҳтиёт бўлинг!

– Бу ёғи Яратганнинг ўзига таваккал.

– Ўзингиз билан... ҳалиги ота бор эди-ку...

– Сотволди отани айтасизми?

– У кишиниям олинг.

– Нечук?

– Балки алдовга учиб юрган «қора ботирлар» содда, самимий, алдов нималигини билмайдиган Сотволди отани кўриб, ўз оталарини кўргандек бўлар, шу билан сал юмшаб қолишар...

– Қийин, бек. Лекин отани оламан. Камида яхши йўлдош бўлади-ку.

...Бир ойдан кўп вақт ўтди. Ҳали ҳам Фигонийдан дарак йўқ. На хабари келди, на хабарчиси. Водийнинг қулай жойларига ўрнашиб олиб, билганини қилишга ўрганган кўрбошилар билан тил топишиш осон бўлмаётганини шу ҳам айтиб турарди. Лекин у осонликча чекинадиган, ён берадиган одаммас. Ўткир сиёсатчи, уста нотик. Бир киришса, ҳар қандай одамнинг кўнглига йўл топади. Бекнинг, умуман, ҳаммамизнинг умудимиз шундан.

Хаёлларим билан бўлиб, бекнинг хонага кирганини билмай қолибман. Унинг:

– Нималарни ўйлаб қолдингиз? – деган гапидан сесканиб кетдим, айнаи чоғда ҳушёр тортдим.

– Ҳеч нимани, – дедим аввалига, кейин ортидан қўшиб қўйдим: – Одамларимизнинг қайтадиган вақтидан ўтиб кетди.

– Ўн кун. Шундан ташвишдаман, – бек кўнглини ёрадиган кўринди.

– Тинчлик бўлсин-да, ишқилиб.

– Бир ой, кўпи билан шундан бир неча кун ўтиб қайтаман, энг камида хабарчи жўнатаман, деганди. На ўзи бор, на хабарчиси.

– Балки, кўрбошилар билан келиша олмаётгандир.

– Нима бўлгандаям қайтиши керак эди. Вақт кутиб турмайди. Буни ўзиям яхши билади-ку.

- Яна бир-икки кун кутайлик, нима бўларкин.
- Шундаям қайтмаса, йўлига одам чиқараман.
- Тегирмондан бутун чиқадиған одам. Ҳали замон келиб қолар...

Бир-биримиз билан гаплашиб, ичимиз ёришгандек бўлди. Бек юзига табассум югурди. Менинг ичимда типирчилаётган хавотирли туйғу тинчиб қолди.

Кутилмаганда бек шашт билан келиб, белимдан маҳкам қучди.

— Эҳтиёт бўлинг, ахир, — дедим шошиб қолганимдан.

— Нимани айтаяпсиз? — у белимни бўшатди, сўнг елка қисиб, ҳайрон қолганини билдирди.

— Ҳали сизга айтишгайм улгурмадим, — дедим киприкларим билан ер чизиб.

— Нима, гумонангиз борми? Нега айтмадингиз?

— Мана, айтяпман-ку. Ўзим тунов кун билдим.

— Зўр-ку, жуда зўр!? — бу сафар ўзи томон мулоимлик билан тортди. Қаршилиқ қилмадим, аксинча, унинг чўққидек, елкасига секин бош қўйдим. Шу кўйи дераза орқали дала-қирга, сўнг тоғларга кўз югуртдим. Дераза кун ботарда бўлгани учун тоғ ортига бош қўяётган қуёш яққол кўринмоқда. Гардишлари қип-қизил...

...Шуларни хаёлидан ўтказган аёл қабртошни янаям маҳкамроқ қучди. Сўнг қуёш нурларида товланаётган ёзувни яна ўқишга тутинди: «Туринг бегим, гуноҳларни ювайлик, босқинчини она юртдан қувайлик!» Шунинг таъсирида кеч бўлаётганига қарамай, уйга қайтиш ҳақида ўйлаётганиям йўқ. Бир ҳисобда тўғри: қаергайм боради. Уй дегани томи босиб тушган, эшик-ромлари бир ёнга осилган хароба кулба бўлса. Бунинг устига бу қишлоққа келганига бир йилдан ошган бўлса-да, ҳали ҳеч кимни танимайди ҳисоб. Бир-икки қўшни аёллар бундан мустасно. Танимагани яхши. Билиб қолса, қўрбоши — «босмачи»нинг аёли, деб кун беришмаса керак.

Унинг кўнглидан: «Бегимнинг қабрини обод қилай, унга яқин бўлай», деган ўй ўтганиям бор гап. Бу ерга келиб, унинг қабрини қўлидан келганича обод қилди. Кўримсиз-

роқ бўлсаям мрамартош қўйдириб, унга ҳалиги ёзув ва суратни ўйдирди. Ҳар кун эмас-у тез-тез келиб, ён-атрофини супуради. Агар шуларни қилмаса, бек ундан ранжиб қоладигандек.

Мана, шундан буён хожасининг қабрини қўриб ётибди. Аслидаям бир қўриқчи керак экан. Гап шундаки, у келишидан сал илгарироқ шу ерлик айрим одамлар бек қабрини бузмоқчи бўлишади. Ҳалиям Сотволди ота орага тушиб, буздирмади: «Баримизнинг борадиган жойимиз шу! Худойи таоло унга шу жойни насиб этган экан, бундан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу мусулмончиликка тўғри келмайди», деб туриб олган.

Бекнинг ўлими, айниқса, унинг қабрига уюштирилган тажовуздан сўнг Сотволди ота ҳам шу қишлоқда қолди. Бек аёли бошқа жойга бормайман, деб туриб олганидан кейин бу ерга ипсиз боғланди, энди истасаям кета олмайди. Шунинг учун хаёли паришонроқ бўлиб қолган аёлга яқинроқдаги ташландиқ бир кулбани сал эпақага келтириб берди. Аёл шу ерда яшай бошлади.

Иккиси ҳам бекнинг яқин одами, иккисининг ҳам унга бўлган ҳурмати чексиз. Айни чоғда улар бекдан айрилиққа базўр кўниб яшамоқда. Ота тиш қоққан одам сифатида ўзини тутиб олган. Аёл эса кундан-кунга ҳаётдан узоқлашмоқда. Шу ҳолидаям хожаси ҳақида ўй суришдан чарчамайди.

...Бекнинг қучоғидан сирғалиб чиқдим. Уям хушёр тортди. Чунки қуёш эндигина беркиниб улгурган баланд тепалиқда бир нечта отлиқ биз томон келаётганини кўрдик. Тепалиқ тагига эниб келишгач, учта отлиқ экани аён бўлди.

— Бешта эди-ку, буларга... — бек кучли ҳаяжонда бўлгани учун гап давомини айтолмади.

— Ишини яқунламаган бўлса, буларни олдинроқ жўнатган, — дедим уни тинчлантириш мақсадида.

— Шундай бўлсин ишқилиб.

Келувчилар кўп куттирмади. Сотволди ота олдинда. Бек уни зимдан кузатмоқда. Ота кайфияти ёмонлигини бир қарашдаёқ билиш қийин эмасди. У чини билан шалвираб

қолган. Шунинг ўзиёқ хўп кўнгилсизлик бўлганини айтиб турарди. Боз устига, ўзини сўроқдан олиб қочгандек, шошилмаганини қаранг. Худди сўғишдан қайтган каби отдан секингина тушди. Жониворни етаклаб, сал наридаги дарахтга шошилмасдан боғлади. Сувлиғини чиқариб, айилини сал бўшатди. Яна нималар қилади, бу чол?!

Агар бек:

— Ота, — деб жаҳл билан бақирмаганида, у яна не юмушлар билан андармон бўлиб юрарди. Аслида бирон ишни қойиллатаётгани йўқ, аксинча беҳиёл бўлиб қолганидан нима қилишни билмаётган эди. Бекнинг овози уни уйқудан уйғотгандек бўлди. Қари бўлишига қарамай, тез-тез қадам ташлаб, етиб келди.

— Нега индамайсиз? — бек сабри тугаб бораётгани билиниб турарди. Агар отанинг ўрнида бошқа одам бўлганида борми, қаттиқ ғазабга учраши ҳеч гап эмасди.

— Ҳозир... — Сотволди ота яна жим қолди. — Ичкари кирайлик, — қўли билан хонага ишора қилди. Бу пайтда ота ўзини анча тутиб олган, гаплари шунга яраша дадил-дадил эди.

Бек тўрға ташланган қалин кўрчага ўтирди. Ота эса унинг рўпарасидан жой эгаллади. Шериклари омонатгина чўккалади.

Юзларига фотиҳа тортишди. Бўлди, тамом, яна ҳамма жим. Ҳеч ким биринчи бўлиб гапиришга ошиқмади. Бек аввалгидек шошилтирмаётир. Чунки у алақачон бирон кўнгилсизлик бўлганини сезган, шу сабабли ҳам бошини қуйи экканча, музтар ўтирибди. Ота билан шериклари оғизларига талқон солиб олган. Хонада пашша учса билинадиган даражада сукунат ҳукм сурмоқда.

Бунга чидай олмадим:

— Ҳеч кимнинг гапиргиси келмаяпти, ҳамма музлаб қолганми, дейман. Иссиқ чой олиб келмасам бўлмайди, шекилли, — шуларни айтарканман, эшик томон юрдим. Назаримда, бек учун шу етарли бўлди. Бошини кўтарди, сал туриб ўзининг олдинги ҳолига қайтди.

— Ота, энди гапирасизми? — бургут кўзларини унга қадади.

Сотволди ота ер чизиб ўтирган бўлсаям бекнинг тикилиб турганини ҳис этди.

Энди қочиб бўлмайди, дегандек бошини кўтариб, гапириш учун оғиз жуфтлади:

— Фалокат, катта йўқотиш...

— Нималигини сезиб турибман, энди чўзмасдан гапиринг, — қаттиқ бақирди. — Шоирга бир гап бўлгани аниқ. Шундайми?!

— Ҳа, шундай...

— Ким... қандай...

— «Қизил аждар» ютди.

Сувга тушган мишиқдек жимиб қолдик. Оғир сукунат яна ҳукмронлик қилмоқчи. Отага қарасам, яна гапиришга тарадудланаяпти. Ҳайтовур, бу гал чўзмади.

— Фигоний чини билан улуғ одам экан, — ота чуқур хўрсиниб олди. — Ҳамма қўрбошиларнинг қароргоҳига бордик. Уларга ўриснинг бугунги аҳволини, ўзимизнинг вазиятни миридан-сиригача тушунтирди. Чечанлик билан уларнинг кўнглига йўл топди. Ҳатто, бошида қўшилишни истамаган қўрбошилар ҳам унинг гапларидан мумдай эриди. Улар: «Шундай оқил ва ёвқур юртдошларимиз бор экан, ёвга асло қул бўлмаймиз», дедилар. Хуллас, барчаси кенгашмоқликка рози бўлди. Фақат янги пайдо бўлган икки тўдага бормадик. Сабабини сўрасам, шоир: «Бу икки тўда хавфли, улар бизданмас», деб жавоб берди.

— Барибир хатардан ўзини олиб қочолмадида, — бек кўзидаги ёшни билдирмасдан артиб олди.

— Шундай бўлди. Бизни хавфдан огоҳлантирди, аммо ўзини сақлай олмади. Улуғ одам эди, раҳматли. Агар бирга бормаганимда, унинг кўпдан-кўп фазилатларини билмасдан қолардим. Бундайи жуда кам бўлади...

— Ота, иккиланмай бундайи йўқ деяверинг. Бунга кўп амин бўлдим, — ғазаб аралаш хўрсинди. — Бизни, шу улуғ инсондан, кўрар кўзимиздан айирдими, бу лаънати кофирлар! Бунинг учун минг марта пушаймон бўлади. Ким экан қотил?! — бек қўлини мушт қилиб, ерга қаттиқ урди. Кейин қутурган асрондай ўрнидан сапчиб турди. — Гапирмай-сизми, ота! Уни ким ўлдирди?!

— Ишни битириб қайтаётиб йўлда босқинга йўлиқдик. Улар ўнточа эди. Сизни кўриб тургандек барини яқиндан кўрдим, ўзимизнинг мусулмон болалар.

— Бундайларни мусулмон, деманг. Улар кўппаклар! Босқинчидан суяк умидвор бўлаётган кўппаклар!

— Чини билан шундай. Улар шоир огоҳлантирган ҳалиги тўдаларнинг одамлари экан. Буни гап-сўзига қараб, фаҳмадим. Яна бир гап: улар бизга тасодифан дуч келмаган. Бир лақмаси: «Ўн кундан бери пойлаб, бўларимиз бўлди. Ахири, келдиларинг-а», деб оғзидан гуллади. Бошқа бири Фигонийни адашмай топди. Шунга кўра, улар шоир ҳақидаги ҳамма нарсадан хабардор бўлган. Бўлмаса, умрида кўрмаган одамни қандай қилиб танийди.

Ҳалиги танигани қиличини яланғочлаб, шоир томонга келаверди. Бир шеригимиз йўлини кесиб чиқди. Улар кўплашиб, иккисиниям ўлдирди.

Бек, тагин биздан ранжиманг, нега олишмадиларинг, Фигонийни ҳимоя қилмадиларинг, деб. Воқеа тез бўлганидан гангиб қолдик. Ўзимизга келиб, олишмоқчи бўлганимизда жон талашаётган шоир: «Боринглар! Агар сизлар ўлсангиз, ишни ким охирига етказади?! Менга нима бўлса бўлди, боринглар, бекка чопинглар. Бу ёқда бўлган гапни етказинг! Бу муҳим, жудаям муҳим», деди-да, жон таслим қилди, шўрлик. Биз бу ёққа қараб от қўйдик. Улар умуман таъқиб қилмади. Шуям уларнинг мақсади — Фигонийни ўртадан кўтариш бўлганини билдиради.

— Лаънати, хоинлар!

— Уни шундай ташлаб келганимиздан ўзимни ҳеч кечиролмаяпман.

— Унинг топширигини, керак бўлса, васиятини бажардингиз, шунинг учун сизни айбламайман. Аммо маййитини бирга олиб келишингиз керак эди. Жасади дала-қирда хор бўлиб қоладиган одамлардан эмас у. Аттанг, аттанг...

— Айбдормиз, бек!

— Қаерда қолди?

— Бундан ярим кунлик йўлда. Нимага буни...

— Олиб келамиз. Ҳурматини жойига қўйиб, кузатамиз. У ана шундай ҳурматга муносиб. Агар шуниям қилолмасак,

мусулмонлигимиз, эл-юрт деб юрганимиз — бари-бари бекор бўлиб чиқади. Шунинг учун...

— Ўзим бошлаб бораман, — ота ўтирган жойидан сапчиб турди. — Одам берсангиз, ҳозир йўлга тушамиз.

— Ҳозир бормасангиз, кейин кеч бўлади...

Эртаси пешинга яқин улар қайтиб келди. Бек айтганидек, Фигонийнинг ҳурматини жойига қўйиб, охират диёрига кузатдик. Буни эшитган яқинроқ ҳудудлардаги қўрбошилар етиб келди. Фигоний кетаётиб ҳам бек, юрт фойдасига ишлади. Гап шундаки, унинг жанозасига келган қўрбошилар билан бек осон тил топишди. Шоирнинг мақсади шу эди, мақсадига етди. Энди охирати обод бўлсин!

Фигонийнинг ўлимидан сўнг бек анча вақтгача ўзига келолмай юрди. Чунки бундай улуф одамни, яқин маслаҳатгўйни йўқотиш ҳар ким учун осон эмасди. Маслаҳат ва йўл-йўриғи билан ҳар қандай масалага ечим топарди. Энди унинг ўрнини ким босади?! Ҳеч ким! Бундай зотлар онда-сонда бир келади. Катта иш олдида турган одамнинг у каби маслаҳатгўйдан айрилиши оғир. Таъбир жоиз бўлса, фалокатдан бошқа нарсамас. Шунини юракдан чуқур ҳис этган бек бир жойда тинч ўтиролмади. Оқибатда салга сиқилиб, жаҳл қиладиган, аксарият ҳолларда қовоқ уйиб юрадиган одат чиқарди. Буниси майли, ёмони, қўрбошилар иштирокидаги кенгашга кам вақт қолаётганига қарамай, тадорик кўриш ҳақида ўйламасди. Балки, ўйласа ўйлагандир, аммо буни ташига чиқаргани йўқ.

Кечки пайт. Дастурхон атрофида иккимиз ўтирибмиз. Унга чой узата туриб:

— Энди нима қилмоқчисиз? — сал жумбоқли гап қилдим.

— Нимани айтасиз, — бек ҳеч нимани тушунмаётгандек елка қисиб, юзимга тикилди.

— Адашмасам, қўрбошилар билан учрашувга оз қолди.

— Ҳа, оз қолди. Кейинги кунларда ўйим фақат шу.

— Мен бўлса...

— Тўғри, Фигонийни йўқотиш ҳаммамиз учун оғир бўлди, — узун «уф» тортди. — У нафақат мен, балки

Туркистон учун зарур эди. Афсус, уни асрай олмадик. Ўрнига бошқани жўнатсам бўларкан. Балки, шунда... Шуни ўйла-сам, ўзимни кечиролмайман.

— Ундан бошқа биров буни эплотмасди. Қолаверса, Худонинг битгани шу экан, биз нима қила олардик.

— Бунга ақлим етади. Аммо у кўрар кўзим, сўзлар тилим эди. Шу боис ўзимни худди қўл-оёқсиздек ҳис этаяпман. Унинг ўлиmidан сўнг шу туйғу билан курашаман.

Бек жим қолди. Беихтиёр дастурхон четида турган пиёлани қўлида айлантира бошлади. Пиёла фалак гардиши ёки арава филдираги каби бир меъёрда айланмоқда. Бу эрмак унга ёқиб қолгандек, тинмай айлантираверди. Қани, тўхта-са, дейман. Ниҳоят, тўхтади. Сўнгра пиёлани дастурхонга сирғалтирган кўйи ирғитди.

— Кўпларни унинг ўрнига тусмоллаб кўрдим, — ҳалиги пиёлани олиб, менга узатди. Тўлдириб чой қуйдим ва унинг оғзини пойладим.

— Бирортаси унинг ярминиям бўйлай олмади.

— Бундайи бу юртда бошқа йўқ...

— Аммо бири сал маъқул келиб турибди, — бу пайтда бек юзи сал ёришган, кўзига табассум югурганди. — Яхши танийсиз. Сотволди ота. Унга нима дейсиз?

— Ҳисобини олгансиз, ўзингизга маъқул бўлса бўл-ди-да, — дедим елка учуриб.

— Содда, самимий бўлиши билан бирга, бошлаган иши-га астойдил киришади, охирига етказмасдан қўймайди. Шо-ирнинг ёнида бир ойдан мўлроқ бўлди, буям изсиз кетма-гандир. Агар битта нарсани юқтурган бўлса ҳам бас! Бу бизга қўл келади. Бунинг устига тиш қоққан, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп татиган, демоқчиман.

...Шом қора тортган бўлишига қарамай, аёл совуқ қабр-тошни маҳкам қучган кўйи ўтирибди. Уйга қайтиш ҳақида ўйлаб кўраётгани йўқ. Маҳзун қиёфада ёзувни ўқиш иста-гида қабртошга кўз югуртирди. Қоронғу тушиб бўлгани учун ҳеч нарса кўринмади. Аслида эндиликда ўқиб ўтиришга ҳожат йўқ эди, чунки ёзувлар кўп такрорланганидан ёд бўлиб кетганди: «Туринг бегим, гуноҳларни юмайлик, босқинчи-ни она юртдан қувайлик!»



Бу — меҳр-муҳаббат, садоқат ифодасими, телбаликми — айтиш қийин. Иккисиям бўлиши мумкин. Агар шундай бўлмаганда, пешинда келиб, кеч тушсаям ўтирармиди.

Аёл қабр бошида экан, Сотволди ота тинчини йўқотганди. Ҳеч ким айтмаган бўлса-да, у бекнинг беваси учун ўзини масъул ҳисобларди. Бир гал қўшниларига аёл ҳақида гапира туриб: «Унга жавобгарман», деганди. Яна дедди: «Агар шуни эплай олмасам, бек олдида нима деган одам бўламан. Унинг ёнига қайси юз билан бораман!»

— Бек билан қўрбошилар ёнига бораётганимизда унинг соф табиатга уйғун қалб эгаси эканлигини кашф этдим, — ҳикоя бошлайди Сотволди ота. — Айниқса, кўм-кўк далақир, шарқироқ сойга мафтун бўлиб тикилиши ҳавасимни қўзғади. Ахир, одамларнинг булардан ҳайратланмай қўйганига кўп бўлган.

— Ота, сувнинг зилоллигини, бижирлашини қаранг, улуф мўъжиза! Эгарга бир ёнга оғиб жойлашган бек сойқондан кўз узмаган ҳолда қўли билан ишора қилди. — Тоғларимиздаги мангу музликлар, асрларга гувоҳ арчалар — ҳаммаси бетакроп. Ота, қандай гўзал юртимиз бор-а!

— Нимасини айтасиз, бек. Бу заминга Худойимнинг назари тушган. Йўқса, бунчалик бетакроп бўлмасди, деб ўйлайман.

— Уловларимиз ҳориди, ўзимиз ҳам. Шу сой ёнида тунаб қолсак, нима дейсиз? Табиатдан мириқиб баҳра олардик.

— Хўб иш бўларди, — бу таклиф ёқиб тушганидан отнинг жиловини бирдан тортдим. — Шу ерга қўнамизми?..

— Истагингиз, — бу пайтда тўхтаганди. — Отларга, ана, ўт-ўлан бор, — қўли билан сал наридаги қуюқ чимзорни кўрсатди. — Ўзимизгаям қулай жой.

— Бек, отни менга беринг, — икки жониворни етаклаб, нари кетдим. Чимзорга етгач, уларга яхшилаб тушов урдим. Сўнгра хуржундан ул-бул нарсаларни қулайроқ ерга олиб келдим. Ҳориган бўлсам-да, югуриб-елиб хизмат қилардим. Чунки беқдай одамнинг хизматини қилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Човгумда чой қўйдим, шўрва тайёрладим. Овқатланиб бўлгач, жой ташладим.

— Бек, йўлчилик, кўрпа-тўшак йўқ, — дедим хуржунни ёстиқ ўрнига қўярканман.

— Ота, ҳозир кўч-кўрон қилиб юрсак бўлмас, — ёнбошлаган кўйи деди бек. — Сафар тўрваси енгил бўлгани яхши.

Бек чалқанча ётиб олиб, юлдузларни берилиб томоша қилмоқда.

— Ана, яна бир юлдуз учди, — деди у болаларга хос қувонч ва ҳайрат билан.

— Ҳа, кўрдим, — уни севимли машғулотидан тўсмаслик учун. — Бу юлдузларни кузатишни хуш кўрасизми? — дедим ортидан.

— Болалиқдан одатим шу — юлдузларга боқиб, узун хаёллар сураман, орзуларга бериламан. Шу тутим ҳозиргача қолгани йўқ. Сал улғайганимдан кейин мадрасада ўқиб билдим: юлдузлар биздан шунчалик узоқда эканки, уларга етиб боришнинг иложи йўқ. Ҳар бири биз яшаб турган Ердан катта ва қадим. Минг-минг йил бурун яратилган. Уларнинг олдида биз — одамлар ҳозиргина яратилгандекмиз. Талашиб-тортишиб ўтказадиган умримиз бир тутамдир. Шуларни қанча ўйламайин, ҳеч тагига етолмайман.

— Буларни билишга бизга йўл бўлсин, оми бир одам бўлсам. Нега шу пайтда бирдан бунга қизиқиб қолдингиз?

— Кўрмайсизми одамларни: зўр кам зўрни ўлдириб, диёрини босқин қилган, талаган. Мана, ўрисни олайлик, шунча ери бўла туриб, бизга босқин қилмоқда. Кўз илғамас ҳудудсиз ерлари бор, сургундалигимда кўрганман. Кетаверасан, кетаверасан, аммо поёнига етиб бўлмайди. Охири йўқ экан-да, деб ўйлайсан. Ҳой, бас, бошқаларнинг ерига кўз олайтиргунча ўз ерингни обод қил, ҳалол йўл билан оилангни, халқингни боқ, шунда барака топасан, дейдиган одам йўқ.

Умуман, йўқ десам хато бўлади. Бор эди, ҳозир ҳам йўқ эмас. Аммо шайтон фитнасига учган нокаслар уларга қулоқ солармиди. Овозини баландатаверса, ўлдиради-да, қутилиб қўя қолади. Ана, Фигонийни шундай қилишди-ку. Қалб кўзи очик, ҳақ сўзни айтишга қодир одам бўлгани учун шундай қилди. Чунки босқинчи, қонхўрлар ҳеч бир замонда ўзига қарши боргани аяб ўтирмаган. Айниқса, ичини очик

китобдек ўқиб турганлардан ўлгудек қўрққан. Шунинг учун биринчи бўлиб қиличини ана шундай оқил инсонлар бўйнига урган. Ҳамма замонда шундай бўлган, ҳамма замонда! Қуроллар ўзгариши мумкин, аскарлик йўриқлари ўзгариши мумкин, аммо босқинчиларнинг бу тутуми шу ҳолида келмоқда.

— Бошқасини билмадим, лекин Фигонийни шу учун шаҳид қилганини биламан. Шу йўл билан озодлик оловини ўчирмакчи. Хомтама бўлмасин, сиздек, қўрбошилардек ёвқур ўғлонларимиз бор экан, бу олов пасаймайди, аксинча, баттар аланга олади.

— Бу аниқ! Аммо Фигонийнинг ўткир ақли биз учун ҳозир асқатарди-да.

— Бунга аминман! Муҳими, ўртага кўприк солиб кетди, раҳматли!

— Ота, узр, сизни урунтириб қўйдим. Энди дам оламиз, эртага ишимиз кўп...

— Маъқул, бек!

Шу ўйлар таъсирида анча вақтгача ухлолмадик. Бекнинг у ёқдан-бу ёққа ағдарилишидан буни билиб турибман. Ҳориган эканман, уйқу босди. Бекни, ўзимни, бутун борлиқни Яратганга топшириб, уйқуга кетдим.

Кенгашдан кўнглимиз унчалик тўлмасдан қайтдик. Бир нечта қўрбоши бекни ёқлади, унинг қўли остида ёғий билан курашишга розилик билдирди. Ўжарроқлари унамади. Бекни ёш билиб, унга қўшилишни ўзлари учун ор санади. Шу тобда Фигоний керак бўлди. Ҳеч ким кутмаган, айна чоғда рад этиб бўлмайдиган асосли фикрлари ила барини иттифоқ бўлишга мажбур қиларди, кўндирадди. Тўғри, бек қутулиш йўли фақат бирликда эканини асослаб берди, лекин керакли натижага эриша олмадик. Бироқ рози бўлганларнинг ўзи билан катта муваффақиятга эришиш мумкин. Шуларни тафаккур қилган бек ҳалигилар билан талашиб ўтирмади. Билганларингни қилинглар, дегандек барчасига қўл силтади.

Кенгашдан сўнг озодлик ҳаракати янада авж олди. Гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан яхши хабарлар келмоқда: Фалончи қўрбоши «қизил»ни босибди ёки икки қишлоқни ёғийдан тозалабди. Бу пайтга келиб қўрбошилар ҳаракатини уйғун-

лаштириб турган бек ана шу хушхабарлардан руҳланиб, ишга янада чуқур шўнғиди.

Баҳорнинг охирлари. Қароргоҳимиз тоққа яқин жойда-лиги ва бу йил ёғингарчилик кўпроқ бўлаётгани учун ён-атрофимиздаги дала-қирларда ўт-ўлан умуман сарғармаган. Одам белига бўйлашиб қолгани билан ҳалиям ям-яшил. Бундан руҳланган, айти чоғда кейинги кунларда тез-тез келиб турган хушхабарлардан шод бўлган бек қўрғон ичидаги хонасига сизмай қолди. Қўрғон ёнидаги тепаликка чодир қурди. Бир неча кунки, у ўша чодирда. Тепаликнинг ҳамма томонидан навкарлар ҳалқа қилиб, қуршовга олган. Ёғийнинг кутилмаганда босқин қилиш хавфи бўлмаса-да, шу чора кўрилди. Эҳтиёткорлик ортиқчалик қилмайди-ку...

Мадаминбек чодирда ёлғиз. Ташқарида одатдагидек майдалаб ёмғир ёғарди. Томчилар чодирга урилиб, «шитир-шитир» қилаётир. Бу ҳар қандай кишига, айниқса, шеърятга яқин одамга таъсир қилмай қолмасди, бу бекни ҳам четлаб ўтмади. Шунинг таъсирида у қўлига Фузулий девонини олиб, секин варақлай бошлади:

*Ақл ёр ўлсайди тарки ишқи ёр этмасмудим,  
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмасмудим...*

Ташқаридан келаётган овозлар уни машғулотдан тўхтатди. Китобдан бош кўтариб:

— Ким бор? Нима гап? — деди ташқаридагилар эшитадиган овозда.

— Бек, кимдир келди, — дедим чодир эшигидан ичкарига бош суқиб. — Навкарлар қўймаяпти, ана шунга...

— Ким экан, билинг қани?! —

— Ҳозир, — дедим-да навкарбоши ҳузурига ошиқдим. Айтишича, «қизил»лардан келган элчи экан.

— Яхшилаб текширдиларингми?

— Ҳа, текширдик, — деди навкарбоши. — Ёнида бекка аталган номаси ҳам бор.

— Унда, ўтказинглар...

Элчини икки навкар кузатиб борди. Чодир эшигидан мўралаб:

— Бек, элчи келибди, кирсинми? — дедим.

– Э, ота, нега мундоқ турибсиз, оп кириг, – бек Фузулий девонини ёлиб, уни сандиқ устига оҳистагина қўйди.

Турган жойимда:

– Кириг! – дедим амрона қилиб.

Элчи оддий ятак устидан тўн кийиб олган, бошига катта салла ўраган, белига водийча ханжар осиб олган ўрта ёшдаги киши экан. Шопдай мўйлови бор. У кириб келиб:

– Ассалому алайкум, бек! – деди-да, ўтиришни ёки шундай туришни билмай қолди. Чунки уни бекнинг сусти босаётганди. Ахир, бутун Ўрисияни ларзага келтирган бекдан ҳадиксирамай бўларканми.

– Ваалайкум ассалом!

– Марғилондаги қизил аскарлардан элчи бўп келдим.

– Буни билдик, – бу пайтда бекнинг пешонаси тиришиб, кўзида ғазаб учқунлаётганди. – Қаерликсиз?..

– Марғилонли...

– Биз ҳам ўша ердан.

– Биламан...

– Ажаб! Марғилондан сиздек улуғлар ҳам чиққан экан-да-а?..

Элчи кучли ҳаяжон ва қурқувдалиги боис бу қочириғни унча илғамади. Шу учун:

– Ҳа, чиққан... – деди. Ортидан: – Ватанимизга хизмат қиляпмиз, – деб қўшиб қўйди.

Унинг бу гапни қийналмасдан, хижолат бўлмасдан бемалол айтаётгани бекни баттар ғазаблантирди:

– Қайси Ватанни айтаяпсиз?! Ўрисга ўз қўлингиз билан топширган Ватанними?!

– Улар бизни ўз ҳимоятига олди, шу учун...

– Кимдан ҳимоя қиляпти сизни, бизданми?!

– Кўпчилик шундай қилди...

– Ҳамма жардан ташласа, сизам ташлайсизми?! Йўқ, алдаманг, сакрай олмайсиз! Ўламан, камида оёғим си-нади-ку, дейсиз. Ё, нотўғрими?! Нега шуни ўйлаб кўришмайди-а одамлар...

Ота, кўряпсизми, халқимизнинг фикри қанчалик тубан, – энтикиб нафас олаётган бек бир муддат жим қолди. Сўнг:

— Қандай юмуш билан келувдингиз, ўзи? — деди бу гал сал босиқлик билан.

— Мана бу номани, — у белбоғини ечиб, унга ўралган қоғозни қўлига олди. — Шунингизга етказишни топширишди.

— Кўрайликчи, нима дейишибди.

Чаққонлик билан элчининг қўлидан номани олиб, бекка узатдим:

— Марҳамат бек!

— Бу одамнинг иззатига етиб, кузатиб қўйинглар, — деди бек номани очаркан. Ўқий бошлади: «Қўрбоши Мадам-минбекка шунингиз маълум қиламизки, сизнинг халқ орасидаги нуфузингиз, эришган ютуқларингизни рус ҳукумати эътироф этади, қадрлайди. Айни чоғда қўл остингизда катта қўшин борлиги бизга маълум. Аммо бу ҳудудда бетартиблик келтириб чиқармоқда. Шунинг учун сиз билан учрашиб, муҳокама қилишни таклиф этамиз. Ўйлаб кўриш учун вақт бор. Розини бўлсангиз, ёзда Тошкентда музокара ўтказамиз. Сизнинг вазиятингиздан келиб чиқиб, аниқ вақтни белгилашни ўзингизга ҳавола этамиз.

Сизни уринтириб қўймаслик учун ёзнинг бошларида бу ҳақда яна бир бор эслатамиз.

Сизга мустаҳкам соғлик ва саломатлик тилаб, Қизил армия капитани А. А. Козлов».

Номани ҳалиям қўлида тутиб турган бек маслаҳатлашиб олиш керак, деган хаёлга борди. Аммо ким билан?! Қўрбошиларнинг кўплари от суриш ва қилич чопиш, умуман, «кофирни ўлдириш керак», дейишдан бошқасини билмайдиган оми, тўпори одамлар. Аммо шу топда Фигоний керак бўлди-да, .

Ҳа, у бўлганда, номани бир ўқишдаёқ ўриснинг муродини тушунар ва шунга қараб, чора кўрарди. Аттанг, аттанг...

Нима қилса бўлади?! Бу лаънатиларнинг мақсади нима экан?! Бирон шумликни бошламоқчимиз?! Ё икки оёғи бир этикка тиқилгани боис ростан келишув қилмоқчимиз?! Ахир, бутун Ўрусия салтанатида қаршилиқ ҳаракати авж олган. Агар шундан келиб чиқилса, чини билан келишмоқчи бўли-

шиям мумкин. Янаям бу «қизил» ўйинчиларни ким билади, олдиндан айтиш жуда мушкул...

Шу каби ўйлардан сиқилган, боши ғовлаган бек ташқари қараб баланд овозда бақирди:

— Ким бор?..

— Шу ердаман, — деб эшиқдан ичкари мўраладим.

— Ота, кириш, гап бор. Гаплашиб олишимиз керак.

— Қанийди ақлим етса, — деб бекнинг рўпарасига чўккаладим.

— Биласизми, ота, булар нималарни ёзибди?!

— Билмасам, — елка учирдим.

— Келишиб олайлик, Тошқанда учрашамиз, учрашув вақтини ўзингиз белгилайсиз, дебди. Ҳар тарафлама ўйлаб кўраяпман, аммо аниқ тўхтамга келиш қийин бўляпти. Яна ҳийла қилиши мумкинми?..

— Мен билмадим. Аммо Фигоний ўла ўлгунича бу фитнакорлардан ҳушёр бўлиш керак, деб ўтди. Ҳатто бир сафар: «Бу лаънатилар бол бериб, заҳарлайди, қучиб туриб, биқинингга ханжар санчади», деганди. Шундан келиб чиқилса, шошилмасдан ўйлаб олиш яхшими, дейман, бек!

— Бу аниқ! Шошмасдан ўйлаб кўрамиз. Учрашув ёз бошида, кунини ўзимиз белгилаймиз, — унинг пешонаси тиришиб, менга беихтиёр тикилиб қолди. Шу кўйи гапида давом этди: — Вақтини белгилаш осон, Тошқан бориш ҳам муаммо эмас. Аммо бу ҳийла бўлиб, бизни қатл этса ёки қамоққа олса, кейин нима бўлади. Агар бормайдиган бўлсак, қулай бир имкониятни қўлдан чиқариб юбормаймизми?!

Ё хатарга йўлиқамиз, ё мақсадга етамиз! Шундай эмасми, ота?!

— А, нима, дедингиз, бек?

— Мен сизга гапирсам, сиз...

— Ақлим етмасаям, буни ким билан маслаҳатлашса бўлади, деб ўйлаб тургандим, — ўзимни оқлаш учун ҳаракат қилдим.

— Топдингизми?! Ким билан кенгашсак бўлади?!

— Тўғриси, кулгуга йўйманг, бек. Ўйлаб-ўйлаб ҳеч кимни тополмадим. Аммо келин билан, аёлингиз билан бир маслаҳатлашиб кўрсангиз бўларкан. Оқида, айрим фикрла-

ри билан Фигонийга ўхшаб кетадими, дейман. Тагин, ўзингиз биласиз...

— Ҳа, ота, — бек «қаҳ-қаҳ» уриб қулиб юборди. Кўзидаги ёшни артар экан. — Буниям ўйлаб кўрдим. Бунга ҳали вақтимиз бўлади...

— Маъқул ўйлабсиз.

— Энди кўрбошиларга нима, деймиз? Айтмасдан кетсак, бу инсофдан бўлмас! Бунинг устига кўпчиликдан бирон жўяли фикр чиқиб қолса ажаб эмас.

— Уларгаям айтиш керак. Баъзи бировлари бор, биздан яширди, деб тўнини тескари кийиб олади. Шу боис уларни, албатта, хабардор қилиш зарур.

— Раҳмат, ота! Сиз билан гаплашиб, фикрларим анча тиниқлашди.

— Ҳеч нарса қилмадим-ку...

— Ўзингиз билмайсиз-да...

Кўрбошиларга хабарчи кетди. Орадан ўн кунча ўтиб, бек ҳузурида ўндан зиёди жам бўлди. Кутилганидек, улардан жўяли фикр ёки таклиф чиқмади. Айримлари бекни огоҳ бўлишга чақирди, холос. Бошқа бирлари эса: «Бизга келишув керакмас, охиригача курашамиз», деди. Шундай қилиб, аниқ фикр бўлмади. Буни аниқлаштириш яна бекнинг ўзига қолди.

Кутилган кун келди. Тоғ этагида жойлашганимиз учун иссиқ бизга унча билингани йўқ. Лекин текисликка — қишлоққа бориб келганлар жуда иссиқ эканини айтди.

Бек аёли билан шарқироқ сой бўйида кезмоқда. Улар ҳалиги масалани — Тошканга бориш-бормасликни гаплашаётгани аниқ. Бугун шунга нуқта қўйишмоқчи.

— Кўзга ташланиб қолибди, — деди бек сойдан қўлига сув олиб, юзини юваркан.

— Нимани айтасиз? — аёл аввалига гап нимадалигини унча англамади. Кейин бекка ва зудлик билан қорнига қараб олди. — Одамни уялтирманг, — деди ним кулги билан.

— Нимадан уяласиз. Яқинда она бўласиз-ку...

— Ўзингиз ота... Унгача ишларимиз ўнгидан келиб, юртимиз тинчиб қолса, бўлгани. Болам тинч ва осуда заминда, бахтиёр ҳаёт кечиришини истайман.



— Орзуйим шу! Шунинг учун Тошкан боришга қарор қилдим. Ўрис минг ҳийлагар бўлгани билан бу гал бундай қилмас, деб турибман. Қўлимиз ҳар жойда улардан баланд келмоқда. Ўрусиядан мадад келиши амримаҳол. Чунки бутун салтанат бўйлаб ўзига қарши ҳаракатлар авж олган. Уларга кўмак келиши соғ ақлга сирмайди. Шунини тафаккур қилган ўрис зобитлари бизни чорлаб, келишиб олмоқчи.

— Шундайдир, аммо эҳтиёт бўлишнинг ёмон жойи йўқ.

— Очиғини айтинг, сизни нима ташвишга солаяпти? Бунинг устига бир ўзим бормайман, ёнимда шерикларим бўлади. Баримизни ўлдирмаса керак.

— Мадаминбек битта...

— Тушунмадим.

— Сизни ўртадан кўтарса, бошқаларни эплаш қийин бўлмайди уларга.

— Бу гал ҳийла қилишмайди. Чунки ўзларининг аҳволи танг, дедим-ку.

— Шундай бўлсин, ишқилиб. Шу боис боришингизга қарши бўлмадим. Боринг, уларнинг ниятини билинг. Аммо эҳтиёт...

— Аббо, шунини кўп айтингиз-а. Майли, дедим-ку.

Учрашув вақтини ўзимиз белгилашга белгиладик, аммо шу кун қачон келади, деб роса интиқ бўлдик. Атайлаб қилгандек кунлар судралиб қолди. Беҳаловат бўлиб, ташқарига чиқаман, навкарлар билан гурунглашаман, яна алламбало юмушлар билан чалғийман, лекин вақт ўтмайди. Бек аҳволи бундан беҳ эмас. Буни кўпроқ очиқ ҳавода ўйчан юрганидан билиш мумкин эди. Кейин Фузулий девонига ёпишади, яна дала-даштга чиқиб кетади.

Бунинг устига учрашув олдидан ҳарбий ҳаракатлар деярли тўхтаган. Балки шулар бўлганида, бироз чалғиримдик, вақт югурик елдек ўтармиди, дейман ўзимга ўзим. Кейин тинчлик бўлгани яхши-ку, ахир, шу учун кураш олиб бормаяпмизми, деб ўзимни янийман.

Ниҳоят, кутилган кун келди. Олдиндан пухта тайёргарлик кўрганимиз боис вақт бўлиши билан йўлга тушдик. Ҳаммининг кайфияти чоғ. Фақат бек оти — Саман юрсамми-йўқми, дегандек тихирлик қиларди.

— Ота, буни кўрмайсизми, — деди бек ҳали қароргоҳдан узоқламай туриб. Қизилга ишга киришдан олдин буни қимматига сотиб олибман-а. Ана шундан бери ҳамроҳим. Шу пайтгача қаёққа бошласам, бош бурмасди. Бу гал нима жин урди, тушунмадим. Одамни роса қийнаб юборди.

— Ҳоригандир-да, бек, — бошқа нима дейишни билмадим.

— Ҳориб нимага ҳорийди. Кўпдан бери ҳеч қаерга минмадим.

— Балки сал мазаси йўқдир. Сал юрса, очилиб кетади.

— Қанийди шундай бўлса...

Айтганимдай бўлди. Юрган сари Саман ўзига келаверди. Бора-бора ҳар галгидек йўрға юриш қилиб, бошқа отларни орта қолдира бошлади. Бундан кўнглимиз жойига тушди.

Тошканга шу кайфиятда кириб бордик. У ердаги ажойиб манзаралар ва келишимиз шарафига кўрилган тайёргарликдан янаям шод бўлдик. Кўча ва йўлақлар ораста кўринишда. Йўл ёқаларидаги турфа гуллар кўрган кўзни қувонтиради. Бир гуруҳ ўрис аскарлари пешвоз чиқиб кутиб олгани баридан ошиб тушди. Шу ерлик бир одам: «Водийдан Мадаминбек келаётган экан, буларнинг бари унинг шарафига қилинди», деб кейинги кунларда бу ерда амалга оширилган ўзгаришларга изоҳ берди.

Димоғимиз чоғ бўлиб, шаҳар бўйлаб илгарилаяпмиз. Шу пайт бек:

— Ота, ҳозирлик зўр-ку, — деди юзи ёришиб. — Кутмагандим, аммо...

— Ё қудратингдан, бу қанақаси бўлди, — ён-атрофни мароқ билан томоша қилардим. — Бундайини ҳеч кўрмаганман. Кимдандир эшитгандим: Овропада пошшоларни, таниқли кишиларни ана шундай тантаналар билан кутиб оларкан.

— Лекин мен на пошшоман, на таниқли одам...

— Ундай деманг, бек, баридан аълосиз. Сиздай одам пошшолардан беҳ бўлса бор, аммо кам эмас.

— Ота, бундай гапларни қайдан топасиз-а. Э-э, эсимдан чиқибди, Фигонийнинг суҳбатини олгансиз-ку. Ундан юққан. Тўғри, топдимми?

Энди жавоб бермоқчи эдим, кутиб олишга чиққан аскарлардан бири:

— Хў-ў, ана, бинога жойлашасиз, — деди. Гапим оғзимда қолди. Ҳалиги аскар кўрсатган томонда пишиқ фишдан кўтарилган салобатли бино қад ростлаб турибди. Ён-атрофига ҳар хил дарахтлар ва гуллар экилган. Бино айланасига темир панжара билан ўралган бўлсаям пичоқли милтиқ тутган аскарлар ҳар тарафдан ҳимояга олган.

Бинога кираверишда бир нечта зобит кутиб турган экан. Улардан бири — бекка нома ёзган Кузлуф дегани ўз тилида гап бошлади. Улар хизматига кирган бир ўзбек йигити тилмочлик қилди.

— Бек, таклифимизни қабул қилиб, бу ерга келганингиз учун раҳмат, — деди зобит.

— Мураса йўли турганда, ўжарлик қилиб, сўғишда давом этиш, сизга айтсам, нодонликдан бўлак нарса эмас.

Кузлуф унинг гапириб бўлишини кутиб турди, кейин тилмочга қаради. Тилмоч сўзма-сўз ўгириб бергач, чапак чалиб олқишлади.

— Ҳаққи рост! Тинчлик турганда, урушга на ҳожат. Сиз ўйлаганимдан оқил экансиз. Сиз билан музокара ўтказиш, биз учун фахр. Ўйлайманки, тил топишамиз.

— Шу учун келдик-ку, бу ерга.

— Икки томонни ҳам қаноатландирадиган келишувга эришамиз, деган умиддамиз. Сир бўлмаса, қандай талабингиз бор? Қандай шарт қўймоқчисиз бизга? — айёрон кулиб, елка қисди. — Тўғри, буни генерал билан учрашганда айтасиз. Ҳозир шартмас, майли, айтманг.

— Бунинг яширадиган жойи йўқ. Мақсадимиз — Мухторият! Шунини очиқ-ойдин айтишга келдик.

— Бошлиқ билан учрашганда ўзингиз батафсил тушунтирасиз-да, бек.

— Унга бошқа айтадиганларимиз ҳам бор!

— Албатта, барчасини айтасиз. Фойдали келишувга эришамиз. Энди ҳурматли меҳмонлар, мана шу бинода ҳордиқ чиқарасиз. Бир неча кун йўл босиб келгансиз. Мулозимлар — кўзи билан бир нечта ўзбек йигитларига ишора

қилди — сизнинг хизматингизда бўлади. Нима хоҳласангиз, барини муҳайё қилади.

— Иззат-ҳурмат учун раҳмат!

— Бизга рухсат, ҳали қиладиган ишларимиз бисёр.

Бекка алоҳида хона ажратилган бўлиб, бу ерда Овропадан келтирилган турли жиҳозлар кўп. Юмшоқ ўриндик, стол-стул, диван, китоб жавонининг ҳар бири ўзига хос эди. Биз ишлатадиган фонус ўрнидаги ўзи ёниб-ўчадиган чироқ баридан аъло. Бекнинг эътиборини кўпроқ жавондаги китоблар ўзига тортди.

Ҳар хил кўриниш ва қалинликдаги китобларни ҳақиқий хазина, деса бўларди. Бек уларни бир-бир варақлаб кўрди. Аммо бироз ўтиб, ушбу машғулотдан зерикди, шекилли, ўриндиққа келиб ўтирди ва қўлига Фузулий девонини олди.

— Буларнинг бари ўрис тилида экан, — деди у девонни варақларкан, — Қимматбаҳо китоблар. Қани, шулар она тилимизга ўтирилса-ю онгимиз очилса, дунёни борича танисак.

Биз ҳозир ҳайрат билан томоша қиляётган бу нарсалар, хусусан, манов чироқ — буларнинг ҳаммаси илм қувватидан.

— Ростан ғаройиб экан, — дедим бошқа сўз тополмаганимдан.

Агар мулозим кириб қолмаганида, билмадим, қанча вақтгача бу ердаги жиҳозлардан ҳайратланиб ўтирардик. Бек уни кўргач, «хизмат», дегандек боши билан ишора қилди. Хизматкор чечан экан:

— Бу ерда кўрганингиз ҳали ҳеч нарса эмас, — деди у. — Бошқа хоналарда ажабтовурлари бор.

— Нима, бизни сайр қилдирмоқчимисиз? — деди бек ва ўрнидан сал қўзғалиб қўйди.

— Йўқ! Ҳали томошага улгурасиз.

— Унда нима?

— Ужин, кечки овқат вақти бўлди. Бошлиқ топшириғига кўра сиз учун махсус дастурхон тузатилган. Танаввул қилсангиз, бизни шод қилган бўласиз.

— Мезмон кўнглига қараймиз. Нима дедингиз, ота?!

– Йўлда ҳорипманми, ҳолсизланиб кетяпман.

– Унда, бундай турмайлик, кетдик...

Дастурхонни болашибди. Йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар хил мева-чева, овқатлар, яна номи бу ердагиларга маълум бўлмаган егулик ва ичимликлар. Хизматкорлар югуриб-елмоқда. Бундай дастурхон фақат пошшолар учун тузатилиши мумкин, дейсиз. Меҳмонларнинг кўпи ана шундай фикрда эди.

– Яна кимдир келадиганми? – деди бек бир хизматкорни тўхтатиб. – Мезбонларнинг ўзи, мисол учун, бошлиқ ёки зобитлар.

– Йўқ, – деди хизматкор. – Фақат сиз учун. Кўнглингиз тусаганидан еб, ҳордиқ чиқаринг. Эртага иш кўп бўлади.

– Қандай ишни айтасиз? – бек кўлида бир бош узумни тутгани ҳолда хизматкорга ўтрилди.

– Эртага бошлиқ қабул қилади-ку.

– Буни бизга ҳеч ким айтмабдиям.

– Мана, айтдим. Қолаверса, эрталаб зобитлар келиб, хабардор қилади.

– Унда, вақт кам экан. Ҳали фикрларимизни жамлаб олишимиз зарур.

– Яна бир гап, бек. Музокарада ўзингиз тарафдан иштирок этадиган тўрт кишининг исм-шарифини беришингиз керак. Биз, – хизматкор ҳушёрлик қилди, – бу тарафдан ҳам тўрт киши бўлади.

Хизматкор ўз иши билан кетди. Бек у кетган томондан кўз узмай ўйга чўмди. Кейин:

– Ота, хизматкор бўлсаям ҳаммасидан хабари бор кўринадими, – деди.

– Шунақага ўхшайди.

– Ўзи, бу хизматкорми, ёки...

– Ҳуфямасмикан? Хизматкор кўринишида бизни назорат қилаётган бўлмасин, тагин.

– Ҳар нарса бўлиши мумкин. Майли, уям ўзининг ишини қилаяпти. Ҳозир эртага бўладиган учрашув ҳақида ўйлаганимиз яхши. Фикрни пешлаб олмасак, уялиб қоламиз.

— Талабларимизни қоғозга тушириб қўйдингиз-ку, — дедим яна нима иш бўлиши мумкин, дегандек қилиб. — Шуларни айтсангиз ҳам бўлар.

— Талабларимиз жиддий. Қани кўрайликчи, қандай қабул қилишаркан. Кўнса, хўш-хўш. Кўнмаган тақдирдаям талабимизни очиқ-ойдин айтганимиз қолади. Шунинг ўзи катта гап.

— Айтиш керак, ҳа, айтиш керак!

— Бўлди, бўлди, — бек қўлини баланд кўтарди. Ҳозирга мунозара етади. Таомларни маҳтал қилиб қўймайлик. Қоринни тўқлаб олсак, янаям яхши фикрлар келади.

Кечки овқатдан кейин иш кўпайди. Бек барчамизни йиғиб, бирма-бир фикримизни сўради. Музокарада қатнашадиган тўрт кишини аниқ қилди.

Улар исм-шарифини ёзиб, ҳалиги хизматкор орқали генерал қароргоҳига жўнатди. Энди фақат ҳаёт-мамот учрашувини кутиш қолганди.

Қабул вақтидан илгарироқ етиб бордик. Бу ердаги асагани кўриб, роса кутиб қолмасак, деган ўй ўтди ичимдан. Аммо бундай бўлмади. Бошлиқ деганлари баланд бўйли, ҳарбийча либосда янаям тик кўринадиган киши экан. Шоп мўйловли, юзи сал кулимсиб туради. Самимий одамга ўхшади, аммо ҳалиги ним кулги унинг пихини ёрган, ўзига жуда пишиқ, айни чоғда айёрлигидан далолат берарди. У қўли билан ишора қилиб, бизни ичкарига таклиф этди. Ҳар биримиз алламбало ўриндиқларга жойлашдик. У гапни узоқроқдан бошлади:

— Йўл узоқ, чарчаб қолмадингизми? Кеча яхши ҳордиқ чиқардингизми?

— Раҳмат, ҳаммаси дуруст, — деди бекнинг энсаси қотиб.

— Демак, Мадаминбек ўзингиз?! Таърифингизни Москвада туриб, кўп эшитдим. Энди эса юзма-юз ўтирибман. Хўп, жасоратингиз бор экан. Бошқа бўлса, бу ерга келармиди-йўқми, билмадим. Гарчи, бизда хавфсизлик тўлиқ кафолатланса-да, сал-пал одамнинг бунга жасорати етмасди.

Яна бир бор тасанно жасоратингизга!

— Бу мақтовга арзимайди.

— Тасанно, боз устига камтар экансиз. Айтинг-чи, бек, бундан олдин қаерда ишлагансиз? — билиб туриб, атайин сўраётгани унинг юз-кўзидан яққол сезилиб турарди.

— Менми, мен «қизил»да миршаб бўлганман.

— Миршаб бошлиғи, денг. Бундан кетишингизга қараганда, жиддий асосингиз бўлган.

— Ҳа, бор! Ватан озодлиги! Ёки шунинг ўзи етмай-дими?!

— Бундай сафсатани кўп эшитдим, ҳаммаси бўлмагур, баландпарвоз гап. Шу даъвода юрганларга мол-дунё ёки мансаб ваъда қилса, бас, ҳалиги гап-сўзларни дарров унутади.

— Балки, бировлар шундайдир, аммо бизмас. Бугун мақсадимиз аниқ! Шу қутлуғ йўлга кирдик, энди охиригача борамиз! Гарчи, булар сизга жуда баландпарвоз бўлиб туюлар, лекин биз йўлимизни белгилаб олганмиз!

— Аччифингиз чиқди-я, буни сездим. Тўғриси, сизни шундай тасаввур қилгандим, адашмабман.

Энди буларни бир четга суриб турамиз. Асл ишга ўтсак.

— Тўғри, ишдан гаплашганимиз дуруст.

— Унда, талабларингизни эшитайлик. Агар бизнинг мақсад-муддаога мос келса, албатта, келишув қиламиз. Қани, бошланг!

Бек генералнинг юз-кўзига билдирмай бир қур назар ташлаб олди. Шу орқали унинг ичини — мақсадини ўқимоқчими ёки унга ишонмадими — бунга бирон нарса дейиш қийин. Аммо шу аниқ эдики, бек нима бўлсаям барча талабини шарта ўртага ташлашга қасд қилганди. Унинг ёнида кўпдан буён юрган одам сифатида кўзида чақнаган ўтдан буни англадим. У ўзига хос шахт билан:

— Ота, келтиринг! — деди. Шу менга етарли бўлди. Ўтирган жойимдан эпчиллик билан туриб, биздан сал қуйида ўтирган шеригимиздаги қоғозларни олиб келиб, бекнинг қўлига тутдим:

— Олинг, бек...

Навбат энди ўзига келганини, таъбир жоиз бўлса, босим ўтказишнинг айни мавриди эканини сезиб турган бек қоғозларни атайлаб, шошилмасдан титкилай бошлади. Қўлида

қоғозлар кўп бўлмаса-да, ҳудди ўзига керагини тополмаёт-гандек машғул бўлиб турди. Бундан уларнинг бетоқат бўлиб, юзлари қизара бошлаганини кўрсангиз эди. Мана, ниҳоят, у ўзига керакли қоғозни топди гўё. Сўнг шошмасдан, вазминлик билан гап бошлади:

— Мана улар, керак пайтда топиб бўлмайди. Шу ерга, — у қўлида тутиб турган бир вароқ қоғозга ишора қилди, — барча талабимиз ёзилган. Унчалик кўпмас. Дарвоқе, бу талаблар биргина камина — Мадаминбекнинг эмас, барча қўрбошилар, умуман, бутун аҳолимиз истагидир. Айни чоғда биз буларни тўғри, деб ҳисоблаймиз! Шу боис одамларимиз билан ҳузурингиздамиз.

— Бек, маҳтал қилмасдан, айтсангиз бўларди қандай талаблар экан?

— Ундан олдин яна бир гап. Ҳаммасини бир йўла муҳокама қиламизми ёки биттадан?

— Биттадан. Ҳаммаси бир бўлиб, бизга оғирлик қилиб кетмасин, тағин.

— Биринчи истагимиз мухторият!

— Шуни кутгандим. Бунга розимиз, аммо бир жиҳати ноаниқ. Қўқон мухторияти деганда сиз қайси ҳудудларни — қайси шаҳар ва қишлоқларни назарда тутяпсиз?

— Албатта, собиқ Қўқон хонлиги ҳудуди.

— Бу масалада анча чалкашликлар бор.

— Қандай чалкашлик?

— Биласиз, сиз айтган ҳудудларнинг бир қисми айни пайтда бизнинг назоратимиз остида. Шунинг учун ушбу масалада шошма-шошарлик қилиб бўлмайди. Кенгашиб олишимиз зарур. Умуман, мухториятга қаршимасмиз. Аслида бунинг қийин жойи йўқ.

— Иккинчиси миллий гвардия билан боғлиқ. Шароитдан келиб чиқиб, ўн мингдан қирқ минггача аскар сақлаш. Улар камина — Мадаминбек қўл остида бўлади. Қурол-яроғи марказий ҳукумат томонидан таъминланади.

— Миллий гвардия денг, миллий гвардия! Сиз айтган сон кўп эмасми?! Беш, ҳа, борингки, ўн минг етиб ортади.

— Бу айтганингиз зарурат бўлганда, ҳимояга ночорлик қилади.



— Нега бизни ҳисобга олмаяпсиз. Иттифоқчи сифатида ҳар қандай вазиятда сизга — мухториятга ёрдам берамиз. Майли, сазангиз ўлмасин, бу ҳақда яна ўйлаб кўрамиз, балки сонини кўпайтириш имкони бўлар.

— Ўқув-ўқитув ишлари маҳаллий ҳукумат ихтиёрида бўлади, ўз она тилимизда иш юритилади.

— Бу ҳаққингиз! Ҳар қандай халқни тили, дини ва урф-одатларидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

— Талабларимиз — шу! Агар рози бўлсангиз, иттифоқчи бўламиз. Аксинча бўлса, курашда давом этамиз!

— Булар муаммо эмас, — бошлиқ чапак чалиб, ўрнидан турди, — Айримларини бироз ўзгартирсак, бўлди, иш би-тади. Энди гап бундоқ, ҳозир бориб, қароргоҳингизда дам олаверасиз. Биз эртагача бу ҳақда марказ билан гаплаша-миз. Розилик беришса, бас, марра сизники, бек, — унинг юзида айёрликка ўхшаб кетадиган ҳалиги ним кулги яна пайдо бўлди. Шу тобда менга унинг икки кўзидан иккита шайтон кулиб қараб тургандек туюлди. — Кейин эса шарт-нома тузамиз. Сиз тарафдан тўрт, биздан ҳам шунча киши имзолайди. Биринчи гада, албатта, иккимиз.

Тунни минг бир ўй ва ҳаяжонда ўтказдик. Эрталаб генерал хонасида яна жам бўлганимизда ҳали бунинг таъ-сиридан қутилмагандик. Чунки кўп нарса ҳозир бошлиқ айтадиган гапларга боғлиқ эди. У хурсанд. Таниш ним кулгу билан сўз бошлади:

— Марказдан зўрға розилик олдик. Сал бўлмаса рад қи-ларди-я. Мадаминбек ишончли одам, розилик бермасак бўл-мас, деб роса курашишга тўғри келди. Муҳими, удаладик.

— Ҳамма шартимизгами? — бекнинг унчалик ишонма-ётгани сезилиб турарди.

— Албатта, ҳаммасига.

— Кеча айримларини сал ўзгартиш керак, дегандингиз, шунга.

— Буни ўйлаб кўрдик, ўртоқлар билан маслаҳатлашдик. Сал ўзгаргани билан моҳияти шуку, деб ўз ҳолида қолдир-дик. Фойда бўлса, сизга бўлсин, дедик.

— Бунинг учун ташаккур! Худо насиб этса, бизда қолиб кетмас.

— Фақат битта ўзгариш. Миллий гвардия сонини ўн минг қиласиз, шунга зўрға рухсат беришди.

— Буям маъқул.

— Мана, иш битди. Энди мана бунга, — у қўлидаги икки нусха қоғозга ишора қилди, — имзо қўйсак, бас. Кейин муваффақиятли келишувимиз шарафига базмни бошласак бўлаверади.

Бошлиқнинг шу гапини кутиб турган мулозим чаққонлик билан унга сиёҳдон тутди.

— Ўзим бошлаб имзолайман, — у кутилмаган абжирлик билан қўлидаги патқаламни сиёҳдонга ботирди. — Мана, мундоқ, — дея имзолади.

— Бунчалик тез ва осон битишини хаёлимга келтирмагандим, — бек икки нусха қоғозни синчиклаб ўқиди ва имзолади. — Буларнинг барчаси учун, жаноб, сиздан миннатдормиз!

Ҳамма имзолади. Шартнома нусхаларидан бири уларда, иккинчиси беқда қолди. Шундан сўнг қароргоҳга қайтишга рухсат тегди. Бек бугун ётиб, эртага қайтиш фикрини айтди. Бошлиқ розилик билдирди. Ташқарига чиқарканмиз, у зарур бир гап эсига тушиб қолган одамдек таққа тўхтади ва:

— Бек, — деди. Барчамиз тўхтадик. Шуни кутаётган генерал гапида давом этди: — Бунга, тагин, нотўғри тушунманг. Ҳозир водийда қанча қўрбоши борлигини биласизми?

— Йигирмага яқин. Нима эди?

— Улар ҳам биз ҳақимизда ёмон фикрда юришгандир?

— Аниқ билмадим...

— Аммо муносабатимизни кўрдингиз. Ҳеч қандай ёмонлигимиз йўқ. Шуни уларга айтинг. Шунда ўртадаги тушунмовчиликка чек қўйиш мумкин. Тез орада дўстлашиб кетамиз.

— Албатта, етказаман. Аммо баъзилари...

— Бунга биламиз. Бунда сизнинг ёрдамнингиз керак. Тузилган шартнома сизга тобе қўрбошилар учун ҳисобга ўтади. Бошқаларга тушунтирсангиз, хўп иш бўларди. Русларнинг нияти ёмон эмас, улар билан келишув қилса бўлади, дейсиз, тамом. Сиздан илтимосимиз — шу! Розини бўлган-

ларни бу ёққа таклиф этамиз, ҳурматини жойига қўйиб, кутиб оламиз. Талаби бўлса, бажарамиз. Ўзингиз буни кўриб турибсиз.

— Жуда қайсар улар.

— Сиздан айтиш, биздан таклиф қилиш. Биз ҳеч нима йўқотмаймиз-ку. Шундай эмасми? Келса, бош устига, кел-маса, ўзлари билади. Бундан сира ёмонлик кўрмайди. Ёки сиз кўрдингизми?

— Йўқ.

— Ана, балли! Шуларни етказинг. Яна бир бор айтаман, бу — илтимос.

— Буни бажараман. Яқинда кенгаш бор, ҳаммаси келади. Мавридини топиб, тушунтираман.

— Шундай қилинг, бек! Қачонгача бир-биримизни нотўғри тушуниб, қирғинда давом этамиз.

— Шуни айтаман-да. Бизга, халққа уруш керакмас, тинчлик зарур!

Тонгда водийга қайтдик. Ҳамманинг кайфияти чоғ, айниқса, бекнинг. Ахир, неча йилдан буён орзу қилинган мухториятга, озодлик ва тинчликка эришган одам шод бўлмайдами?! Албатта, шод бўлади. От устида хурсанд ҳолда келаётган бек ён-атрофга, далаю қирларга не-не орзулар билан узоқ тикилади.

Қур диёр келажаги ҳақида ўйлаётгани аниқ. Катта натижаларга эришиб қайтаётганимиз ҳисобга олинса, шундай. Нима бўлгандаям у жуда қувончда эди. Ана шу кайфиятда сўз бошлади:

— Ота, бунчалик осон ва тез бўлади, деб ҳеч ўйламагандим. Наҳотки, озодлик, мухторият шунчалик яқин турган бўлса...

— Мен ҳам ҳайратдаман, бек! Умуман, кўнмайди, деб ўйловдим. Лекин ҳаммаси хамирдан қил суғургандек осон кечди.

— Бирон шумлик қилишмадими, ишқилиб?

— Ундаймасдилов. Шартнома имзоладик-ку. Хатта тушдинг, ўтга тушдинг, дейишади.

— Ҳа, асосимиз бор, — бек шартнома қоғози солинган ўнг кўкрагига уриб, ишора қилди. — Агар оғзаки ке-

лишув бўлганида эди, ҳа, энди айти-қўйдида, деса бўларди. Шартнома бор. Шунинг учун кўнгилни бўлмаган дуруст.

Қароргоҳга келганимиздан сўнг ҳақиқий тантана бошланди. Чунки, зўр натижага эришгандик, камида ана шундай ўйлаётгандик. Аммо бунга бек аёли биринчи бўлиб шубҳа қилди:

— Бунга ишонқирамай турибман, — деди у бекдан тап тортмай. Иккимиз гапни тўхтатиб, бирдан унинг оғзига қараб қолдик.

— Нимани айтаяпсиз? — бек ўзини босиқ тутишга ҳаркат қиларди. Чунки аёлининг гапи: «Келишувларинг ҳам, имзолаган шартномаларинг ҳам ҳеч нарсага арзимади», дегандек жаранглаганди. Қилган ишингизни ҳеч балога арзимади, деса ҳар қандай кишининг жаҳли чиқиши тайин. Ҳалиям бек босиқлик қилди, юмшоқ гапирди. Балки, бўйида борлиги учун уни аягандир...

— Ҳар қандай фикрни эшитиш керак, бунинг зиёни йўқ, тўғрими, ота? — деди менга ним кулги аралаш.

— Биринчидан, — аёл мавриди келганда гапириб олай, дегандек давом этди, — уларнинг бунчалик осон таслим бўлиши соғлом ақлга ҳеч тўғри келмайди.

— Шунга мажбур эди. Салтанатнинг ҳамма ёғида озодлик ҳаракатлари авж олган. Шунинг учун бу ерга марказдан ёрдам келмаслиги аниқ. Шундай экан, уларнинг кўнишдан бошқа иложи йўқ эди.

— Кейинчи, — хотинига давом этинг, дегандек ишора қилди.

— Кейинми, кейин, бунинг тагида катта шумлик бор, деб ўйлайман. Агар Фигоний...

— Фигоний бўлганида шундай гапни айтиши мумкин эди. Ҳушёрлик яхши, аммо ортиқчаси зиён келтиради.

— Уларнинг ён берганидан хурсанд бўлдим, шартномадан ҳам, — шу гапларни айтаётган аёл бир нуқтага тикилиб, бир муддат жим бўлиб қолди. Унинг мулоҳаза қилаётгани шундоқ кўриниб турибди, буни ташқаригаям чиқарди: — Бу орқали нимани кўзлаган бўлиши мумкин? Шуни чуқур ўйлаб кўрайлик, деяпман. Бунинг нимаси ёмон, — у

сал ранжиганини билдириб, намойишкорона ташқарига чиқиб кетди.

— Ота, келинингизни тушуниш керак, оғироёқ. Ўшанга тез аччиқ бўп қолган.

— Э-э, шунақами, муборак бўлсин!

— Аччиқ қилганига ранжиманг, дейман-да...

— Нега ранжирканман, қайтанга хурсанд бўлдим. Аёл боши билан биз ҳақимизда қайғуриб, шуларни айтаяпди-ку. Муҳими, сиёсатни яхши билади, сиёсатга тиши ўтади.

— Нима дейсиз, ота? — бу пайтда бек анча ўйчан бўлиб қолганди. Шу боис такрор сўради: — Нимани айтаяпсиз?

— Йўқ, ўзим, — унга ҳалақит бергим келмади.

— Ўрис бу орқали нимани мўлжал қилган бўлиши мумкин?

— Менинг бундай нарсаларга тишим ўтмайди. Билганим шуки, келин дуруст гап айтди аммо...

— Ўйлашимиз, топишимиз зарур! Яна қўрбошилар билан учрашувга яхшилаб ҳозирлик кўришимиз керак.

— Эртадан кейин йўлга тушамиз. Ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган, — бу орқали бекни тинчлантирмоқчи бўлдим. Гарчи, у хотиржамдек кўринса-да, ичи алғов-далғов бўп ётганини сезаётгандим. Ахир, менинг ичим шунча ёняпти-ку, уники ёнмасинми...

Кенгаш ўта жиддий ва тортишувли ўтиши кутилганди, шундай бўлди. Қўрбошиларнинг бека қовоқ уйиб, ёв қараш қилишлари ҳаммасидан ошиб тушди. Буни хонага кириб борганимиздаёқ фаҳмладик.

— Бек, Тошкан бориб, ўрис билан опоқ-чопоқ бўпсизми? — кинояли гап ташлади биринчи қўрбоши.

— Тошкан боришимиздан ҳамманинг хабари бор эди-ку...

— Буни билардик. Аммо нима бўлишини, масалан, сизнинг келишиб олишингизни фол кўрмапмиз.

— Келишув қилган бўлсак, бунинг нимаси ёмон? — бек бу ерда нима бўлаётганини тушунмаган кўйи қўрбошиларнинг юзига бир-бир назар солиб чиқди. — Мен бундан хурсанд бўласиз, деб ўйлагандим. Келишув якунида мухто-

рият ҳақида шартнома имзоладик. Мана, у, — ёнидаги ҳалиги қоғозни чиқарди, — Ҳаммаси шу ерда ёзилган.

— Ўрис сизга нима ваъда қилди?!

— Айтяпман-ку, озодликка эришамиз, ўз миллий армиямиз бўлади...

— Бизнингмас, сизнинг...

— Индаманг, гапириб олсин, — деди иккинчи қўрбоши. — Ахир, яна нималарга эришганимизни билиб қўяйлик.

— Хуллас, мухториятга эришамиз. Мана, бу қоғозда шулар ёзилган.

— Бек, сиздан кутмовдик, ёвга ён босибсиз, — деди учинчи қўрбоши.

— Ёнбосмадим. Ростдан ҳам илиқ кутиб олишди. Талабимизни айтган эдик, ўйлаб кўриб, рози бўлишди. Мана, бор гап шу. Ёмон одамлармаскан, ҳали борсангиз, ўзингиз кўрасиз.

— Нима, ҳали бизам борамизми? — деди биринчи қўрбоши.

— Таклиф қилишмоқчи эди, шунга айтдим. Ҳали замон одам келар, деб ўйлайман. Боз устига, тайинлашимни илтимос қилди.

— Бизга боринг, дейсизми? — иккинчи қўрбоши чийиллаб бақирди.

— Борсангиз, ёмон бўлмас. Сўғишдан баримиз чарчадик. Келишадиган вақт келди.

— Ана энди ҳаммаси тушунарли бўлди, — чапак чалиб юборди учинчи қўрбоши. Кейин қаттиқ бақирди: — Ўзингиз сотилдингиз, шу камми?! Энди бизниям сотмоқчимизми?!

— Нималар деяпсиз? — бек кўзлари катта-катта очилди. Айни чоғда юзи қизариб, бўғилаётганди.

— У ёқдаги одамларимиз тўғри айтган экан, — янги чиққан қўрбоши гапга қўшилди. — Бизни Тошкан чорлаб, ўрисга тутиб берасиз, топдимми?! Ана мақсадингиз! Шартнома қилдим, деб оғиз кўпиртирасиз, аслида эса ниятингиз бузуқ!

— Ўз биродарларимни сотаманми?! Шундай бўлди, дейлик, бундан менга нима наф?

— Буни ўзингиз биласиз. Бизни ўртадан кўтариб, бутун ўлкага якка ҳукмдор бўлмоқчисиз! «Қизил» ҳамтавофингиз шуни ваъда қилдими?!

— Тухмат қилманг!..

— Бизни лақма, деяпсизми?! Ҳали Тошкандан келма-сингиздан бурун одамларимиз буни бизга етказди. Бизни уларга тутиб бермоқчисиз. Лекин хомтама бўлманг, бунга йўл қўймаймиз!

Бек ғазабдан титрай бошлади:

— Ўз сафдошингизга бундай тухмат қилишдан уялма-дингизми?! — ғазаб билан ерни қаттиқ-қаттиқ муштлади. — Мен ҳеч қачон бундай пасткашлик қилмайман!

— Шу қилганингиз пасткашлик, хоинлик бўлмаса, нима тағин?! — деди учинчи қўрбоши. — Бошқадан кутсак ҳам сиздан кутмовдик, аммо...

Ён-атрофдагилар ҳам: «Тўғри!», «Хоин!», «Пасткаш!», дейишди. Айни чоғда қўрбошиларнинг кўзлари қисилиб, ғазаби тошиб келмоқда эди. Буни кўриб, ҳис этиб турган бек энди бу ерда қолиш мумкин эмаслигини тушунди. Шартда ўрнидан турди:

— Бу ердан кетганим бўлсин! Қандай улуғ ниятлар билан келувдим-а, аммо...

— Боринг, кетинг!..

— Хоинга орамизда жой йўқ!..

Охирги гапни янги қўрбоши айтди. Унинг бу сўзидан баданимга илон ўрмалагандек сесканиб кетдим. Шунданми, ичимга қурқув оралади. Ахир, буларнинг қўлидан ҳар бало келади.

Бежиз хавотирга тушмаган эканман. Кенгашдан шайтон уясидан қочиб чиққандек ташқарига отилдик. Отларга миниб, ортимизга қараб чоптирдик. Анча йўл юрдик. Бек жим бормоқда, у гапирадиган аҳволда эмаслигини билиб турибман. Ахир, унинг шаънига не тухматлар бўлмади. Бунча гапдан кейин ҳар ким мустар бўп қолиши аниқ. Ҳалиям бек иродали экан. Ўзини тутиб олди, чиройи сал очилди.

— Ота, не умидлар билан келувдим-а, — деди бек Саманнинг ёлини силаб қўяркан. — Дунёда нималар бўлаётганини тушунмайди булар. Мен эса аҳмоқ бўлиб, буларни

бирлаштираман, деб юрибман. Бу «қора ботирлар» ҳеч қачон муросага келмайди.

— Менимча кимдир уларнинг фикрини бузган, — дедим бекни зимдан кузата туриб. — Бўлмаса мунчаликка боришмасдиёв.

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман. Ким бўлиши мумкин?! — у ён-атрофга бир зум тикилиб турди. — Топдим, бу ўрис!

— Қанақасига?

— Эътибор қилмадингизми, бир қўрбоши Тошкандаги одамларимиз етказди, деди-ку.

— Нима, ўрис билан тили бир, дейсизми?

— Йўқ!

— Унда...

— Уларниям тузоққа туширган. Икки ёнлама тузоқ — бу! Бу ёқда бизни, у ёқда қўрбошиларни...

— Қандай қилиб?

— Қўрбошиларни бизга қайраган. Одамлари орқали биз ҳақимизда ҳалиги сохта гапларни етказган. Ўлганнинг устига тепган қилиб, биз уларни Тошкан боришга чорлабмиз.

...Иблислар, мана нимани ўйлаган.

— Қайтиб бориб, қўрбошиларга шуларни айтсак бўлмай-дими.

— Энди уларни кўндириб бўпсиз. Ўлса ўладики, бу гапга ишонмайди.

— Шундай кетаверамизми?

— Бошқа нима қилардик. Ўйлаб кўрсам, ўзимиздан ҳам ўтибди.

— Биз нима қипмиз?

— Ўрис билан ҳам, қўрбошилар билан ҳам ҳушёрроқ гаплашиш керак эди. Шунга эътибор бермабмиз, аттанг...

Саман безовталанди, гапимиз бўлинди. Тинчгина келатган жонивор гоҳ пишқирар, гоҳ сувлиқни тишлаб, орта тисариларди. У қаршимиздаги дарага киришни истамаётганди. Буни бир қарашда билдик. Шунга қарамай, бек сир бой бермади:

— Ота, буни нима жин урди...

— Билмадим... Лекин юргиси келмаяпти.



— Нега юргиси келмайди? — бек ҳаммасини билиб туриб, билмасикка олаётганди.

— Оёғи тортмаяпти, тамом! Жонивор бир нимани сезган.

— Энди шуни деб ортга қайтмаймиз-ку. Бошқа йўлимиз ҳам йўқ.

Менга қолса, ортга қайтардик. Аммо бекнинг ўжарлиги тутиб, ноилож дарага кирдик. Узун сайҳонлик. Икки ёни баланд қир билан қуршалган. Фақат олдинга ва ортга юриш мумкин, икки ёнга чиқиш иложи йўқ. Бундан Саманнинг безовта бўлганини кўрсангиз эди. Гўё қафасга тушиб қолгани-у ундан қандай қутилишни билмаётгандек ўзини ҳар ён уради.

Ҳа, жонивор-а, сен сездинг, биз сезмадик. Сен қайғурдинг, биз эса йўқ.

Саманнинг безовталанганича бор экан. Даранинг тахминан яримларига етганимизда, йўл чапга қайрилди. Буримдан ўтишимиз билан олдимиздан беш-олти отлиқ чиқиб келди. Жонивор уларни кўриб, баттар типирчилади.

Орқалиқ қисқариб бораверди: икки юз, юз, элик, ниҳоят, ўн одим қолди. Икки тарафдагилар ҳам тўхтади.

— Бизда нима юмушингиз бор? — дедим юрак ҳовучлаб. — Бу киши кўрбоши...

— Биламиз, — деди улардан бири. Кўзигача қалин соқол қўйган, қараши совуқ бу кимсанинг ҳар қандай ишдан таптортмаслиги пешонасига ёзиб қўйилган эди.

— Бизни кофирларга сотадиган сенми? — деди у.

— Ҳеч кимни сотмадик, — деди бек унга тик қараб.

— Бу сотиш бўлмаса, нима яна?!

— Мақсадларинг нима?

— Ана, отинг сезиб турибди-ку, наҳотки, сен сезмадинг?!

— Нодон эмасман.

— Билган бўлсанг, калимангни қайтаравер.

— Ялинмоқчи эмасман. Аммо икки рақат намоз...

Йўлтўсарлар буни кутмаганди. Шу боис бир-бирига энди нима қилсак, дегандек тикилишди. Сал туриб ҳалиги қалин соқоллиги:

— Майли! Бунга ҳар бир мўминнинг ҳаққи бор. Шунча кутдик, яна сал кутсак, осмон узилиб тушмайди, — деди-да шерикларига кўз ташлаб чиқди.

Улар билан олишишнинг фойдаси йўқ, қочиб қутилиш ҳам имконсиз. Шу боисдан бек ҳаммасини бўйнига олган одамдек тутарди ўзини. Аввал, сой бўйида таҳорат олди. Кейин белбоғини ерга ташлаб, номозга киришди. У номоз билан машғул экан, бирон чорасини топмасак бўлмайди, деган ўй менга тинчлик бермасди. Аммо нимаям қилар олардим. Буларнинг ҳар бири девдай келса. Биргина йўли бор. Уни бу ердан, ажал комидан Саман олиб чиқиши мумкин. Шу ўйда жонивор ёнига бориб, ёл аралаш бўйнию бошини силай бошладим. У ҳайвон бўлсаям бир нималарни уққандек менга қараб-қараб қўярди. Боши билан «Маъқул!» дегандек ишора қилганичи.

Ҳа, от барига тайёр. Энди бек кўнса, бас. «Йўқ, ёвдан қочаманми!» деб оёқ тираб олмаса бўлди. Уни яқиндан билганим учун шу ўйда эдим. Бекнинг орқа томири тортишса, томом, уни ҳеч ким изига қайтаролмайди. Ҳозир-ку йўлтўсарлар бешта экан, ўнтасидан ҳам қочмайди. Буни умуман хаёлига келтирмайди. Ана шундай феъли-хўйли бу одам.

Номоздан фориг бўлган бекка Саман ёнида туриб, имо қилдим. У буни кўриб, кўрмасликка олди. Шошилмасдан белбоғини боғлади. Кейин шашт билан қиличини қинидан чиқариб, ҳалигиларнинг устига ташланди.

— Нима, осонгина ўлиб кетади, деб ўйловдингми? — деди-да биринчи дуч келганининг нақд гарданига қилич солди. Бечора бирон сўз айтишга улгурмасдан «шало» этиб ерга қулади. Қолган тўрттаси уни ҳалқага олди. Тез рўй берган воқеадан ақлим шошиб, жойимда қотиб қолдим. Мендан кўра, Саман ақллироқ, жасоратлироқ чиқди. Қаттиқ қишнаб дарани ларзага келтириб, эгасига ёрдамга ошиқди. Этиб боргач, олд оёқларини кўтариб, бировининг бошига ташлади. Бошқасига оғзи билан чанг солди. Жонивор қанча ўлиб-тирилмасин, бекни қутқариб қололмади. Ҳалиги қуюқ соқол бекнинг орқа томонидан елка аралаш қилич солди. У орқага ўгирилганида, бошқа бири қорнига санчди.

— Нима қилиб қўйдиларинг, нокаслар?! — энди ўзимга келаётгандим. — Эл қаҳрамони, ҳалоскорини ўлдирдингми?!

— Қанақа қаҳрамон, — деди ҳалиги қуюқ соқоли. — Қаҳрамон бўлса, ўзининг сафдошларини сотадими?!

— Сотмаган! Бу ўрис найранги. Баримизни чув туширди, лаънатилар! Бунинг учун ҳали кўп афсус ейсиз. Халқнинг умиди бекдан эди. Баримизни умидсиз қолдирдинглар. Шу қилмишингиз учун дунё турғунича номингиз лаънат билан эсланади...

— Бўлди қил, қари эшак! Хоинни ўлдирдим, бунинг учун сираям афсус чекмайман.

— Ҳали вақти келиб кўзинг очилади, шунда нима қилиб қўйганингни тушунасан, аммо унда кеч бўлади, кеч...

Бизни шу ҳолда қолдириб, улар кўздан ғойиб бўлди. Қизифида унча ҳис этмагандим. Ўзимга келгач, мудҳиш воқеа бўлганини англаб, кенг оламга сифмай кетдим. Худди боладек бек жасади тепасида хўнг-хўнг йиғлайман. Дара ларзага келди. Саман ҳам кўз ёш тўкарди. Икки кўзидан ёш сизиб оқарди. А, бечора, шу учун безовта бўлган экансан-да, шу учун дарага киргинг келмаган-да. Биз, одамлар шуни билмапмиз-а, ҳис этмапмиз-а...

Қўрбошиларнинг бариям бекка қарши эмасди. Кенгашда жим ўтириши билан биз тарафда эканлигини билдирганлариям бор эди. Улардан бири хавотирланиб, ортимиздан одам жўнатди. Улар фожеа устига келиб қолдилар. Бир тарафдан бу яхши бўлди. Ёлғиз ўзим, йўқ, Саман иккимиз энди нима қилишни билмай қарахт эдик. Чунки шу топда биз учун ҳаёт тугаган, бошқа ҳеч нарсанинг қиммати қолмаганди. Барига қўл силтаб кетишдан олдин яна бир муҳим ишни қилиш керак. Бек жасадини қароргоҳга етказиш, иззатини жойига қўйиб, охират диёрига кузатиш зарур.

— Маййитни яқинроқдаги қишлоққа қўйган дуруст, — деди мулласифат бир йигит.

— Уни ўзининг жойига олиб бормасам бўлмайди, — эътироз қилдим. — Аёли ўша ерда.

— Яқин бўлса, қани эди. Борадиган жойингиз олис. Жасад бузилмасин, деяпман. Кунни қаранг, ёниб кетди.

Бекка азоб бериб, у ёқларга судраб юрманг, ота! Маслаҳатим шу.

Ўйлаб кўрсам, мулла йигит тўғри айтди.

— Майли, шундай бўлсин, — дедим. — Аммо сиз айтган қишлоқни умуман билмайман-ку.

— Бирга борамиз.

— Худо ярлақасин сизларни!

Барака топишсин, манзилга етказиб қўйишди. Ўзлари кирмади. Сабабини оддий қилиб тушунтирди:

— Бу қишлоқ қўлдан-қўлга ўтиб туради. Ҳозир ўрис назоратида. Шу боис кирмаганимиз маъқул. Сиз ҳам бекнинг кимлигини ҳеч кимга айтманг.

Маййитни қабристон қоровули билан бирга қўйдик. Шу кеча унинг уйида қолдим. Эртаси азонда бу ерда бўлганларни бек аёлига етказиш учун йўлга чиқдим. Борарканман, унга нима дейман, қандай тушунтираман, деб қийналардим. Ахир, бу осонмас! Бекдай одамни ўлди, дейиш қанчалар оғир. Начора, бошқа илож йўқ, борини айтаман...

Шундай бўлди. Қасд қилиб борганимга қарамасдан, сал каловландим, чайналдим. Нималар бўлганини ички бир сезим билан билиб турган аёл:

— Ота, энди яширадиган ҳеч нарса қолмади. Гапирмай-сизми, мундоқ, — деб ғазаб қилди. Барини эшитгач, биқинини чангаллаган кўйи ерга қулади.

Фалокат бир келса, қўша келади. Бекнинг фожиали ўлимини эшитган аёл ҳомиласидан айрилди. Бир неча кун у билан овора бўлдик. Орадан бироз ўтиб ўзига келгандек бўлди.

— Ота, нега бўйнингизни қисасиз, сизда ҳеч қандай айб йўқ-ку, — деди хотиржамлик билан. Аслида унинг бу хотиржамлиги тугёнлардан олдинги сокинлик эди. Бу бек қўйилган жойга, айниқса, қабр бошига борганимизда тўла намоён бўла бошлади.

— Ота, агар кетаман десангиз, кетаверинг. Мен шу ерда қоламан, — деди эртаси эрталаб.

— Бегона жой бўлса, таниш-билишлар йўқ...

— Нима қипти...

— Бунинг устига қишлоқ «қизиллар» қўлида экан.

– Энди менга фарқи йўқ. Бек қаерда бўлса, мен ўша ерданман.

– У энди...

– Фарқи йўқ, дедим-ку. Унинг гўрини қўриб ётаман. Сиз кетаверинг, ота.

– Менам қоламан.

– Сиз нима қиласиз бу ерда? – аёл буни беҳуш одам-дек айтди. Бундан бир чўчиб тушдим. Иккинчи томондан хавотирим ошди. Унга бирон гап бўлса, кейин нима қиламан. Бек уни менга омонот қилиб қолдирган. Ўз оғзи билан айтгани йўқ. Чунки айтишга имкони, фурсати бўлмаганди. Жон таслим қилаётиб, хира тортаётган кўзлари билан шуни ишора қилди, ҳа, шундай бўлди. Йўқ, ишора қилди эмас, шуни менга амр қилди. Шундай экан, аёлни ташлаб кетолмайман, ташлаб кетмайман.

Қишлоқда эгалари ташлаб кетган уйлар кўп экан. Тез-тез бўлиб турган тўқнашувлар одамларни бу ердан бош олиб кетишга мажбур қилган. Шу боис бек аёли учун ҳовли топишга деярли қийналмадим. Ундан икки ҳовли наридан ўзим учун жой топдим. Унга қараб туриши учун бева бир аёлни – Ҳалимани арзимаган нарсага ёлладим. Бечора аёл: «Ҳеч нарса олмасдим, аммо нима қилай, эримни қизиллар ўлдирди, уч бола билан қолиб кетдим», деб кўзига ёш олди.

Шундай қилиб, қишлоқда қолиб кетдик. Кўп ўтмай шаҳардан мраммар тош келтириб, бек қабрига ўрнатдик. Нотинч замонда бунга ҳожат йўқ эди. Аммо бек аёлининг ҳоли маълум, кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда. Мени-да боғлаб қўйган эмас. Биздан кейин келадиган авлодлар қўрбоши қабрини тополмасдан, сарсон бўлмасин, дедик. Тошга бек исми-шарифини, «Туринг бегим, гуноҳларни ювайлик, босқинчини она юртдан қувайлик», деган байтни ҳамда қилич суратини ўйдирдик.

Бекнинг шу ерга қўйилганини қанча сир сақламайлик, тез орада овоза бўлди. Замон нотинч, одамлар соясидан қўрқиб қолганига қарамай, ҳалиям жасорати ўлмаган юрт ўғлонлари ҳар жойдан зиёрат учун келиб турди. Бундан хабар топган қишлоқ оқсоқоли гўрни буздирамиз, деб туриб олди. Хўп ялиниб, қайтардик. «Ҳар кимнинг борар жойи

шу, раҳматлини шундан бебаҳра қилсак, инсофдан бўлмас», дедик. Оқсоқолнинг инсофи, имони бор экан, бу гапимиздан мумдайд эриди. «Фақат бу ерда кўп айланишманглар!», деди. Биз рози бўлдик.

Оқсоқолга сўз берган бўлсак-да, ҳар куни эмас-ку, тез-тез боришга одатландим. Саодат ҳам шу. У кейинги кунларда янаям ғалати бўлиб қолди. Олдинлари бек ёнига кетяпман, деб айтарди. Энди ҳеч кимга билдирмай боришга ўтди.

— Яна йўқми? Яна қабр бошига кетгандир-да, — Ҳалимага ўзи қачон чиқиб кетганди, деган маънода қарадим.

— Эрталаб...

— Қабр бошида шунча қоладими?

— У ерда йўқ. Пешиндан сўнг хавотирланиб, бориб келдим.

— А, унда...

— Билмадим, ота, билмадим.

— Шом бўлди, қаерда экан-а? Бекнинг олида нима деган одам бўлдим.

— Ота, кечиринг...

— Сизда айб йўқ, қизим.

Саодат келавермади. Ноилож Ҳалима иккимиз кўчаларни, адирларни қараб чиқдик. Қабристонга бориб келдим. Ҳеч қаерда йўқ. Қушга айланиб, кўкка учдими, ё ерга кириб кетдими?! Менинг аҳволимни кўриб, бечора Ҳалима ер чизиб, мустар бўлди. То тонггача иккимизнинг бўларимиз бўлди. Худди тикон устида ўтиргандек типирчилаб чиқдик. Ташқаридан келаётган ҳар бир овозга қулоғимизни динг қиламиз.

Саҳар мардонлаб бир томонга осилиб қолган ёғоч эшик «ғийчиллаб» очилди. Иккимиз ташқари отилдик. Қабристон қоровули экан. Унинг ранги оқариб кетган, энтикиб-энтикиб, зўрға нафас оларди.

— Топилдими? — дедим ҳовлиқиб.

— Топилди, аммо, — деб қоровул каловланди.

— Нима?..

— Худо сабр берсин...

— Нималар деяпсиз?..

– Бекнинг ёнидаги очиқ гўрда жон таслим қилибди. Гўр анча чуқур бўлгани учун кеча кўрмаганмиз.

– Аттанг, аттанг...

– Қайтанга руҳи энди ором оладиган бўлди, бегининг ёнига кетди.

– Менгаям фақат шу таскин берапти.

Уни бек ёнига, ўзи жон берган гўрга қўйдик. Замон нотинч бўлгани боис жанозасини уч-тўрт киши бўлиб ўқидик. Бошқа маъракалари қарз бўлиб қолди.

Бу ерда бошқа қиладиган ишим қолмади. Орадан бирикки кун ўтгач, беқдан қолган ягона омонатни – Саманни етаклаб қишлоқдан чиқдим. Анча жойгача пиёда бордим. Кейин отга миниб, қамчи босдим. Қаёққа кетиб бораётганимни эса билмасдим. Ўзи, борса бўладиган, тинч жой қолдими, бу ўлкада?!

Ортга бирон мартаям қарамадим, қарай олмадим. Қарасам, бек: «Ота, сизам кетяпсизми, бери келинг!», деб чақириб қоладигандек, кейин шу ерда бир умр қолиб кетадигандекман гўё. Кетяпман, уфқдан кўз узмай кетяпман. Хаёлимда худди Фигонийнинг гапларига ўхшаш фикрлар айлана бошлади: «Бекнинг кимлиги, жасорати ва қилган ишлари, ушалмай қолган орзулари тўғрисида одамларга ҳикоя қилиб бериш керак. Токи уларнинг қалб кўзлари очилсин. Қачондир бу элдан яна юрт озодлиги йўлида жонини берадиган авлодлар бўй кўрсатиши учун ҳам шуни қилиш зарур! Ана шунда жасоратли авлод етилади. Бу қачон бўлади, буни билмадим, аммо бир кун бўлади, ҳа, бўлади! Фақат бир шарт бор: озодлик ва истиқлолни шунга энг муносиб авлодгина юзага чиқаради! Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас!»

Тилимда: «Туринг бегим, гуноҳларни ювайлик, босқинчини она юртдан қувайлик!», деган калима айланарди...



## ОҚ ЎТОВНИНГ МУНГЛИ ЎЛАНИ

(қисса)

Етти йилдан бермаган йўл қараб йиғлайман. Оқ ўтов эгасига атаган қулуним тулпор бўлди, келмайдими? Келса, оёғи остига суяман, деб боққан кўзим кўчқор бўлди, келмайдими? Ҳар саҳар ташқари чиқаман, кўлимни пешонага тираб, кунботарга узоқ тикиламан, бир қора кўринмайди. Ичкари кираётиб, тагин, келаётган бўмасин, деб ортга қараб-қараб оламан. Ўтов гирдига улоқ-қўзиларни кўтанлаётиб яна олисларга кўз тикаман, ҳеч зоғ йўқ...

Ширин-ширин овқатлар пишираман, келиб қоларми, дейман. Ҳар кун кадига сут соғиб, қатиқ қиламан, ичадиган одам бўлмади, халтага солиб, чакки қилдим, саратонда келса, чалоб қилиб бераман, дедим. Халталарим тўлиб кетди, неча марталаб кувида мой қилдим, охири эриб кетди, келмади. Овқат айнимасин, деб тийишини ҳар куни ит олдига ташладим. У бировнинг ҳаққи, деб емади. Барибир умид қилиб юрибман, бовримда ана шу илинжни тугиб юрибман. Шундан берисига ухламадим, ғафлатда ётганимда келиб, остонада маҳтал бўлмасин, деб тўрғайдан эрта турдим. Ҳар куним неча йилга тенг бўлган етти йилдан берисига тирик-ўлигимни билмайман. Фақат бир нарса аниқ: бош-адоғи кўринмайдиган дала-қир орасидаги кигизи боврим каби илма-тешик, оқи номигагина қолган ўтовга бир қора кўланка беҳиёл кириб-чиқаверади, кириб-чиқаверади. У ким, дейсизми? Садағангиз кетай, бу қора кўланка мен — Ойбуви шўрлик.

Ўлсин дунё, бир замон қандай эдим-а. Не бирдай бўз йигитлар изимга тушмади. Бари бир сўзимдан умидсиз бўлди. Фақат Эгамберди полвонга индамадим, ҳеч нима демадим. У умидвор бўлиб йўл пойлади, овлоқ жойга чиқишимни интиқ бўлиб кутди.



Баҳорнинг охири. Бир шомда санглоққа эндим, сув олиб чиқай, девдим. Ўйноқи сув тошдан-тошга сакраб оқар. Бирам тиниқ, бирам зилол, қўлимга сув олиб, юзимни чайдим. Бошимдаги рўмол билан артдим. Шу пайт ортимдан отнинг энгил кишнаши, тугёқ товуши эшитилди. Ўгирилиб, кўрдим: полвон от устида чўққидай бўп ўтирибди. Суқланиб, ҳадик билан термулади. Шошиб қолдим. Билсам, сочим елкамга тарам-тарам ёйилиб тушибди. Уялдим, рўмолни бошимга ўраб олдим.

- Ундай қилма, – деди полвон.
- Нимани айтаяпти? – дедим даф-даф титраб.
- Рўмолинг ҳўл-ку, шамоллаб қоласан.
- Буни қаердан билибди?
- Анчадан бери қараб турибман, биламан-да.
- Меңда нима иши бор?
- Ўзинг шомда санглоқда нима қилиб юрибсан?
- Сувга чиқдим...
- Мен эса сувчини...
- Бундай масалада гаплашмайман. Эгам – ота-энам бор.

Агар гапи бўлса, уларга учрасин.

- Улар кўнса...
- Мен билмайман...

Уялдим, кўрқдим. Ортимга қараб чопдим. Ўтовга етган жойда энам дуч келди.

- Шомда қаерларда юрибсан, ер ютгур, – деди.
- Сойга эндим.
- Сойга борган бўлсанг, сувидашинг қани?
- Э-бий, анави кеп қолганди, сувидашни эсимдан чиқариб, чопқиллаб келаверибман.
- Кимни айтаяпсан?
- Анави, Эгамберди... Ҳозир бориб оп келаман.
- Бўлди, тек ўтир, укангни жўнатаман, оп келади.

Шу гап етарли бўлди, шошиб ўтовга кирдим. Нафасим тиқилиб қолган экан, энтикиб-энтикиб ҳавони симирдим, ўзимга келдим. Аммо буни – полвон билан бўлган учрашувни унутолмаётгандим. Чибор отга бургутдай қўниб, салобат билан гапириши, билдириб-билдирмай тергаши ҳаёлимдан кетмади. Қанча уринмай фойдаси бўлмади. Шу кеча

уни ўйлаб ётдим, қозондай қайнаб ётдим. Уни илк бор тушда кўрдим, гўёки ҳушда кўрдим. Эмишки, кунчиқар ёқда тикилган оқ ўтов кўзни қамаштириб ял-ял товланар. Бу ўтов кимники, қандай жой, деб ўйланаётганмишман. Сўнг туш бирдан ойдинлашди: оқ ўтов менга, келинга атаб тикилган эмиш. Ясан-тусан қилиб, от устида шодон бораяпман. Қаба-тимизда Эгамберди полвон-да бор. У жуда хурсанд, пўрим кийиниб олган. Мўйлов қўйиб олгани хўп ярашибди. Бир кўзини сал қисиб, ҳаммани кузатарди. Кейин билсам, бу унга болаликдан одат экан. Хулласи, иккимиз, э-э, йўқ, меҳ-мону мезмон барчамиз бир бўлиб оқ ўтовга ошиқаяпмиз. Қиз-жувон чилдирма чалиб, ўлан айтди:

*Оқ ўтов тикдим сенга,  
Келабер, ҳеч ўйлама!  
Оқ ўтовга содиқ бўл,  
Ташқарига бўйлама!  
Оқ ўтов, ҳой, оқ ўтов,  
Маликангни қабул қил!  
Оқ ўтов эмас тушов,  
Сен уни табаррук бил!*

Тушим ўнг чиқди. Эгамберди полвон тараф ота-знам галини олдими, дейман тез орада у ёқда оқ ўтов тикилди. Одамлар: «Зўр ўтов бўпди», деди. «Зўр бўлса, бориб кўрамиз», деб сир бермадим. Улар янглишмабди. Бордим, кўрдим, тушдагидек ўтов экан. Кийизи оқ туя жунидан пишиқ ийланган, гирди Кўкқамишқўл қамишидан чийланган. Керага, чанфорағи қора тоддан урилган. Ердаги қалин пўстаклар ўтовга кўрк бўлган. Сандиқ устига тахланган кўрпатўшакни чевар момолар майда қилиб қобиган.

Шу ерда яшайман, деган ширин орзиқиш ичимни қиздирди. Кўп ўтмай оқ ўтов кулгуга тўлди, оқ ўтов шод бўлди. Келин-куёв бўп кулдик, ўйнадик. Бу орада бир ўғил кўрдик, ойдаи ўғил, кундай ўғил. Мақсадга етиб юрайлик, деган умид билан уни Мурод деб атадик. У оқ ўтов қувончига айланди. Ён-атрофимизда ўтовлар, ўчоқлар кўпайди, қуримиз кенгайди...

...Эҳ-ҳе, оқ ўтовнинг қанчадан-қанча қувончи бор эди, бари бир зумда соп бўлди. Оқ ўтовдек оппоқ орзуларимиз бор эди, бари бирдан қора тортди. Оқ ўтовнинг-да, менинг-да орзуларимиз оқ эди, оппоқ эди, токи, токи...

Бу қиссани, яъни Эгамберди полвон ва Ойбуви воқеасини болаликда қишлоқ кексаларидан кўп эшитганман. Бирови берилиб, жўшиб айтар, бири эриниб, кесиб айтарди. Аслида, бу воқеа ўтган асрнинг йигирманчи йиллари бошида Бойсунтовдан жанубга қараб эниб келаверишда ястаниб ётган кенг адирликда кечган. Бу ерда ўзбек халқининг қўнғирот тоифаси боши аниқ бўлмаган замондан бери истиқомат қилиб келади. Бу ёғи Бойсунтов, нарёғи тоғдан қолишмайдиган қир билан ўраб олинган кўз илғамас кенгликларда чорва боқиб, шунинг ортидан кун кўради. Ал-помиш биздан чиққан деб доим кўкрагига уради.

Айтишларича, ўша йили қиш қаттиқ келган. Ёши юз билан бўйлашиб қолганлари ҳам бунақаси охириги элик-олтмиш йилда бўлганлигини эслай олмаган. Бир ойлар чамаси қуёш бўй кўрсатмайди, ер бетини муз тўсади. Тез-тез бўладиган этдан ўтиб, суякка етиб борадиган изғиринлар одамларни ҳам, жониворларни ҳам бирдай қийнади, ҳолдан тойдирди. Айниқса, чорва аҳволи кун сайин ёмонлашмоқда. Хашакнинг таги кўриниши билан охурга ҳеч нарса солинмай қўйди. Қанча тежаб-тергаб ишлатилишига қарамасдан кўпларда емиш умуман тугади. Энди нима қилиш керак. Бировлар таваккал қилиб, чорвани музлаб ётган даштга чиқаради. От, қўй, эчки ёки сигирнинг ақли, кучи бори туёғи билан музни синдириб, бут-сута билан озикланади. Кун бўйи қалин музни синдириб топган бир-иккита хас-чўпи нима бўларди. Чорва қирилишни бошлайди. Ҳар куни бу ўтовдан бешта, наргисидан ўнта жонивор нобуд бўлмоқда. Сўйиб олай деса, эти йўқ, суяқдан бошқа ҳеч вақоси қолмаган. Мурдаларни узоқроқ жарга ташлаб қайтадилар. Кўнгли бўш хотинлар ҳар гал овулга келгунча: «Боққан биз, ҳузурини ер кўрди», деб йиғлаб олади.

Шу қаҳратондан чамаси ўн йилча илгари Эгамберди катта тўй қилиб, Ойбувига уйланди. Орадан бир неча ой ўтгач, қавму-қаридошлардан дуо олиб, оқ ўтовни Тескайбетда тикди.

Ота-онаси бош боламизга деб катта-кичик элик мол берди. Ҳозир беш юздан каммас. «Молни даштга ҳайдасанг осон, қамаб боқсанг энангни кўрсатади», дейди полвон. Бу ерларда чорвадан бўлак юмушинг, шундан бошқа ташвишинг бўлмагандан кейин нима бўлса қиласанда.

Эгамберди молни боқишдан ортиб, қировли қишда керак бўлади деб бир дунё хашак ғамлашга улгурди. Ўзиям тоғдек-тоғдек иккита ғарам бўлди. Бошқа йиллар бўлганида нари борса бири, кўпи билан бир яримтаси қишдан чиқарарди. Аммо бу ғал етмайдиган кўринади. Яна кўпи билан ўн кунлик қолди, холос. Тезроқ чорасини топмаса ёмон бўлади.

Шу топда полвон буни ким билан маслаҳатлашсам, деб ўйлаб келарди. Аммо бу ерда одам унча кўп эмас. Бор-йўғи тўртта қўшниси. Уларни жуда яқин деб бўлмайди. Овозингни баланд қўйиб чақирсанг, зўрға эшитади, агар ўзини эшитмасликка олмаса.

Молни қўрага қамаган Эгамберди қўшнисиникига бориш фикридан қайтди, ўтовга қараб бурилди. Ортида икки бўрибосари.

— Бор молга, — уларга таёғи билан хезланди.

Итлар таққа тўхтади. Эгасининг юрганини кўриб, яна эргашди.

— Э-э, булар кўмма умидвор-да...

Ўтовнинг кигиз эшигини қўли билан кўтариб, ичкарига кириб келди. Остонада Ойбуви кутиб турарди.

— Ичкари зўр-ку, иссиққина, — деди полвон ўтов ўртасидаги ўчоққа қўлини тобларкан, — Ташқари тараша бўп ётибди.

— Ичкарида мен бор-да, — хотин ҳазил қилди.

— Биламан, — эр унга маъноли қараш қилди, — Мурод ухладими?

— Ухлайман деб инжиқлик қилаверди, ухла, дедим.

— Овқатинг борма?

— Гўшт солиб...

— Ношукрчилик бўмасин, уям меъдага тегаркан.

— Мен нима қилай, ҳар куни биттадан қўй сўяётган бўлсангиз. Ҳалиям бизники яхши. Барининг эти, бир хи-

лининг ёғлариям бор. Кўпларнинг моли ариқ, ўлганларини жарга ташлаб юборишяпти.

— Майли, суз, суз...

Хотин бир зумда дастурхон ёзди. Ўчоқ четида вақирлаб қайнаб турган чойни дамлади, овқатни сузди. Яна қанд-қурс қўйди.

Эр полвонларга мос ҳолда шошилмай овқатланди. Гўшт жонга тегди, деганига қарамай, катта толтовоққа уйиб солинган гўштни битта қолдирмай еди. Кетидан товоқ тагидаги мойни пиёлага қуйиб, худди чой ичгандек си-мирди.

— Бугун қўйлар бир-бирини тишлаб, жунини чайнаётганини кўрдим, — деди ёнбошлаб, чой хўплаётган эр, — Бу яхшиликкамас. Бундақасини ҳеч кўрмаганман. Агар ер бети музламаганда, турпоқни чайнаган, лой ичагига тиқилиб, ўлган бўларди. Шу ҳисобда музлагани яхши.

— Шу муз деб одамларнинг моли қирилиб кетяпти, сиз бўса, — хотин унинг юзига нима демоқчисиз қабилида қараб турарди.

— Ўзимиз бир амаллаб қишдан чиқиб оламиз, чорвага кўзим етмаяпти. Мол бўлмаса, туриш-турмушимиздан ба-рака кетади.

— Айб одамларнинг ўзида. Ким одам ўлдирган, бирови ғийбат қилган, бошқаси аллақаерда тўда-тўда бўлиб қароқчилик қилиб ётибди. Оға-инилар арзимаган сабабларни деб юз кўрмас бўлган. Бири қирга, бири ўрга кўчган, вақт ўтиб, бир-бирини танимас ҳолга келган. Бизнинг улусданам не бирдай одамлар кўчиб, қаерларга гум бўлиб кетмади. Ҳалиям шукр қилиш керак, шу қилганимизга осмон устимизга кулаб тушмаяпти. Йўқ, замон нотинчмас, одамлар нотинч бўп қолган. Замонни хўқ урмаган, одамларнинг ўзини уриб кетган.

— Э-э, мен нима деяпман, сен қаердаги гапларни гапи-расан.

— Айтдим-қўйдим-да. Муз шуларнинг касофати.

— Сен кимни ғийбат қилдинг, қайси одамни ўлдиридинг? Мен-чи, мен нима қилибман.

— Йўқ, — ёқасини ушлайди, — бизда айб йўқ.

— Ана кўрдингми, айбимиз йўқ, лекин совуқ бизни аямаяпти.

— Бизнинг хашагимиз бор-ку...

— Ҳали хашак демадим. Ўзинг айтиб қолдинг, ҳали бор, таги кўриниб қолди. Наридан борса ўн кунга етади. Кейин нима қиламиз? Шунинг учун бир нарсани ўйлаб келаяпман.

— Нима экан?

— Тугамасидан бирон емиш — хасми, чўпми, қамишми топиб келсам.

— Бу изғиринда қаердан топасиз?

— Шуни кўп ўйладим. Ойнакўлга борсамми, деяпман. Бойсунтовнинг орқасида. Кузда кўргандим. У ерда бу бошидан нариги ёғи кўринмайдиган қамишзор бор.

— Узоқ экан. Яқинроғи йўқми?

— Бор, лекин аллақачон одамлар ўриб бўлган. Агар Ойнакўлниям тоза қилиб қўйган бўлмаса.

— Кўнглим чопмаяпти, узоқ экан. Бир ўзингиз қандай борасиз?

— Бирон шерик бўлар. Лекин ким, шуни билмаяпман. Кўплар ҳаракат қилди-қилди, охири чораси йўқ экан, деб таслим бўлди. Уларнинг ҳолига тушишни истамайман. Бунга ғурурим чидамайди. Охиригача курашаман, ён бермайман.

— Холмуродбойнинг ули, Холбекни қабатингизга олинг, анча эсамал бўп қолган, — хотин, худди чапак чалгандек қўлларини бир-бирига уради, — Ана шерик топиб бердим. Бизнинг Муродга ҳали бир-икки йил бор. Кейин ёнингизга киради.

— Холмурод ёлғиз улини ҳеч кимга ишонмайди, қўшадими, йўқми...

— Қўшади, нега қўшмасин. Бекорга олиб бормайсиз-ку, ёрдам бергани учун ўзигаям емиш тегади. Кеча Ойсара шундайроқ гап қилувди. Эримга ётоқ касали теккан, кичик бўлсаям улумни қўшардим, агар биров хашакка борса, дегандай бўлди.

— Хашакзор кутиб турган экан-да, — деб оқ ўтов эгаси пўнғиллади, — Ўзи Холмуроднинг энди-энди суви тиниб турибди, — деб ортидан қўшиб қўйди.

Эгамберди полвоннинг хаёлида бўзболалик даврида бўлган бир воқеа секин-аста жонланиб келаётган эди. Нима жин урди-ю Холмуроднинг феъли айниди...

Баҳорнинг ўрталари. Ёмғир сатиллаб қуйгандек ёғди, пешиндан сўнг қуёш чарақлаб кетди. Жониворлар жонланиб қолди. Эгамберди Кунгайбетга молини чиқарди. Нариги ёқдан яна бир сурув кўринди. Бу Холмуродларники экани аниқ. Ишқилиб, молни бошқа биров боқаётган бўлсин, деган ўй ўтди ичидан. Чунки кейинги пайтда иккиси гапдан-гап йўқ роса юлқилашмоқда. Мана, кеча «Қўйим сеникидан кўп», дейдими-ей, болага ўхшаб. Мўйлови чиқиб, овози дўриллаб қолган бўзболага шу ярашадими?! Ярашмайди! Буни анави шумшиқ қани тушунса. Йўқ, тушунмайди». Эгамбердининг миясида шундай ўйлар гир айланарди. Буни Холмуроддан қўрққани учун ўйлаётгани йўқ. Керак бўлса, бир уриб, жағини қийшайтириб қўяди. Кечқурунга бориб, ота-энасини етаклаб келади, кейин тўполон.

Сурув етиб келди. Эҳ-ҳ, яна Холмурод. У тиржайиб, Эгамбердининг ёнига келди.

— Қандайсан, ошна? — таёғини чап қўлтиғига қистириб, ўнг қўлини узатди.

— Ўзинг-чи? Эгамберди унинг бошқача эканидан ҳайрон. Синчков тикилиб:

— Бу дейман, ўзинга сизмай юрибсан, итинг туғдими?

— Бунга итнинг нима алоқаси боракан.

— Унда нима?

— Бир янгилик бор.

— Эштайлик қони.

— Нариги камардаги Холматбойни биласан-а?

— Нимага билмасканман, биламан.

— Унинг биздан бир-икки ёш кичик қизи бор...

— Икки ёш...

— Биларкансан-а! Туновин кўриб қолдим — бир сулув бўпти, оғзим очилиб қолди.

— Ўзи доим оғзинг тоғарадай очилиб юради!

— Аввал бир чурвақа эди, энди эса, бирам...

— Бўлди қил-э!

— Юрагингдан урдими, дейман.

— Ким айтди...

Яна гап қочди. Иккиси аввалига талашиб-тортишди, кейин муштлашди. Кимнинг чопони йиртилди, белбоғи узилди. Бирининг бурни, бошқасининг оғзи қонга бўялди.

...Хаёлини йиғиб олган полвон хотинининг юзига тикилди. Муродга ишора қилиб:

— Боланг ухладими, — деди.

— Ҳа, — Ойбувининг ичи «жиф» этди, шунинг учун ортидан дарров: — Нима эди, — деб қўшиб қўйди.

— Эртага йўлга тушсак, деяпман. Йўл кетсак, бир гаплашсак, девдим. Ўзиям ҳушлигина. Насиб қилса, баҳорда тўққизга тўлади. Бир-икки йилда тоғни урса талқон қиладиган алп бўлади.

— Нимага энди кўриб тургандек гапираяпсиз?

— Ўзим, доим йўл олди боврим бўшашиб кетади, шунга бўлса керак.

— Кўнглингиз чопмаётган бўлса, борманг. Емиш бир гап бўлар.

— Йўқ, ундай дема, емиш топмасак бўмайди...

Эгамберди полвон эрталабдан Ойнакўлга бориш учун тайёргарликни бошлаб юборган. Аввал Холмурод билан гаплашди. Ота-энаси сал ўйланиб қолганди, «Топганимнинг ярмини бераман», деб зўрға кўндирди. Шу керак экан, йўқ демади. Ўтовга келгач, от-уловни йўлга ҳозирлади. Кейин керакли нарсаларни — арқон, ўроқ, нон, қанд-курс, яна бир нималарни хуржунга жойлади. Кутишга вақт йўқ. Пешинга яқин Холбекни олиб, от-эшакни бир-бирига тақди-да, жўнади-кетди.

Икки йўлдош кўп юрди, неча сойдан кечди, неча қирдан ошди. Ҳамма ёқ қор ва муз бўлганидан эҳтиётлаб, секин юрмоқда. Баъзида тўғри йўлни қор босгани учун айланиб ўтишга мажбур бўлди. Натижада, бир кунлик йўл уч кун деганда ортда қолди. Ниҳоят, улар қаршисида ойнадек ялтираб ётган кўл кўринди. Кўлмисан кўл. Сув юзи музлагани билан бу ерда паррандалар кўп. Кўлни ёқалаб бошохири йўқ қамишзор чайқаларди. Ўзларидан олдин келиб кетганлар қамишзорнинг у-бу жойларини ўриб олгани яққол кўриниб турарди. Қолгани ҳали бутун бошли овулга етади.



Бундан қувонган одамлар уловларга тушов уриб, иштиёқ билан қамиш ўришни бошлаб юборади. Унча қотмаганларини ўриб, чорва учун емиш қилса бўлади.

— Холбек, ўрганларимни тўдалаб, боғлайвер, — дейди оқ ўтов эгаси пешонасидан шариллаб қуйилаётган терни енги билан артиб. — Худойим ишимизни осон қилди. Бир-икки кун ғайрат қилсак, икки сурувни қишдан чиқарадиган емиш ғамлаймиз.

— Полвон ака, кўп йиғсак, бизгаям берасизми?

— Бўмаса, сени нимага опкелдим? Менга ёрдамлашади, икки сурувга емиш топамиз, деб опкелдим-ку. Тенг ярми сеники.

— Бундан ота-энам роса қувонса керак...

— Севинади-да. Ули ишга яраб қолганидан қайси ота-эна қувонмайди. Отангни зўрға кўндирдим, топганимнинг тенг ярмини бераман, дедим.

— Кечаси шу ерда қолсак, қаерда ухлаймиз?

— Э-э, ақлингга балли! Буни уйламабман. Айтганинг яхши бўлди, кеч тушмай, қамишдан чайла қурамиз, — Оқ ўтов эгаси шу гапларни айта-айта қамишзордан четроқдаги текисликка қараб кетаверди. Етиб боргач: — Шу ерда қурамиз, — деб бармоғи билан ишора қилиб кўрсатди.

Асрдан ўтавериб чайла тайёр бўлди. Ичига ўзлари олиб келган ул-бул нарсаларни тўшадилар.

— Холбек, уйимиз қандай бўлди?

— Зўр бўлди...

— Энди бундай қиламиз. Сен уч-тўртта тошдан ўчоқ ясаб, қозонни ос, хом шўрва тайёрла. Мен ўравераман. Қанча кўп обкетсак, шунча яхши.

Биринчи кун зўр ўтди. Ўзиям, бир дунё қамиш ўришди. Иккинчи куни яна ғайрат қилмоқда. Шомга яқин узоқдан бир қора кўринди. Яқин келгач, қарашсаки, бир отлиқ. Кўзлари бургутникидай ўткир, елкасига милтиқ осиб олганига қараганда, овчи кўринади. У етиб келгач, оқ ўтов эгаси:

— Йўл бўсин, — деб овоз берди.

— Овчиман, Худой берган ризқни териб юрибман, — деди йўловчи.

— Агар шошмаётган бўлсангиз, чайламизга қўниб ўтинг.

— Меҳмон бўлиш қочмас, ўзингиз бу ерда нима қила-  
япсиз?

— Кўриб турибсиз, қамиш ўрпмиз. Чорвани шу билан  
асраб қолмасак, аҳвол чатоқ. Силласи қуриган жониворлар  
бир-бирининг жунуни чайнашга ўтди.

— Буни кўп кўрдим, кўп эшитдим. Бир хил овулларда  
чорва қирилиб битди. Лекин қамишни яхши ўйлабсиз.  
Жунни кавшаётган жониворлар учун қамиш, мен сизга  
айтсам, худди арпадай гап.

Шу гаплар орасида йўловчи отдан тушиб, жонивор оғзи-  
дан сувлиғини чиқарди. Чайла яқинига етаклаб келгач,  
қозиқни товони билан ерга қоқди. Сўнг хуржундан икки  
ховуч арпани тўрвага солиб, от бўйнига осиб қўйди.

— Арпа топиш қийин бўп қолди, — деди у. — Лекин  
бунга бермаса бўлмайди, жонивор емаса, ишга ярамай қолади.  
Кейин дардингни кимга айтсанг, айтавер.

— Келинг, меҳмон, — дейди оқ ўтов эгаси қўлини  
кўксига қўйиб. — Ҳо, Холбек меҳмоннинг қўлига сув қуй.

Меҳмон юз-қўлини чайиб, белидаги қийиққа артди.  
Сўнгра мезбон ишораси билан чайланинг тўрига ўтди. Бу  
орада Эгамбердибой тош ўчоққа ўтин ташлади, олов гу-  
риллади. Бола узатган човгунни ўчоқ четига, оловга яқин  
жойга ўрнатди. Тоғ ҳавоси қизиқ, бир зумда сув «вақир-  
вуқур» қилиб қайнади. Холбек гўдак бўлсаям пишиқ экан,  
дастурхон ёзиб, нон, қоринёғ, яна ул-булни тўкиб ташла-  
ди, ўзиям. Чой дамлаб, полвонга узатди. Шўрва тайёр бўлга-  
нини билдириб, хуш ис таратарди. Бола уни икки товоққа  
қуйди.

Овқатдан кейин у ёқ-бу ёқдан гурунглашадилар. Овчи  
гап орасида йиртқич бўрилар галаси овулларга оралаб, ҳай-  
вон, одам, хуллас, нима дуч келса, тилка-пора қилиб кета-  
ётганини айтди. Полвон бунга қизиқди.

— Буни сиз қаердан биласиз? — овчи юзига тикилди.

— Э-э, бу тўда чиллада нималар қилмади, дейсиз. Ҳали-  
ям чилла чиқиб, важоҳати сал пасайди.

— Худди кўргандек гапираяпсиз...

— Ростданам бир гал дуч келдим.

— Мана, омон қопсиз-ку.

– Гапнинг очиги, тирик қолишимнинг ўзи мўъжиза бўлди. Аслида, ёнимдаги ҳамроҳим – отим сақлаб қолди. Шунинг учун уни қадрлайман, ўзим емасам ҳам, унинг оғзига тутаман. Асл от йигитнинг ҳамроҳи, қийин дамида мададкори бўлади. Ота-боболаримиз асл тулпорни авайлаб-асраган, ардоқлаган.

– Бўрилар галаси билан тўқнашувни айтмадингиз-ку. Буни эслаш қийин бўлса, майли, қўйинг.

– Қийин жойи йўқ, – У бир неча муддат чуқур ўйга чўмган кўйи ерга тикилиб қолди. – Овчилик қилиб рўзғор тебратаман. Бирда яхши бўлса, бирда ов юримайди. Шундай кезларда дил хуфтон бўлади. Ўша кун кечгача шохдор олқар кетидан эргашиб юрдим. Писиб борсам, сезиб қолади-да, чап бериб қочади. Кўп уриндим, иккимиз ҳолдан тойдик. Шунда денг калламга зўр фикр келди. Тақиб қилаётганим учун қочаяпти, тўхтатсам, хатар ариди, деб ўзини қўйиб беради. Шунда...

Ҳийлам иш берди, ғафлатда қолган жониворни уриб олдим. Бўғизлаб, текисроқ жойга судраб келдим. Бир хаёлимга терисини сийирсамми, деган ўй келди. Аммо бунга вақт йўқ. Тоғни қуюқ зимистон босиб келаётган эди. Зўр овчи бўлсанг-да, бундай кезде ёлғиз қолиш хўп хатарли. Бунинг устига қиш чилласининг қоқ ўртаси. Бу пайтда бўрилар қутириб кетади. Жонивор нима бўпди, ҳатто, от устидан одамниям йиқитиб олади. Отниям, одамниям бир зумда тилкалаб ташлайди.

Шуни ўйлаб, ҳадик билан келаяпман. Олқорни отга ўнгариб олганман. Бўғизлаганимда жунига оққан тарамтарам қон совуқда сумалак бўп осилиб қолган. Жуда совуқ, изгирин суякка бориб етарди. От совқотдими, шашти тушиб, ғалати пишқирарди. Камига бирон кўнгилсизликни сезгандек ўзини бошқача тутарди. Бедав от одамдай сезади, дегани рост экан.

Чамаси бирон соат йўл юрдим. Кутилмаганда шу яқин атрофдан бўри увуллаши эшитилди. От таққа тўхтаб, қулони динг қилиб олди. Ичимда бир нима чирт узулгандек бўлди. Калламда овулга эсон-омон етиб олай, деган ўй айланарди. Сўнг ҳе, овчи бўлмай ўл, шунча оғир вазиятлар-

га тўқнаш келиб, барини енгиб ўтдинг, энди келиб-келиб бўридан қўрқасанми, деб ўзимни янидим. Тўғри-да, қўрқоққа овда нима бор, ундан кўра, эрка қизга ўхшаб ўтовда ўтирган яхши. Шуларни ўйларканман билагимга куч, юрагимга ўт қайтгандек бўлди. Энди отга далда бериш қолди. Чунки у дағ-дағ титрарди. Ёлини силаб, дедим: «А, жонивор-а, нега титрайсан? Ёнингда ўзим борман, қўрқма! Икковимиз бир бўлсак, бундан чиқиб кетамиз. Бўри, дегани нима бўпди».

Ў-ў, от одамдай сезади, дейман-ку, сезади от. У гапимни тушунгандек, бирдан тетиклашди. Шу бўлдию дадил одимлай бошлади. Аммо ўзимизни овутигимиз бир тараф, бизни кутаётган кўргулик бир тараф бўлиб чиқди. Тор дарадан кенгликка чиқаверишда бўрилар галасига дуч келдик. Бизни кўриб, гўё ўлжа топилди, дегандек, сакраб-сакраб қувонишини кўрсангиз эди. Бир-биридан қолмаслик учун елдек чопарди. Мана, орада юз, эллик одим қолди. Буларнинг попугини пасайтириб қўймасамми, деб, бирига қараб ўқ уздим. Шунча йиллик тажрибам иш берди: бўри аянчли ғингшиб, думбалоқ ошиб йиқилди, қайтиб турмади. Қолганлари бунга умуман эътибор бермади, қайтанга яқинлашгач, тўрт томондан ўраб келди. Бу пайтда милтиққа яна ўқ жойлаб, кутаётгандим. Қайси биринчи ҳамла қилса, шунисини отаман. Гўё улар буни билгандек, халқага олди: барининг қорни биқинига ёпишган, оч, важоҳатли. Айниқса, тишини кўрсатиб, ириллаши зўр ботирниям қурқувга солади.

Йиртқичлар ўлжани халқага олиб, ана шундай ваҳимада ушлайди, сўнг кутилмаганда ҳамла қилади. Уларнинг одати шу. Кўп йиллик овчиман, ахир, бу макрга учмадим. Киприк қоқмай қараб туравердим, от ёлини силаб, унга далда беришним унутганим йўқ. Жонивор буни сездими, яна тетик тортди. Шундан сўнг «чуҳ», деб биқинига ниқтадим. У кўп куттирмади, тап тортмай йиртқичларнинг устига бостириб борди. Бўрилар қурқув аралаш ўзини четга олди. Аммо, урғочи бир бўри важоҳат билан яқинлашди. Сезишимча, у от тагидан ўтмоқчи эди. Тагидан ўтаётиб, ўткир тишлари билан қорнини ёради. Бунга йўл қўйиб бўлмасди.

Қанжиқнинг манглайини мўлжаллаб тепкини босдим. У ванғиллаб ерга йиқилди, дам ўтмай оппоқ қор устида ти-

пирчилаб-типирчилаб жон берди. Бошқалари ваҳима аралаш бир неча одим нари бориб, кузата бошлади. Ҳали қувонишга эрта. Бўри галаси юрсам юрар, тўхтасам тўхтарди. Менимча, улар орқадан ҳамла қилишни мўлжаллаяпти. Нимасини айтай, ортдан ҳужум хатарли. Бир дам бўлсин ҳушёрликни йўқотмай, бўриларни синчков кузатиб келяпман. Отим қўлади, ғалати юриш қилиб, тезлашаверди. Улар шуни кутгандек, икки ёнимни олиб, чопмоқда. Кутилмаганда бири йўлни кесиб ўтмоқчи бўлди, от тўши билан урди, туёқлари остига олиб, мажақлади.

Бошқаси ортдан чанг солмоқчи бўлганида, шундай тепдики, бундай зарбдан кейин ҳар қандай жониворнинг омон қолиши гумон. Шу зайл ярим соатлар чамаси курашиб бордик. Йиртқичлар умидсиз бўлди, орқада қолиб, кўздан йўқолди.

Ана шундай гаплар, Эгамбердибой. Ёнимда содиқ отим бўлмаганида, ҳозир сиз билан гурунглашиб ўтирмаган бўлардим.

— Ҳозир чилла чиқди-ку, — деди полвон ҳикоядан таъсирланиб, кўз қири билан овчига қараб қўяркан. — Бу пайтда бўрилар унчаликка бормас?

— Менга қўйиб берса, бунга алданмасдим. «Еса-емаса, бўрининг оғзи қон», деган гап бежиз айтилмаган. Ҳушёрликнинг зиёни йўқ, — деди овчи бола эшитмасин, дегандек овозини сал пасайтириб.

— Э-э, гапираверинг, у қотиб қолган. Нима, бу ёқларгаям келади, деб ўйлайсизми?

— Бу нима деганингиз. Уларнинг чегараланган бир жойи йўқ, қаерни хоҳласа, ўша ёққа кетаверади. Қишлоқ, овул, дала-тоғ — бари уларнинг ов майдони. Уларда шундай тутум бор, деб биламан. Ўзлари хоҳлаган жойга боради, хоҳлаганча ов қилади.

— Тўғри айтдингиз, ҳушёрлик зиён қилмайди. Мен-ку, майли, амаллаб, ўзимни ҳимоя қиларман. Аммо ёнимдаги болани ўйлаяпман. Уни ота-энаси омонат қилиб қўшиб берган. Уни кўз қорачиғидек асрашим керак.

— Тўғри айтдингиз. Бўри катта-кичик фарқига боради. Майда турганда, каттага ҳужум қилмайди. Шунинг учун бир

қадам ёнингиздан ажратманг. Сўнг емишни тезроқ ғамлаб, қишлоғга қайтинг.

— Шундай қиламан...

Эрта тонгда овчи йўлга чиқди. Кета туриб, боланинг олдида айтишни истамади, шекилли, кечаги гапни эсдан чиқарманг, дегандек томоқ қириб-қириб, отига енгилгина қамчи чатиб қўйди.

Овчи кўздан йўқолгунча кузатиб турган Эгамберди полвон энди нима қилсам, дегандек бир зум узоқларга тикилиб қолди. Сўнг хушёр тортди.

— Холбек, ҳой Холбек, — деб овоз берди.

— Нима, полвон ака, — деди Холбек чайладан бошини чиқариб.

— Бери кел, иккимиз ишни гаплашиб оламиз.

— Нимани гаплашамиз, қамиш ўрамиз — шу-да.

— Тўғри...Бугун кечгача қамиш ғамлаймиз, эрта азонда қайтамиз. Сен ёнимда туриб, ўрилган қамишни боғлайверасан...

— Майли, лекин...

— Нималигини суриштирма. Тезроқ қайтсак, яхши-да, болам.

Кун совуқ, камига изғирин турди. Лекин бу уларга ҳалал бераётгани йўқ. Қаттиқ ишлаётгани боис таналари қизиди. Полвоннинг пешонасидан тарам-тарам тер қўйиларди. Холбек эса устидаги пахталикни ечиб ташлади. Иккиси иштиёқ билан ишларди.

Ўзиям, бир дунё қамиш бўлди. Эгамберди бундай ишларни олдин кўп қилган. Лекин Холбекка қойил. Бола бўлишига қарамай, полвондан қолишмай ишламоқда. Ўрилганини жойида йиғиб олиб, боғлаб чиқаяпти. Барибир даштнинг боласида, пухта, пишиқ.

— Шуни олиб борсак, баҳорга чиқиб оламиз, — дейди полвон охирги қучоқ қамишни кўтариб келаркан. — Осмон афтини бужмайтираяпти. Қор ёғмасин-да, ишқилиб.

— Қўзғалиб олсак бўлгани, кейин амаллаб етиб оламиз, — деди бола бир ўрам қамишни боғларкан.

— Тўғри. Энди овқатланиб, ётиб ухлаймиз. Эрталаб йўлга чиқамиз, куч йиғиб олмасак бўлмайди.

Иккиси тонг ғира-ширасида қамишни уловларга юкляб, йўлга тушди. Бу совуқда очиқ ҳавода юрган кишининг ҳолига вой. Эси бор одам бундай ҳавода йўлга чиқмайди, ўчоқ ёнидан кетмайди. Булар мажбур, овулга бориш керак. Кўп юрмасларидан қор учқунлай бошлади. Бу кетишда ҳаялламай қор бўрони турадиган кўринади. Қор, совуқ ўз йўлига. Буни энди кўраётганлари йўқ. Аммо овчи айтган қонхўр бўри галаси совуқда янаям қутуриб кетади. Ана бу ёмон! Агар дуч келса, нима бўлади? Оқ ўтов эгаси кўпроқ шуни ўйлаётганди. Лекин начора. Бу ерда қиш бўйи қолиб кетолмайди-ку.

Қайтиш янаям оғир кечмоқда. Қор, муз, йўл ёпилиб қолгани — булар бошқа масала. Юк ортилган уловларнинг юриши жуда секинлашди. Ёмони, улов устидаги юк бир томонга оғиб кетади ёки бошқаси қорга ботиб қолади. Бу роса вақтни олаяпти. Шунинг учун бир ярим кун деганда зўрға неча дара, қир, сайҳондан ўтиб, йўлнинг салкам ярмига етиб келди. Полвон буни эмас, кўпроқ бўри галасини ўйлаётганди. Ҳайрият, дуч келмади. Яна шунча юрса, бас, қишлоғга етади. У шу ўй билан банд экан, Холбекнинг:

— Полвон ака, қаранг, — деган овозидан ўзига келди.

— Нимани айтаяпсан? — деб Эгамбердибой ён-атрофга кўз югуртирди. Ҳамма томон оппоқ. Кечадан бери эзгилаб ёғаётган қор кенгликни оқликка буркаган. Супрадек ёйилган ана шу кенгликнинг нариги буржидан ўзлари томон чопиб келаётган қора нуқталар кўринади. Улар, овчи айтган, бўрилар галаси экани аниқ. Бир-биридан қолмай чопаётган йиртқичлар қор бўронида янаям қутурган. Йиқилгани устига бошқасининг келиб ташланиши, ўткир тишини тап тортмай шериги танасига ботиришидан буни билса бўларкан. Қобирғага ёпишган биқини улар ўлгудек очлигини айтиб турарди. Кўзлари шунга яраша қип-қизил қонга тўлган.

Бўрилар ким ўзарга ўйнаётгандек чопмоқда. Ниҳоят, улар одамларга яқин келди. Полвон билан Холбек от устида қўлларида заранг таёқ тўтиб, қотиб турибди. Бошқа нимаям қиларди. Ўлжага жуда яқин келган бўрилар секинлашиб, бир-

биридан қизғаниб ўзаро жанг бошлади. Бақувват Бўзбўри рақибларини гоҳо тўши билан уриб йиқитар, гоҳ тиши билан яралаб, нари қуварди. Кураша-кураша у ғолиб чиқди. Энди барига ўзи эгалик қилади. Аммо одамлар, жониворлар бунга рози бўладими?

Бўзбўри ўртага чиқди, сўлоқмондай тишларини кўрса-тиб, важоҳат билан одамлар устига бостириб келаберди. Оқ ўтов эгаси мард, жасур эди, бундан сира кўрқмади, болани, уловларни ҳимоя қилиб, бўри йўлини кесиб чиқди. Жондор буни олдиндан билгандек, ҳамлага шайланди. Бир зумдан сўнг, у шиддат билан югуриб келиб, полвон минган от тагидан ўтиб кетди. Ҳаялламай от безовта бўлиб, аянчли кишнаб, «шилқ» этиб йиқилди. Одам дарров англайди: бўри отнинг қорнини ёрди.

Полвон эгардан шашт билан туриб, бўрига таёқни сермади. Заранг таёқ нақд белига тегди. Йиртқич гингшиб юборди. Одам бундан фойдаланиб, яна бир урди. Бунисидан баттар гангиди. Яна бир туширса, бўлди, тил тортмай ўлади. Шериклари буни сезганми, яккама-якка олишув тамом, дегандек ҳар ёндан ҳужумга ўтди. Полвон бирин-кетин бир нечтасини уриб йиқитди. У ўзини яхши ҳимоя қиляпти, аммо бола билан уловга ёрдам беришга ожиз. Бундан фойдаланган бўрилар олдин қари эшакни, сўнг яқинда кулинлаган бияни йиқитиб, ражий бошлайди. Шу пайт Бўзбўри от устида қотиб турган болага қараб сапчиди, уни тўши билан уриб йиқитди, томоғига чанг солади. Воқеа шунчалик тез бўладики, ҳатто, бола бечора ўзини ҳимоя қилишга ёки воҳ, дейишга улгурмади. Бир зумда қор унинг қора қонига беланди.

Оқ ўтов эгаси бошқа бўрилар билан олишаётиб, буни аниқ кўрди. Ёвни қочираман, дегандек оғзидан тупук сачратиб, ҳайқирганча у ёққа интилди. Аммо улгурмади, бу пайтда бўри бола томоғини чайнаб ташлаганди. Полвон етиб келиб, ўзини унинг устига ташлади. Ўлмаган бўлса, қутқараман, деган хаёлда қўли билан унинг шовиллаб қон оқаётган томоғини тез-тез пайпаслаб кўрди: йўғон томир узилган. Бу ҳолатда омон қолиш қийин. Шунга қарамай қутқариш илинжида ҳаракат қиларди. Ўзини йўқотиб қўйга-



нидан нималар қилаётганини билмасди. Боланинг «хириллаган» товушидан ўзига келди. Унинг жони узилганини фахмлагач, важоҳат билан жойидан қўпиб, бутун бошли қўшинга қарши чиққан баҳодирдек галага ташланди. Бирини заранг таёқ билан шундай урдик, у тил тортмай ўлди. Иккинчисини бир уриб белини синдирди, учинчисини бир тепки билан уч-тўрт одим нарига учириб юборди. Яна нечтасини урди, тепди, йиртқичлар чекинмагунча тўхтамади. Буни кўрган бўрилар думини қисиб, дуч келган томонга қочди. У тақибдан тўхтамай, демас. Бўриларни қувиб бораркан, чамаси уч-тўрт қулоч келадиган жардан қулаб тушганини билмай қолди. Бундай важоҳат билан киши жарни кўрмай қолиши мумкин. Бунинг устига ҳамма томон оппоқ бўлиб, кўзини қамаштирган. Бўлмаса бир умр далаю қирда юрган полвон жардан қулаб тушмасди.

У ҳушига келди. Олдин қаердалиги, бу ерда нима қилаётганини эслай олмади. Осмонга тикилиб ётаркан, бўлган воқеани элас-элас эслай бошлади. Бўрилар ҳужуми, кейин Холбекнинг ўлими эсига тушгач, ётган жойидан ҳайқириб туради: «Холбек, болам, энди нима қиламан? Овулга қайси юз билан бораман? Энди ота-энангга нима дейман? Ўрнингга мени ғажиса бўмасмиди, болам! Ўтовга бормайман, қандайлар бораман».

Ўкириб-ўкириб йиғларкан, бирдан қатъийлашиб: «Қонхўрларни топиб, битта қўймай қираман», деб таёғини маҳкам тутди. Бу пайтда ўзига келгани боис чап оёғи жизиллаганини ҳис этди. Тўпикдан тепароқда оғриқ бор. Хўкиз терисидан пишиқ қилиб ишланган этикни зўрға ечди, оғриқли жойни пайпаслади. Синмаган, лат ебди. Тўпикни белбоғ билан чандиб, этикни бир амаллаб, тиқиб кийди. Таёққа таяниб юрмоқчи бўлди, аммо оғриқ зўридан чўккалади. Бу аҳволда йўл юриши, узоққа бориши қийин. Нима қилса? Шу пайт калласига Тўриқни чақираман, деган ўй келди. Бу жониворнинг эси кўп. Одамдай сезади, эгаси овоз берса, қаерда бўлмасин дарров етиб келади. Ҳозир аҳвол бошқача. Аввало, Тўриқ омон қолдими-йўқми, аниқмас. Омон қолгани билан ваҳима аралаш улоқиб кетган бўлса-чи? Барибир чақириш керак, бундан бўлак чора йўқ. У бир қўли билан

таёққа таяниб, иккинчисини оғзига қўйиб, узун овоз берди: «Тўриқ, ҳо, Тўриқ, қаердасан, бу ёққа кел жонивор, бу ерга кел! Эгангни қутқар, кел, келагай, ҳо, Тўриқ!»

Тўриқдан дарак йўқ. Одам чуқурдалигим учун эшитмаётгандир, деган ўйда тепага қараб ўрмалади. Амаллаб чиқиб олди. Бу ердан атрофни кўрса бўларкан. Ҳар ёнга олазарақ тикилди, яқин атрофда на жонивор, на бирон из, на белги бор. Шунча узоққа кетиб қолдимми, деб ўйлади у. Тусмоллаб, йўлда давом этди. Кўп юрмади. Қорда қолган изларни кўрди. Бу ўзининг изи. Бўриларни қуваётиб қолдирган. Изни кўздан қочирмай юрса, тўқнашув жойидан чиқади. Шу ниятда илгариламоқда. Бориб кўрсаки, бу ерда чини билан қиёмат қўпган: бир нечта жонивор тилка-пора бўлиб ётар, боланинг жасади совуқда тарашадек қотиб қолган. Тирик қолган жониворлар, Тўриқ ҳам бу ердан жуфтакни ростлаган.

Олам торашиб, кўзлар қоронғулашади. Бу даҳшат, даҳшат! Кўзи қонга тўлиб, ғазаби қайнаган пайтда унчалик ҳис этмаган экан. Энди бу қийин вазиятдан қандай чиқиб кетади, қандай йўл тутади? Бу кўргилиқдан сўнг овулга бормади, боролмайди, қандай боради. Унда нима қилади? Оқ ўтов эгаси шуни ўйларкан, юраги сиқиб, ҳолсизланиб бораётганлигини туйди.

Шунданми, ҳеч нарсани ўйлагиси келмай қор устига умидсиз ҳолда узала тушиб ётиб олди. Осмонга тикилиб, қувончли кунларини эслашга уринди. Чунки, изтироб исканжасидан фақат шу йўл билан қутилиш, омон қолиш мумкин эди — унинг назарида.

...Оқ ўтов икки бор нурга тўлганди. Бири — Ойбуви келин бўлиб тушганда, иккинчиси Мурод туғилганда. Ўшанда қандай чароғон эди-я бу олам, қандай нурафшон эди-я. Суюклиси билан чимилдиққа кирган илк кеча ёки улини қўлига олган илк тонгни унутиб бўларканми. Бунини унутиш учун киши камида девона, ё жуда мураккаб вазиятга тушиб қолган бўлиши керак. Шуни ўйладию ҳозирги вазияти чинданам оғирлигини англади. Бу ўйдан ўзини чалғитиб кўрди, аммо фойдасиз. Агар шундай давом этаверса, эсдан озиб қолиши ҳеч гап эмас.

Тўриқ, вафодор оти жонига оро кирди. Жонивор эгаси исини олганми, совуқ ҳавони симириб, бурнидан тутун чиқариб, кишнаб-кишнаб келмоқда. Қамишнинг бир тутами устида осилиб қолган. Етиб келгач, ҳалиям қор устида беҳол ётган эгасини тумшуғи билан секин туртди. Одам чехраси сал ёришди. От одамдай сезади. Дардингни айтиб, далда олиш мумкин. Эгаси от ёлини силаб, ўзига келгандек бўлди. Ўрнидан «Ё пирим!», деб турди. Энди нима қилиш керак, деб ўйлаётганди у. Аввал, бола жасадини кўмиш, сўнг ҳалиям устида юк билан ҳар ерда улоқиб юрган жониворларни халос қилиб, қўйиб юборади. Йўлини қилгани овулга борар, боролмасаям бирон кунини кўриб кетар.

Оқ ўтов эгаси аввал бола жасадини ерга қўйди. Баридан фориг бўлгач, Тўриққа миниб, бўрилардан қолган из бўйлаб елдек учди.

Бугун эрталабдан Ойбувининг қўли ишга бормаи қолди. Сабабини эса билмасди. Камига кўнгли алағда. Нимадир бўлгану, ҳа демай шумхабар келиб қоладигандек ўтовдан чиқиб, атрофга қараб-қараб қўймоқда. Қўрадан қайтаётиб ўтовга тикилиб қолди: «Оқ ўтов бир нимани сездингми, дейман, чўккандек, қорайгандек кўринасан?!» деб минғирлади. Кейинги гаплари яна баттар эди: «Ўтовнинг қадди чўкадами, дейсизми? Чўкаркан, чўкади, ана чўкибди-ку...

Оқ ўтовга нима бўлди? Оқ ўтовнинг шўх-шодон кулғулари бор, шулар йўқолмасин! Яна нима дейин, оқ ўтовнинг-да, менинг-да оппоқ орзуларимиз кўп, ер билан битта бўлмасин! Нимани сездинг, жоним ўтов, бирдан қораланиб, мунг тортдинг?! Бир қарич, йўқ, бир қулоч чўкибсан, ерга қапишсан. Синингдан ўлай оқ ўтов, сенга не бўлди?»

Ўз ўйлари билан гангиб юрган аёл Қўштўбадан бу ёққа эниб келаётган отлиқни кўрди. Шу пайт шамол туриб, ўтовнинг чийлари «шитир-шитир» қилди, керағалари одам қобирғасидек қисирлаб қўйди. Отлиқ анча яқинлаб келди, аммо ўтов ёнида узала тушган итлар уни кўрсаям жим ётаверди. Олдинлари келганнинг олдидан, кетганнинг кетидан оларди, буларни нима жин урди, деб ўйларди Ойбуви.

У ўз хаёли билан экан ҳалиги отлиқ яқин келиб:

— Ўтовда ким бор? — деб овоз берди.

— Ўтовнинг эркаги йўқ, — деди аёл.  
— Буни биламан, — у отининг жilовини маҳкам тортди.

— Билсангизам келавердингизми?

— Зарур ишим бор, шунга келдим. Бўлмаса, яқин йўламасдим.

— Қандай иш? — деди аёл кўнгилсизликни сезгандек, юрак ҳовучлаб, — Ундай бўлса, майли, киринг.

— Бошқа пайт бўлганда кирмасдим, ҳозир вазият бўлакча. Бундан бир неча кун бурун бойингиз билан танишдим, унинг чайласида меҳмон бўлиб, анча вақтгача гурунглашиб ётдик. Ёнида, адашмасам, Холбек деган йигитча бор эди.

Меҳмон шуни айта-айта ўтовга кириб, эчки терисидан пишиқ қилиб ийланган пўстак устига омонатгина ўтирди. Ичи ёнаётган Ойбуви андишани унутиб, қаттиқ бақирди:

— Уларга нима бўпди?

— Аниқ билмайман.

— Унда, нимани айтмоқчи эдингиз?

— Уларга қутирган бўрилар галаси ҳужум қилган кўринади.

— Нима?..

— Синглим, бу ерга келишим осон бўлмади. Агар эшитаман, десангиз, кўрганимни айтаман. Лекин билиб қўйинг, уларга нима бўлгани ҳали аниқ эмас.

— Айтинг бўмаса...

— Уларни Ойнакўлда қамиш ўраётганида кўрдим. Боя айтганимдай, чайласига кўндим. Эрингиз билан анча гурунглашдик. Йиртқич бўрилар ҳақидаям айтдим. Бу галанинг қонхўрликларидан хабарим бор эди, шунинг учун тезроқ қайтишни маслаҳат бердим. Тонгда йўлимга кетдим. Икки кун ов қилдим, қайтаётиб галати нарсани кўрдим. Ойнакўлдан анча берида улар ўрган қамиш сочилиб ётарди. Бир нечта от, эшак ғажиб ташланган. Ҳамма жойда бўрилар, уловлар, одам излари бор. Адашаётганим йўқ, уларга ҳалиги гала ҳужум қилган. Қанча изламай, бойингизниям, боланиям тополмадим.

— Белги ёки ул-бул қолмаптими?

— Қолган. Нимани топган бўлсам, барини олиб келдим, — меҳмон шу гапни айтаркан боланинг бир пой этиги билан полвоннинг иккига бўлинган белбоғини узатди. Кейин: — Белбоғ шартта узилганига қараганда, қаттиқ олишув бўлган, — деб қўшиб қўйди.

— Бошқа ҳеч нарса йўқми? Бошқа ҳеч нарса аниқ эмасми, деяпман.

— Кўп уриндим, лекин уларга нима бўлганини аниқлай олмадим.

— Ҳа, мен ўлай, болага бир гап бўлган.

— Нимага ундай, дейсиз. Айтдим-ку, ҳеч нима аниқ эмас, деб.

Ўтов остонасида Холбекнинг ота-энаси кўриниш бериб, гап бўлиниб қолди. Улар отлини кўриб, чопқиллаб келибди.

— Нима гап, — деди эна бечора остонага етиб келиши билан, — ичим куйиб кетаяпти. Холбегимга нима бўлди?

Эна шундай куяди, оталарда мунг тортиб қолади. Шуни ўйлаб турган меҳмон:

— Нимага ваҳима қиласиз, — деди-ю бир дам жим бўлиб қолди.

— Ана, айтмадимми, — Ойсара яна бобиллади.

Эри:

— Бўлди-да энди, аввал нима гаплигини билайлик, — деб хотинини босиб қўйди.

Меҳмон кўрганини бир бошидан айтди. Аммо боланинг бир пой этиги ҳақида лом-мим демади. Меҳмон болага бир гап бўлганини билиб, ўзини билмасликка олганини Ойбуви дарров сезди. Аммо нега барини айтмаяпсиз, деялмасди. Холбекнинг ота-энаси олдида шуни айтиб бўладими. Оқ ўтовга лаънат тоши ёғилишини билиб, атай индамади. Шунинг ўзи болага бир гап бўлганини билдирарди. Бола тирик бўлса, полвон уловга, хашакка қараб ўтирмай аллақачон қайтиб келарди. Шундай қиларди, ҳа, шундай қиларди. Келмадими, бир балага учрагани аниқ. Аёл шу ўйлар исканжасида мунгайиб қолди.

Холбекнинг ота-энаси беҳиёл бўлиб ўтовига қайтди. Меҳмон ҳам кетди. Ёлғиз қолган аёл ўзи истамасаям шубҳа ва гумондан иборат ўйларга чуқур шўнғиди: «Бола чини

билан... Агар нобуд бўлган... Йўқ, ундай бўлмасин, Худой-жон! Нега унда меҳмон отига минаётиб: «Боланинг ота-энасига бошқа ҳеч нима айтманг», деди. Бунда бир гап бор, бўлмаса, бундай тагдор гапирмас эди...»

Ёмон хаёлларни қувиб кўрди, бўлмади. Беихтиёр кўзларидан ёш сизиб чиқарди. Гўё унга қўшилиб осмон йиғларди. Ёмғир тун бўйи ёғди. Шунга ёки кўргиликларни ҳис этибми, оқ ўтовдан биринчи марта чакка ўтди. Шу кеча оқ ўтов «чак-чак» йиғлаб чиқди, аёл хўнг-хўнг йиғлади.

Бежиз йиғламабди, оқ ўтов бекорга кўз ёш тўкмаган экан. Эртаси тонг азонда Холбекнинг ота-энаси ўтовга бостириб келди.

— Улимни топиб бер, — деб эна жанжал кўтарди. — Йўқ, деганимга қарамай, эринг оп кетди. Энди, қаердан бўлсаям боламни топинглар...

— Эгамбердига қўшиб бермасам бўларкан, — деди отасиям бош эгиб.

— Менам эзилиб кетдим, — деди аёл уларни шаштидан тушириш учун. — Туни билан ухлаганим йўқ. Уларга нима бўлганини билсам, айтардимда. Кутайлик, ҳали замон келиб қолар. Кечаги овчидан уларнинг изига тушиб, бирон нарса аниқлаб келинг, дедим. Бир-икки кун кутайлик, ҳеч бўлмаса, у бирон хабар билан келиб қолар.

— Хўп, келишини кутаман. Агар бирон янгилик билан келмаса, кейин ҳафа бўлиб ўтирма, — деди Ойсара дево-надек кўринишда.

— Аввал келсин, — Ойбуви бошқа гапиролмади. Чунки ажинами, девми, ишқилиб, бир маҳлуқ ичига кириб олиб, тинмай ваҳифа уруғини сепарди.

Оқ ўтовга маломат тошлари ёғила бошлади. Бундан унинг қобирғалари ҳар кеч «қасир»лаб чиқадиган одат чиқарди. Бошига тушган қорни ҳар ким ўзи кураркан. Ойбуви нима қиларди, улини боврига босиб, базўр чидамоқда. Оқ ўтов қулаб тушсамми, дейдию, қуламайди. Аввалгидай қадди ғоз, боши осмон бўлмасаям, «оқ ўтов»лик шаънини сақлайди. Аслида у қулаётгани йўқ. Аёл беихтиёр равишда шундай ўйлаётганди. Камига: «Йиқилма оқ ўтов,

йиқилма! Йиқилсанг, ҳеч биримиз омон қолмаймиз. Қаддиндан ўлай, оқ ўтов, йиқилма!», деб керағаларни ушлаб-ушлаб қўярди.

Оқ ўтов кўзлари тўрт бўлиб, йўл пойлади. Бу орада унинг тешиклари кўпайди, ҳар бир тешиги кўзга айланди. Бир неча кунда келаман, деган овчи бир ойда қайтди. Шунисигаям шукр, агар келмаса, нима қилардик, ҳартугул келди-ку, дерди аёл.

Бунинг устига қуруқмас, уловлар билан қамишни бирга олиб келди.

— Нима гап, — деди аёл овчи етиб келиши билан.

— Бойбича, гап кўп, — деди овчи мустар қилмасдан.

— Оқ ўтовнинг бийини кўрдингизми?

— Кўрдим, десам ҳам, кўрмадим, десам ҳам бўлади.

— Бу нима, деганингиз мерган ака?

— Бу ердан кетганимдан сўнг, аввал, уловларни топиб, ёнимга олдим. Қамишни киши кўзи тушмас жойга яширдим. Чунки ҳали қанча изғиринлар олдинда турибди, асқатиб қолар, дедим. Шундан сўнг бойингизнинг изига тушдим. Бир неча бор йўқотиб, яна топдим. Ўн кун деганда уни бир дарада учратдим.

— У дарангиз қаерда? Оқ ўтов эгасига нима бўпти?

— Дарами, бу ердан жуда узоқ. Эрингизга келсак, у соппа-соғ. Аммо...

— Нима, аммо?

— Унинг ёнида болани кўрмадим.

— Э-бий, мен ўлай...

— Болани сўрасам, хавфсиз жойда, деб жавоб бергиси келмади. Унинг бир нимани яшираётганини сездим.

— Унда, бу ерда нима қилиб юрибсиз? — дедим уни гапга солиш учун.

— Менми, — талмовсиради у. — Бўрилар билан ҳисобим бор.

— Қандай ҳисоб? Уч-тўртта уловингизни ғажигани учун шунчаликка бораяпсизми? Қўйинг, улов бош-кўздан садақа, энди ўтовингизга қайтинг!

— Йўқ, орани очик қилиб, кейин қайтаман, бўлмаса қайтиш йўқ.

— Болага бирон гап бўлмадимми? Улов учун бунчаликка бормасдингиз-ов, менимча...

У бундан ғалати бўлди.

— Йўқ, нима деяпсиз, ҳеч нарса, — деб дудуқланди. Бунинг устига кўзлариям сал бежароқ эди-ёв, назаримда.

— Нима қилиб бўлсаям, қайтишга кўндирмадингизми?

— Қандай кўндирай. У гапни қисқа қилиб, тошдан-тошга сакраб, чўққи томон кўтарилди. Юришиям ғалати эди, эпчиллик билан ҳаракат қиларди. Анчадан буён тоғу тошда юравериб, чаққон бўлиб қолдим, бунисиниям билмадим. Бироздан сўнг баланд харсанг устига чиқиб: «Ҳо, мерган ака, боя айтиш эсимдан чиқибди, Тўриқни хў-ў, анави ерда тушовлаб қўйибман. Уни ўзингиз билан олиб кетинг. Йўлингиз тушиб, биз томонга борсангиз, улимга берасиз, бермангиз ҳам майли», деб овоз берди. Ана, Тўриқни оп келдим.

— Қийин кунимда кўмак бериб, қиёматли акам бўлдингиз. Мерган ака, инингизнинг бу қилиғини тушунмадим.

— Гапнинг очиги, менам ҳеч балони тушунганим йўқ. Ўзингиз мени акам, дедингиз. Ҳеч замон ака ўз сингисини алдайдимми?! Шу боис сизниям, ўзимниям қийнамасдан, бўлар гапни айтмоқчиман.

— Фақат Холбек ўлган, деманг. Агар у ўлган бўлса, менам ўламан, оқ ўтов-да ўлади, дунё-да ўлади, ҳаммаси ўлади.

— Уни ўлди, демадим. Аммо шубҳам шунга қараб кетаяпти. Эрингиз айтмаган бўлсаям ички бир сезим билан билиб турибман. Бола ўлмаганда, эрингиз бўриларга бунчалик қасдлашмасди. Шундай эмасми?

— Шундан кўрқиб тургандим. Илоё, ундай бўлмасин, ишқилиб.

— Тағин бир гап. Полвон: «Уни ўлдираман, тирик қўймайман!», дегандек бўлди. Яна «Бўзбўри», деди. Менимча, Бўзбўрини айтди. Уни кўрганман: важоҳатидан от хуркади. Агар жунини хурпайтириб, тишларини кўрсатиб, ириллай бошласа, ҳар қандай кишининг капалаги учади.

— Энди нима қиламиз, нима қиламан?

— Билмадим. Фақат бир нарса аниқ: бойингиз қасд олмагунча, овулга қайтмайди. Сабр қилинг, бошқа нима қилардингиз.



Мерган ака келиб кетгандан кейин оқ ўтов бошига яна балолар ёғилди. Холбекнинг ота-энаси ҳар куни маломат тошларини отаверди. Кейин улар: «Биз сен билан бир бетда яшай олмаймиз», деб бошқа жойга кўчди, ортидан қолганлар эргашди. Бийдай даштда танҳо оқ ўтов қолди. Бундан беканинг қалби мунг тортди, оқ ўтов қадди чўкди. Эрта баҳор бўлгани учун аёл ўтов кийиз ва чийларини тортиб, шамолласин, енгил нафас олсин, деди. Лекин фойдаси бўлмади. Дард енгиллашмади, аксига олиб тош босиб бормоқда. На баҳор ҳавоси, на қуёш тафти Ойбувининг боврини илитолди. Энди ҳеч нарса бунга қодир эмас.

Баҳор ўтди, ёз ўтди, кузнинг ўрталари. У молни даштдан ҳайдаб келиб, қўрага қамади. Шу тобда ўзини ғалати ҳис этаётганди. Гўё бу кеча нимадир бўладигандек, юраги тез урар, боши сиқиб, ўзини қўйишга жой тополмасди. Яхшиликка бўлсин, деб ўзини овутди. Бу яйдоқ дала-даштда қўй-эчки, от-улов, ули, ўзи ва оқ ўтовдан бўлак ҳеч зоғ бўлмагач, ўзингни ўзинг овутасан, бошқа нима бўларди. Азадан дунё мезони — шу.

Овқатланиб бўлгач, ўрнига кирди. Балки ухлаб, ташвишларни тезроқ унутарман, дегандир. Аммо у ёққа ағнади — бўлмади, бу ёққа ағнади — бўлмади. Мурод ухламай ётган экан.

— Эна, эртак айтиб беринг, — деб эланди.

— Нимани эшитгинг келаяпти? — деди она уни ўкситмаслик учун. Аслида ҳеч нарса айтишни, эшитишни истамаётганди. Бола буни сезди.

— Чўпчак айтгингиз келмаётган бўлса, чанқовуз чалиб беринг, — деди чуқур хўрсиниб. Бу аёлга ёқиб тушди. Сиқилган пайтлари чанқовузни қўлга олиб, ўзи билганча «биёв-биёв» қилиб чалади, чалаверади. Бир пайт дард енгиллашиб, қалбида умид куртаклари барг ёзгандек бўлади. Аммо бу гал бўлакча. Шунча оғир дардни чанқовуз ола биладими? Унда шунча дард куйлари борми?

Ўтирган жойидан қўл узатиб, кўрпа тахламлари орасидан чанқовузни олди. Лабига босиб, тилини бармоғи билан секин-аста силай бошлади. Ён-атрофга оғир мунг, мунгли куй тарала кетди. Берилиб чалаяпти. Унинг кўз ўнгидан дала-

дашт, сурувлар, шарқироқ сою жилғалар, оқ ўтов эгаси кезиб юрган тоғлар бирма-бир ўтмоқда. Хў, ана, бойи дарада бўриларни қувлаб юрибди. Белига тери парчаларини осиб олган. Кўзи ёниб, катталиги эшақдек Бўзбўрини пойлаяпди. У эса ён бермасдан қочаётир. Шу пайт полвон ортига қайрилиб қаради. Ўтовини эслади чоғи қувишдан тўхтаб, пешонасини чангаллаганча, харсанг устига чўқди.

Чанқовузнинг «биёв-биёв»и оламни, болани, уларга қўшиб онанинг ўзини сеҳрлади. Шундан бўлса керак кўзи юмилиб, чанқовуз қўлидан тушиб кетганини билмади. Кўп ухламади. Ташқаридан оқиб кираётган шобирдан хушёр тортди, секин ўтов бўсағасидан ташқарига мўралади. Бир қорага кўзи тушди. Ким экан, деб ҳайрон турган эди, кўланка яқин келиб:

— Танимадингми, — деди. Бу оқ ўтов эгаси экан. Аёл у томонга қандай отилганини билмай қолди. Уятни йиғиштириб, бўйнига осилди. Аслида бу ерда нимадан уяларди, бу бийдай даштда ҳеч зоғ бўлмаса. Шу кўйи иккови узоқ турди. Йиғлардилар, йиғи сабабини билмасди. Бунга йиртқич бўрилар қилмиши, бечора боланинг нобуд бўлиши, ота-энасининг оқ ўтовга маломат ёғдириши билан боғлиқ дарду изтироблар қўшилиб кетганди.

— Бир фурсат илгари иккимиз қанчалик бахтиёр эдик, — ҳикоя қилди аёл. Бўлиб ўтганларни эслаб, бирдан шалвираб қолдик. Иккимизни бир ўй қийнамоқда: «Энди нима қиламиз?». Бу аччиқ ўй иккимизни икки ёнга улоқтирди. У менинг, мен унинг иссиқ бовридан ситилиб чиқдик. Юлдузлар чақнаб турган осмон, сокин тун, кенг дала, совуқ куз ҳавоси ҳовуримизни босолмади. Шунданми, ўтовга ошиқдик. Киргандан сўнг бир-бировга нима дейишни билмай карахт туравердик. Агар оқ ўтов эгаси гап очмаганда, бу жимлик қанча чўзиларди, аниқ эмас.

— Шундай бўлиб қолди, энаси, — деди у чуқур хўрсиниқ аралаш. Бу гапдан кўп нарсани илғаш мумкин. Боланинг ўлимию, ўзининг бемаҳалда, худди ўғридек бўлиб кириб келишига ишора бор эди бунда. Лекин бу фақат Холбек ҳақида айтилганини сезиб турипман. Буни сўрай олмаётганим учун қани, ўзи гап очса, дейман. Аммо у ҳалиям

жим. Гўё елкасига тоғ ағдарилиб тушгану, шундан қутилиш билан андармон. Аслидаям елкасига тоғ қулаб тушган, тоғ нима бўлди, осмон ағдарилган. Буни мен ҳис қилиб турибманку, у ҳис қилмасинми?!

Қанчадан кейин бошини хиёл кўтарди.

— Уф, — деди, — уни бўри, Бўзбўри ғажиб ташлади, — у яна жим қолди.

— А, нима? — дедимда тиззамга қарсиллатиб шаппатладим.

— Энди нима қиламиз? — деди у бу аҳволимни кўриб.

— Билмайман, билмайман. Ота-энасига нима дейман. Болани бўри еди, дейманми? Қайтиб айтаман? Бундан ўзларини йўқотмайдими?! Шундайгаям маломат ёғилаётган оқ ўтовга тошлар отмайдими?! Қаерданам болани олиб боринг, дедим. Бундан кўра, тилим кесилса бўлмасмиди! Худойжон, энди нима қиламиз, Худойжон! Раҳм қилмасанг, биз-да омон қолмаймиз, оқ ўтов-да омон қолмайди, Худойжон!

— Шунинг учун ҳам бу ёқларга келмай юргандим...

— Келмасам, ҳаммаси ўнгланиб кетади, деб ўйладингизми?

— Йўқ! Ўзимни йўқотиб қўйганимдан бор фикру хаёлим ўша бўрини ўлдиришда бўлиб қолганди. Ҳозирам шу ўйдаман. Бу ерга келишим... сени, улимни кўрай, дедим. Мана, кўрдим, энди кетаман.

— Қаерга борасиз?

— Бўзбўрини топаман, топиб ўлдираман.

— Мерган аканинг айтишича, кўпини ўлдирибсиз — шу бўлмайдими?

— Бутун уруғини қирдим, фақат ўзи қолди. Ўлдирмасам, тинчимаيمان. Болани ғажиди, қасдим унда! Бошқалари бекорга нобуд бўлди, қасдим фақат Бўзбўрида! Кўп пойладим, жинми, шайтонми, дейман ҳаракатимни кўриб-билиб тургандай, чап бериб қочади. Ўзиям орқасидан роса эргашдим, аммо бирон иш чиқмади. Яқинда бу ерда тинчлик йўқ, дегандек, бошқа тоғларга бош олиб кетдиёв...

— Кетган бўлса, қаерга борасиз?

— Изига тушиб топаман, шунгача излайвераман, излайвераман.

– Сизга нима бўлган, ўзи?

– Менгами, ҳеч нима, – оқ ўтоқ эгаси шу гапни айтар экан, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Шу ҳолида бироз ақддан озган кишидек эди. Бундан ичимга ўт тушди. Бирон хаста бўлмаганда, бундай кулмасди, деб ич-этимни ейман. Шуни ўйларканман, юз-кўзига билдирмай қараб олдим. Соч-соқоли ўсгани, кўзи бургутникидек ўткир торганини айтмасам, ўзга ғалати нарсани кўрмадим.

– Шунисигаям шукр, – дедим ички бир хўрсиниқ аралаш.

– Нимани айтаяпсан? – деди оқ ўтоқ эгаси ўрнидан турмоқчидек ҳаракат қилиб. – Энди кетишим керак. Ҳали замон тонг оқаради, шунинг учун турмасам бўлмайди. Мана, сени, улимни кўрдим, энди ҳеч нимани ўйламасдан кетаверсам бўлади.

– Улингиз билан гаплашмадингиз...

– Омон бўлсак, ҳали кўп гаплашамиз. Қара! – кўрсаткич бармоғи билан ишора қилди, – мазза қилиб ухляпти. Тинчини бузмайлик. Бизга нима бўлсаям, у тинч бўлсин, у омон бўлсин!

– Нималар деяпсиз?

– Олдинда нималар кутаётгани маълуммас. Шунинг учун хотин, бу ерга келиб-кетганимни ҳеч кимса билмасин. Агар омон бўлсам, вақти келиб қайтаман... Сен ота-энанг овулига бор! Бошқалар кетиб, ёлғиз қолибсан...

– Ўзимизнинг жой-чи? Оқ ўтов шу ерда тикилган, у шу ерда бўлиши керак! У бошқа жойда оқ ўтов эмас! Менинг гапим – шу!

– Гапингда жон бор. Майли, билганингни қил! Аммо бирон гап бўлса, бошқаларга яқин жойга кўч! Ота-энанг олдига, демайман. Бу ерларда ёлғиз қийналиб қоласизлар.

– Барига чидаймиз. Сиз учун, оқ ўтов шаъни учун чидаймиз!

Оқ ўтов эгаси тонг оқармай чиқиб кетди. Унинг бу келгани ҳисобмас. Худди тушдагидай келди-кетди. Оқ ўтов бундан мунг тортди, қора тортди. Унинг тепасидан чиқаётган тутун гўёки унинг оқ-воҳлари бўлиб ён-атрофга ёйилмоқда...

Яна бийдай даштда Ойбуви ва Мурод қолди. Улини ёнига олиб, мол-холга қарайди, уларни ўтлатиб, кечқурун яна қўрага қамайди. Кунлар шу зайлда бир-бирини қувиб ўтаверди. Бу орада анча эсамал бўлиб қолган Мурод ҳеч ким йўқлигидан зерикдими, отасини соғиндими, ишқилиб, «эна, уни қилинг, буни қилинг», деб инжиқлик одатини чиқарди. Барча ҳасратини ичига ютиб келаётган аёл бундай кезларда чанқовузни олиб, «биёв-биёв» қилади. Бора-бора бунга одатланди. Қачон сиқилса, унга ёпишади. Бу ерда бошқа эрмак йўқ. Айниқса, ўтовда сиқилиш янаям кучаяди. Унинг назарида, бир пайтлар қувонтирган оқ ўтов энди бошқача бўлиб қолганди. Киради, қайтиб чиқади. Бугун яна шундай. Ўтов кўзига янада мунгли бўлиб кўринди.

Чанқовуз тилини бармоқлари билан секин сийпалай бошлади. Ўтов ичини, бора-бора бутун оламини унинг мунгли, дардли куйлари тутиб кетди. Улига билдирмай қараб олади, у сел бўлиб эшитмоқда, ўзининг эса кўзидан сел оқмоқда. Бола кўрмасин, деб кўзларини чирт юмиб олди. Шу пайт, кўз олдида оқ ўтов эгаси пайдо бўлди. Соч-соқоли янаям ўсибди. Кўзи билан бир нимани қидирмоқда. Қўлини пешонага тираб, узоққа термулиб қўядими-ей. Ҳа, у Бўзбўрини ахтараяпти. «Ҳалиям топмадингизми», дейди хаёлан.

...Кузнинг ўрталари. Бу пайтда қир-адирликларда кунлар илиқ кечади. Тоғда вазият буткул бошқача. Биринчи ёққан қор ҳамма ёқни оққа беллаган. Айниқса, шамол йўлидаги дараларда қор қалинлиги салкам одам белига бўйлайди, бунинг устига қаттиқ. Устида бемалол чопиб юрса бўлади, ботиб қолмайсан. Сабаби — шамол қорни учуриб келтириб, куч билан тикаверган, натижада тошдай қотган. Лекин ҳаммасимас. Эҳтиётсизлик қилиб, юмшоқ жойини босиб қўйсанг, камида белгача қорга ботасан. Буни билган полвон авайлаб тепага тирмашарди. У бўрининг изини топган. Бунинг учун қанча ўлиб-тирилмади. Неча марта йўл йўқотди, қанча хатар билан тўқнаш келди. Изни энди топдим, деганда сезиб қолиб, йўлни чалғитади, ғойиб бўлади. Шунда одам уни оддий ҳайвон эмас, жинми, шайтонми, деб ўйлади. Ҳа, у шайтон ёки жин. Йўқса, бунча ҳушёр бўлмасди. У бўри эмас, балои азим. Одам шу ўй билан чўққига тир-

машарди. Жондор қаерда эканини билиб турибди. Шунчадан буён эргашиб юргандан кейин билади-да.

Чўққидай бўлиб кўринган харсанг устига чиқди. Шу ердан ён-атрофни синчиклаб кузатиш, бўри қаерда эканлигини аниқлаш мумкин. Шу баҳонада нафасини ростлайди. Чиқди, чўзилди. Хаёли узоқларга улоқди. Ули, хотини нима қилаётган экан, оқ ўтовчи? Бундай кўргилиқдан уларнинг қадди букилиб қолмадими? Холбекнинг ота-энаси бу кулфатга қандай чидаяпти? Бунинг барчасига Бўзбўри сабаб, у ўлдирди болани. Энди уни ўлдирмаса, қасдини олмаса, овулга бир умр бормайди! Ўлдиргандан кейин бориш ҳам осонмас. Бўлди, бўридан қасд олдим, уни ўлдирдим, дейдими? Бунга ота-энаси кўниб кетаверадими? Кўнмайди, ҳеч қачон кўнмайди. Қайси ота-эна бунга рози бўлади...

Одам шу ўйлардан қийналиб, ётган жойидан сапчиб қўпди. Гўё унинг туришини кутаётгандек, юз одим нарида жондор ўткир кўзларини қадаб турарди. Таъқибчи унга секин-аста яқинлашди. Бўри бунга сезмаётгандек, билсаям бунинг ўзига алоқаси йўқдек, жойидан жилмади. Саксон, элик, ўн одим. Одам шу ерда таққа тўхтади. Йиртқич ҳалиям жойидан қўзғалай, демас, кўзлари билан унинг ҳаракатларини синчков кузатмоқда. Иккаласи бир зумга бўлсин рақибидан кўз узаётгани йўқ. Гўё шу орқали бир-бирининг кўнглида кечаётган туйғуларни илғамоқда, уқмоқда, дейсиз.

— Шу ерларгаям келдингми, — деди жондор.

— Нима, осонгина қутиламан, деб ўйлаганмидинг?

— Болани ўлдирдим, бунинг учун бадалини ортиғи билан тўладим. Тўпимдагиларнинг барини қирдинг. На кучукларим, на жуфтимни аядинг. Ана, уларнинг бош териларини белинга қатор осиб олибсан-ку. Шу билан қаноат қилмадингми?

— Сенга булар кам.

— Бўрини йиртқич, дейсан, аммо ўзингнинг қилмишинг ошиб тушди. Энди тўхтатсанг бўлмайдими?

— Тўғри, бутун тўпингни қирдим. Аммо уларнинг айби йўқ, айбдор сенсан! Агар биринчи сени ўлдирганимда, тўпинга зулм қилмасдим.

— Бир жон учун ўнта жон олдинг, тўхтат! Агар тўхтатмасанг...

— Тўхтатмасам нима қиласан? Наридан борса, мениям га-  
жийсан, бундан ортиқ эмас.

— Шундай қилишимга тўғри келади, шекилли.

— Мени аврама, барибир қайтмайман!

— Ўтовингда йўлингга кўз тиккан боланг, хотинингни  
ўйламайсанми? Йўл қарайвериби, кўзлари тўрт бўлгандир  
бечораларнинг.

— Барибир сени тинч кўймайман!

— Унда, билганингни қил!..

Жондор ортга бурилиб, қалин қор устидан чошиб кетди.  
Полвон унга беихтиёр эргашди. Улар кўп йўл юрди. Одам  
уни пойлаб, бир нечта ўқ узди. Бўри абжир, унга осонлик  
билан ўқ тегизиби бўлармиди. Ё ётиб қолади, ё баланд жардан  
пастрга сакрайди, ишқилиби, ён бермайди.

Орадан бир неча кун ўтдиёмки, бирон натижа чиқмади.  
Камига бўрон туриби, қор ёға бошлади. Бундай ҳавода муз-  
лаб қолиш ҳеч гап эмас. Форми, ўрами топиби, яширинмаса  
бўлмайди. У шу хаёл билан анча вақтгача тентираб юрди.  
Ниҳоят, киши чўккалаб ўтирса бўладиган фори топи, уза-  
ла тушиб ётсаям бўлади. Аммо бу камлик қиладиган кўри-  
нади. Чунки фор жуда совуқ, изғирин тонггача тарашадай  
қотириби ташлайди. Ўт ёқмасе бўлмайди. Шу ўй билан ён-  
атрофдан арча, ёввойи бодом, бута-сутадан бир қучоқ ўтин  
йиғди. Форга киргач, киссасидан чақмоқ тош топи, на-  
ригисида қуруқ латта бор экан. Салдан сўнг олов ловул-  
лаб фори қиздирди. Тўрвадан нон, ул-булни чиқариби, та-  
мадди қилди. Сўнгра шох-шабба билан фор оғзини тўсиби,  
узала тушиб ётди. Мизғиб олмаса, таъқибга ярамай қола-  
ди, ахир.

Қанча ухлаганини билмади, яқин атрофдан келаётган  
бўри увлашидан уйғониби кетди. Сер солиби эшитди: бу  
Бўзбўри овози, камига у ёнгинасидан келмоқда. Қўли мил-  
тиққа чопди. Секин фор оғзига қўйилган шох-шабба ораси-  
дан мўралади. Тонг энди фира-шира оқармоқда. Бўри фордан  
юз одим нарида бўйнини осмонга чўзиби, фалати увуллаётир.  
Унинг увуллашидан кўп нарсани уқиш мумкин. У, аввало,

нола қилаяпти. Бутун тўпи, кучуклари, жуфтидан айрилгани, бу ёруғ оламда якка-ёлғиз қолгани учун мунгли нола эди бу. Ҳа, ёруғ оламда сўппайиб бир ўзи қолди. Энди кучуклари ҳали ўткир тортмаган тишларини баданига ботирмайди, жуфти тумшуғи билан тегиб, эркаланмайди. Энди овдан умуман маъни қолмади. Нимага ов қилади, ким учун қилади? Ўзининг қорнини дуч келган нарса, ҳатто, ўлимтик билан тўйдириш мумкин. Оч қолиб, ўлиб кетса қайтанга яхши. Бундай азобдан кўра, шуниси маъқул. Лекин бир нарса уни ушлаб турибди. Бу — ўзини кўпдан бери таъқиб қилаётган одам билан ўзаро ҳисоб-китоб. Аслида, буни у ўйлаб чиқарди, тўпини қирди. Буни шундай қолдириб кетиш мумкин эмас! Унда, тўдабоши, Бўзбўри деган оти қаерда қолади. Лекин унияма тушуниш керак. Алами, қасди бор. Шу боис, кўзи қонга тўлиб, бу ерларда сарсон-саргардон юрибди.

Одам ғордан чиқиб келди.

— Нимага келдинг? — деди еб қўйгудек тикилиб.

— Аҳволингни кўриш учун келдим, — Бўзбўри ҳарака-тидан унинг ичида нималар кечаётганлигини билиш мумкин экан.

— Хўш, кўрдингми, кўнглинг тўлдими?

— Аслида, бошқа нарса учун келгандим.

— Тағин...

— Биламан, ичинг тўла дард. Имкони бўлганида мени ҳозироқ ўлдириб қўйган бўлардинг. Булардан чарчамадингми?

— Чарчаш?..

— Бу қасдлашувни тўхтатмаймизми? Қачонгача бундай юрамиз?

— То сени ўлдирмагунимча, ўлдириб, терингни шилиб олмагунимча!

— Билсанг, шу терим ва устухонимдан бўлак ҳеч вақом қолмади. Ҳар жонни ўз тўпидан айирмасин экан. Энди менинг бугуним-да, эртама-да йўқ. Эй, одам, шу ҳолимдаям тинч қўймайсанми?!

— Нега унда таслим бўлиб қўймайсан, шунда ҳаммаси тугайди?!



— Бўрилар мағрурликни ёқтиради. Шунинг учун беллашиб ётибман. Агар шу ғурур, бари жонлиларга хос қасд олиш бўлмаганида эди, аллақачон чўққидан сакраб, ўзимни тилка-пора қилардим. Лекин барибир сенга ён бермасдим, ҳузур қилишинг учун имкон қолдирмасдим. Келиб-келиб сенга имкон бераманми?!

Полвон бўри кўнглида кечаётган ана шу туйғулардан таъсирлангандек ҳаракатга тушди. Қўли билан милтиқни секин пайпаслаб, йиртқич томон билдирмай силжиб, яқинлашаверди. Бўри ҳушёр. Агар яна озроқ шу алфозда кутиб турадиган бўлса, анави хужумга ўтиши, ўқ отиб бирон хаста қилиши ҳеч гап эмас. Хатар яқин эканини сезган жондор сал илгаригидек, кўкка бўй чўзиб, қисқа увуллади, сўнг тошларни оралаб, дара томон чопқиллаб кетди.

Қорли тоғда йўл йўқотиш, топиш осон. Эгамберди эсини танигандан бери қир-адир ва тоғу тошда кезгани билан буни ҳозиргидек ҳис этмаганди. Қуваман, деб қалқиб кетди, белигача қорга ботди. Ундан чиқиб, ўзини эплаб олгунича Бўзбўри йўқолди-қолди. Изидан топаман, деса, бўрон қорни ҳар ёққа учириб, кўмиб юборган. Анчагача тополмай сарсон бўлди. Диққатини жамламаса қийин. Жондор кетган йўлни синчков кўздан кечирмоқда. Бўрон қанча қутурмасин, қор учқунларини ўйнамасин, изни тўла йўқотолмабди. У ер-бу ерда из бор. Шу бўйича илгарилайди. Из уни тор дарага олиб кирди. Дара боши берк. Буни ҳеч қаерга йўл қолмагач билди. Унда бўри қаерда? Йўл йўқ экан, у кетолмаслиги керак эди-ку. Оқ ўтов эгаси шу ўйлар билан яна илгарилайди. Из уни чўққидай харсанг ортига етаклади. Ҳайнаҳой бўри шу ерда. Ё силлиқ тошга тирмашиб, тепага чиқиб кетдими? Унда из қани? Ана, харсанг орқасига кетган. Мана буниси янги. Қўли билан изни секин пайпаслади. Энди қаддини ростлаётганида, йиртқич пайдо бўлиб, бирдан сакради.

Сўнг рақибини тўши билан уриб, бир неча одим нарига улоқтириб юборди. Ўзи эса уч-тўрт марта умбалоқ ошиб тушди. Одам елкасидаги милтиқни олишга улгурмади, қинидан пичоқни чиқарди.

— Айёрликка ўтдингми, — деди у жаҳл билан.

– Нима фарқи бор, – бўри ўткир тишларини кўрса-тиб, қонга тўлган кўзларини унга қадади. Одам унинг хужум қилмаётганидан фойдаланиб, милтиқни олишга уринди. Йиртқич буларни кўриб, ҳисобини олиб турибди. У қулай пайтни пойламоқда. Полвон милтиқни оламан, деб бир неча сония чалғиди. Бўрига шу етарли бўлди. Бир-икки қадам чопқиллаб келиб, шундай важоҳат билан сакрадики, одам чора кўришга кеч қолди. Бўри бу сафар ҳам уни тўши билан уриб, қулатди. Ўзи бу гал умбалоқ ошиб кетмади, аксинча, рақибининг чап қўлини қаттиқ тишлаб, тўхтади. Полвон инграб юборди. Хаёлига нималар келди, буни айтиш қийин. Лекин энди ўлдим деб, шунинг таъсирида, улини, оқ ўтовнию унинг бекасини ўйлагани тайин.

Бўзбўри бир парча гўштни узиб олмоқчидек силкиб тортмоқда. Аммо нимагадир унинг ҳаракатлари сусайиб бораётир. Одам аввалига жон оғриғи билан буни сезмади, юзига қўйилаётган иссиқ томчилардан ҳушёр тортди. Сер солиб қараса, бўри биқинидан қон оқяпти. Уям яраланган. Аммо қачон, буни билмади. Бундан у тетиклашади. Бор кучини йиғиб, куч билан бўрини устидан улоқтирди. Жондор бир неча одим юриб, шилқ этиб йиқилди. Аммо у осонгина жон берадиган хилиданмас. Рақибига ўткир кўзларини қадади:

– Ҳолинг шу экан, деясанми?! Қувонма, ҳали таслим бўлмайман...

Жондор айтганини қилди, белидан қон оқаётган бўлса-да қаддини тиклаб, чопқиллаб нари кетади. Оқ ўтов эгаси тагин нимани ўйлади бу, деб минғирлаб қолаверди. Таъқибга куч тополмади. Шу ерда ётиб, сал дам олмаса бўлмайди. У кийимларини ечди, тўрвадан тоза латта олиб, ярани маҳкам боғлади.

Шу маҳал қаердандир Бўзбўрининг аянчли овози эшитилди. Бундан ҳушёр тортган одам ўрнидан тиззага таяниб турди, из бўйлаб илгарилади. Кўп юрмади, из уни тўрт одам бўйи келадиган жар тепасидан олиб чиқди. Из жарликда тугаган. Пастга қарадию бирдан шалвираб қолди. Чунки у ерда ўзи кўп пайдан бери таъкиб қилиб келаётган рақибни қорга беланган кўйи ётарди. Унга нима бўлгани аниқмас,

аммо уни ўлди, деб ўйлаётганди. Чуқур жароҳат, кейин баланд жар ҳар қандай жониворни ўлдириши тайин. Бунга ишонч ҳосил қилиш, керак бўлса, бўри терисини шилиб олиш учун пастга тушишга йўл ахтармоқда. Аммо йўл йўқ. Лекин амаллаб тушса бўлади. У шу ўй билан оёғини жар лабидаги тошга тиради. Палакат босиб, сирғалиб кетди, жарга қулади.

Тоғда шу воқеалар бўлиб турган маҳалда оқ ўтов бекаси чанқовузни «биёв-биёв» чалиб ўтирарди. Оламни куйга, мунгли куйга, йўқ, йўқ, мунгга тўлдириб, сел бўлиб чаларди. Куй билан оламни йиғлатди, ўзиям қўшилиб йиғлади. Бу ердаги кулфатлар камлик қилгандек, узоқ қорли тоғда бўлаётган кўргиликни ички бир сезим билан сезар, қалб кўзи билан кўраётгандек эди. Сезмасинми, оқ ўтов устун, хожаси бошига не синов тушганини билмаса, қандай ёр бўлди. Ўзига қўшилиб оқ ўтов сиқилди, шамол туриб, қайсидир керағаси қаттиқ қарсиллади, синди. Чанғароқдан чиқаётган қалин тутун унинг оқ-воҳлари далолати бўлиб кўкка ўрлаётганди.

Оқ ўтов ва бекаси бир аҳволда. Шу пайт узоқдан икки қора кўринди. Аввалига ўткинчи бўлса керак, деб ўйлади. Кейин аниқлаш учун қўлини пешонага тираб, синчиков қаради. Сал яқин келди. Таниди — Холбекнинг ота-энаси. Ичида бир нима узилгандек бўлди. Ана, энди тамом. Шунчаси етмай турганмиди. Нима бўлгандаям яхши кутиб олиш керак. Шу хаёлда йўлига пешвоз чиқди.

— Келинг, бой ака, келинг, эгачи, — деди етиб боргач.

— Бирон янгилик борми, деб келувдик, — Холмуродбой гап бошлади. — Эгам полвонни айтаман...

— Далада гаплашмайлик, ўтовга кирингизлар.

Улар ичкарига кирди. Ойбуви сер солиб қаради: Холмуродбойнинг қовоғи очилган, олдингидек газабдан ёнмаяпти. Хотининики учиб турибди. Кўнгли сал таскин топган мезбон югуриб-елиб хизмат қилмоқда. Дастурхон ёзди, нон, чой келтирди.

— Келин, мундоқ ўтиринг, — деди Холмуродбой. — Бу ерга чой ичиш учун келмадик, хабарлашиб ўтайлик, дедик. Полвондан бирон хабар борми?

— Шу, мерган акадан эшитганим. Ҳалиям бўрининг кетидан эргашиб юргандир-да.

— Шундай қилсам, бари эсдан чиқади, изига тушади, деб ўйлайдими? — Ойсара бобиллади. Унинг ҳалиям жаҳлидан тушмагани шундоқ кўриниб турарди. — Бекорни айтади! Бошқа кечирсаям, мен кечирмайман. Кўрган жойда ёқасидан оламан. Улимни топиб бер, дейман. Бўри ортидан юрганинг кимга керак! Менга боламини топиб бер!..

— Ойсара, — эри кўзининг ости билан қараб, томоқ қирди.

— Нима, тўғриси-да...

— Бақир-чақир қилмайман девдинг. Бўлмаса, кемасдик. Бу бечоранинг қийналиб ўтирганини кўрмаяпсанми?!

— Келин, — Холмуродбой менга ўтрлди. — Бундан хафа бўлманг. Бўйида гумонаси бор, шунга тез аччиқ бўп қолган. Бунинг устига ҳалиги ишларни...

— Омон-эсон кўлингизга олинг, дугона, — деди Ойбуви.

Ойсара ҳеч нарса демади, ўзини эшитмаганга олди.

— Менам шуни айтаман, — деди эри. — Эсон-омон кўлингга ол, бўлар бўлмасга жаҳл қилма, бу болага таъсир қилади, дейман. «Хўп» дейди-да, яна билганидан қолмайди. Бу билан қандай гаплашишни билмай қолдим, ўзи.

Холмуродбой хотинининг авзойини кўриб, туришга тараддулданди.

— Ўтириб борардингиз...

— Кеч бўлди, энди борайлик. Келин, яна бир гап, — у бир муддат жим қолди. Кейин давом этди: — Энди, кўнглингизга келтирмайсиз-да. Ойсара билан бозорга тушгандик. Айланиб юриб, Муродга бирон нарса олсак, деб дугонангиз билан маслаҳатлашдик.

У шу гапларни айтган, хотинига қараб олди. Хотин унга еб қўйгидек тикилиб қаради. Лекин ҳеч нима демади. Шунисигаям раҳмат! Агар оламини бузиб, тўполон бошласа, нима бўларди...

Холмуродбой бўсағада турган хуржундан бир тугунни чиқарди.

— Отаси Холбекнинг қасдини олиш учун тоғу тошда сарсон-саргардон юрибди. Биз унга сарпо берсак, нима бўпти...

Улар кетди. Ойбуви енгил тин олди. Йўқ, улар кетганиданмас. Аввало, Ойсаранинг гумонаси борлигидан. Кейин Холмуродбойнинг совиганидан жуда хотиржам тортди. Бундан оқ ўтов севинди, шод бўлди. Буни у эшик очиқ бўлишига қарамай, ўтов ичи қизиганидан, аввалгиданам ёришиб, нур инганидан дарров сезди. Шу кайфиятда тугунни очиб кўрди: оппоқ яктак, белбоғ, этик, қалпоқ. Қўлини очиб: «Барака топсин! Боласини қўлига олиб, кўрмагандай бўп кетсин», дея дуо қилди. Ўтов қамишлари шамолда «шитир-шитир» қилиб, буни тасдиқлагандек бўлди.

Эгамберди полвон кўзини очиб, ўзини нотаниш, нимқоронғу жойда кўрди. Ён-атрофга назар ташлаб, фор эканлигини дарров фаҳмлади. Тепаси баланд, эни ва бўйи катта. Ўзидан бир неча одим нарида олов ўчай-ўчай деб турибди, гирдига пўстак, яна нимадир тўшалган. Ўзи иссиқ, юмшоқ жойда ётарди. Хаёлидан биринчи ўтгани бу ерга қаердан, қандай келиб қолдим, деган ўй бўлди. Жавобга қийналмади. Фор оғзидан соч-соқоли ўсган, 45—50 ёшлардаги эркак кўринди. Бир елкасига милтиқ осган, бошқасига архарни елкалаб олган. Оқ ўтов эгаси уни кўриб, ўрнидан туришга уринди.

— Турманг, ётаверинг, — деди ҳалиги киши ўлжани оловга яқин жойга олиб келиб қўяркан. — Ҳали туришга вақт бор, шунинг учун шошманг.

— Бу ерга қаердан кеп қолдим?

— Ўзингизни қийнаманг, деяпманку, иним. Ҳали буни билиб олишга улгурасиз. Уч ой деганда, зўрға ўзингизга келиб турибсиз, ўзи.

— Уч ой... Уч ойдан бери шу аҳволда ётибманми?

— Тўхтанг, гапирманг! Буни мавриди билан гаплашамиз. Ундан олдин олов ёқиб, гўшт пиширай. Қоринни тўйдириб, сўнг суҳбатлашсак бўлади. Нима дедингиз, иним?!

Айтганча, овулим шу тоғ орасида. Эсимни танигандан бери овчиман. Ота-бобом шу ишни қилган, энди мен қила-йпман, биздан кейин болаларим. Бу ерда бошқа иш бўлма-

гандан кейин овчилик қиласан-да. Отим Товошар, лақабим Кийиккўз. Энам тоғдан ошиб-ўтаётиб туққан, шунга тоғ ошар маъносида шу исми қўйган. Лақабни чўққида ўтлаётган кийик кўзидан отганим учун ортирганман. Бу ерда ҳар ким исми билан туғилади. Ўзингиз кимсиз, энди сўрасам бўлар?

— Менми, — оқ ўтов эгаси нима дейишни билмай каловланади. Нима, овчиман, десинми, унда ёлғон бўлади, ё борини айтсинми?!

— Иним, ўйланиб қолдингиз. Агар айтгингиз келмаса, майли.

— Йўқ, нимага. Ота-бобом чорвадор бўлган. Отим Эгамберди полвон. Олиш тушмаганман, аммо кўпқарида ёмонмасдик. Қаерда кўпқари бор, деб эшитсак, чобохонлар билан етиб бориб, совринлар олиб қайтардик. Кейин улар билан ўтовма-ўтов юриб, роса мириқардик, ўзиям.

— Чорвадор, чобахон бўлсангиз, бу ерларда нимага юрибсиз?

— Э-э, ака, бунинг қиссаси узун.

— Майли, ҳозир айтманг. Аввал овқатланайлик, кейин аччиқ чой ичиб, гурунглашиб ётамиз.

Мезбон шуни айта-айта, архар терисини шилий бошлади. Ўзиям хўп уста экан, бир пасда шилиб, гўштни мичалади. Қозонни тош ўчоққа осиб, аввал архар чарвисини эритди. Жонивор роса семиз экан, ярим қозон ёғ чиқди. Шу ёғда гўшт пиширди. Бир зумда ғор ичини ширин гўшт иси тутиб кетди. Иккиси гўшт ейиш баробарида, бири-бирига ҳазил қиларди.

— Эгамбердибой, бир неча ойдан бери беҳуш ётиб, овқатланмадингиз, гўштни кўп еб, ўранлаб қолманг, тагин, — дейди Товошар мерган иликни қоқаркан. — Кейин дамламаю гиёҳ, деб чопиб юрмайин.

— Буни ўйламанг, ака. Отганингиз битта архар экан, ўнтаси бўлсаям еб қўяман, — деди Эгамберди полвон бармоқларига оққан ёғни яларкан. — Ўзингиз айтдингиз, уч ой ҳеч нарса емапман, бир бўлибди, бўкканимча еб олай. Менимча, олдин бундай меҳмон қилмагансиз ёки архарми, бошқа жониворми отиб келиб, едирдингизми?

– Кўп отиб келдим. Аммо сиз овқатланадиган аҳволда эмасдингиз, шу учун гўшт едирмадим, аммо соғайсин, деб нималар қилмадим.

– Мерган ака, буни айтмасангизам сезиб ўтирибман. Мавриди келиб, раҳмат айтмоқчи бўлиб тургандим.

– Шартмас. Бунинг устига ҳали тўла тузалганингиз йўқ. Аввал, оёққа туриб олинг, раҳмат айтиш қочиб кетмас.

– Сўрамоқнинг айби йўқ, шунча вақтдан бери нима бериб боқдингиз, қандай қилиб асраб қолдингиз?

– Тоғнинг одамиман, тоғликлар бундай кезларда нима қилишни яхши билади.

– Мени қаердан топдингиз?

– Ўша куни ҳар доимгидек овга чиқдим. Архар кетидан кўп эргашдим. У орқасидан ажал қувиб юрганини билиб, тутқич бермади. Пусиб борсам, сезиб қолиб, қочади. Бу кўп қайтарилди. Иккимиз ҳам ҳолдан тойдик. Бир амаллаб онгини олдим. Кейин дарани гумбирлатиб, ўқ уздим. Архар бир неча муддат қалқиб туриб, жарга қулади. Минг бир машаққат билан пастга тушдим, кун бўйи қилган меҳнатимни бўриларга қолдириб кетмайман-ку. Унга етган жойда қорга ярим кўмилган бир нарса қорайиб кўринди. Яқин бориб қарасам, кийимга ўхшади. Бир кун чамаси ўша ерда ётгансиз. Қўлоёғингиз совуқдан тарашадай қотган, бир оёғингиз синган, кўп қон кетган. Бошингиз ёмон урилгандан ҳушингиз ўзингиздамас...

Иним, тагин, мерган ака миннат қилаяпти, деб ўйланг, бизда миннат йўқ, хизмат бор. Бу қизиқ ҳикоя, деб айтаяпман...

– Мерган ака, айтаверинг. Сиз гап очмасангизам буни ўзим сўраган бўлардим.

– Архар ўша ерда қолди. Сизни елкалаб шу ғорга олиб келдим. Бу ер овга чиққан пайтларда маконим бўлади. Кейин архарни келтириб, терисини шилдим, терига яланғоч ҳолингизда ўрадим. Бу совуқ урганда фойдали. Эртасига теридан чиқариб олиб, синган оёққа тахтакач қўйдим. Шу кундан оғзингизга турли гиёҳдан дамлама сувини томизишни бошладим. Ана шу гиёҳлар кучи сизни сақлаб қолди, иним.

— Хизматингиз кўп ўтибди. Буни қандай қайтараман, билмадим.

— Одамдан яхшилик қолади. Шунинг учун бу ўйлар билан ўзингизни қийнаб юрманг. Ундан кўра, тезроқ согайиб, оилангизга қайтишни ўйланг. Хотинингиз, бола-чақангиз бордир?

— Бор, узоқда, — оқ ўтов эгаси оғир ўйга чўмди.

Буни сезган мерган:

— Иним, бир дардингиз борга ўхшайди, — деди унга синков тикилиб.

— Шу дард бу ерларга бошлаб келди. Бўлмаса, ўтовдан шунча узоққа кетармидим.

— Хўш?

— Бир бўрини деб, ўша Бўзбўрини деб шу ерларда тентираб юрибман.

— Бўри, қандай бўри, унда нима ишингиз бор?

— Айтганча, мени топган жойда уни кўрмадингизми, Бўзбўрини?

— Йўқ, Борганимда ўзингиз экансиз. Лекин ён-атрофда бўри изи бор эди. Аммо у бу ерда сиздан олдин бўлганми ёки кейинми, бунисига эътибор бермабман. Йиртқич ортидан пастга тушмоқчи бўлгансиз. Йиқилиб, ҳушдан кетиб, ёлғиз қолгансиз. Шундайми?

— Шундай бўлиб чиқди.

— Лекин у нима учун сизга ташланмаган, кўпроқ шу нарсга ҳайрон қолаяпман.

— Буни билмайман. Аммо энди ниманидир англагандайман, у йиртқич бўлиш билан бирга, яна ақллими, ҳушлими, дейсиз.

— Агар сизни ғажимай, ўз йўлига кетганидан келиб чиқилса, ростданам у ҳушли экан, дейишдан бошқа илож йўқ.

— Бошқа томони шундаки, агар у чини билан ақлли бўлса, унда, нима учун Холбекни ғажиди, унинг ота-энасини хасратда қолдирди, мени бу олис тоғларда юришга мажбур қилди. Унда ақлнинг урвоғиям йўқ, у бир йиртқич, қонхўр, холос.

— Мана, гап нимадалигини билдик.

— Билмасдан айтиб қўйибман-ку.



– Энди нима қиласиз, уни яна таъқиб қиласизми ёки тўхтатасизми?

– Тўхтамайман! Уни ўлдириб, терисини шилмагунимча тўхтамайман! Шунга қасам ичдим. Буни қилмасам, на овулга бораман, на ўзимни кечира оламан.

...Қиш ортда қолди, яна баҳор келди. Бу йил баҳор ўзгача. Кунига неча марталаб ёмғир ёғади, кетидан қуёш чарақлайди. Шунинг ҳисобига ўт-ўлан зўр бўлди, бўйи белга уради. Бундан жониворлар яйраганини кўрсангиз эди. Қўйларнинг олди беш-олти кило ёғ тўплади. Жониворларнинг елини сутга тўлди. Мириқиб-мириқиб эмаётган қўзи, улоқ, тойчоқлар кунига эмас, соат сайин ўсаётгандек. Одамлар табиат эҳсонидан жуда мамнун. Айниқса, лола-қизғалдоқлар билан безанган дала-қир кўрган кўзни қувнатади. Ёш-яланг ҳар куни даштга чопиши шундан. Севишганлар учун бу айни муддао.

Ўша кунларнинг бирида Мурод Ойсара хола туғибди, деган гап топиб келди. Ўғил экан. Унга нобуд бўлган боласи ҳурмати Холбек, деб от қўйибди. Бундан Ойбуви шундай севиндики, буни сўз билан айтиш қийин. Унинг кўзига оқ ўтов қаддини сал тутиб олган, тик бўп кўринди. Бундан яна шодланди. Аммо бир нарса чакки бўлди-да, деб ўйлаётганди у: «Ғафлатда қолганим чатоқ бўпти. Ўзи, шу кунларда туғиши керак эди. Мен эса эсимдан чиқариб ўтирибман. Ҳай, майли, эртага «қулли бўсин» қилиб келаман», деди ўзига-ўзи. Бўрибосар итлари билан ўйнаб ўтирган ўғлига қараб:

– Мурод, эртага Ойсара холангни кўргани бораман, – деди.

– Майли, эна...

– Тескайбет томондалигини биламан, лекин...

– Ўзим обораман.

– Молчи?

– Шувоқбетга ташлаб, сизни қўйиб келаман. Кечқурун оп қайтаман.

– Бундай ўтирмай, тарадимни кўрайин бўмаса. Қани, бир сандиқни кавлайчи, нима боракан...

– Фақат латга-путга оласизми?

– Йўқ, биронта улоқми, қўзимми...

– Улоқ-қўзи деб ўтирасизми, байловдаги қўчқордан бирини оборинг.

– Ақлингга балли, болам!

Меҳмонни илиқ кутиб олишди. Ойсаранинг қовоғи очилган. Юз-кўзи кулиб турибди. Холмуродбой ўзида йўқ хурсанд. Ойбуви: «Худойжондан айланай, уларнинг бир боласини олди, ўрнига бошқасини бериб, кўзларини кулдирди», дерди ичида.

Шу хурсандлиги тилигада кўчди:

– Умри билан берган бўлсин, — деди у дугонасини маҳкам қучиб.

– Ҳеч кутмовдик, — деди Холмуродбой.

– Нима қипди, бойим билан ошнасиз, биз, иккимиз дугона бўлсак.

Кечки пайт ётиб кетасиз, деб оёқ тираб туриб олгани Ойбувини баттар тўлқинлантирди. У мол далада қолади, деб зўрға кўндирди. Шу кайфиятда оқ ўтовга қайтмоқда. Ўтов олисдан оловдай бўп кўринди. Унинг назарида, қорайган жойлари оқариб, ўз ҳолига — оқлигига қайтгандек эди. Қаддиям олдингидек долмас, тик. «Қаддингдан ўлай, оқ ўтов, ўзинга қайтдингми», деб беихтиёр кўзига ёш олди...

Шу кеча эрини тушида кўрди. Полвон Бўзбўри ортидан таъқиб қилиб, узоқ юртларга бориб қолибди. У жойларда тоғу тош кўп эмиш, улар мангу қор билан қопланган. Қуёш кам кўринаркан. Ҳалиям манзилга етмаган, шекилли, бўри олдинда, одам орқада номаълум томонга қараб шашт билан кетиб борарди.

Унинг йўлини тўсиб:

– Қаерга бунча ошиқдингиз, энди ўтовга қайтинг, — деди хотин.

– Ҳали на мақсад, на манзилга етдик, — деди полвон бўридан кўз узмай. — Қара, узоқлашаяпти, тагин, изни йўқотиб, сарсон бўп юрмайин...

– Манзилингиз қаер, мақсадингиз нима?

– Буни билмадим, борганда биламан. Бундан ҳў-ў, ана-ви хабардор, — деб Бўзбўрини кўрсатди...

Эрталаб Мурод молни ҳайдаб, чиқиб кетди. Туш таъсирида уйғонган аёл кун бўйи шу кайфиятда юрди. Шунинг

учун қилаётган ишлари ўлда-жўлда эди. Кўп ўтмасдан шом тушиб, қоронғилик оламни қоплаб келаверди. Кун ботиш томондан отлиқ кўриниб, унинг хаёллари ўзига қайтди. «У ким бўлди экан», деди ўзича минғирлаб. Шом салқинида тетик тортган Олапар билан Бўйноқ ўша ёққа вовуллаганча чопди. Хотин улар ортидан «ҳай-ҳай»лаб эргашди. Унинг миясида: «Оқ ўтов эгаси кетганда, иккиси кучук эди. Тағин, танимай талаб-нетиб юрмасин», деган ўй гир айланарди. Шошиб бораркан, диққат билан тикилди. Йўловчи эрининг сиёқини бермади. Бўрибосарлар икки ёндан қуршовга олган пайтда Ойбуви етиб келиб, уларни таёқ билан уриб, нари ҳайдади.

— Синглим, Эгамбердибойнинг ўтовини ахтариб юрибман, — деди йўловчи раҳмат айтишнияма унутиб.

— Шу ўтов бекасиман, — деди аёл рўмолнинг бир учини тишлаб.

— Муродбой қани, унда?

— Сиз уни қаердан биласиз?

— Отасидан кўп эшитдим. Ўзиям, полвон улини хўп яхши кўраркан. У ҳақда берилиб гапирганини айтмайсизми.

— Оқ ўтов эгасини яхши биладиган кўринасиз, келинг, меҳмон бўлинг. Мурод ҳали замон кеп қолади.

Меҳмон отини ўтовга яқин жойга бойлади, хуржундан арпа чиқариб, тўрвага солди, сўнг жонивор бўйнига осиб қўйди. Бу орада Тескай томондан кўй-эчки чувалашиб кўринди. Ҳаш-паш, демай Мурод молни кўрага қамади, ҳаялламасдан келиб, меҳмон билан сўрашди. Учовлашиб ўтовга кирди. Бека елиб-югуриб хизмат қилди. Дастурхон ёзиб, овқат тортди. Алламаҳалгача гурунг қизигандан қизиди.

— Отим Товошар, — гап бошлади меҳмон. Ўзиям хушчақчақ экан. — Бундан бир ҳафталик йўлда, ёзин-қишин қор аримайдиган баланд тоғда бир овул бўлиб яшаймиз. Эркак борки, овчилик қилади. Тоғу тошда бошқа нарса қилиб бўлмагандан кейин шуда. Бундан анча илгари Эгамбердибой билан ўша ерда танишгандик. Аниғи, уни беҳуш ҳолда топиб олиб, беш-олти ой қарадим. Ўзига келгандан кейин бир йил овулда туриб, Бўзбўри қаердалиги, нима қилаётганлиги билан қизиқиб юрди. Билишимча, бўри ўша пайтда

бизнинг тоғда бўлган. Кейин бу ердаям тинчлик йўқ экан, деб бошқа тоққа кетган. Ундан қасд олиш умри мазмунига айланиб қолган полвон бормасам бўлмайди, деб жўнади-кетди. Эшитишимча, у бўрига эргашиб, тоғдан тоғга ошиб, Шимол ёққа кетиб борармиш. Ҳозир қаерда, не аҳволда, бу-нисини билмайман.

Турмуш икир-чикирлари билан ўралашиб, шу вақтгача эпини қилолмай юргандим. Мана, шу кунга насиб қилган экан.

...Ўша кунлари отанг сиқилиб юрди, — у Муродга ўтрилди, — Бир кун пайтини топиб, саволга тутдим: — Иним, сизга нима бўлди, хаёлингиз ўзингиздамас, — дедим гап нимадалигини билиб турсам ҳам. — Нимадир бўлдимми?

— Бўзбўри ўзига янги тўда топиб олибди. Бу, майли, лекин у бу ердан кетаяпти.

— Буни қаердан билдингиз?

— Кўпдан бери ортидан қолмай кузатаман. Ҳар бир ҳаракатига қараб, нима қилмоқчи бўлаётганини илғаб оламан. Кўз қараши, ер тирнаши, кўкка қараб увуллаши, пешобига қараб, унинг нима қилмоқчи бўлаётганини билса бўлади. Борлиқни унутиб, унинг кўзига тикилсанг, ичидагини уқасан.

— Э, қойил, овчимиз, деб юрсак, сиз жонивор ичини уқишда биздан ўзиб кетибсиз-ку.

— Мерган ака, гап бундоқ, берган ош-тузингизга, хизматингизга рози бўлинг...

— Одам одамнинг кунига ярамаса, тирикликдан нима маъни бор. Буни холис Аллоҳ учун қилдик. Буни ўйлаб, ўзингизни қийнаманг.

Она-бола Товошарбойнинг ҳурматини жойига қўйди, кўнглини овлади.

— Бово, отамни йўлдан қайтармадингизми? — деди Мурод уни ўзига яқин олиб.

— Полвонлар бир сўзли бўлатта, болам! Кўп айтдим, хотинингиз билан улингиз кўзи тўрт бўлгандир, деб. Қаерда. Охирига етиб, сўнг қайтаман, деди.

— Тўрт мучаси соғ экан-ку, шунисигаям шукр, — гапга аралашди она.

— Соппа-соғ, — меҳмон кейин ҳазил қилди. — Тоғ эчкиларига қўшилиб, тошдан-тошга сакраб юрибди. Ҳа демай, йўл охирига етади. Сўнг қуёшдай балқиб, кеп қолади.

— Айтганингиз келсин, оғам! Тагин, бир гап, нима де-самакан...

— Гапираверинг, синглим!

— Сиз у кишининг орқасидан излаб боролмайсиз-а?

— Нима эди?

— Мен аёл бошим билан боролмайман, Мурод ҳали бола.

— Агар зарур бўлса...

— Қанча зарур билмадим. Аммо бу ердаги гапларни етказиш керакми, дейман. Балки, шунда қайтармиди...

— Қандай гаплар?

— Агар ҳалиям Холбек — нобуд бўлган боланинг ота-энаси дуч келса нима қиламан, деб юрган бўлса, булар бари ортда қолди. Аҳвол ўнгланди. Аввалига оламини бузди, кейин бора-бора Худойжоннинг қазосига кўнди.

— Яхши бўпти. Полвон буни билиши керак. Балки, шунда ортга қайтар. Ноумид шайтон...

— Бунинг устига яқинда ўғилли бўлди, унга Холбек, деб от қўйишди. «Қулли бўсин» қилиб, бориб келдим. Очиқ чеҳра билан кутиб олиб, меҳмон қилишди.

— Ана, бу зўр бўпти. Буни, албатта, етказаман.

— Сиз хотиржам бўлаверинг, синглим. Овулга бир кўри-ниш бераманда кейин бойингизнинг изига тушаман. Қаерда бўлсаям топаман. Топиб, бу ерда бўлганларни айтаман.

Меҳмон кетди. Яна иккиси қолди. Муҳими, Товошарбой хабаридан уларнинг дарди сал енгиллади. Оқ ўтовда ҳам шу ҳолат. Аёл буни дарров илғади. Шу топда оғир дамларида сирдоши бўлган чанқовузга кўнгли чопди. Қўлига олиб, «биёв-биёв»ни бошлади. Хаёлида оқ ўтов эгаси жонланди: «Ҳалиям Бўзбўрига эргашиб юрибман. Аввалига, таъқиб қилаяпман, деб ўйловдим, энди билсам, унга эргашиб юргандекман. Аммо нимага, буни билмайман. Неча йилки, тоғу тош, қору бўронлардаман. Етдим, деганимда, Бўзбўри чап бериб, ғойиб бўлади. Қулай пайт бўлганда нимагадир ўлдиришдан ўзимни тийдим. Бунда бир гап борлигига ишонаман. Айтганимдек, бу нималигини ҳозиргача билганим йўқ.

Аввалига уни ўлдириш учун қасдлашганим рост. Яқиндан бошлаб, бу қасдлашув ўрнини бошқа бир туйғу эгаллаб бораётгандек. Шу туйғу мени бўри кетидан қолмай эргашишга ундаётир. Бу Бўзбўри қаерга олиб боради, қаергача бораман, буниси аниқ эмас. Шу қизиқиш билан ҳамон йўлдаман. Йўл охиригача соғ-омон бораманми, йўқми, буям қоронғи...

Аёл хаёлида гавдаланган Эгамберди полвон ривоятга ўхшаб кетадиган гапларни-да айтади. Бу Ойбувининг кўнгил тубидаги орзу ва туйғуларидан ўсиб чиққан фикрлар бўлишиям мумкин. Эмишки: «Бўзбўри ёғду орасидан кўриниш бериб, авлодарининг ҳаддан зиёд оққўнгиллиги ва бу ёвлар учун қўл келиши, бир-бири билан мураса қилолмаслиги қандай оқибатга олиб келиши ҳақида хўп гапирар, ўзликдан узоқлашган болаларига шу йўсин панд бераркан. Не аждодларинг кун отардан кун боторга сингиб, йўқолди, энди сенда йўқ бўлма! Улар сендек ишонувчан, содда, бошқаниям ўзидек самимий билгани учун панд еди, сен алданма! Айёр ёв ширин тил била қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди, алдаб ўзининг йўлига солди, бора-бора уларнинг малайига айланди, сен малай бўлма! Ўз юртларида қолганлари эса дўст-душманни фарқ қилмади, барига бирдек қучоқ очди, улар пойига борини сочди, кейин бек болалари қул бўлди, бева бўлди, тул бўлди, сен ундай бўлма!..»

Товошар мерган қор оралаб илон изи тоғ йўлида илдам одимламоқда. Эрта баҳор бўлишига қарамай, аллақачон ҳаво илиқлашган. Чўққилардаги қор сийраклашган, жилғаларда сув тўлиб оқмоқда. Жониворлар серҳаракат бўлиб қолган. Айрим жойда ўт-ўлан ниш урмоқда. Шу пайт мерганда узоқда ястаниб ётган қорли чўққига чиқиш истаги жўш урди. Мақсади — қаерларда юрганини билиш. Чиқди, кўрди: тоғ кетидан тоғ уланиб кетган. Қуйидаги бир жилға унинг эътиборини тортди. Чунки бу жилғада дарахтлар куртак ёза бошлабди, ўт-ўлан бошқа жойдагига нисбатан кўпроқ. Кўзини яна қорли, виқорли чўққи томон олмоқчи эди, яшил жилға ёнида тентираётган одамни кўрди. У ким бўлди, бу ерга қаердан келиб қолган. Шу пайт, хаёлига бирдан полвон келди. У томонга ошиқди.

Чўққидан яқин кўрингани билан кўп узоқ экан. Тоғ йўли оғир, эҳтиёт бўлиб, бир соатдан мўлроқ йўл юрди. Яқин бориб қараса, соч-соқоли ўсган одам шундоқ фор оғзида олов ёқиб ўтирарди. Тош ўчоқдаги қозонда янги солинган гўшт билқ-билқ қайнаётир.

— Ассалому алайкум, — деди унга яқинлашиб келган мерган. — Бу ерда ёлғиз ўзингиз нима қилаяпсиз?

— Кўп йиллардан берман тоғ кўриқчиси бўп қолдим, — деди ҳалиги киши ўчоққа ўтин қалай туриб. Кейин мерган томонга синчков назар солди:

— Э-э, мерган оға, — деб ўтирган ўрнидан сапчиб турди. Полвон уни бир кўришда таниди. Бўзбўри ҳеч кўрмаган болаларини бир кўриб танияпди-ку, у ўз қадрдонини танимасинми?!

Полвон югуриб бориб, уни бағрига босди.

— Бундай турмайлик, ичкарига киринг, — уни фор ичига бошлади. Бу пайтда шом қора тортиб келаётган, қор совуғи этни жимиллатаётган эди. Фор ўртасида тош ўчоқ атрофига айлана қилиб, пўстақлар тўшалган. Ўчоқда олов йўқ, шу боис бу ер совуқ экан. Меҳмоннинг эти жунжиккандек бўлади. Полвон дарров фаҳмлади: — Бугун ташқари илиқ бўлганига ташқарида ўт ёқдим. Ҳозир бу ергаям ёқамиз. Бир зумда фор қизийди. Унгача овқат тайёр бўлади.

Оқ ўтов эгаси фор бурчагига тахлаб қўйилган ўтиндан бир қучоқни олиб келиб, ўт ёқади. Айтганидай, бир пасда фор тандирдай қизиб кетди.

— Бунча ўтин ғамлабсиз, нима, бу ерда кўп қолиш ниятингиз борми?

— Бу ерда яшаётганимгаям чамаси бир йил бўлди. Айтарли иш йўқ, шу билан шуғулланиб вақт ўтказмасанг, кун ўтиши қийин. Ўтин кўп бўлса, зиёни йўқ. Биз ёқмасак, вақти келиб, кимдир бу ерга келиб қолар. Ана шулар бизни алқаб ишлатади.

— Ҳа, керакли юкнинг оғири йўқ.

Тоғ ҳавоси қизиқ. Бу ерда овқат тез тайёр бўлади. Шундайин ҳаш-паш дегунча чой қайнади, овқат пишди. Иккиси мириқиб овқатланди, чой ичди. Сўнгра гурун қизигандан қизиди. Бўзбўри бошлаётган сирли йўл ва ман-

зил ҳақида гап кетганда, полвон жим бўлиб қолди. Чунки у, бу тўғрисида нима дейишни билмаётганди. Аслидаям шундай. У қандай махлуқ, қай манзилни кўзлаяпти, бу тўғрида ҳеч нима билмасди. Балки, полвон билиб туриб, атай ўзини олиб қочгандир. Балки, яна бошқаларга маълум бўлмаган, Эгамберди билан Бўзбўрига аён сирлар бордир. Балки...

— Бир неча йилдан бери Бўзбўри кетига тушгансиз, — Товошар мерган биринчи бўлиб жимликни бузди, — Қасдингиз бор, буни биламан, яна бирон сабаби бордир. Анави афсона ҳақида нима, дейсиз?

— Аввалига, буни бир афсона, деб унча ишонмадим. Лекин вақт ўтгани сари афсона ҳақиқатми, деб гумон қилаяпман.

— Менимча, бу чўпчак бўлса керак. Шунинг учун ўзингиз ва оқ ўтовни қийнамасдан ортга қайтинг.

— Нимага бирдан...

— Ўтовингизга бордим. Уй ичингиз билан ҳолашдим, у ердаги гап-сўзларни билиб келдим.

— Нимага шундан бошламадингиз? У ёқдагилар соғ-омонми?

— Ҳаммаси яхши. Мурод катта йигит бўлибди. Тағин, зўр янгилик бор.

— Хўш, қани...

— Ҳалиги нобуд бўлган боланининг ота-энаси анча юмшабти. Бунга сабаб — ўғил кўргани. Келин билан Мурод «қулли бўсин» қилибди. Бундан улар янаям мулойим тортган.

Энди, полвон иним, қайтсангиз бўлар...

— Йўқ! Аввалига қасдлашгандим, бундан хабарингиз бор. Энди афсона бор. Бу Бўзбўри мени қаерга бошлайди, якуни нима бўлади? Ана шуниси кўпроқ қизиқ.

— Фақат қасд учун юрган бўлсангиз, девдим, полвон. Янаям ўзингиз биласиз.

— Энди қасд йўқ, мақсад бор, сирли, номаълум мақсад.

— Демак, қайтмайсиз?..

— Қайтолмайман. Йўлга чиқиб қўйдим, энди охиригача бориш керак. Ярим йўлда қайтсам, нима деган одам бўламан.



Оқ ўтов эгаси шуни айтиб, юзига фотиҳа тортди. Сўнг гор бурчагига тахлаб қўйилган пўстақларни олиб келиб, жой солди. Мерган чини билан хориган экан, тез ухлаб қолди, аммо оқ ўтов эгаси кўзига уйқу келавермади. У бу сирли ва машаққатли йўлнинг охири нима билан тугаркан, деб ўйлаб ётди, жонини қийнаб ётди.

Унинг бу ҳолини оқ ўтов ва унинг бекаси сизди, шекилли, икковининг ҳам ҳаловати йўқолди. Уйқуси қочган Ойбуви оқ ўтовга қараб: «Аллатавур бўлаяпсан?» деди. Яна деди: «Йўқ, олдингидек қадди чўкмаган, қобирғаси қасирлаётгани йўқ. Ширин орзиқиш қўйнида мастга ўхшайди...»

Энди ухлаб бўлмаслигини билган аёл яхши-ёмонда сирдош бўлган чанқовузни қўлга олди. Бир дардлашай деди. Уни «биёв-биёв»латиб узоқ чалди, оҳангга қўшилиб ичидан бир дард тошди — мунгли, дардли ўлан. Сассиз ўлан. Дардлари оқ ўтов кўргиликларигаю ҳалиги афсонага қоришиб кетди: «Умид билан тиккан эдик оқ ўтовни, аввалига у бийдай дашт қўйнида ёлғиз эди, бечора эди. Ҳар ерда улоқиб юрган қавму қариндош ёлғиз ўтов, оқ ўтов бўлами, деб тўрт томонимизни олиб қўнди. Улусдагилар ёнимизда туриб, шодлигимизга шерик бўлди. Ўтовимиз оқ ўтов мақомига кўтарилди. Аммо қувончимиз узоққа бормади, кўз тегди. Оқ ўтов эгаси кетгач, ҳамма биздан қочди. Яна ёлғиз қолдик.

Оқ ўтов эгаси сирли бўрига эргашиб, номаълум ёққа кетиб боради. Йўл юрар, йўл юрсаям, мўл юрар. Шимолга, қизил шафақ чиқадиган томонга борар, бу йўлдан уларни ҳеч ким қайтаролмайди. Илоё, шу рост бўлсин, улар сирли манзилга етиб, муроди ҳосил бўлсин...»

Бошқа айтолмади. Бойини соғинган эканми, ўланни тўхтатди, чанқовузни бир чеккага ирғитиб, бошини тиззага қўйиб, пиқ-пиқ йиғлади. Оқ ўтов унга жўр бўлди. Аёл кент ўтовнинг ичига сизмай бораётганидан ана шу ўйда эди.

Тонг отгач, полвон Бўзбўри уясига борди. Тоғ қуёши энди чиқаётган бўлишига қарамай, бўри тўпи алақачон уядан ташқарида эканини кўрди: кучуқлар бир-бирини тишлаб, думалатиб ўйнамоқда. Шу пайт сал каттароғи бошқа бирини қаттиқ тишлади, ҳалиги бўривачча «шинг-шинг» қилиб ота-энасига арз қилди. Эна бўри тўполончининг таъзирини

бермоқчидек енгил тишлади. Ота буларга эътиборсиз ҳолда чўққиларга, кўкка термулар. Шу туришида у улуғ ишни елкасига олган донишмандни эслатарди. Агар диққат қилинса, жониворда алақандай сирлиликни илғаш, туйиш ва ҳатто, кўриш мумкин экан. Айни чоғда, у улуғ сафар олдида турганга ўхшарди. Унинг туриши, хатти-ҳаракати шундан дарак бераётганди. Одамнинг айни чоғдаги хулосаси шундай эди.

Ниҳоят, кутилган вақт етиб келди. Бўзбўри пайсалга солмасдан йўлга чиқди. Фаройиб ва машаққатли саёҳат бошланди. Бўри ва одам бир-бирига ҳамроҳ. Оқ ўтов эгаси унга эргашиб, номаълум ёқларга кетиб борарди. Кўп ва хўп юрди. Қанча қир ва тоғдан, водий ва чўллардан, овул ва кентлардан ўтди. Ҳар бирининг ўз тарихи бор. Қизиги, улар йўлда учта йирик шаҳарга дуч келади. Бўри ва одам учун шаҳарларнинг ўзимас, улардаги воқеалар қизиқ эди.

### Биринчи воқеа

Улкан шаҳар: баланд иморатлар, текис кўчалар, йўл бўйлаб у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган аравалар, отлиқлар, осмонга сув пуркаб турган нимарсалар, сўлим хиёбонлар — буларнинг бариси ҳайратланарли ва ҳавас уйғотадиган даражада. Кент одамлари ғоят тўкинликда умр кечираркан. Бугуним ё эртам нима бўлади, деб ўйлашга умуман ҳожат йўқ. Одамлари Эгамберди полвон қиёфасида, тили эса умуман бегона. Йўлини қилиб, улар билан гаплашади.

— Йўл бўлсин, ўғлон, қайга борурсан? — дебди ўзини донишманд деб таништирган киши.

— Бир бўрининг ортидан эргашиб келаяпман.

— Нима, бўри, бу қандай гап?

— У мени мақсадга бошляпти.

— Қандай мақсад? Бўри мақсадга элтади, дейсанми?! — ҳалиги «хи-хи»лаб роса кулди. Сўнгра ортидан қўшиб қўйди. — Бир замонлар бўри билан боғлиқ гаплар бўлар эди, ҳозир бундай афсонага ҳеч ким ишонмайди. Бу нодон аждодлар ўйлаб чиқарган уйдурмадан бошқа нарсамас. Бу

гапни менга айтдинг, тагин, бошқаларнинг олдида вайсаб юрма, устингдан кулади, керак бўлса, девонага чиқаради.

Оқ ўтов эгаси аччиқланди:

— Аввало, боболарни ҳақоратлаш... — томоғига нимадир тиқилади. — Иккинчидан, бўри воқеаси уйдурма эмас! Бунга ишонмасангиз, ишонманг, аммо...

— Майли, ўзинг биласан, ўғлон. Кентимиздагиларни бундай гапларга инонтириш амри маҳол.

— Бу жуда ёмон.

— Нимаси ёмон?! Ўйна, кул, кентлар қур, мазза қилиб яша!

— Яна бир нарса...

— Нима экан, сўрайвер.

— Тилингиз нега бошқача?

— Ҳеч бошқача эмас. Бир пайтлар, аниқ замонини билмайман, шу, юз эллик, икки юз йилча илгари жангари бир эл келиб, аждодларимизни босган, бу ерни эгаллаган. Қавмимиз улар тилида сўзлаша бошлаган. Вақти келиб, ҳамма ўз тилини унутади. Унда-бунда бирон киши она тилимда гапираман, деса ҳамма устидан кулган, бошлиқлар эса йўлини тўсган.

— Нима қилсин, улар хўжайин буйруғини бажарган. Зулм остида яшаш осонми?! Босқинчи босқинчилигини қилади, барибир. Сизни тушунса бўлади.

— Қайси босқинчини айтасан, ўғлон?

— Ўзингиз ҳалигина айтдингиз-ку.

— Э, нотўғри тушунибсан, у бир замонлар бўлган. Орадан қанчадир вақт ўтиб, ёвқур аждодларимиз уларни кувиб, ҳайдаган.

— Тилингиз бошқачалигига босқинчи ҳалиям шу ерда, деб ўйлабман, — оқ ўтов хожаси соддалик билан гапида давом этди. — Улар кетган бўлса, тилни тузатсангиз бўлмай-дими?

— Бўлмайди-да, ўғлон, бўлмайди! — ҳалиги киши ўзини оқлаш учун турли баҳоналар келтиради. — Ёв кетгач, сенга ўхшаганлар ўртага чиқиб, тилимизни қайтарамиз, дейишди. Эл-улус буни қўлагандек бўлади. Аммо вақтида босқинчи хизматини қилиб юрган ўзимиздан чиққан бошлиқлар бун-

га тиш-тирноғи билан қаршилик қилади. Ҳатто, баъзиларни жазолайди. Шу-шу ётлар тилини қабул қилиб олдик. Эндиликда эса ҳеч ким тилимизни тиклайлик, демайдиам.

Оқ ўтов эгасининг ҳафсаласи пир бўлди. Ҳалиги одамнинг қистовига қарамай, ўзи тушган карвонсаройга қайтди. Йўл-йўлакай шаҳар кўчалари, хиёбон ва бошқа жойларини томоша қилади. Шунча тўкисликка қарамай, бу жойда нимадир етишмасди. Бунинг устига миясида бир фикр гир айланарди: қиёфаси ўзига ўхшаган бу улусни қавмим, десинми ёки бегона... Қариндош деса, алақачон тилини унутиб, етти ёт бегонага айланган. Бегона деса, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, қандай бўлади, шу қариндошлик риятига тўғри келадими?!

У ана шундай оғир ўйлар гирдобиди шаҳар чеккасидаги карвонсаройга етиб келганини билмай қолди. Ҳалиям қарама-қарши ўйлардан қутилмагани учун ҳовли бўйлаб, у ёқдан-бу ёққа юрмоқда. Шу орқали ўзини оғир ўйдан халос қилмоқчи. Балан қилиб қурилган карвонсарой, нақшинкор эшикли хужралар, анвойи гулу дарахтлар бу манзилга кўркамлик улашган бўлсаям, уларда жон, руҳ йўқдек эди. Унинг ўрнида бошқа бўлганида, бундай майда-чуйда нарсалар билан бош қотирмай, гўзалликдан роҳатланиб, уларни барпо қилганлардан миннатдор бўларди.

Албатта, полвон ҳам қариндошларининг салоҳиятига, орасталигига тан берган, аммо ҳалиги сабаб туфайли ўзини бу ерда ўнғайсиз сезаётганди.

Қарама-қарши туйғулар таъсирида хужрага кирди. Ич-карида шу ўйдан қутиларман, деб ўйлаганди, аммо бўлмади. Юрак тубидан турли фикрлар қайнаб келарди: «Одам қандай қилиб тилини унутади?! Аввалига босқинчи қамчиси остида бунга мажбур бўлган, энди-чи, қайтса бўлмайdimи? Ўз тили бўлмаса, улус қандай яшайди?!»

Шу пайт узоқдан бўри увуллаши қулоққа элас-элас эшитилди. Бу уни оғир ўйлардан қутқарди. Чунки увуллаш борган сари яқинлашмоқда. Ҳа, дам сайин кучаймоқда. Бунинг устига аянчли бу увуллаш ўзига кўздан бери йўлдош бўлиб келаётган Бўзбўри товуши эди. Дарров таниди. У ўйлардан тўхтади, бутун вужуди қулоққа айланди.

Энди ухлаб бўлмайди. Бари остин-устун бўлиб кетган бу тунда қандай қилиб тинчгина ухлаш мумкин. Аввалига ўз хужрасида наридан-бери юриб, типирчилаб турди — бу етарли бўлмади. Кейин тун ҳавоси анчагина салқин бўлишига қарамай, елкасига ҳеч нарса илмади, яктак билан чиқди. Хужра эшигининг шундоқ рўпарасидаги қалинлиги икки-уч қулоч келадиган тутга беихтиёр суянди. Чунки бу пайтда у ўзини анча ҳолсиз сезаётганди. Дарахтга суянган кўйи муздек ҳавони симирди. Мусаффо ҳаво танини яйратгандек бўлди.

Бу пайтга келиб бўрининг увуллаши шундоққина шаҳар ташқарисидан, қир тарафдан келаётганди. Одам беихтиёр ўша томонга одимлай бошлади. Негаки, у алақандай ички сезим билан бўри овозидан: «Кейинги кунларда кўринмай кетдинг, бу жой сенга бегоналигини, наҳотки, сезмаган бўлсанг», деган нолишни туя бошлади.

Агар чуқур ўйлаб кўрса, чини билан шундай. Булар қариндошларингмиз, деяётган бўлмасин, барибир, бегоналиги сезилиб турибди. Тили, яшаши бутунлай ўзгариб кетган. Фақат қиёфаси қолган, гўё жонсиз қиёфаси.

Узоқдан кўрди: Бўзбўри баланд бир тепалик устида чўнқайган кўйи ўтирарди. Тумшуғини осмонга чўзиб, Ойни маҳлиё бўлиб кузатмоқда. Тана пайлари бир нимадан сиқилгандек таранглашган. Нимадан сиқилди, буни айтиш қийин. У билан гаплашмасдан туриб, бир фикр айтиш мушкул. Буни англаган, аниқроғи, ички бир сезги билан ҳис этган одам тепаликка қараб ўрлаган илон изи йўлдан дадил одимламоқда.

Ҳа, у билан тезроқ гаплашиш керак. Зарур гапи борлиги учун шаҳарга яқин келган, жонини хатарга қўйиб, увуллаб, одамни ёнига чақирган. Унинг ана шу фидойилиги учун ёнига тез бориш ва гаплашиш керак.

Ана, беш, уч, бир қадам қолди. Таққа тўхтади. Сўнг бўрининг кўзларига синчков тикилди. Чунки шу йўл билан жониворнинг ичидагини, таъбир жоиз бўлса, нимани ўйлаётганини билиб олиш мумкин. Аввалига, бўрининг чуқурлашган, қизариб кетган кўзига соя ташлаб турган мунгнинг сабабини тушунолмади.

Кўз қизариши, балки, табиийдир. Аммо, нега мунг тортган?! Ҳайвон кўзиям мунг тортар экан-да. Одам «Бундайига авваллари ҳеч дуч келмагандим, бўлар эканда», деди бошқа изоҳ тополмагач.

Бўри кўзларини кўқдан одамга олди:

— Келдингми? — деди иштиёқсиз ҳолатда. Одам унинг туйғуларини, нима деётганини тушуна бошлади.

— Бу ерларда кўп қолиб кетмадикми?

— Нимага ундай дейсан, бу ерлар сенга ёқмадимми? — Одам ҳалиям гап нимадалигини билолмай ҳайрон. Содда, самимий сўзлариям шундан далолат берарди. — Бу шаҳар обод экан. Одамлари бегонамас, узоқ қариндошлар...

— Тиличи?

— Оҳ, Бўзбўри, Бўзбўри, шунгаям эътибор қилдингми? Бунинг сенга фарқи бўлмаса керак, деб ўйлагандим.

— Нимага фарқи бўлмасин... — Бўри кўзларини яна кўкка олди. Унинг бу ҳаракатидан Ой билан гаплашади, деб ўйлайсан. Аммо ундай бўлмади, кутилмаганда. — Эй Кўк! — деди увуллаш аралаш. Одам бу гапдан ҳайрон қолди. Ахир, у «Кўк», дейиш орқали Кўк Тангрини айтгандек бўлаётганди. Бу жуда таниш, ҳатто, қалбидан чуқур жой эгаллаган. Ҳозиргача овулда Кўк Тангри ҳақида ривоят ва одатлар сақланиб қолган. Қиш ёки ёз қаттиқ келса, мол-холга офат ёпишса кексалар турли маросимлар ўтказганига кўп гувоҳ бўлган. Бора-бора ўзиям бундай маросимларга одатланди.

— Бўлди, бу ердан кетамиз, — деди оқ ўтов эгаси. — Эртага йўлга тушамиз.

Бўри ана шуни кутаётгандек, одамга ишонч, айна чоғда мулойимлик билан тикилди.

— Энди қаерга борамиз?..

Жондор яна индамади. Аксинча, тўшини кериб, ишонч билан тепага кўтарилди бошлади. Бундан унинг энди қаерга боришни мўлжаллаётганини тахмин қилса бўларди. Одам буни сизди. Жонивор орқасидан овоз берди:

— Эртага кетамизми, мен тайёрман...

## Иккинчи воқеа

Бўзбўри оқ ўтов эгасини бошқа бир шаҳар дарвозасига юзлаштириб, ўзи тоғу тошга қараб йўл олди. Шаҳар дейишга арзимайдиган бир маскан. Одамлари шунга мос. Асосий вақтларини хужраларда бошқа тилда битилган китобларни ёд олиш билан ўтказаркан. «Бу муқаддас китоб, уни ёд олиш зарур», деб тушунарсиз одатларини оқлагани ортиқча. Бор куч-ғайрати ва вақтини шунга берганидан бу ерда тараққиётнинг урвоғиям йўқ.

Бир ҳарбий билан танишибди. Аллақачон, бошқаларда ҳарбий қуроллари ривожланиб, янги-янчилари чиқиб кетганига қарамасдан, булар ҳалиям қилич ва пилта милтиқдан бошқасини билмас.

Ҳалиги ҳарбий полвонни машқ майдонига бошлаб борди.

— Бугун зўр қуролни синаб кўрамиз, — дебди у. — Уни қўшни хонлик совға қилди. Кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Бунақаси ҳали бўлмаган, хўп, аломат...

Бундан оқ ўтов эгасининг қизиқиши ошган. Нима қилсин, у ажабтовур қурол бўлса керак, деб ўйлаган-да.

— Қизиқтириб қўйдингиз. Қандай қурол экан, ўзи?!

— Замбарак... Ҳали ўзингиз кўрасиз...

— Нима, замбарак?!

— Ҳа-да...

— Бошқа ўлкаларда бунини кўп кўрдим. Замбарак уларда оддий қурол-ку. Совға қилди, дейсиз. Нима, ўзингизда ясолмайдими, усталар йўқми?

— Авваллари ўзимизда ясалган. Ҳозир замбарак қуядиган усталар йўқ.

Синов бошланиб, гурунг бўлинди. Икки шоп мўйловли аскар думалоқ бир нарсани ҳалигининг оғзига жойлайди. Кейин кукунни қуйди.

Эгамберди замбаракни олдин бир неча марта учратган, ишлатилишини энди кўриб туриши.

— Нима қуйишяпти? — қизиқсинди у.

— Порох... Неча кундан бери қанча порох солишни билмай, овворамиз. Аввал, оз солган эканмиз, шекилли, отма-

ди. Шунга энди кўп жойланглар, дедим. Қани кўрайликчи, бу гал омадимиз келиб қолар.

— Шуни биладиган одам йўқми, бу ўлкада?!

— Йўқда. Бўлса, нима қилишни билмасдан, бош қашиб ўтирармидик.

Ҳалиги шоп мўйловлардан бири замбаракнинг чақмоқ тошини ёқиши билан ҳамма томонни гумбурлаган овоз тутиб кетди. Қуюқ тутун тарқагач кўрсаки, замбарак парча-парча бўлган. Шоп мўйловли аскарлар эса ўлиб ётарди.

Оқ ўтов эгаси бундан таъсирланди, ачинди. Бу ерда қололмайман, деб Бўзбўри кетган тоққа ошиқди. Кўп юрмади, қаршисидан бўри чиқди.

— Хафсалангни пир қилдими? — деди у.

— Жуда ёмон бўлди...

— Кўрдингни қардошларингнинг аҳволини?! Улар нима учун шу ҳолга тушиб қолган, деб сўрамайсанми?

— Ўзинг айт, мен қаердан биламан, — жониворга аччиқ қилди, — Бир қарашда маъмур шаҳар, одамлари ўқимишли бўп кўринганди. Буларга нима бўлган, тагин, билмадим.

— Ёшлик кучини ҳужраларда китоб ёдлашга сарфлаб, кексайганда ҳеч ишга улгуролмай қоладиганларни ўқимишли, дейсанми. Билдим, улар қариндошларинг, ёнини олаяпсан. Шундайми? Адашасан! Улар ўқимишли эмас! Булар нодонлар! Тагин, гапимдан ранжима, бошқа нима деб аташни билмадим.

— Сенингча муқаддас китобларни ёдлаш айбми?

— Ким айб деди, айбмас. Аммо меъёрида бўлсин. Ўн беш йил вақтини шунга сарфлаган киши қачон халқи учун, юрти учун хизмат қилади? Боз устига фақат ёдлаш билан янги нарса, масалан, ҳалигига ўхшаш қуролларни кашф этиб бўлмайди-ку.

Ўзинг кўрдинг, билағони битта замбаракни ўқлаб, отолмади-я. Бошқа элар бу борада ўзиб кетган. Сенга айтсам, шу ҳолида бу элни бир тутам аскар билан тарож қилса бўлади. Кейин дардингни кимга айтсанг айтавер, одам!

Ҳарбийликдами, бошқа соҳадами замоннинг илғор билимларини қўлга олмаганларнинг ҳолига вой...



Эгамберди полвон Бўзбўрининг кўкка қараб, қотиб туришидан, юзида зоҳир бўлаётган турли аломатлардан шуларни укди.

### Учинчи воқеа

Бутун бошли шаҳар аҳолиси босқинчилардан ҳимоялан-моқда. Бўзбўри улардан нари кетди. Полвон ҳимоячиларга бориб қўшилди. Чунки улар ўз қардошлари экан. Буни уларнинг тилидан ва урф-одатларидан тусмоллаб билди.

Катта оломон, орасида ҳарбийлари кўп. Ҳамма ташвишда, юзларига қурқув соя солган. Шунга қараганда, сон-саноксиз қўшин бостириб келган, деб ўйлабди у. Бирининг йўлини тўсиб:

– Ёғий шунча кўпми? – деди.

– Йўқ, икки минг, – қурқув аралаш жавоб берди ҳарбийча кийиниб олган ўрта ёшлардаги бир киши.

– Икки минг?! Ҳимоячилар-чи?

– Бизми... Агар шаҳар аҳолисини қўшиб ҳисобласак, етмиш мингдан каммас.

– Бу жуда зўр-ку! Шундай экан, нимадан ташвишланаяпсиз?

– Улар оз бўлгани билан қуроли бало...

– Нима бўпти.

– Нима бўпди, дейди-я. Яқин борганларни тутдай тўка-япти. Қанча йигитларимиз нобуд бўлди.

– Шунча одам, – полвон соддалик билан гапида давом этди. – Қўлга илинган нарсани, тошми, таёқми олиб, ҳар ёқдан ҳужум қилса, икки мингта аскарнинг додини бериб қўйса бўлади. Шунча катта фарқ. Наҳотки, шуни ҳеч ким ўйламаса...

– Бор, ўйлаганлар кўп. Бу кетишда ҳамма қирилиб битади-ку, деб бир гуруҳ уламолар келишувни мўлжалла-япти.

– Келишув, қанақа келишув, шунча одам билан-а?!

Оқ ўтов эгасининг боши айланди, кўзи тинди, юраги сиқа бошлади. Шаҳарга сизмай қолди. «Булар қандай одам, ўзи», дея жондор кетган қирга қараб юрди. Шу чоғда у

Бўзбўридан бирон жўяли фикр чиқар, деб умид қилаётганди.

Борди. Учрашди. Аммо у шаҳарликларга фойдаси тегадиган маслаҳат бермади. Аксинча, ўз одатича, танбеҳлар устига танбеҳларни ёғдира кетди:

— Кўрдингми, қардошларингни?! Уларнинг душмани ҳалиги икки минглик лашкар эмас. Душман ўз ичида. Сенга айтсам, ўқувсизлик, иттифоқсизлик, билимсизлик, яна кўп нарсалар... Буни билиш учун кўпам катта ақл шарт эмас.

Мана сенга, азиз умрини ним қоронғу ҳужраларда китоб ёдлаш билан ўтказишнинг оқибати.

— Буни нимага менга айтяпсан?

— Улар қариндошларинг-ку. Сиёсий онгсизликнинг аччиқ ва аламли азобини тотишяпти. Ана шундай бўлади замондан ортда қолиш...

— Мени изза қилиб, нимага эришмоқчисан, ўзи?

— Сени ибрат олсин, деб айтяпман. Наҳотки, шуни ҳалиям тушунмаган бўлсанг.

Бўзбўри кўзларига тикилиб, шуларни уққан одам ҳолсизланиб, ўтириб қолди. Кўзлари тинди. Шу ҳолидаям жониворни кузатмоқда. Шу пайт олам ёришгандек бўлди. Худди йўлакчага ўхшаб кетадиган нур уфқдан ерга қадар инди. Жондор шу нур йўлаги бўйлаб кўкка чиқмоқда. Одам уни чақирмоқчи бўлди, аммо ҳолсизлиги боис оғзини жуфтлай олмади. Бир пасдан кейин бўри кўздан йўқолди.

Эгамберди полвонни уйқу элитди. Қотиб ухлади. Уйғонганида ўзини қир этагида кўрди. Кечаги воқеаларни эслашга уринарди, аммо кўпи ёдида йўқ. Фақат жондор кўкка кўтарилаётгани хотирасида муҳрланиб қолибди, холос. Чини билан кўкка чиқиб кетдими, ё тушда кўрдими, бунгаям ишончи комилмас. Агар ростдан осмонга чиқиб кетган бўлса, унда шунча вақтдан буён тирик жонивормас, аллақандай руҳ кетидан эргашган бўлиб чиқаман-ку. Дарвоқе, шундай...

Йўқ, у тирик жон. Сафаримиз қаригани учун хайр-хўшни қарз қилиб, жўнаворган. Ҳа, аччиқ-аччиқ гаплар қилаётганди. Индамасдан кетган аҳмоқ! Барибир бўрилигига борди-да. Кетаяпман, деб белги берса бўларди-ку. Мен аҳмоқ бўлиб, унинг ортидан қолмай эргашиб юрибман.

Тезда фикри ўзгарди. У тирик жондорми ёки арвоҳми, бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими, у пандлари билан қанча нарсани ўргатиб кетди. Шунинг ўзи етарли-ку. Бошидаёқ мақсади шу бўлган...

Бу пайтда Эгамберди полвон ўзини жуда тетик ҳис қилаётганди. Аини чоғда юраги ёришиб, улкан режалар тузаётганди...

Оқ ўтов бекаси бу тонг кўтаринки, кайфиятда уйғонди. Яқин йилларда, аниқроғи, оила бошига қора қисмат соя солган етти йилдан берисига бундай хурсанд бўлмаганди.

— Оламда қувонч борлигини сал қолса унутиб қўяй, деган эканман, — ҳикоясида давом этди Ойбуви, — Шу кайфиятда дала-қирга, оқ ўтов эгаси кетган кун ботишга узоқ тикилдим. Ўтовга боқдим, ўзиям олов бўп кўринди. «Қаддинг тикланибдими, оппоқ бўлибсанми, оқ ўтов», дедим бошқа нима дейишни билмаганимдан. Ичимда эса бир нималар гимирлаб, тез кунларда яхши хабар келишидан башорат қиларди.

Айтганимдай бўлди. Оқ ўтов хожаси қалбимизни севинча тўлдириб, қайтиб келди. Етти йилдан бермаган ўзгармабдими, деб билдирмасдан сер солдим: Бўй-бастаи ўша-ўша, қадди янаям тик бўлгандек. Кўзлари яна ўткир тортган шекилли, қараса, юракни тешиб юборгудек бўлади. Сочсоқолига яккам-дуккам оқ оралабди. Бир қарасанг, донишмандсифат бўлиб кўринади. Кўрган-кечирганларини чиройли ҳикоя қилишдан ташқари, ақлли гапларни топиб айтаётганини эшитиб, чиндан улғайибди, дейсан.

Яқин-узоқ овуллардан полвонни кўриш учун одамлар оқиб келаверди. Қўйлар сўйиб, уларни яхши меҳмон қилдик. Кечга томон Холбекнинг ота-энаси кўриниш берди. Ишқилиб, жанжаллашмасин-да, деб ичим «шиғ» этди. Барака топсин, инсофи бор экан! Бир оғиз ёмон гап айтишмади. Айниқса, Ойсаранинг: «Болам қасди учун етти йиллик умрини елга совурган оғамнинг садағаси кетайин», деб алқаганда ҳаммамиз йиғладик. Холмуродбой ошнаси елкасига бош қўйиб, бир зум йиғлаб олди.

Меҳмонларнинг иззатига етдик. Бари шод бўлиб, ўтовларига қайтди. Оқ ўтов эгаси шу кундан бир нималарни

бошлади. Аввалига турли томонга тарқаб, сочилиб кетган овулдошларини бу ёққа бошлаб келаверди. Тез орада катта овул, эл бўлди. Яна бир янгиликка қўл урди. «Ўқимаган ва оламда нималар бўлаётганидан хабарсиз болаларимиз кейин ким бўлади?», деб оқ ўтов қошида янги ўтов тикиб, ёш-яланга сабоқ бера бошлади. Бунинг учун керакли нарсаларни икки қўй пулига бозордан сотиб олиб келди. Ҳарф танитишдан ташқари, Бўзбўри билан бўлган воқеаларни вақти-вақти айтиб берарди. У домла, ўзи билади-да нимани айтишни...

Шундай қилиб, бағримиз тўлиб қолди, юзимиз кулиб қолди. Бундан оқ ўтов шод бўлди, қувнади. Буни унинг қадди аввалгидек фозлигидан, ранги-рўйи оқлигидан билиб турардим.

...Мунгли ўланинг битдими, орда қолдими, бу рост бўлсин, оқ ўтов, дедим.

...Энди бахтинга кўз тегмасин, оқ ўтов...

...Бизга мангу тиргак бўл, оқ ўтов... жоним ўтов...



## ҲИКОЯЛАР

### Қайтар дунё

Пул — сўраганда беролмайдиган, керагида тополмайдиган матоҳ. Шайманбой, мана, бир неча кундан бери Тошкентда ўқиётган кенжасининг ўқишига пул тополмай сарсон. Ўзиям, кўп елиб-югурди. Бир қисмини кузда тўлаганди, қолганини ҳам тўланг, деб қиш чилласида тиқилинч қилганини, қаранг. Бу пайтда чорва ориқ, сотиб бўлмаса. Сотганинг билан арзимас пул бўлади, икки ўртада молдан айрилганинг қолади. Аввал қўни-қўшни, кейин қишлоқдаги ўзига тўқ хонадонларга бош суқиб кўрди. Натижаси бир хил — ҳеч кимда ортиқча пул йўқ...

— Отаси, Байматбойнинг катта ули ишбилармон бўлиб кетган эмиш, — деди кампири унинг мунғайиб қолганини кўриб. — Уям шу қишлоқда катта бўлган. Ёзгача қарз бериб турса, узардик-да, нима, еб кетармидик?..

— Биламан, лекин унинг бу ердан чиқиб кетганига кўп замонлар бўлди, — деди Шайманбой қўлидаги қаламдек келадиган чўп билан ер чизиб.

— Аввал борди-келдиларингиз бўлган экан...

— Бўлган. Ундан бери қанча сувлар оқиб ўтмади. Борсам, танийдими-йўқми, билмадим.

— Танийди! Ўзингизнинг илтимос қилгингиз келмаяпти, биялпман...

— Нима бўпти, илтимос қилгим келмаяпти, — деди чол қўлидаги чўпни улоқтириб юбориб. Лекин ўзигаям кампирининг гапи маъқул келгандек. Бунинг устига ўғли ҳар куни телефон қилиб, «Тезлатинг, ўқишдан ҳайдаб юбормасин, тагин», деб безор қилиб юборди.

Шайманбой тонг азонда турди, кампири-да уйғонди. Бомдодни ўқигач, чой-пой ичди.

– Кампир, мен бир айланиб келай...  
– Йўл бўлсин, қаерга отландингиз, чол?  
– Байматнинг улига бориб кўрай...  
– Боринг, ана, энди эсингиз кирибди. Тадбиркор, кўра-кўра қўй-сигири, от-улови бор, дейди. Унда пул бўлмай, менда бўлсинми?! Таниса, олдинги борди-келди ҳурмати, қуруқ қайтармас, босар-тусарини билмай, ўзгариб кетмаган бўлса! Нима бўлгандаям, бориб кўринг, у ёғи бир гап бўлар...

– Кўп жаврама, феълим айнаб турибди. Бир бўралатиб сўкаман, кейин бир умр тўнингни тескари кийиб ўтасан.

– Нимага удағайлайсиз?! Кенжани ўқишга жўнатган ўзингиз! Кенжам-да қолиб кетмасин, ўқисин, одам бўлсин, дедингиз. Энди чопасиз-да!..

Чол ҳеч нима демади, юзига фотиҳа тортиб, жойидан кўзғалди. Сўнг «Улининг оти Шерқулмиди», деб минғирлади. Кўчиб кетаётганда эсамал бўп қолганди, таниса керак. Танимаса, танитар. Уни бошқа нарса қийнаб турганди.

Бунга кўп йил бўлди, аниғи қирқ йилдан ошди. Ўшанда Шайманбой бўз йигит — тоғни урса, талқон қиладиган пайти. Байматбой энди уйланган. Ўша йили ёзда бир нечта оила бир бўлиб товга чорвани ҳайдаб кўчадиган бўлди. Байматбой олдинроқ чорва билан кетди. Шайманбой хотин-халаж, бола-чақа, кўч, яна ул-булни олиб, унинг ортидан бориши керак. Йўл узоқ, машаққатли. Устига-устак Шерқулнинг онаси унга юкли. Йўлда унгаям қарамаса бўлмайди.

Секин юришди. Кечга яқин тоғ этагидаги сайҳонликда чодир тикилди. Тоғ ҳавоси дилни яйратиб юборди. Айниқса, ён-атрофдан келаётган арчаю турли ўт-ғиёҳларнинг аралаш ҳиди кайфиятни кўтарди. Болаю, хотин-халаж жонланиб қолди. Кимдир сойга тушган, кимдир чўққига кўтарилган, кимдир арчанинг бўжали ингичка шоҳини қулоғига қистириб олган. Ҳар ким табиат неъматидан сархуш бўлиб кезинарди.

Кутилмаганда аёл кишининг чинқириғи эшитилди. Шайманнинг юраги «шув» этди. Чунки барча унга омонат қилинган. Югуриб ён-верига қаради. Келинчак харсангга

ўтирганча, ёрдамга чақираётир. Унга қандай етганини билмади.

— Янга, нима бўлди? — деди энтикиб.

— Нимадир чақиб олди...

— Нима чақди?

— Билмадим! Этим жунжикиб кетаяпти...

Шайман билди, уни «қора қурт» — заҳарли ўргимчак чаққан. Тезликда чора қилмаса, одам фалаж бўлиб қолиши, ҳатто, нобуд бўлиши мумкин. Бу ҳақда отаси ва бошқа кексалардан кўп эшитган.

— Бир иш қиламиз, — деди йигит пичоқни қинидан чиқарар экан.

— Нима қиламиз?..

Бу орада бошқа хотин-халаж ҳам етиб келди. Улар: «Нима бўлди?», деб чувиллашди. Шайман барини тинчлантириб, ишга киришди. Қурт чаққан жойни пичоқнинг ўткир дами билан секин тилди, қон чиқа бошлади. Кейин: — Ҳамма чодирга кириб, дам олсин, мен заҳарга эм бўладиган гиёҳ топиб келаман, — деб чўққи томон кўтарилди.

Қоронғида қайтди. Турли гиёҳларни аралаштириб, қайнатди — хушбўй малҳам тайёрлади. Бир қисмини ярага боғлаб, бир қисмини ичирди.

Ишни охирлатар экан:

— Эртагача отдай бўласиз, — деди кулимсираб.

— Раҳмат, қайним! Сиз бўлмасангиз нима қилардик, — деди жувон кўз ёшини яширмасдан. — Лекин бир нимани ўйлаб қолдим. Уялиб ерга қаради.

— Нима экан, янга, сўрайверинг! Бундай масалада уяти йўқ!

— Ундай бўлса... Болага таъсир қилмайдими?

— Таъсир қилмайди-ёв. Яна, билмадим, Худо — подшо! Нима бўлсаям яхши ният қилаверайлик!

— Айтганингиз тўғри. Ниятни яхши қиламиз...

Эртаси пешиндан ўтавериб, улар Байматбой ўрнашган яйловга етиб келди. Тез орада келинчак кўрмагандай бўлиб кетди.

Қиш маҳалимидиёв, соппа-соғ ўғил туғиб берди. Унга Шерқул деб от қўйишди.

Бунга кўп бўлди. Ундан берисига Байматбой, кетидан кампири қайтиш қилди.

Улар буни ўғлига айтганми-йўқми, бунисига бир нарса дейиш қийин.

Асрга яқин Шерқулнинг уйини топди. У уйда экан. Эшикни очиб, бироз тикилиб турди-да:

— Ассалому алайкум! Шайман ака, сизми? — деб қучоқ очиб яқин келди.

— Бормисиз, ука, — деди меҳмон кўзига ёш олиб.

— Ичкарига тортинг! Ўтган куни сизни ўйлагандим...

— Нима бўлди?..

— Ичкарига кирайлик, кейин гаплашаверамиз.

Шу гап орасида улар меҳмонхонага кирди. Мезбон югуриб-елиб хизмат қилаяпти. Шайманбой «У ҳақда ёмон ўйга борибман, бунинг гирдикапалак бўлишини қара», деди ичида.

Қиш куни қисқа. Тўрт оғиз гурунглашмасларидан шом қора тортди. Меҳмон қайтмоқчи эди, мезбон ётиб кетасиз, деб рухсат бермади.

— Вақти-замонида ота-энам билан қадрдон бўлгансиз, — деди мезбон. — Отанинг дўстини иззатлаш фарзанд бурчи. Келинингиз паловни бошлади. У ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ётамиз.

— Майли, лекин кампирга айтмагандим-да.

— Ҳеч нима қилмайди. Ҳолам тушунади, ётиб қолган, дейди.

— Майли, ётганим бўлсин.

— Ана, бу бошқа гап бўлди. Ота-энам билан тоғу тошда кўп бўлгансиз. Сизда уларнинг хотираси бор.

— Ҳа, у пайтлар бошқача эди.

— Шайман ака, сиз энамни бир ўлимдан қутқариб қолган экансиз.

— Озгина ёрдам берганман, шу.

— Ундай, деманг. Энамнинг айтишича, агар, сиз бўлма-сангиз, омон қолишимиз қийин экан.

— Ҳар ким ҳам шуни қиларди...

— Тўғриси, ёш бўла туриб, заҳар эмини билганингизга ҳозиргача қойил қоламан...



Шайманбой аввалига хижолат бўлди, буни эслашни истамади. Кейин мезбоннинг самимийятини кўриб, ҳаммасини айтиб берди.

— Тўғриси, буни кўп эшитганман. Ўзингиздан эшитиш бошқача экан, — деди Шерқулбой ҳикоядан маҳзун тортиб. — Ота-энам ёнимда бўлганида бошқача бўлардида, ака...

— Нима, дейсиз. Бу — Худонинг иши, иккисиниям раҳматига олсин!

Суҳбат алламаҳалгача чўзилди. Айниқса, Шайманбойнинг содда, тўпори гаплари Шерқулбойга мойдек ёқиб тушди. Сўнг иккаласи ётиб, ухлади.

Шайманбой эрта тонгда уйғонди, мезбон алақачон турган экан.

— Энди, қайтсам, деяпман, иним, — деди Шайманбой чойдан сўнг. У пул учун келганлигини айтолмади, қандай айтсин. Мезбон «энамни даволаб, бизни ўлимдан қутқарибсиз», деб турибди. «Пул», деса, шунга ҳақ тилаган бўлиб қолмайдими?

— Яна келасиз, шунда рухсат бераман.

— Ўзингизам бориб туринг...

— Ака, агар, кўнглингизга келтирмасангиз, бир иш қилмоқчиман.

— Айтаверинг қани.

— Сиздан ҳеч хабарлашолмадим. Лекин таниган-билгандан доим сўраб турдим. Билишимча, ул-қизларни уйли-жойли қилаяпсиз, кенжангиз ўқиётган экан. Бу ҳазилмас, бу катта харажат, дегани. Шу учун туновин олдингизга ўтиб, сал қарашини кўнглимга туккандим. Ният ҳолис эканми, ўзингиз келиб турибсиз.

— Қандай бўлади, иним?..

— Дунёда яхшилик қолади, ака! Шунини ният қилдим, қаршилик қилманг!

Шерқул гапини тугатмай нариги хонага ўтди. Салдан кейин пакет билан қайтиб келди.

— Бу, кўпга ўхшайди-ку...

— Кўп эмас. Олаверинг, ака, бу иниларимга.

Шерқул отасидай танти экан, тантилик қилди. Ҳозирги замонда ким бир пакет пул бериб юборади. Буям етмаган-

дай, машинасида автобусгача кузатиб борганини айтмай-сизми.

Шайманбой уйига терисига сифмай қайтди. У йўлда пулни санасамми, деган ўйгаям борди. Лекин одамлар кўз олдида буни одобсизлик билиб, санамади. Унинг хурсандлигини кўриб кампири дарров сезди:

— Ишингиз зўрга ўхшайди-ку, чол, — деди.

— Барака топсин, — деди чол. Кўзидаги ёшни кўрсатмаслик учун ички хонага кириб кетди.

Иккиси пулни санади — нақд ўн беш миллион сўм. Улар ҳайратланди, сўнг Шерқулбойни, унинг ота-энасини узоқ дуо қилишди. Пулнинг бир бўлагини кенжанинг ўқишига, бир қисмини тўйига ишлатадиган бўлишди.

Шундан сўнг кўп йиллар узилиб қолган ришта тикланди. Бундан икки тараф ҳам мамнун эди...



## SMS севги

**Кечки пайт.** Талабалар ётоқхонаси. Ҳабиб столга мук тушган кўйи дарс қилмоқда. Жамшид эса ўриндиқда узала тушган ҳолда телефон ўйнаш билан овора, аниғи, у кимгадир SMS ёзмақда. Вақти-вақти билан Ҳабибга бошини сарак-сарак қилиб, «Ўқи, ўқийвер донишманд», дегандек қараб қўярди. Шу пайт телефон овоз бериб, янги SMS келганини билдирди. Бир қур кўз ташлаб олгач, ўрнидан тезликда туриб, хонадошининг ёнига борди.

— Вой-й, буни қара, ўртоқ, нималар ёзибди, — Жамшид телефонни Ҳабибнинг пешонасига тиради.

— Йиғиштир, — Ҳабиб ижирғанди. — Сени деб дарс қоп кетяпти.

— Сессия келсин, ҳаммасини қойиллатиб ташлайман.

— Тағин, у сессиядан бунисигача кўзингдан сув оқизиб юрма.

— Ишинг бўмасин, таниш бор, юрғизворсам бўлди, ба-рини текислаб ташайди. Камига сал-пал ўқийман...

– Шу, SMS миянгни захарлади-да, сен боланинг. Аввал дуруст эдинг. Бунга кўпам берилиб қолма.

– Донишманд, буни қўй, ундан кўра, – янги SMSни кўрсатади, – мана буни қара, нима деб ёзибди, – «қаҳ-қаҳ» кулади.

– Шунча кулгимими, ким экан у?

– Рус гуруҳидаги Диля. Нима ёзганини кўр, – Телефондан кўз узиб, хонадошига юзланади. – Ана, шунақа, жигар. Санам ўқиш, деб юрибсан-да. Ундан кўра, мундоқ қизлар билан таниш, гаплаш, уялсанг, SMS таша.

– Эртаси кўриб қолсанг, қандай саломлашасан, уялмайсанми? Учи?

– Э-э, ҳозир ҳамма шундай қилади. SMSданам уяларканми одам. Яхши томони, юзига айтолмаганингни SMS қилиб жўнатасан, бўлди, тамом, иш битади...

Аудиторияда ўқитувчи лекция ўқияпти. Ҳабиб билан Жамшид ёнма-ён ўтириб олган. Ҳабиб муҳим гапларни ёзиб олаяпти. Жамшид ҳар доимгидек SMS жўнатиб, қабул қилиш билан шуғулланмоқда. Шунга қарамай ёнида бўлаётганларни билиб ўтирибди. Айниқса, Ҳабибнинг иккинчи қатордаги курсдоши – Гуличехрага қараб-қараб қўяётганини эътиборсиз қолдирмади. Телефондан кўз узмаган кўйи деди:

– Ҳа, ошиқ, дил кетдимми...

– Бир ошиқ, дейсан, бир донишманд. Нима тузукроқ гапинг йўқми?

– Сенга айтсам, ошиқ севади, аммо айтишга журъати етмайди. Донишманд умуман севишдан кўрқади.

– Бўмаган гап, бундай тўпори гапларни қайдан топасан-а.

– Мана, жонли мисоли ўзинг.

– Менга нима бўпти...

– Гулини яхши кўрасан, аммо айтмайсан, чунки айтолмайсан.

– Аммо бу гапинг...

– Санга ёрдам бераман, десам, – қўл силтайди – қўй-э...

– Қандай ёрдам, агар, чини билан бўса, йўқ, демайман.

– Санам SMS таша.

– Йўғ-э, қандай бўларкан?!

– Михдай бўлади.

– Келиб, телефонни юзимга отиб қоса-чи...

– Отмайди, ўзиям жон, деса керак.

– Ҳаммани ўзинга ўхшатма – қўлини кўтаради – бир тушираман, кейин биласан...

– Ошиқнинг ғашлари келдими, – пиқиллаб кулади...

Ўқитувчи маърузасида давом этган ҳолда улар ёнига келиб тўхтади. Унинг жаҳли чиққани юз-кўзида акс этиб турарди.

– Ҳалидан бери қарайман, икковинг вижир-вижир қиласан, – қаттиқ бақирди, – Дарс бўляпти бу ерда. Ўзларингни ҳурмат қилмасаларинг, мана, ўртоқларингни ҳурмат қилларинг. Жамшид, санга айтган билан фойдаси йўқакан. Доим шу аҳвол. Ё дарсга келмайсан, келганда тинч ўтирмайсан.

Жамшид ўрнидан гўёки одобли боладек бўйнини қисиб турди:

– Домла, мабу, – Ҳабибга ишора қилади – SMSимни қараб бер девди, шунга... чалғибман, – дейди кўзлари олма териб.

Ўқитувчи таажжуб аралаш деди:

– Йўғ-э, Ҳабиб, шундайми?!

Ҳабиб Жамшидга бир зум тикилиб туради:

– Телефон олувдим, ҳали яхши тушунмайман, шунга, – чайналади.

– Нега дудуқланасан, сани дуруст десам, писмиқ экансан-ку.

– Узр, домла...

– Қилғиликни қилиб, энди узр сўрайсанми?! – Аудиторияга кўз югуртиради – Етакчи ким?

– Мен, – деди Гуличехра ўрнидан чаққонлик билан туриб.

– Буларга айтмайсизми, дарсда телефондан фойдаланиш мумкинмас, деб.

– Айтилган, ҳамма билади...

– Айтилгани шуми... Ўзи, ҳаммангни уриб кетган экан. Етакчиликни эполмасангиз, ана, қўлидан келадиганларга

топширинг. Ё бошқа ҳеч ким қилолмайдими?! Менимча, қилолади.

Ётоқхона. Ҳабиб билан Жамшид хонада ўтирибди. Жамшид SMS билан овора. Ҳабиб ётган кўйи бугунги воқеа таъсирида хаёл сурмоқда. Гулчеҳра хафа бўлмадими, деган хавотирда ич-эттини ерди. Нима қилса бўлади? Бунга, хонадоши сабабчи. Шунинг учун унга қовоғини уйиб, жаҳд билан қараб қўярди.

— Бугун яхши бўмади, ўртоқ! Яна ёнингни олиб ўтирибман-а, — деди Ҳабиб салдан сўнг юмшоқроқ қилиб.

Жамшид телефондан кўз узмаган кўйи:

— Бунинг учун раҳмат, — деди.

— Гуличеҳра изза бўлгани ёмон бўлди-да. Юзига қандай қарайман... Чакки бўлди-да...

— Қўй, шуни ҳам ўйлайманми, — энди эслагандек кўрсаткич бармоғини чаккасига тегизди. — Э-э, у севгилинг, буни қаранг, эсдан чиқибди-ку, жигар.

— Мазах қилма, Жамшид!

— Бўмаса нима қиласан, урасанми?!

— Аҳмоқ, ким ураман, деди. Гуличеҳранинг олдида юзим шувут бўлди, қандай кечирим сўрасам, деб бошим қотти. Ёнига бориб, узр сўраб кесамми?

— Бўмайди! Эшикни юзингга қарсиллатиб ёпса, нима деган одам бўласан. Жигар, бу ёғини ўйламапсан-ку.

— Нима қил, дейсан?

— Яхшиси SMS ёз. Шуниси осон. Хоҳласа, хоҳламаса, очиб ўқийди.

— Телефони бор эди, — Ҳабиб телефонини титкилай кетади, — ҳозир ёзайми, ё кейин?..

— Ҳовлиқма. Билмайсанми, яқинда рақамига қўшиб телефонини ҳам ўзгартирган. Бойвучча-ку бу қиз. Хуллас, хомтама бўма, янги телефонда юрибди.

— Эҳ-ҳ, буям ўхшамади, — столни қаттиқ муштлайди.

— Нимага ўхшамаскан, эртага дугонасидан оламан, кейин хоҳлаганча ёзаверасан, жигар.

Эрталаб Ҳабиб билан Жамшид нонушта қилмоқда. Ҳабиб ҳалиям кайфиятсиз. Жамшид унинг юзига айёрона кулги билан қаради, чой хўшлаб туриб:

– Фикрингдан қайтмадингми, ўртоқ? – деди.  
– Йўқ, нима эди?! Ҳали телефони йўқ-ку...  
– Нега йўқ бўларкан. Кеча ухлаб қолувдинг, секин бориб, оп келдим. Гулининг хонадошидан олдим, – ёқасини кўтариб қўйди, – Раҳмат қани...

– Раҳмат ўртоқ, раҳмат!

– Аввалам SMS ёзганмисан, ўзи?!

– Ёзганман, ўртоқларга, уйдагиларга...

– Йўқ, бу ҳисобмас. Демак, йигитнинг биринчи SMSси, – Ўзини энди эслагандек тутади, – Ҳа, айтганча, телефонини ёзиб ол, 90лик... Мана, энди хоҳлаган пайтингда ёзишинг мумкин, – орқасидан «хи-хи»лаб кулади.

Хонада Ҳабибнинг ёлғиз ўзи. Беихтиёр телефонни олиб, SMS ёзишга киришади. Телефон экранидан сўзлар ўта бошлайди: «Гуличехра кечиринг, нотўғри қилдим. Бошқа нима дейишнйам билмаяпман. Кечирсангиз, бўлди». Ўзи ёзганидан ҳаяжонланиб, хонада ўтиролмади. Кўчага отилди. Йўлак бўйлаб юраркан, сал ҳовури босилгандек бўлди. Ана шундан кейин ҳалиги ёзувни Гуличехранинг рақамига жўнатди. Бормай қолмасин, тагин, деган ўйда яна қайта жўнатди.

Миясида эса турли ўйлар: «Жавоб ёзмасаям, очиб ўқиса бўлди. Кечирмаса-чи?! Кечирини керак. Кечирмаса тинмай ёзаман. Жамшид айтгандек, бу жа қулай экан. Олдига бориш қийин, уяламан, SMS уялмайди, бостириб киради. Ҳа, буёғига шундай қилганим дуруст. Жамшид бало экан, тинмай ёзади-я...»

Тоқатсиз бўлиб, наридан-бери юра бошлайди. Шу пайт SMS келди. Ҳа, бу Гуличехрадан экан. Ошиқиб ўқиди: «Кечириб бўмайдиган иш эмас-ку. Ўтган ишга саловот. Яна ёзиб туринг...»

Ҳабиб терисига сизмасдан ётоқхонага ошиқди. Йўл-йўлаккай яна ёзди. Экрандан сўзлар ўтаверади: «Раҳмат, тушунганингиз ва кечирганингиз учун!»

Хурсандчилигини ким биландир баҳам кўриш истагида қўшни хона эшигини тез-тез тақиллатди. Ҳеч ким очавермагач, бостириб кирди. У ерда курсдошлари – Зафар ва Шухрат ўтирган экан. Зафар уни кўриб, беихтиёр телефонни орқасига яширди. Каловланиб:

– Тақиллатмайсанми, одамни қўрқитвординг, – деди.  
– Тақиллатдим-ку. Кейин, айб қилаётган одамдек нега бирдан шошиб қолдинг?

– Барибирда, – телефонини столга қўяди, – чўчиб кетаркансан...

– Вой-бў, янги телефонлар олибсанми?

– Кеча опкелдим.

– Рақаминг-чи?

– Рақ... – дудукланади – рақ... рақам, – Сал ўзини тутиб олгач, – Сенда борку, – деди базўр.

– Бирданига янгиламадингми, ишқилиб...

– Нима қиламан ўзгартириб. У кун сал қийнади, ҳозир балодай...

– Ўртоқ, буни қўй, жа, хурсанд юрибсан, тинчликми? – деб Шухрат гапга қўшилди.

– Бир янгилик бўлувди, шунга...

– Нима экан, бирга ювардик...

– Э, йўқ, ҳозир шартмас. Вақти келса, айтаман, – Зафарга яна шубҳа аралаш қараб олди, кейин чиқиб кета бошлади, – Бўпти, мен кетдим...

– Ўтириб борасан-да. Чақчақлашардик.

– Ўзи, шунга чикувдим, бир нарса эсимга тушди, бормасам бўмайди.

Гуличеҳра ва Дилбарнинг хонаси. Шинамгина. Ҳамма нарса ўз ўрнида. Деразага элита парда осилган. Китоб жавонига китоб ва дафтарлар иштиёқ билан тахланган. Шуларнинг ўзиёқ бу ерда ораста қизлар яшаётганлигини айтиб турибди.

Дилбар китобдан бош кўтариб, дугонасига кулимсираб деди:

– Гули, Ҳабибби бошқача қараётганини сездингми?

– Сездим, нимаиди?

– Хонадоши Жамшид ҳам айёрона кулимсираб қўядимей.

– Бунисига эътибор қилмабман.

– У бир шумлик қилаётганга ўхшайди. Атрофига учтўрттасини йиғиб олган...

– Нимаям қиларди.

– Мийиғида кулиб, ўзича ҳар хил ишоралар қилди. Кейин Ҳабибгаям айёрона қараб қўйди. Тағин, у бечорани мазах қилаётган бўмасин.

Конспект қилаётган Гуличехра бирдан тўхтади. У ҳаяжонини сездириб қўймаслик учун нафас ростлаб олди. Шунга қарамасдан:

– Қанақасига бечора, нимага бечора бўлиб қолди? – деганини ўзиям билмай қолди.

– Вой, дугона, жаҳлинг чиқишини билмовдим. Агар билсам, бечора, демасдим. Аммо раҳмим келганидан айтдим буни.

– Дили, тағин бошқача хаёлларга бормагина. Дурустигина йигитни «бечора» деганинга ажабландим. Лекин ҳозир ўйлаб қолдим. Тунов кун менгаям шундай туйилувди, – Сал ўйланиб, ўрнидан шашт билан туради:

– Бўлиши мумкинмас!

– Нега бирдан ҳовлиқиб кетдинг...

– Йўғ-э-э, – ўзини тутиб олади, – бировга ноҳақлик қилса, қандай қараб турасан. Ана шунга...

Дилбар бармоғини сарак-сарак қилади:

– Ҳа, дугона, чаккимас, аммо...

– Бўлди қил-э, доим шундай шубҳаланасан...

Ҳабиб хонани тартибга келтириш билан машғул. Стол-стулни артди, китобларни тартибга келтириб қўйди. Буларнинг бари ўзига алоқаси йўқдек, Жамшид одатига кўра, кимгадир SMS ёзиш билан овора. Вақти-вақти билан Ҳабибга кўз қирини ташлаб кўярди. Телефондан кўз узмай туриб:

– Жигар, ҳалиги ишларинг қалай кетяпти? – деди.

– Нимани айтяпсан?

– SMSнида. Гули жавоб ёзаяптими?

– Тўғриси, ошна, бир марта келди.

– Кечирдимми?

– Шунақага ўхшайди. Аниқ билмадим, тағин.

Жамшид ёлғон аччиқ билан деди:

– Аниқмас деб, қўл қовуштириб ўтирибсанми? Сени қара-ю. Мен бўсам SMSни қалаштириб ташардим. Мана, мендан ўрган. Унисига ёзаман, бунисига..., шунга яраша SMS кўп келади.



— Икки-уч ёздим, кейин нима дейишни билмай қоларкансан. Қандай ёзасан-а, шунча гапни?! Бунинг устига жавоб келавермаса, хафсаланг пир бўлади...

— Тажрибанг камлиги панд бeryпти, жигар. Тинмай ёзавер, бора-бора уям шунга ўрганади, кейин SMS олмаса, турулмайдиган бўп қолади. Бундай пайтда, — ёқасини кўтариб, гердайиб кўяди, — иш кўрган, тажрибали аканг қарагайдан ўрган...

— Нима ёзишни билмаяпман. Калламга ҳеч гап келмаяпти. Танлаган сўзларим ёзаётганимда ёқмай қолади. Роса эзилиб кетдим, ошна, жудаям қийин экан...

— Мундоқ сўрамайсанми?

— Мана, сўраяпман-ку...

— Олдин нималарни ёзувдинг?

— Фақат шу — кечирешини.

— Ҳа, шундайми, — ўзини ўйлаётганга солади, — Кейинчи, у нима деди?

— Кечирди, шекилли...

Кутилмаганда Жамшид «қаҳ-қаҳ» кулади:

— Хабарим бор, — оғзини кўли билан ёпади, — Энди нима ёзишни билмаяпсанми?

— Ҳа, билмаяпман, — Ҳабиб зарда билан жавоб берди.

— Энди, мундоқ, — кўли билан ишора қилади, — жиддийроқ гап қил...

— Нима дейман?..

— Мана, мисол учун, яхши кўрган нарсаларини сўра, йўл-йўлакай ёқтиришингга ишора қил. Кейин учрашувлар...

— Бўлди, сенга кўйиб берса, беш дақиқада тўй бошлаб юборасанов.

Жамшид ёлғондан аразлайди:

— Бор-э, билганингни қил. Ўргатаман, десам бунинг гапини қара...

Ҳабиб қишлоқдан келган синфдоши Шавқиддин билан йўлак бўйлаб гаплашиб келмоқда. Шавқиддин жўрасини зимдан кузатмоқда:

— Ошна, бу дейман, рангинг синиққан, нима бўлди, ўзи? — дейди, — Ё биронтасининг тузоғига тушдингми?

— Қандай тузоқ, нималар деяпсан?!

— Мендан яшираман дема, сени бир қаричлигиндан бери биламан.

— Ўзингам бир қарич эдинг ўшанда. Ўзим ўлчаб кўрганман, чамамда унданам пастроқ эдинг. Кейин нима единг, билмадим, мирза теракдай ўсиб кетдинг, — кулади.

— Сенга бир гап бўган... Кулишинг ўзингга ўхшамаяпти. Ў-ў, бола, мендан яшираман, дема. Ҳали айтганимдай биронтасини яхши кўриб қолгансан, топдимми?!

— Шундай бўлса нима бўпти?!

— Ҳа, бу бошқа гап, ошна! Ким экан ўзи, қаердан. Жа, кетворган бўлса керак-а.

— Ҳалиги...

— Айтавур, қишлоққа бориб, жар солмайман, агар, шундан кўрқаётган бўсанг.

— Ҳали ўзимам яхши билмайман.

— Қанақасига?! Билмайман, дейсанми?! Қандай қилиб гаплашяпсан?!

— Мана, — телефонига ишора қилади, — шу орқали.

— Фақат телефон ураяпсанми?

— Э-э, йўғ-э, қандай ўқимаган боласан-а, SMS жўнатяпман.

— Нима, — ҳайратини яширмайди, — SMS жўнатяпман, дедингми?! Калла-палланг жойидами?! Фақат шуми?!

— Яна нима қилишим керак эди?!

— SMS, шуюм иш бўптими. Нима, бу ерда одатлар ўзгариб кетганми?! Бизда, қишлоқда ҳалиям ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Йигит дегани SMS ёздим, бўлди, деб ўтирмайди. Сенга айтсам, SMS-пэ-сэ-мэс қилмасдан, шундоқ қиз йўлини тўсиб, кўнглидагини шартта-шартта айтади. Буни қабул қиладими-қилмайдими, энди бу қизнинг иши.

— Бу ерда ҳамма...

— Қўй, уларни, ҳамма жардан ташласа, сенам кўшилиб ташлайсанми?! Йўқ, ҳали умидим бор, деб сакрамайсан, ё сакрайсанми?!

— Йўғ-э, Худо сақласин!

— Ана кўрдингми, уям, буям бир хил нарса. Ўзи, сенга бу аҳмоқона қилиқни ким ўргатди?!

— Хонадошим бор-ку, Жамшид.

- Ўзимам ўйловдим, такасалтанглардан шундай гап чиқади.
- Шунинг орқасидан у қизлар билан танишган, ишлари зўр. Ҳар куни тинмасдан ёзади, келишим зўр...
- Ҳали кўрасан, бунинг чуви чиқади. Ў-ў, бола кўзингни каттароқ оч, бундай юрма...
- Нимага менга ақл ўргатиб қолдинг?! Акамга ўхшаб тергайсан.
- Тергасам нима бўпти, ошнангман. Ё ҳаққим йўқми?!
- Бор. Аммо мунчаликмасда, ўзингга SMSни бир тийинга чиқариб қўйма. Бунинг фойдаси бордир, бўмаса ҳамма ёпишармиди...
- Бўса бордир. Аммо SMS, севги – иккиси бир-бирига ёпишмаяпти.
- Ётоқхона ошхонасида Дилбар ош тайёрляпти. Пиёз билан гўштни қизиб турган қозонга ташлади. Сабзини туғрай бошлади. Шуҳрат чойнак-пиёла кўтариб, кириб келади. Чайиб, кета бошлайди. Дилбар уни:
- Бугун нима овқат қияпсиз? – деб гапга тутди.
- Бугун чой куни эълон қиганмиз.
- Продукта тугадими?
- Йўғ-э, – салдан кейин, – бугун бозорлик қилишга улгурмадик.
- Бизда у-бу нарсалар бор.
- Йўқ, керакмас. Зафар Жамшид билан қаергадир кетувди. Бир ўзимга қозон осиб ўтирмадим.
- Бўмаса, бизникига чиқинг, ош еб кетасиз.
- Қандоқ бўларкан, – деб тиржаяди.
- Гули иккимиз, бошқа ҳеч ким йўқ. Бунинг устига бир гап бор эди.
- Қанақа гап? Бўлди, унда чиқаман, – шошиб гапирди, – мен нима оп чиқай...
- Ҳеч нима керакмас...
- Ош тайёр бўлди. Дилбар чиройли қилиб безатилган дастурхонга ошни келтириб қўйди. Меҳмондорчилик зўр бўлди. Шуҳрат ўзида йўқ хурсанд:
- Раҳмат, қизлар, зўр меҳмон қилдиларинг, аммо...  
Дилбар айёрона қараш қилди:

– Ҳали ҳаққини тўлаб кетасиз, бек ака, – дея ҳазил қилди.

Йигит довдиради:

– Йўғ-э, қанақаси, бу нима, – деб каловланди.

– Ҳазиллашдим, тагин, ош жойига етмай қолмасин.

– Ўзи, Дилбар доим шундай ҳазиллашади, – Гуличехра вазиятни сал юмшатган бўлди.

– Ҳа, – хиринглайди, – ундай бўлса майли...

Эшик тақиллаб, уларнинг суҳбати бўлинди. Қизлардан бири Гулини сўраб келди. У Дилбарга «нима қилсам», дегандек тикилди.

– Гули, боравер, – деди Дилбар кўзи билан ишора қилиб.

– Сен бу ерда, ёлғиз... – Шухратга ишора қилди.

– Боравер, бўри ермиди. Келгунингча иккимиз гаплашиб оламиз. Шундайми, Шухратбек?

– Ҳа, тўғри, – Ҳазилнамо қилиб, – Дугонангизни ишониб, қолдириб кетаверинг, – деди.

Гуличехра чиқиб кетгач, Дилбар вазият етилганини сезд:

– Шухрат, кўнглингизга келмаса, бир нарса сўрасам, – деб мулойим гап бошлади.

Гап нимадалигини тасаввур қилмаган йигит ўзича нима ўйларга борди, буниси қоронғи, аммо унинг шошиб, ҳаяжондан юзлари қизариб кетгани шундоқ кўриб турарди:

– Майли, сўранг...

– Ҳалиги сиз билан қўшни турадиган бола бор-ку, Ҳабиб, шу қандай йигит, ўзи?

– Нимага бирдан уни, – гапини чала қолдирди.

– Назаримда дуруст йигитга ўхшайди...

– SMSчими, – тезда оғзини кўли билан ёпди, – ҳа, ёмонмас...

– Ким дедингиз?..

– Оғзимдан чиқиб кетди. Жамшид шундай лақаб қўйиб олган.

– Сиз кўп нарсани биласиз, сездирмайсиз-а. Пишиқсиз, аммо...

– Нимани биларканман, сиздан кўп нарса билмайман, шуниси аниқ. Агар қасам ич, десангиз, ичаман. Худо ҳаққи...

– Шухрат, ақлли, тушунган йигитсиз. Ўзингизча нима-лар деяпсиз. Ким сизга қасам ичинг, деди.

– Ишонмаганингиздан кейин қасам...

– Қасам керакмас. Билиб туриб, бир йигитга жабр қилмайлик, дейман. Шундай экан, мундоқ очиқ гапираве-ринг. Балким, ёрдамингиз тегар...

– Майли, – жиддайлашди, – айтинг, нимани билмоқ-чисиз?

– Ҳабиб нима учун SMSчи бўп қолди?

Зафар билан Шухрат ўз хонасида тортишиб-талашмоқ-да. Иккисининг ҳам юзи қизарган.

– Нима қилдинг, ўртоқ? – Зафар жаҳл аралаш деворни муштлади, – Сани болаб тузоққа туширибди-ку.

– Қандай қилиб айтганимни билмай қолдим. Ош билан меҳмон қилди, ширин сўз билан авради...

– Ҳаммасини айтиб, чатоқ қипсан, – ўрнидан туриб, наридан-бери юради, – Шу, Жамшидга қаерданам хўп де-дик. Қизлар овоза қип юборса, бўлди, тамом, шармандамиз чиқади.

...Ҳа, Жамшид, Жамшид, бундай қитмирликни қайдан ўйлаб топасан-а? Бўлмаса, Ҳабибни калака қилиб, SMS ёздирганинг нимаси.

Нима жин уриб, хўп дедим. Каллам айланиб, янги номер олдим, шуни Гулиники, деб айтсанг, ҳаммаси беш бўлади дейишга бало бормиди.

...Ҳаммаси яхши кетаётганди, сен нима қилиб қўйдинг, Шухрат?!

– Мунча жизиллайсан, барибир, эртами-кечми сир очи-ларди.

– Энди нима қилсак экан, – деразадан ташқарига қарай-ди, – Барини Жамшид қилди, деймиз. Бориям шуда, ўзи. У қаерданам шу гапни айтди, биз эса...

– Биз эса қўшилдик...

– Асосий айбдор барибир Жамшид.

– Бизам оппоқмасмиз.

– Унда, нима қил, дейсан?

– Ҳабибга ётиғи билан айтиш керак.

– Жамшидни нима қиламиз, у эшитса, нима дейди?

– Э-э, у билан нима ишим бор. Ўзи, бошида қўшил-маслик керак эди унга.

Ётоқхонанинг маънавият хонасида Гуличехра билан Дилбар сирлашиб ўтирибди.

– Мана, ўртоқ ҳаммасини билдинг, – деди Дилбар ўзининг қилган ишидан қониқиш билан.

– Энди нима қиламиз?, – деди Гулчехра ўйчан қиёфада, – Бечора йигитга ачиниб кетяпман. Ўзи ишонган ўртоғи бошлаб масхара қилса-я. Лақма бўлиб қолиш – жуда ёмон.

– «Бечора йигит», дейсан. Ўзингдан узоқлаштиривормадингми, дугона?

– Нима дейишим керак эди, – кўзини катта-катта очиб, дугонасига тикилди, – тушунмадим...

– Минг яширганинг билан бари юз-кўзингдан «мана мен», деб кўриниб турибди-ку.

– Бўлди қил! Сирли гапирмасдан, очик айтиб қўявер.

– Ҳабибга бефарқмассана.

– Вой, нималар деяпсан, у бир...

– Яхши йигит, содда, самимий. Кўнгил қўйса қўйгудек.

– Унда, ана, ўзингга ол.

– Қўйиб бермассанов...

– Олавер, дедим-ку.

– Бу гапларингни қўй, ўзингга буюрсин.

– Хўп, ёқтир... – давомини ичига ютди, – нима бўпти?

– Қўрқмасдан айтавер, бу ерда иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқ.

– Бўлсаям айтардим, – деди Гулчехра кутилмаган диллик билан.

– Ана, шундай бўлиш керак, – чапак чалиб юборди.

Ётоқхонада Жамшид SMS ёзиш-жўнатиш билан машгул. Шу пайт хонага Ҳабиб билан унинг синфдоши Шавқиддин кириб келди.

Ҳабибнинг рангги ўчган, жаҳли чиққанидан юзлари қизарган. У келибоқ қаттиқ бақирди:

– Жамшид, нима қилиб юрибсан?

Шавқиддин унинг қўлидан тутади:

— Ўзингни бос, ошна! Ҳозир тинч келаётгандинг-ку, нима бирдан ёниб қолдинг?! Бир-икки кун сеникида меҳмон бўламан, бирга айланамиз, деб келувдим шунга ёқтирмайсанми?

— Бўлди қил ванфилламасдан! Нима бўлганини билмайсан, билсанг, жим ўтирардинг.

— Айтсанг, биламан-да!

— Мабу эшшак, мени шунчадан бери SMS қулай, SMS яхши, деб аҳмоқ қип юрганакан, — столни муштлайди, — Мен аҳмоқ лаққа ишониб ўтирибман-а...

— Ҳалигина кўчадан келдик, бу гаплар йўқ эди-ку, қайдан пайдо бўлди?

— Ўзимам энди билдим. Шухрат билан Зафар айбини тан олиб, барини айтди. Буларни, — қўлини бигиз қиладди, — мана шу шўртумшуқ қилган. Зафарнинг янги номерини Гулиники, деб беради. Мен аҳмоқ Гулига ёзяман деб, Зафарга SMSлар жўнатибман-а.

Улар устимдан роса мазах қилишибди, мен аҳмоқ бўп юраверибман. Одамлар мунча ёвуз бўлмаса, бировнинг дили билан ўйнашади. Ранжийди, деб ўйлаб ҳам ўтирмайди.

— Ҳали шунақа, де, — Шавқиддин Жамшиднинг устига бостириб боради, — Бўлди, лирикани йиғиштир, бундайларга мана бу билан ўқитиш керак, — муштини ҳавода ўйнатади, — Тур, буёққа SMSчи!

— Бир ҳазил қилувдим, шунга шунчами...

— Ҳазил? Ҳазил шундай бўладими?! Ипλος, — Жамшиднинг ёқасидан тутаяди, — юр буёққа, ўзим эсингни киритиб қўяман.

— Борсам, нима дейсан?!

— Мана бундоқ қилиб, — қўлини ҳавода ўйнатади, — қулоқ-чаккангга тортаман.

Зарба зўридан Жамшид диванга қулайди. Шавқиддин унинг ёқасидан тутиб турғизади, яна бир муштлайди. Иккисини беихтиёр кузатиб турган Ҳабиб Шавқиддиннинг қўлидан тортиб, орага тушади:

— Бўлди қил, ошна! Тагин қишлоқдан меҳмонга келиб, мезбонни уриб кетди, деган гап чиқмасин.

– Нима қипти. Бундайларнинг бурнини ерга ишқаш керак. Қайтиб бировни мазах қимайдиган бўлади.

– Бундайларга гап, – кўлини силтайди, – мушт таъсир қилармиди.

Шавқиддин Жамшиднинг ёқасидан тутиб, ташқарига судрай бошлайди:

– Мен буни кўчага, ахлатхона ташлаб келаман.

Ҳабиб ҳайрон:

– Нима дединг? Нима қимоқчисан?

– Кўрмаяпсанми, кўчага оп кетаяпман. Эндиям бирга яшамасанг керак...

– Йўқ! Ландавурдирман, аҳмоқдирман, аммо оримни йўқотганим йўқ.

– Бўмаса, нима қиласан?

– Бу шу ерда қолаверсин, ўзим чиқиб кетаман.

– Ў-ў, шўртумшуқ ана, кўрдингми, – Шавқиддин бошини сарак-сарак қилиб, Жамшидга юзланади, – менинг ошнам қанча мард. Сен унинг жойида бўлганинга, бари қилғилиқни ўзи қилди, энди марҳамат, ўзи чиқиб кетсин, деган бўлардинг. Э-э, сани...

– Юр, кетдик, бунга гап ҳайф!

– Қаерга борасан, қаерда яшайсан, деяпман.

– Шуниям ўйлаб ўтираманми, ана, Шокир бир ўзи, шу билан тураман.

Маънавият хонаси гавжум. Дилбар билан Ҳабиб ҳам шу ерда, улар стол атрофида юзма-юз ўтирибди. Ҳабиб конспект қилмоқда, Дилбар эса китоб варақлаган кўйи Ҳабибга қараб-қараб қўяди. У бир нималарни билмоқчидек шеригини саволга тутади:

– Ҳабиб, сизда нечта синов қолди?

– Мана шу охиргиси, шунданам ўтсам, кейин байрам.

– Ҳалиги ўртоғингиз, Жамшидни ишлари қалай?

– Уми, – сал жим қолади, – менимча, уч-тўртта қарзи бор. Янаям аниқ билмадим. Нима десамикин... Ҳозир у билан бирга турмаяпман.

– Буни эшитдим, жанжаллашиб қолибсиларми?!

– Э-э, йўқ, бошқа хонада жой боракан, ўтиб олдим. Қайтанга шуниси яхши.



– Жанжаллашгансилар-а?  
– Йўқ, дедим-ку...  
– Менга ана шу тантилигингиз ёқади, Гулигаям...  
– Гули, – қаттиқ ҳаяжонда, – Гулиям шуларни билладими?

– Нимага билмаскан, бутун институт билгандан кейин...

– Шуниси ёмон бўпти. Урушқоқ, тўпори бир махлуқ, деб ўйлагандиров.

– Гулини ҳали яхши билмаскансиз. У ҳаммасини суриштириб, билди. Ким айбдор, ким нима қилган – баридан хабардор. – Жамшиддан қаттиқ хафа бўлди. Чиқиб кетганингизни эшитиб, «боплабди аммо», деди. Хўп, қипсиз, бундайларни ажратиб қўйиш керак, бора-бора эси киради.

Атайлаб қилгандек шу топда Гуличехра кўринди. Иккиннинг ёнидаги бўш жойга ўтирди. Кайфияти кўтаринки эканлиги шундоқ кўриниб турарди. Гап-сўзи ҳам буни тасдиқлади:

– Дилбар, сани излаб келувдим, – Ҳабибга юзланиб, ҳазиллашади, – Ҳалиям SMS ёзаяпсизми, аммо менга ҳеч келмади.

Йигит ўзини қўярга жой тополмай типирчилайди:

– Мен... мен... бундай қилмоқчи эмасдим, ҳалиги...

– Ёзсангиз, аниқ адресга жўнатинг-да...

– Гули, бўлди қил, – Дилбар ўртага тушди, – қара, ўзини қўярга жой тополмай қийналяпти...

– Ҳабиб, ҳазиллашдим, тагин кўнглингизга олиб юрманг.

– Нимага хафа бўламан, бор гап шуда. Аҳмоқ бўп, SMS ёзиб юрибман. Шавқиддин тўғри айтди. Йигит дегани бўлар гапни шартта-шартта айтиши керак, SMS қилиб ўтирмасдан.

– Кимни айтаяпсиз?

– Синфдошим...

– Аммо шу ўртоғингиз бўларини айтибди.

Дилбар қаттиқ кулади, шеригини билдирмай туртиб, унинг қулоғига шивирлайди:

– Вой, Гули, ҳаммасини айтиб қўясизми, деб ўйловдим...

Орадан бир йил ўтди. Институт боғидаги йўлакчадан Ҳабиб кўринади. Йўлакнинг нариги ёғидан яна кимдир келмоқда. У яқин келгач, Ҳабиб уни танийди, бу Жамшид-ку. Ўзини анча олдириб қўйган кўринади. Индамасдан ўтиб кетса бўлмас. Шу хаёлда йўлини кесиб чиқди:

– Бормисан, ўртоқ? – Иккиси қучоқлашади, – Санга нима бўлди, аввалги дадиллигинг йўқ? Сал мазанг йўқ кўринади...

– Э-э, ўзим, шундай...

– Юр, бундоқ, ўтириб гаплашамиз. Кўришмаганимизга ям юз йил бўлди-ёв...

– Қанақасига?! Энди бир йилча бўлди...

– Қаерлардасан, нима қиляпсан? Бир йилга академик таътил олибсан, бошқасидан хабаримиз йўқ.

– Юрибман. Сал маза бўлмаяпти.

– Нима бўлди, ўзи...

– Ўзимам аниқ билмайман, аммо ҳар хил гаплар...

– Қандай гаплар...

– Айрим дўхтирлар телефондан кўп фойдаланиш натижасида мия нурланган ва ўсимта пайдо бўлган дейишди. Бошқалари психологик эрозия рўй берган, дейдими-ей. Бундай ҳолатда одам асл дунёдан узилиб, вертуал оламга тушиб қолиб, ундан осонликча чиқиб кетолмаскан.

– Ўзинг нима, деб ўйлайсан?

– Психологнинг гапи рост, деб ўйлайман.

– Ундай эмасдир-э...

– Аввалига SMS, кейин интернет. Ўзиям туну кун шўнғидим. Айниқса, сен кетгандан кейин дарсниям йиғиштириб, кечаю кундуз шуғулландим. «Бўлди, энди йиғиштираман», дейсан, яна қандай кириб кетганингни билмай қоласан. Ҳар куни шу аҳвол. Дарс, овқат кўпинча эсдан чиқиб кетарди. Бора-бора бутун ўй-хаёлимни шу нарса эгаллаб олди, – чуқур ўйга чўмди, – касалимда буларнинг таъсири катта бўлгани аниқ, – бир муддат жим қолди, – Аммо асосийси бошқа, деб биламан... Тағин, Худо – пошшо...

– Тағин нима?..

— Биласанми, ўртоқ, — ерга қараб, жим қолди, салдан кейин яна гап бошлайди, — Сенга қилган ноҳақлигим асосий сабаб, деб ўйлайман.

— Калланга бундай бўлмағур ўйлар қаердан келди? Эсдан чиқар-э буларни. Нима бўлган бўлса, бари ортда қолди. — Жамшиднинг юзига тикилиб туради, салдан кейин, — Қайтанга сендан миннатдорман, — дейди.

— Нималар деяпсан?!

— Сенинг шу ҳазилинг...

— Йўқ, ҳазилмас, ўша пайтда шундай туюлганди, кейин ўйлаб кўрсам, бу одамнинг ориятига тегадиган ҳақорат экан, пасткашлик экан...

— Гапни эшитсанг-чи.

— Хўп, гапир, — қуюқ йўталиб олади, — Мана, жим бўлдим.

— Шу ҳазил туфайли ичимдагини ташга чиқаришни ўргандим. Гули билан «SMS севги» орқали опоқ-чопоқ бўп кетдик.

— Ўзимам шуни сўрайман, деб турувдим. Тил топишиб-силар, бу яхши, — яна қаттиқ йўталди, — Бу бало иммунитетни тушириб юбораркан. Салга шамоллаб қоляпман.

— Ўртоқ, ўзинга мундоқ эътибор бер, даволан! Ўқишни ўйлама, бир гап бўлар.

— Шунинг ҳаракатидаман. Дўхтирлар вақт керак, дейишяпти.

— Қанча вақт кетсаям, соғлифингга қара...

Ҳабиб билан Гуличехра хиёбонни кезмоқда. Уларнинг кайфияти чоғ. Бунинг устига кузги ёмғир шитир-шитир қилиб, кафиятга кайфият қўшган. Қиз шодон, йигит сал ўйчан. У шу алфозда гап бошлади:

— Тунов кун Жамшидни кўрдим.

— Қаерларда юрган экан?

— Мазаси йўқ, ранги синиққан, ўзиям чўкиб қолган.

— Сиз нима дедингиз? — кўрсаткич бармоғини чаккасига сал тегизиб олди, — Мисол учун, ёрдам берамиз, дегандек...

— Аммо шу калламга келмабти.

— Раҳмат ҳам айтмадингизми?

— Раҳмат дедим, айтдим, — қизнинг юзига тикилиб қолди, — сизга нима бўлган, уни ўлгудек ёмон кўрардингиз-ку.

— Бошида шундай бўлганди. Кейин ўйлаб кўрсам, унинг шу ҳазили биз учун фойдали бўп чиқди.

— Кўнгли кўтарилсин, деб буни унга айтдим.

— Кўнгилни кўтариш учун эмас, аслидаям бори шу.

— Унда, нима қил дейсиз?

— Курсдошлар билан йиғилиб, бир гаплашиб олайлик.

Ҳар ким қурби келганича ёрдамлашса, яхши бўларди.

— Буни яхши айтдингиз. Ўзиям роса қийналгандек бўп қолган экан. Шундай қиламиз...

Иккалови бир-бирининг қўлидан тутиб, мамнун қиёфада боғдан чиқиб кетди.



## Сўнги ов

Холиёр овчининг, уч-тўртта овчи жўрасини ҳисобга олмаганда, дўсти йўқ ҳисоб. Унинг дўсти — тоғу тош, ҳайвон, гиёҳ ва ўт-ўлан. Қирқ йилга яқин овда ёлғиз юривериб одамлардан узоқлашди, табиатга яқинлашди. Баъзида ўзини борлиқнинг танҳо эгасидек тутиши шундан.

У яна овга чиқмоқчи. Фарзандлари, кампири «Бўлди энди, тўхтатинг, қариб қолдингиз», деб қаршилик қилди. Қаерда, дейсиз, овчи қаригани билан унинг қайсар феъли қаримаган.

— Чол, ўлгур, охири тўнғизми, бўримни тилкалаб кетади-да, — кампири аччиқ аралаш танбеҳ берди.

— Улар менинг «қорамдан» чўчийди, — деди овчи ишонч билан.

— Қариган арслон тулкига ем бўлади...

— Нима, мени қариганга чиқараяпсанми?! Ҳали кучим бор...

Овчи билганидан қолмади. Қўшотар милтиғи, тузоқ ва емакни орқалаб жўнади-кетди.

...Тоққа кўтарилмоқда. Илон изи йўл охири ҳеч кўринмайди. Олдинлари бу йўлни дарров босиб ўтарди. Бугун йўл унмай қолди. Нима бўлди, ўзи? Ёки кампири айтганидек, қарияптимикин? Бунинг устига кўнгли алағда. Бирпас дам олмаса бўлмайди, шекилли. У шу хаёл билан ҳар гал кўравериб, қадрдон бўлиб қолган харсанг устига чиқиб чўзилди. Хаёллари узоқларга улоқди...

Йигирма ёшида отадан овчиликни олди. Ўзига яраша маросим бўлганди ўшанда. Отасининг беш-ўнта овчи жўралари келишди. Улар йигитни ўртага олиб, роса насиҳат қилишди.

— Болам, овчининг дўсти — милтиқ, ёри — милтиқ, — деди ота бошини сарак-сарак қилиб. — Уйи — тоғу тош, дала-қир. Билгани — ов. Аммо «ов», дегани, жониворларни бўлар-бўлмас ўлдириш эмас. Унда, бу жаллодлик бўп қолади. Овчи — табиат фарзанди. Шунинг учун буларнинг ҳисобини олиши, табиат уйғунлигига путур етказмаслиги керак. Бу йил қайси ҳайвон кўп, қайси камёб — ҳаммасини билишинг зарур. Агар шуни билмасанг, овчилик қилмаганинг маъқул. Ҳақиқий овчи табиат жаллоди эмас, табиат кўриқчиси бўлади, болам...

— Норбўта мерган тўғри айтди, — деди Қарға мерган лақабли овчи. У овчилар билан баҳслашиб, қарғанинг кўзидан отгани учун шу лақабни олган. — Табиат мувозанати овчи зиммасида. Буни фаҳмлаш учун ўткир ақл керак. Эсимда: бир йили қиш қаттиқ келди. Ўшанда билган-билмаган ов қилди. Ҳайвону қуш камайди, тоғ хувилаб қолди. Айиқ тоғни ташлаб кетибди, деган гап чиқди бунинг устига. Эшитишимча, айиқ, ҳайвонлар пири эмиш. Агар у тоғни тарк этса, билгинки, ҳайвону қуш биронтаси қолмайди.

Овчиларнинг кўнглига хавотир тушиб, жонлиқ сўйиб, тоққа боришади. Мақсад — айиқ кўнглини овлаш бўлган. Қурбонликни белгиланган жойда қолдиради. Аммо бир неча кун ўтса-да, айиқ келмайди. Чунки у одамлардан норози бўлган. Кейин нима бўлди, денг? Бир неча йил тоғу дараларда овга арзирли ҳайвону қуш кўринмади ҳисоб. Фақат қарғаю қузғун, тулкию, тўнғиз кезиб юрди. Йиллар ўтиб, бари изига тушган. Шунинг учун, болам, овчи отишдан олдин

ҳисоб юритишни, қаҳр қилишдан олдин меҳр қўйишни билсин экан...

Овчилар насиҳат қилиб, билганларини ўргатишди. Шундан сўнг асосий маросим бошланди. Отанинг «Сенга овчиликни бердим», дейиши билан иш битмайди. Мерганлардан бири қирғийни хонага олиб кирди. Сўнг йигитга: «Унинг кўзига тикил!», дейишди. Агар қайси тараф биринчи бўлиб кўзини олиб қочса, мағлуб ҳисобланади. Қирғий ютқазса, йигит овчиликка муносиб. Худо кўрсатмасин, йигит мағлуб бўлса, ота ҳар қанча уринмасин, мерганлар уни овчи, деб тан олмайди. Улар розилик бермагач, овчилик қилишдан маъни йўқ. Кўпнинг дуосини олмаган овчини ўрда ё қирда тўнғизми, бўрими тилкалаб кетса, ажаб эмас.

Йигит қирғий билан баҳс бошлади. У қирғий кўзларида тоғу тошларни, дараларни, уларда ўрмалаган ҳар бир жонлини кўргандек бўлди. «Наҳотки, жониворнинг кўзи шунчалик тубсиз ва сирли бўлса», деб ўйлади. Бунинг устига ўзида куч туйгандек. Назарида, қушнинг ўткир кўзи ўзига кўчгану, синчиклаб тикилса, узоқларда қимирлаган жониворни-да кўрадигандек.

Ниҳоят, қирғий кўзини олиб қочди. Даврадагилар йигитни олқишлади. Уни сафига қабул қилишди...

Овчи харсангга таяниб, ўрнидан турди. Ўзини эллик йил олдингидек кучли ва ўктам ҳис этмоқда. Шу дадиллик билан илдам юрди. Кечга яқин тоғнинг нариги томонидаги арча ёғочидан қурилган кулбасига етиб олди. Толиққани учун улбул егач, ухлашга тутинди.

Тун ярмидан оққанда бўрининг «ув-в»лашидан уйғониб кетди. Овоз шу яқин атрофдан келмоқда. Қўли милтиққа югурди. Сўнг кулба дарчасидан ён-атрофга тикилди. Тун ойдин бўлгани учун юз қадам наридаги баҳайбат бўрини илғади. Нимагадир жонивор танишдек кўринмоқда. Уни қачон, қаерда кўрган эди?!

Ҳа, эслади: бунга беш йилча бўлди. У пайтларда жонивор ҳозиргидек ҳайбатли эмас, кичикроқмиди? Балки, чўчиганига шундай кўриндими?..

Ўшанда овдан қайтаётганди. Бўриларнинг очиққан, овга чиққан пайти экан. Уч-тўрттаси атрофини ўраб келди. Одам

қўрқмади. Милтиққа ўқни жойлаб, хужум қилишини кутди. Йиртқичлар иккиланди, шекилли, бунга журъат қилмади. Буни сезган одам дадилланди. Кутилмаганда, ёш она бўри ташаббусни қўлга олиб, ўткир тишларини кўрсатиб, яқинлашди. Бошқалари бундан руҳланиб, ҳалқани сиқиб келаверди. Одам она бўрининг пешонасини нишонга олди, тепкини босди. Бир зумдан сўнг бўри йиқилди, бошқалари ваҳима аралаш қочди. Фақат ёш бўри, балки, жуфтидир, ҳа, жуфти эди, қочмади. Қонга беланган жасада атрофида айланиб чопаверди, чопаверди. Аҳён-аҳён одамга қараб қўйиб, яна чопарди. Бу ҳол кўп такрорланганидан одам ҳисобдан янглишиб кетди.

Овчи унга базўр қаради, бўри ҳам ўткир кўзларини қадади. Иккиси ҳам бир-бирининг кўнглида кечаётган гапларни уқмоқда.

- Жуфтимни ўлдирдинг, — деди бўри.
- Ўзимни ҳимоя қилдим, мажбур бўлдим, — деди одам.
- Учта болам бор, қандай боқаман?..
- Билмайман...
- Қасд оламан, сени тилкалайман!..
- Билганингни қил...

Одам ёшли кўзини олиб қочди. У шундан кейин ҳам бу ишидан афсус чекиб юрди. Бунинг устига ишлари орқага кетди. «Бўри уволи тутдимикан», деб ўйларди у. Кетма-кет келган кўнгилисизликлар овчини гангитиб қўйди. Ови сира юришмай қолди. Қўшниси билан «сен-мен»га боргани ҳаммасидан ошиб тушди. У, ноинсоф «Мерганнинг уйида қурол бор, ўзим кўрдим», деб ёзиб берибди. Овчи бундан беҳабар. Кутилмаганда уйини КГБ ходимлари босди. Гўё катта жиноятчини қўлга олишга келгандек, юзларига бир нималар кийиб олган. Эшик-деразаларни бузиб киришлари ортиқча.

— Тўртта милтиқ топилди, буни қаердан олгансиз? — деди каттакони.

— Тоғнинг одамиман, эрта-кеч дараю, сайҳонларда кезаман. Бир неча йил илгари кузда эди, адашмасан, бу милтиқларни ўшанда топиб олганман, — овчи соддалик билан жавоб берди.

— Балки, аждодларингиздан қолгандир, улар босмачи бўлгандир?

— Ўз юртида урушган-да, босмачи бўладими?..

— Тилингни тий!..

— Нега, отанг қатори одамни сансирайсан, арпангни хом ўрдимми?!

— Топиб олган бўлсанг, нега ҳукуматга топширмадинг?!

— Қишлоқ одамнинг калласига шу келармиди...

Иш судга оширилди. Суд бўлди. Унга нима айб қўйишни билмадилар, шекилли, броконерликда айблашди. Бу балолар қаердан келганини билмай қолган овчи бир йил ўтириб чиқди.

...Бўри кулбага яқин келди. Кўзлар яна тўқнашди.

— Мени танидингми, — бўрининг кўзидан аллақандай ўт чақнарди.

— Танидим! Шунча йил қаерда эдинг? — одам унинг кўзидаги бу ўтдан таажжубда эди.

— Сени кўздан қочирганим йўқ, доим кузатиб юрдим, сен пайқамдинг.

— Болаларинг тирикми?..

— Ўша йили қиш қаттиқ келди. Иккитаси нобуд бўлди, бирини зўрға асраб қолдим.

— Ҳозир у қаерда?..

— Шу ерда! Уни қасоскор қилиб тарбияладим. Сени яхши танийди.

— Биламан, бўрининг қасди қаттиқ! Шаҳдингдан қайтиш ниятинг йўқ! Лекин бир нарсани ҳеч тушунмадим. Нега шу пайтгача индамасдан, энди шу ишни қилмоқчисан?

— Сабаби бор...

— Нима қилмоқчисан?..

— Билмайман! Ҳали кўзинг ўткир, қўлларинг кучли, бақувват! Кучдан қолишингни кутсам керак...

Бўри беихтиёр ортга чекинди. Одам чўккалаб қолди. У бўрининг овга чиққанлигини тушунди. Кўнглига ваҳима оралади. Сўнг: «Ҳе, овчи бўлмай ўл, шунча йил ов қилиб, ҳеч нарсадан чўчимадинг, энди келиб-келиб қари йиртқичдан чўчийсанми», деб қадини ростлади.



Пешингача унинг ови бароридан келди: ўнтача каклик, куён, тустовуқ отди. Лекин кўнгли нотинч. Бир — уйга қайтсамми, деган ўйга борди. Бу сафар ҳам қайсарлиги устун келди, қайтмайдиган бўлди. Шу ўйлар билан тошўчоқ қуришга тутинди. Уч-тўртта тошни қалади. Нарироқда турган тошга қўл узатди. Хаёл билан тош тагига қўл югуртганини билмай қолди. Бармоғи «жиз» этди. Ҳушёр тортган овчи тошни кўтариб қаради ва заҳар бойлаган «қора қурт»ни кўрди. Ҳа, бу жуда заҳарли ҳашорат. Ҳар қандай жониворни ўлдиради, одам нима бўлди. Овчи бир зум шошиб қолди. Тезда чорасини кўрмаса, ҳалок бўлиши мумкин. Шартта пичоқни қинидан чиқариб, ўргимчак чаққан жойни секин тилди. Бу билан қаноатланмасдан, кулбасида сақлаб қўйган гиёҳлардан малҳам тайёрлади. Шундан сўнг кўнгли бироз хотиржам тортгандек бўлди.

Ўзига келган овчи яна овга чиқди. Бу сафар у йирик тоғ эчкисининг ортига тушди. Унга писиб яқинлашди, қулайроқ ерга жойлашди. Қўшотарни ўқлаб, нишонга олди. Қанча уринсаям олдингидек кўролмади. «Қаридимми, ё ўргимчак заҳри таъсир қилдими», деб ўзича минғирлади. Мўлжални тусмолаб отди. Ҳушёр жонивор чап бериб, тошдан-тошга сакраб, чўққи томон чопқиллаб кетди. Овчининг биринчи марта ўқи тегмади, биринчи марта ўзини ғарибу афтодаҳол ҳис этди.

Қайсар чол чекинмади. Худди тоғ эчкиси каби тошдан-тошга ўтиб, унга эргашди. Ҳеч тоймайдиган оёғи тойди. Мувозанатни тутолмади, гурсиллаб тошлар устига йиқилди. Бели «жизиллаб» кетди. Сўнгра эмаклай-эмаклай пастга қайтиб тушди. Оғриқ зўрайди. Яна эмаклай бошлади, кулбага ҳали анча бор. У судралиб борар экан, «таниш» бўри пайдо бўлганлигини сезмай қолди. Ялт этиб унга қаради. Бўрининг кўзларидаги ўт алангадек бўлиб кўринди.

- Шунини кутаётганмидинг, — одам маъюсланди.
- Беш йил кутдим буни, — бўрининг ҳаракатлари жонланиб қолганди.
- Нима қилмоқчисан?
- Тилка-пора қиламан!..
- Осонгина жон беради, деб ўйлайсанми?!

— Энди аввалгидек шаштинг йўқ, овчи! Заҳар танингни емирмоқда.

— Қайдан билдинг?

— Соянгдек юрибман, биламан-да...

Бўри ташланмоқчи бўлгандек қаддини ростлади. Одам буни пайқаб, милтиққа қўл югуртирди. Иккиси-да бир-бирининг кўзига боқиб турибди.

— Келавер, ким ютаркан...

— Ўлсам ҳам қайтмайман...

— Наҳотки, шу арзимас қасосни, деб ўлимни бўйнингга олсанг?

— Арзимаган иш эмас бу! Сен учун арзимасдир, лекин мен учун умрим мазмунига айланган.

— Қўрқаяпти дема, ўйлаб кўрмайсанми?

— Бу сўнгги овни қанчалик кутганимни билмайсан-да сен...

— Рости, мен ҳам сўнгги овга чиқаётганлигимни сезгандим. Аммо сен билан тўқнашиб, сен билан олишишимни билмагандим, бўри!

— Одам боласи кўқда учган юдуз сирини топадию, оёғи тагида турган ўлим шарпасини сезмайди, пайқамайди. Орзу истакларга ўчлиги унинг ички сезгисини зарарлаган, ишдан чиқарган.

Ҳа, овчи, шунга ажабланаман: ўлим бошига соя ташлаб турибдию, одам боласи орзулардан ҳеч тўхтамайди. Сен ҳам шундайсан!..

Бўри ортга бурилди. Бўйинини кўкка чўзиб, узоқ-узоқ «ув-в»лади. Унинг «ув-в»лашини кўп нарсага йўйиш мумкин эди. Аввало, йиртқич қасос они яқинлашганлигини ҳис этмоқда. Овчи бу ўйдан енгил сесканиб қўйди. Кулбага киргач, қўшотар ва пичоқни кўздан кечириб, ўзига қулайроқ жойга қўйди. Ҳар дам фанимат. Қасоскор бўри кутилмаганда яна пайдо бўлиши ва ташланиб қолиши мумкин. Аммо бир нарса тушунарсиз. Нега ерда чўзилиб ётганида ташланмади? У яна нимани кутаяпти, нега қасосни чўзди?!

Узоқ ўйлади. Ниҳоят, сабабини топгандек бўлди. Бўри боласининг қасос олишига имкон бермоқчи. Бунинг учун

овчининг янада ҳолдан тойишини кутмоқда. Бу ўйлар овчини руҳан чўктирди. Бунинг устига ўргимчак захридан тўла халос бўлмаган, шекилли, оз-оздан ҳолдан тойиб бормоқда. Айниқса, тун ярмидан оққанда бутун аъзои баданида оғриқ турди. Ана, энди ҳаммаси тамом, деб ўйлади у. Бироқ шу ҳолида ҳам бўри билан бўладиган тўқнашув ҳақида ўйлашдан тўхтамади.

Тонгда ўрнидан беҳол кўзгалди. Танасида қаттиқ оғриқ бор. Ташқаридан келаётган бўри «ув-в»лаши сўнгги овга — ҳаёт-мамот жангига чақириқдек бўлиб туюлди. Овчи ўрнидан турди, кулбадан чиқди. Ахир, шунча йиллик овчи бўла туриб, бу чақириқни қабул қилмаслик уят! Кулбадан эллик қадамча нарида турган иккита бўрини кўрди — бири қари, аммо жуда тажрибали ва айёр, иккинчиси навқирон ва шижоатли.

Икки қариянинг кўзлари яна тўқнашди.

— Ҳолинг шу экан-ку, — деди бўри.

— Ҳа, жуда ёмонман, — деди одам.

— Ниҳоят, қасос онлари яқин...

— Ким билан курашаман? Иккиланг ташланасанми?

— Йўқ! Аслида сени ўзим тилка-пора қилишим керак эди. Аммо бу имконни боламга бераман. Чунки у мендан кам азоб чекмади. Онаси йўқлиги учун неча бор ўлим билан юзлашди. Ҳа, у уришади!

— Тажрибали қарияга қарши ёш-куч тушаркан-да?

— Бу одамларнинг ўлчови. У бизга тўғри келмайди. Ким кўпроқ ҳақли бўлса, ўша қасос олади! Болам мендан кўра ҳақлироқ....

Жанг бошланди. Ёш бўри абжирлик билан сакради, чол чап берди. Яна сакради. Бу сафар одам пичоқ билан унинг оёғини тилиб юборди. Йиртқич аянчли овозда яқинлашди-да, одамнинг чап қўлига чанг солди. Одам оғриқдан ингранди ва пичоқ билан яна жароҳат етказди. Икки томон-да ҳолдан тоймоқда. Уларни сокинлик билан кузатиб турган қари бўри кўкка қараб «ув-в»лади. Кейин ўткир кўзларини одамга қадади, одам ҳам унга қараб турарди.

— Қийин бўлдими, — деди бўри.

— Боланг абжир экан, — деди одам.

- Ҳали анча ғўр экан, билиниб қолди...
- Энди нима қиламиз?
- Бугунга етади. Эртага мен билан олишасан!
- Унда, қоида бузиларканда?
- Қоидани одамларнинг ўзлари тўқиб олган. Унинг бизга алоқаси йўқ...

Ота-бола бўрилар чопқиллаб кетишди. Овчи зўрға кулбага кирди. Яна бир кун кутади, яна бир кун яшайди.

Тонгда пайдо бўлган бўрилар яна «ув-в»лаб, овчини жангга чорлади. Руҳан ва жисмонан толиққан овчи кулбадан зўрға чиқди. Икки жуфт кўз яна тўқнашди.

- Бугун ҳаммасига чек қўямиз, — деди бўри.
- Ҳа, бошқа чораси йўқ, — деди одам.
- Ҳеч бир гапинг йўқми?
- Бор! Табиатдан қарзим бор — шунини айтмоқчиман, холос!

— Қарзинг кўпроқ мендан, боламдан, шундай эмасми?!

— Шундай, бўри, шундай!..

— Қонинг билан ювасан буни!..

Бўри ташланди, овчи зўрға чап берди. Иккинчи ҳамлада одамнинг қорнига ўткир тишларини ботирди. Овчи оғриқдан ғужанак бўлиб қолди. Шу ҳолида ҳам пичоқни маҳкам тутиб, йиртқичнинг яна ҳужум қилишини кутмоқда. Бўри югуриб келиб сакрадию, одамнинг бўғзига чанг солди, овчи эса пичоқни бўрининг томоғига санчди. Иккиси ҳам йиқилди. Бир зум ўтмасдан кўп бор тўқнашган икки жуфт кўз хира тортди...

Ёлғиз қолган ёш бўри «ув-в» тортиб тоғу дараларни титратди, сўнг кўздан йўқолди. Шу орада отасининг ҳаяллаб қолганлигидан хавотир олган катта ўғли етиб келиб, ҳаммасидан воқиф бўлди. Маййитни уловга ортиб, қишлоққа эниб борди. Овчини сўнгги манзилга яхши хотиралар билан кузатишди.

Жаноза олдидан катта ўғил можаро қилди:

— Отам бир умр қўшотар милтиқни қўлидан қўймади. Шунинг учун милтиқни бирга кўмамиз.

— Бўлмайди, — деди мулла. — Унда жанозани ўқимайман!

— Ўқийсан, — деб ўғил унинг соқолидан тутди. Мулла ноилож рози бўлди. «Кимдан қарзи бор», дейилганда ҳеч кимдан садо чиқмади. Шунда кимдир «Овчининг одамлардан қарзи йўқ, қарзи бўлса фақат жониворлардан бўлиши мумкин», деди. Ўғил ўйланиб қолди. У «Отамнинг табиатдан қарзи бўлса, демак мен ҳам овчи бўлишим ва бу қарзни узишим керак. Овчи учун қўшотар керак бўлади», деган ўйга борди. Кейин милтиқни маййитга қўшиб кўмиш фикридан қайтди...



## КАЙВОНИ МОМО ЧЎПЧАКЛАРИ

(туркум)

### Қашқа бия ноласи

Бошқаларга қараганда чарвадорларнинг эшонга ихлоси баян бўлади. Буни ўзи емаса емай, «эшонжонга», деб оғзига тутишидан ҳам билса бўлади. Бу майли, қўйми, эчкими, отми, туями эшоннинг назари тушди, бермасак бўлмас, деб назр қилади. Буни ёмон деётганим йўқ, ихлосли бўлишнинг нимаси ёмон, ҳеч ёмон жойи йўқ.

Қайсидир йили эди, бир нечта уй бир бўлиб баҳор юртга кўчиб чиқдик. Ҳамма томон кўм-кўк, кўрган сари кўргинг келади. Бир тарафда қип-қизил лолақизғалдоқ кўзни қувонтиради, ҳаводаям алақандай ёқимли ҳид сузиб юрарди. Жон роҳати бўлган кенглик ўртасида ўтовлар тикилди. Бу пайтда қўй-эчки алақачон тўлдан чиққан, улоқ-қўзи дала-даштни тўлдириб, дусўрлатиб югуриб қолган. Шу кунларнинг бирида қашқа бия қулинлади. Хўп ғалати қулун, тим қора, белида, худди хуржиндек осилиб тушган оқи бор. Чорвадор дегани унчалик иримчи бўлмайди, нимагадир чоли тушмагур «Бу қулун ғалати экан, уни эшонжонга назр қиламиз», деб қолди. Бир кўнглим қаршилиқ қил, деди, лекин эрга қарши бориб бўлами?! Тўғри, ҳозиргилар эр билан теппа-тенг тиллашади. Эр билан беллашиб, белинг узилади, тўхта, дейдиган одам йўқ. Майли, ўзи билади. Тил ўзиники, эр ўзиники. Охиратини ўйлаган пошикаста бундай қилмайди, эрини худодай билади.

Айни баҳормасми, дала-даштда ўт кўплигидан жониворларнинг елини сутга тўлган. Бундан болалари роса мириқшияпти, ўзиям. Ҳалиги қулун, унга Олабел деб от қўйгандик, энасининг сутга тўлган елинидан эмаркан, кун сайинмас, соат сайин ўсаётгандек. Бир ойга қолмай, дуппа-дуруст

той бўп қолди. Ўша кунлари овулга эшон келди. Эрим тойни унга атагандим, деб бериб юборди. Ҳалиям бия йўғида бердик, бўлмаса, у «исён» қилармиди, дейман. Уюр билан овулга қайтган бия боласини тополмай хўп безовта бўлди, у ёқдан-бу ёққа чопди, мунгли-мунгли нолиш қилди. Олдига борганга гўё аччиқ қилгандек, гоҳ орқа оёғи билан тепар, гоҳ оғзи билан чанг соларди. Унинг бу ҳолини тушундим.

Шунинг учун шўрлик айрилиққа чидолмай, ўзини жардан ташлаб, бирон хаста қилмасин, ушлаб келинлар, деб бўз болаларни юбордик. Улар кўп уринди. Зўрға шомга яқин бўйнидан арқон ўтказиб, олиб келди. Маҳкам бойладик, бўйнига тўрва осиб, арпа солдик. Аммо боласини ўйлаб сиқилган бияга арпанинг нима қадри бор. Унга юпанч бўлай деб бўйнию, ёлларини силаб туриб «қалт-қалт» титраётганини туйдим. Кўзига қарасам, бечора чини билан йиғлаяпти. Буни кўриб, томоғимга бир нима тикилди, «ғилт» этиб ютиндим. Шу дамда жониворнинг нима деб нола қилаётганини уқиб турардим.

...Болам, тойчоғим, йўқсан, сенга нима бўлди? Яйловдан елиним сутга тўлиб қайтди, «қулт-қулт» қилиб, тамшаниб эммайсанми, соғиндим. Сутим тошиб, оёқларимга оқиб тушаяпти. Кел, қаердасан, тойчоғим. Сенга нима бўлди, кўринмайсан? Бошқа қулунлар энаси атрофида сакраб-сакраб ўйнаб юрибди, сенинг-да сакрашларингни соғиндим. Қаердасан тойчоғим?

Ялт этиб, бия елинига, оёғига қарадим. Ё пирай, чини билан сут унинг оёқларига оқиб тушарди, кўзидан тошаётган селни айтмасаям бўлади. Ўтовга киргач, буни ўйлаб, роса сиқилдим. Турмуш қурганимиздан бери эрга гап қайтармаган одамнинг қилиғини кўринг, чолим нимани сўрамасин, терс-терс жавоб беравердим. Бундан у ҳайрон қолиб:

— Нима, бугун чап ёнинг билан турганмисан, — деди юзимга синчков тикилиб.

— Ҳеч бало бўлгани йўқ, — дедим қовоқ-тумшук қилиб. — Анави, Қашқани ўйлаб сиқилаяпман.

— Қашқага нима бўлди? Даштдан тўлғониб-тўлғониб қайтганди-ку.

— Тойчоғини тополмагач, не кўйга тушганини кўрма-дингиз-да...

— Нима қилди?

— Бечора йиғлади. Мен-да йиғладим.

— Қўйсанг-чи... Ҳайвон йиғлашни биларканми?

— Ўз кўзим билан кўрдим, кўзидан ёш сизиб турарди, елинидан оққан сут ундан зиёда. От одамдай сезади, дейишади-ку...

— Буни биламан. Қўявер, орадан озроқ вақт ўтсин, секин-аста ўзига келади, унутади. Яна бир гап, кўнаверма-са, бошқа қулунни эмизинглар, анча енгил тортади.

— Билмадим, бу кор қиларканми?

— Кор қилади, кор қилади, айтганни қилсаларинг-чи.

Эртасидан бошлаб бир ҳафтача бошқа қулунни эмизиб кўрдик, бир иш чиқмади. Аксига олиб, бия бечора кундан-кун саратоннинг ўтидай сўлиб бораверди. Бир қарасанг, бурни ер искайдиган бўлиб, мунгли-мунгли юриш қилади, бир қарасанг, қутурган айғирдек ҳар томон чошиб, оламини бузаман, дейди.

Одамнинг айтгани бўлмас экан. Баҳор ўтиб, саратон яқинлашди-ямки, Қашқа тойини унутмади, унутолмади, бечора. Бу вақт ичида унга қўшилиб, менинг-да бўларим бўлди. Чидай олмадим, бир куни кечқурун чолимга портладим:

— Ҳой, чол, эшонга шу тойдан бошқа берадиган мо-лингиз йўқмиди, — дедим. — Қўра-қўра қўй-эчки, пода-пода сигир, уюр-уюр йилқингиз бор, шулардан бирини, кам десангиз ўнини беринг эди, қани, мен бирон нима дермидим.

— Яна нега попилаб қолдинг?

— Ҳар ерда юрасиз, уйда кам бўлганингиз учун бу ерда бўлаётганидан хабарингиз йўқ-да.

— Айт қани, нималар бўлаётган экан?

— Қашқа ўзига келолмаяпти. Ўзини ҳар ён уради, йиғ-лайди, мунгли кишнайди. Буни кўриб, ич-этимни еб адо қиляяпман. Болам узоқ пайтга кетгандаям бунча сиқил-магандим. Энди бўларини айтсам, унинг боласини қай-тарасиз.



– Нималар деяпсан, қандай қайтариб оламан?

– Борини айтинг, у киши тушунадиган одам. Жониворни шу ҳолида ташлаб қўйиш гуноҳ бўлади.

– Жим бўл, бир ўйлаб кўрай. Сен айтмасанг-да, бир неча кундан бери уни кузатиб, ичимдан ўтганини ўзим билиб юрибман. Кеча бия жонивор ёнимга келиб, тумшуғи билан елкамга секин туртиб, кўзларини мўлтиратиб боқди. Нимадир демоқчи бўлди, аниғи, деди, аммо мен ҳеч нарсани тушуна олмадим. Йўқ, алламбалоларни англаган-декман. Назаримда, у тойчоғини қайтариб келишимни сўради. Жонивор тумшуғи билан мени нарига қараб сураркан, бор, боламни олиб кел, бўлмаса ўлиб қоламан, деётгандек бўлди. Ҳа, капмир, бу бия одамдай сезадиган хилидан экан...

Тонг азонда турсам, чоли тушмагур отланаяпти.

– Қаерга, йўл бўсин? – дедим.

– Бир жойга бориб келай, – деди у йўл кийимини кияркан. – Бияни кўп ўйладим, охири, буни эшонга айттайин, фикрини билайин, деб турибман.

– Ана энди тўғри ўйлабсиз.

– Фақат бир нарсадан иккиланаяпман.

– Нима экан?

– Боласини олиб келсам, Қашқа уни танийдим-йўқми...

Орадан анча вақт ўтиб кетди.

– Эй чол, бунисини ўйламанг. Қашқа ҳалиям боласини унутгани йўқ, ҳалиям йиғлаб юрибди. Қизиги, бошқа тойларни эмизмай қўйган бўлса-да, ҳалиям елинидан сут тошаяпти. Аввалига буни кўриб, роса ажабландим. Бечора бия болам ёнимда, мириқиб эмаяпти, деган ўйда бўлса керак-да, сути қуримаган.

– Шунақасиям бўларканда-а? Буям бир ҳайвон, вақт ўтиб барини унутади, деб ўйлабман. Энди билсам, хато қилибман...

– Нимага мунча эзиласиз, ундан кўра, борингда, тойни олиб келинг, шунда бари изига тушади...

Чолим кетгач, биянинг ёнига бордим. Кейинги пайтларда у тумшуғини ерга тираб, беҳиёл бўлиб қолгани учун уюрдан олиб қолаётгандик. Мени кўргач, тумшуғини ердан

кўтарди, аммо туришни хаёлигаям келтирмади. Фаросат қилиб қарасам, адирда ўт мўл бўлсаям, жонивор анча ариқлабди. Уф-ф, нима қилай, уники емишданмас, уники дардан, айрилиқдан. Унга юпанч бўлай, деб ёнига чўккалаб ўтириб, ёли, бўйнини силай бошладим. У бунга парво қилмади.

Силашни давом этиб:

— Ҳа, жонивор-а, сенда фақат тил йўқ, лекин барини сезиб, билиб турибсан, — дедим. — Яна озгина сабр қил, тойчоғингни олиб келади. Эрталаб кўрдингми, чолим шунинг учун кетди...

Худойжоннинг қудратидан ўргилай, жонивор буни тундими, сергак тортди, яна нима деркин, дегандек кўзини мўлтиратиб боқди.

Бунга чидай олмадим. Ичимдан бир дард қўйилиб келди, бу дард Қашқаники, меники, иккимизники эди: «Айланайин, тойчоғим, боврим хувуллаб қолди, келгин-да бовримни тўлдирағай. Садағанг кетай, дала-даштни гумбурларга тўлдир, уюр теварагида айланиб-айланиб чопгин-да. Келиб, бу тор дунёни кенг қилгин-да. Бош айланди, кўз тинди, нафас қисаяпти, ҳозир ўладигандекман, бу дард давоси, билсанг, ўзингсан, тойим, тойчоғим. Бошқа тойчоқларнинг энасини эмаётганлигини, улар атрофида дупур-дупур чопаётганликларини кўриб, ичимда бир нима узилгандек бўлди, омонат турган дунё бузилгандек бўлди. Соғиндим, тойчоғим...»

Асрдан ўтавериб узоқдан бир отлиқ кўринди. Чолим бўлса керак, деб анча ергача халакилаб бордим. Адашмабман. У кишим хурсанд, ўзича бир нималарни хиргойи қилиб келаяптими-ей. Мени кўриб:

— Кампир, бари зўр, — деди от жиловини қўйиб юбориб. — Эшонга айтгандим анча вақтгача «аттанг», деб бош чайқаб ўтирди, сўнг: «Кўлик топиб келингда, ана, олиб кетинг», деди. Унинг ўрнига уюлдаги энг сара тулпорни бераси бўлдим. Ана шундай гаплар.

— Унда, кўлик қани, қулун қани, — дебман боласини кутаётган энадек ҳовлиқиб.

— Ҳали замон келиб қолади.

Бу гапдан шундай қувондим, шундай суюндим, буни сўз билан айтиб бўлмайди. Шундай паллаларда сўз ожиз қоладими, деб ўйлайман. Биянинг қувонганичи, буни сўзга сиғдириш қийин. Севинганини қандай сездинг, дейсизми? Нима, шуни сезмай ўлибманми. Чолнинг хурсанд келаётганини кўрган жонивор тумшугини ердан узди, неча кундан бери ётган жойидан куч-қувватга тўлган ёш байтадек қалқиб турди. Чолим келган ёққа узоқ термулишини қаранг. Бунинг устига бир жойда тинч туrolмаяпти, у ёққа боради, бу ёққа келади. Авваллари кўзида оғир мунг чўккан бўлса, энди ёш билан бирга, алақандай нур, ҳа, севинч нурларида порлаб турибди.

Бу ҳол узоқ чўзилса, бия ё ақлдан озади, ё юраги тарс ёрилиб ўлади, дейман. Шунинг учун тезроқ кела қолсайди, деб олисларга узоқ термидим.

Бир пайт қора мошина кўринди. Ҳаял ўтмай мошина овозиям эшитила бошлади, унга қандайдир овоз жўр эди. Эътибор билан эшитсам, бу мошин устида келаётган тойчоқ овози экан. Туғилиб ўсган қадрдон даласини, ички бир ришта билан боғланган чексиз кенгликларни, тенг-тўшию, энасининг иссиқ боврини соғинган бечора тойчоқ узоқ-узоқ кишнаб, турган жойида бетоқат бўлиб типирчилаяпти. У билан чалғиб, бияни унутибман.

Бир пайт қарасам, Қашқа мошин ёнида елдай чопиб келаяпти. Ўзига қўйиб берса, бир сакраб, устига чиқиб оладигандек. То ўтовга етиб келгунча мошина билан теппа-тенг чопиб келди.

Ў-ў, энани боладан, болани энадан айирмасин экан. Шопир мошин орқасини очиб, тойни арқондан бўшатиш учун тепага чиқди. Бия эса эна гўё боласига: «кел, кел», деб қўл узатгандек қилиб, бориб турди. Тойчоғи-да кўп куттирмади, унинг сабри тугаб, тамом бўлган. Арқондан бўшалиши билан бир сакраб ерга тушиб, энасининг илиқ боврига сингди. Иккиси бир-бирини искади, дам қўйиб яна искади, ўлсин дунё, тўймадилар, шекилли, яна, яна искадилар. Сўнг эна боласига иссиқ бағрини тутди, бечора гўдак бир неча ойликни бир йўла олишга қасд қилгандек ютоқиб-ютоқиб эмишга тушди.

У эмиб бўлгунча бия тойчоғини неча марталаб искамади, яламади, тумшуғи билан секин-секин турткилаб, эркаламади, дейсиз.

Буни кўриб, ичимдан бир дард тошиб келди, хўп йиғладим, хумордан чиққунимча йиғладим. Бир тилсиз жонивор меҳри шунчалик бўладими, деб яна йиғладим. Нимасини айтайин, шундайи-да бўларкан. Фақат уларнинг тили йўқ, лекин одамдай сезади, одамдай куяди. Агар ўзим кўрмаганимда, буни оғизни тўлдириб айтмаган бўлардим. Э-э, яна нима дейин, от жонивор одамдайин сезади, одамдайин куяди...



## Шоҳдор аждар билан тўқнашув

Муаллим, дегани шундай бўладими? Болани ёмондан қайтариб, яхшига ёндаштириш ўрнига, бўлар-бўлмасни айтиб, издан чиқарса, бу нимаси? Буни бежиз айтмаяпман. Тоштурди муаллимни биласизлар, бундан 20 йилча бурун табиатдан дарс ўтаётиб, Қасабатўба этагидаги ғор, у ердаги хазина ҳақида хўп гапирди. Худди ўзи кўргандай, Амир Олимхон, ё бошқасидан қолган хазина — тақинчоқ, билагузук, кўза-кўза тилла, яна алламбалолар ҳақида гапирган. Қизиқ, деб бўлар-бўлмас сўзлайверасанми, бўлди, бас, дейдиган одам бўлмаганда ёнида. Ҳа, лодон-а, бола дегани қизиқувчан бўлса, тагин, у ерга бориб, бирон балога учраб юрмасин, деб ўйламадингми?!

Тоштурдибой жавраб-жавраб, уйига кетди. Дарсда бўлган болалардан бири, Шомуродбойнинг ули, Эркинмиди, жуда шум эди, ўзиям. Шу куниёқ бир синфдоши билан келишди, орадан икки-уч кун ўтиб ҳали мактабга чиқмаган укасиниям эргаштириб, ғорга борди. А, қурмағурлар-а, бориб нима қилардиларинг. У ерда бир балога дуч бўлишини билишганида боришмасди. Ўлсин, бунга муаллим айбдор. Ўзинг билибсан, уларга айтиб нима қиласан...

Дашт боласи эмасми, ғорга боришдан олдин яхши тайёргарлик кўришибди. Ғор ичи қоронғи бўлса, ёкамиз, деган ниятда таёққа латта ўраб, ер мойига яхшилаб ботирган. У ерда бир неча кун қолишини билгандек, егуликни роса ғамлашибди. Сўнг одамлар кўзини шамғалат қилиб, учави қишлоқдан чиқишади. Озроқ юргач, узоқдан ғор кўринади. Яқинлашганлари сари у аждар оғзидек бўлиб кўринармиш-да.

— Ана ғор, — дейди Эркин билағонлик қилиб.

— Чарчадим, — дебди пишнаб нафас олаётган укаси. Оти, адашмасам, Жовли эди.

— Чарчаган бўлсанг, нимага орқамдан эргашдинг?!

– Энди қайтайлик.

– Йўқ! Ғорга кирамиз, деб чиққанмиз. Энди ярим йўлдан қайтамизми?!

У ўз билганидан қолмайди, укасининг ялинишларига қарамай, йўлида давом этади. Хўп, ўзинг борибсан, укангни эргаштирмасанг бўларди-ку, ҳа, аҳмоқ бола-я. Бунинг устига ука бечора кўзларини мўлтиратиб ялинибди, ҳеч бўлма-са, шундан сўнг қайтсанг бўларди-ку. Уф-ф, нима қилай, буларни ичим лов-лов ёниб кетаётганидан айтаяпман.

Улар ғорга етиб келганда, вақт пешиндан ўтиб, асрга тортиб қолган экан. Буни кўриб, Эркин қурмағур шерикларини шоширди. Ғорга киргач, бир-икки одим илгарилайди. Ичкари салқин эмиш. Кун иссиғида терлаб-пишиб келган болаларга бу ёқиб тушади. Улар бирпас дам олади.

– Кун кеч бўлаяпти, кетдик, – дейди Эркин болаларни шошириб.

– Яна озроқ дам олайлик, – дебди ука бечора.

– Уканг тўғри айтаяпти, – дейди синфдоши Алимардон.

– Йўқ, туринглар, кеч тушиб қолса, ҳеч нарсага улгуролмаймиз.

Эркиннинг қистови билан иккови ўрнидан қўзғалди. Кейин Эркин шотоймас олдинга тушиб, уларни охири кўринмас йўлак бўйлаб бошлайди. Улар элик-юз одим юрмасидан ҳамма ёқ зимистон бўлиб қолади. Тагин, дарров кеч бўлибдими, деб ўйламанглар, ғор ичи зимистон бўлган. Бунинг қўрқмаганини қаранг. Бошқа биров бўлса, бўлди, бундай зимистонда юриб бўлмайди, деб қайтарди. Озроқ юргач, Эркин қўлидаги таёққа ўралган латтани ёқади. Шунда ён-атроф кўринади. Болалар аввал ғор девори, ери, шипти, яна турли тарафга кўз югуртиришади.

Ғор ичи ёришгани билан ҳалиям ваҳимали кўринмоқда. Қўрқадиган ҳеч бало бўлмасаям, барибир, кўнгиллар ниманидир сезармиш. Шунданми, улар бир-бирига тикилиб олган. Айниқса, Жовли акаси пинжига кириб кетгудек бўлиб бораётир.

– Нимага тикиласан, ҳеч нима йўқ-ку, – дейди Эркин укасига далда бериш учун.

— Қўрқаяпман. Олдимиздан катта илон чиқиб қолса нима қиламиз?

— Илон йўқ. Агар чини билан чиқиб қолса, ёқиб юбораман. Шунинг учун қўрқма.

— Ака, қайтайлик.

— Йўқ, бўлмайди!

— Эркин, уканг, тўғри айтаяпти, — дейди Алимардон гапга қўшилиб.

— Нима, сенам қўрқаяпсанми?

— Йўқ, қўрқаётганим йўқ. Жовлининг мўлтирашини қара, унга ичим ачияпти.

— Ичинг ачимасин, унинг ўзи келган, зўрлаб олиб келганим йўқ.

Учаласи шу гаплар билан бўлиб, йўлак иккига ажралган жойга етиб келганини билмай қолади. Энди улар олдида қайси биридан юрамиз, деган савол турарди. Эркин яна билафонлик қилади:

— Мана бунисидан юрсак, — ўнг қўлдаги кичик йўлакни кўрсатди, — бора-бора тиқилиб қоламиз, бунинг охири берк, наригиси биз излаётган жой — хазинага олиб боради.

— Қаердан билдинг, — дейди Алимардон.

— Кўнглим сезаяпти.

— Менинг кўнглим эса алафда, гўёки нимадир бўлагандек.

— Мунча қўрқоқ бўлмасанг, қўрқма, ёнингда ўзим борман.

Эркин билганидан қолмайди, шерикларини эргаштириб, ўзи кўрсатган йўлак бўйлаб кетаверди. Кўп юрган, аниги, қанча юрганларини билмайди. Соат нечалигим аниқмас. Бахтга қарши, биронтаси отаси ёки акасининг соатини олмаган экан. Олганда зўр бўларди. Ҳозир вақтни билмай қийналиб ўтирмасди.

Чамаси уч соатча уринди. Тагин, фор ичи шунча узун эканми, деб ўйламанглар. Қанчалигини, тўғриси, билмайман, қаерданам биламан, бориб кўрган бўлмасам. Хуллас, йўлак нотекис, зимистон бўлгани учун улар секин юрган. Бунинг устига буримлари шунчалик кўп эмишки, болалар бир жойда айланиб қолмадикми, деган гумонга ҳам боради.

Бўлмаса, йўл қанча узоқ бўлсаям аллақачон етиши керак эди-ку. Ҳар ҳолда Эркин шу фикрда бўлган. Синфдоши билан укаси бундан фойдаланиб, қайтиш кераклигини айтади. Эркин қурмагур йўлда давом этаверади.

Қанчаям юрганларидан сўнг йўлак охири кўрингандек бўлади. Бундан дадилланган болалар янаям тезлашади. Кўп юрмасларидан йўлак кенгайиб, уларни ҳайҳотдай жойга олиб чиқади. У бир қарашда катта уйни эслатармиш. Йўқ, уй десам унчалик тўғри бўлмас, хуллас, форнинг майдондек кенг жойи эмиш. Эркин қўлидаги оловни ўша ёққа тутиб, синчиклаб тикилади. Ана, улар излаётган нарса: форнинг бир бурчагида беш-олтита сандиқ бор экан.

— Анавини кўраяпсизларми? — дейди Эркин қўли билан ишора қилиб. — Нима, кўрмаяпсизларми? Тилла қилич, хазиналар шу сандиқлар ичида бўлса керак. Кетдик, бориб очиб кўрамиз.

— Бирон нарса бўлмасин, тагин, — дейди Алимардон.

— Нимаям бўларди, бунча кўрқмасанг. Жовли кўрқма-япти, сен нимага қалтирайсан?!

— Жовлиям дириллаб турибди. Шу, укангни бекор олиб келдик-да. Касал-пасал бўлиб қолмаса гўрга эди.

— Касал бўлмайди, кўрқаётганиям йўқ. Тўғримми, Жовли?

— Тўғриси, бировнинг нарсасини олаётгандек қалтираб кетаяпман...

— Бу бировники эмас, энди бизники. Оламиз-да, қайта-миз.

— Унда, тезроқ бўлайлик, — дебди Жовли похир хўрсиниқ билан.

Шу гап орасида улар зинага ўхшаб кетадиган жойдан ўтиб, сандиқлар ёнига боради. Устини чанг босган, ўргимчак уя қуриб ташлаган. Таёқ билан уяларни бузиб, чангдан тозалайди. Қарасаки, сандиқлар зулфиға қадимий қулфлар урилган. Бундай қулфни бузиш осонмас. Эркин у ёқ-бу ёқни титиб, тош топади. Сўнг эҳтиёткорлик билан қулфни ура бошлайди. Тезда «тақ-туқ» овози форни тутати. Ўзиям, овоз бу ерда баланд, бўғиқ эшитиларкан. Эркин гайрат қилмоқда, буни кўрган шериклариям ишга киришади. Улар, чама-



си, бирон соат уриниб, битта қулфни бузишади. Сандиқни очишсаки, чини билан қимматбаҳо нарсалар кўп: тилла, тақинчоқлар, тилла суви юрғизилган ханжар дейсизми, ишқилиб, бир дунё хазина. Бундан кайфияти чоғ бўлган болалар иштиёқ билан бошқа қулфларниям буза бошлайдилар.

Қулфга урилаётган тошлар «тарақ-туруқ»и горни гумбирлатади. Улар ҳалиям шу юмуш билан банд. Кутилмаганда, қандайдир жониворнинг бўғиқ овози эшитилади. «Тарақ-туруқ»лар таққа тўхтади. Қурмагур болалар бу ниманинг чинқириғи бўлди, деб ён-атрофга олазарак қарайди. Ҳеч зор йўқ. Шу пайт Жовли чинқириб юборади, сўнг:

— Анавини қаранглар, — дейди ўзини акасининг панасига олиб.

— Нима у?

— Бизга қараб ўрмалаб келаяпти-ку...

— Илон, қўрқма ука, унчалик катта эмас экан, уни дарров тинчитаман.

— Уни ўлдирдиларинг, деб кейин катталари келса-чи?

— Жовли тўғри айтди, — гапга қўшилди Алимардон. — Ўлдирсак, каттаси чиқиб келиши аниқ. Бу ерда унинг бир ўзи бўлмаса керак, Эркин.

— Йўқ, ўлдирмасак, ҳамла қиладиганга ўхшайди.

— Бир балони бошлаб юрма, тагин.

Эркин бошқа ҳеч нима демай қўлидаги заранг дарахтидан йўнилган таёқ билан илонни савалай кетади. Заранг тоғда ўсади. У темирданам қаттиқ бўлгани учун чўпон-чўлиқлар ундан таёқ қилади. Ишқилиб, Эркин қўлидаги таёқ билан илонни бир неча марта қаттиқ-қаттиқ урди. Аждар бўлсаям бундай зарбага чидаш беролмасди, деб ўйлайман. Чини билан шундай бўлибди. Бир нечта зарбадан кейин илон шалпайди-қолди. Бундан куч олган Эркин:

— Нима дегандим, — деб кўксини керди. Аммо унинг қувончи узоққа бормайди. Шу пайт горни бошқа жониворнинг чинқириғи тутади. Болалар шовқин келган ёққа жолта-жолта қарайди. Не кўз билан кўрсинки, одам калласича келадиган ковақдан бир балои азим чиқиб келаётир. Одам сонидек йўғонлиқдаги илон уларга қараб пишқиради. Қорон-

ғи бұлғани учун бұлса керак, кўзлари ёниб тургандек кўри-  
нибди, денг. Оғиз-бурнидан олов чиққанига нима, дейсиз.  
Бунинг устига икки-уч яшар эчкиникидек шохи бор эмиш.  
А, мен ўлай, бундайи кам бўлади. Бўлсаям ана шундай  
хазиналарда бўлади, бошқа жойларда нима қилади.

Бола бечораларга ичим ачияпти. Бундай махлуқни кўриш-  
гач, дағ-дағ титрагандиров. Бўлмасачи, шох бойлаган илон-  
ни, йўқ, аждарни кўрадио, қўрқмайдими. Лекин нима  
қиларди, у билан тўқнашишга мажбур. Анави, қурмагур Эр-  
кин шуни ҳис этибми, заранг таёғини маҳкам тутди. Ке-  
йин, ҳамла қилса ураман, дегандек хезланди. Аждар буни  
сезадими, беш-олти қадам қолганда тўхтайди. Шунча йил-  
лик аждар бўлгандан кейин сезади-да, йўқса, аждар оти  
қаерда қолади.

Эркин бундан тетикланиб, таёқни ерга «тақ-тақ» уриб,  
бақиради:

— Бор, кет, йўқол!

— ... виш-ш...

— Бўлмаса, ўлдираман...

— Эркин, бўлди, ташланиб қолади, — дейди Алимардон  
уни туртиб. — Унга қара, учовимизни бир ямлашда ютиб  
юбормасин.

— Осонгина таслим бўлмаймиз.

— Ака, ундай қилманг, — дейди ука хиқиллаб йиғлар-  
кан. — Энажон, энди нима қиламан...

— Бўлди қил, Жовли, бўлди ука! Агар қўрқаётганимиз-  
ни билиб қолса, ташланади, шунинг учун дадил бўлишимиз  
керак. Кейин аста-секин уни айланиб ўтиб, йўлакка чиқиб  
оламиз.

Бу пайтда хазина болаларнинг хаёлидан бутунлай кўта-  
рилганди. Улар фақат махлуқдан қандай қутилишни ўйла-  
шаётганди. Сал вақтдан сўнг улар, Эркин айтгандек, орқага  
тисарилиб, йўлакка интилди. Аммо илон анойи эмас, у буни  
илғаб, йўлак оғзига ўтиб, кулча бўлиб ётиб олди. Улар энди  
бари тамом деб ўйлаган. Форнинг бир четига тиқилганча,  
аждарнинг йўлни бўшатишини кутишдан бошқа чоралари  
йўқ. Бу пайтда тун алламаҳал бўлиб қолган экан. Буни тус-  
моллаб билган болалар юраги янада тез ура бошлайди. Лекин

илон йўл бермас экан, бу ердан қутилиш қийин. Йўл бермаётган экан, шу ерда жим кутадида, бошқа нима қилади.

— Иккаланг дам олинглар, мен пойлоқчи бўламан, — дейди Эркин. — Кейин сен, Жовлига тегмаймиз, у кичкина.

— Жўра, бундай жойда ухлаб бўладими?!

— Ухланглар демадим, оёқни чўзиб, сал дам олинглар. Озгина мизғиб олинглар. Бўлмаса, ҳаммамиз кучдан қоламиз.

— Бу гапинг тўғри, дам олмасак, эртага ишга ярамай қоламиз...

Уларнинг гапини Жовлининг: «Эна, уйга кетаман, эна-жон», деган йиғи аралаш гапи бўлиб юборди. Икковлашиб уни зўрға овутишди. Чарчаган экан, шекилли, Алимардон билан Жовли аждарниям унутиб, тошдай қотиб ухлаб қолди. Эркин пойлоқчиликни ўринлатиб бажармоқда. У дам-бадам аждарга қараб, бир нима деб минғирлаб-минғирлаб қўяётир. Менимча, у ич-ичидан махлуққа ёлворган, деб гумон қиляпман. Ўзини шериклари олдида тетик кўрсатгани билан ичида кўрқув бўлгани аниқ. Бунинг устига укасини ўйлаб, ич-этини еганов, дейман. У шу ўйлар билан чарчаганиниям унутди. Балки, шунданми, Алимардоннинг гали келсаям уни турғазмади, то тонггача ўзи кўриб чиқди. Зимистон форда тонг отганлигини қандай билди, дейсизми? Буни ички бир сезги билан билган. Шунақасиям бўлади ё бўлмайдими, бўлади, нимага бўлмас экан.

Алимардон билан Жовли уйғонганда Эркин ҳалиям аждарга қараб, бир нима деб минғирлаб ўтирарди.

— Унга нима деяпсан, — дейди Алимардон жўраси юзига тикилиб.

— Туни билан кузатдим, унда тажовузкорликни сезмадим.

— Бу яхши-ку, — гапга қўшилади Жовли. — Шоҳдор аждар ёмон эмас, у яхши аждар. У бизни емайди, қўйиб юборади.

— Бу гапларни қаердан олдинг, шоҳдор аждар дедингми, — Эркин яна нимадир демоқчи эди, Жовли бунга имкон бермади: — Кеча уни тушимда кўрдим, тилладек тов-

ланиб турган шохиниям. У менга мулойим тикиларди. Унинг шохини силаб: «Тождор аждар, яхши аждар», дебман.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин... билмадим, уйғониб кетдим.

— Бу яхшиликка. Бундай қиламиз, уни чалғитиб, ўзимга чақираман, икковинг йўлакка ўтиб оласизлар.

— Сен нима қиласан, Эркин, — деди жўраси. — Бу ерда бир ўзинг нима қиласан?..

— Вақт йўқ, бўлинглар, — бақирди Эркин.

Юраги дов берганини қаранг. Эркин қурмағур турли найранглар билан аждарни ўзига чақиради. Аждар шуни кутиб тургандек, кулча бўлиб ётган жойидан қўзғалиб, у томон тўлғониб-тўлғониб келаверди. Аждар йўлакдан узоқлашгач, Алимардон билан Жовли йўлакка ўқдек отилди. Аммо аждар ҳушёр, у болаларга қараб сакради. Бундан иккисининг юраги ёрилиб, қоча бошлади. Бирпасда болаларнинг чинқириғи ва аждарнинг пишқириғи форни эгаллади. Бундан Эркин бир муддат тошдай қотиб қолди, сўнг таёғини қўлга олиб, улар ортидан чопди. У йўлакка чиқиши билан ҳар ёққа олазарак қаради, аммо йўлакда на болалар, на аждар кўринди.

Укаси билан жўрасини ўйларкан, юрагини нимадир сиқаётганлигини, мияси портлаб кетгудек бўлаётганини ҳис этди. Йўлак бўйлаб бораяптию хаёли ўзида эмас. Ахир, Жовли билан Алимардонга бирон гап бўлса, кейин нима қилади. Уларни қани, деса, қандай жавоб беради. Йўқ, уларни топмаса бўлмайди. Шу ўйлар билан гангиб қолган бола форнинг ҳар буржини кўздан кечирди. Ҳеч ким йўқ. Уларнинг отини тутиб хўп чақирган, аждарниям йўқлаган. Аммо аждар ва болалар сувга тушган тошдай гумгурс эмиш.

Оғир ўйлардан телба бўлаётган Эркин шундоқ қараса, нур кўринди. У ўзи билмаган ҳолда фор оғзига келиб қолган экан. Ташқарига чиқди: қуёш чарақлаган, ён-атроф сокин, енгил шабада эсаяпти. Аммо табиат неъматлари унга хотиржамлик улашаётгани йўқ. Қандай қилиб хотиржам бўлсин, укаси билан жўрасини аждар ютган бўлса. Қандай қилиб тинчлансин. Шу ҳолатда тинчланиб бўладими? Йўқ, бу мумкинмас! Шундайин Эркин бутун оламини, ўзиниям

ёмон кўриб кетди. Беихтиёр ерга чўзилди. Шу ҳолда қанча ётди, ҳеч ким билмайди, бир Худойжондан бўлак.

Ниманингдир шобири эшитилади. Аввалига, у бунга парвоям қилмаган. Сўнг диққат билан эшитса, оёқ тошуви-миш. Ётган жойидан сапчиб турди. Ғор оғзига қараса, у ердан кимдир сўппайиб чиқиб келаяпти. Тусмоллаб Алимардон эканлигини билгач, унга қараб отилди:

— Жовли қани?

— Билмадим, орқада қолганди, — Алимардон ўкириб-ўкириб йиғлаб юборди. — Кейин «Энажон», деб бақиргани эшитилди. Салдан сўнг тинчиб қолди. Қайрилиб қарасам, аждарда қаергадир ғойиб бўлибди.

— Ука, энди нима қиламан, укажон! Сени бу ерга ни-мага олиб келдим, ўзи. Сенинг ўрнингга мени ютса бўлмас-миди...

Иккиси қари чолдек мункайиб қолди. Ахир, бу ҳазила-кам нарсами. Энди одамларга нима дейди. Бу туришда қишлоққа боролмайди, бормайди. Қандай қилиб борсин. Ундан кўра, дала-даштда ҳеч кимсага кўринмай яшаб юргани яхши. Ўлсин дунё, бола похирларни шу кўйларга солган дунё ўлсин! Уф-ф, улар ўрнида мен бўлганимдаям юрагим тўхтаб қоларди.

...Худойжоннинг уларга раҳми келганми, дейман, ишқилиб, Жовли омон қолибди. Қандай, дейсизми? Бунга ишониш қийин, аммо омон қолгани аниқ. Айтишларича, икки жўра дунёдан умид узганча ғор оғзида чўзилиб ётаркан, оёқ товуши эшитилгандек бўлди. Одам қораси кўрингач, қарасаки, Жовли эмиш-да. Болалар ўринларидан тура солиб, Жовли томонга чопди. Унга етгач, бири кўйиб, бири кучармиш. Сўнг саволларга кўмади. Жовли лўндагина жавоб беради: — Аждар ортимдан келаётганини кўриб роса қочдим. Барибир етиб олди. Бошини кўтариб, аста яқинлашди. Боши ғор томига тегай, деб турарди. Ана энди татом деб ўйладим, кўзимни юмиб олдим. Бироздан сўнг унинг ёнимга келганини ҳис этдим. Ана ташланади, мана ташланади, дейман ичимда. Шу алфозда кўп турдим. У негадир ҳамла қилмади. Бундан дадилланиб кўзимни очдим. Бу пайтда у унча қўрқинчли кўринмаётганди. Билмадим нимагадир бе-

ихтиёр унинг эчкиники каби шохларини секин-аста силай бошладим. Анча вақт силаб турдим, рости, орадан қанча вақт ўтганини сира билолмадим. Бу ишимдан аждар юмшоқ тортиб қолди. Кейин ортига бурилиб, индамасдан кетди. Мана, бор гап шу...

Учаласи шоду хуррам бўлиб, уйга қайтди. Бу пайтда қишлоқдаги ёшу қари уларни излаб юргандик. Ўша пайтларда ёш келинчак эдим, одамларга қўшилиб, роса елиб-югурдим. Болалар ғойиб бўлганининг иккинчи куни улар ўз оёқлари билан қайтиб келди. Ўзиям ўшанда роса қувондик. Ота-эналар гап нимадалигини суриштиришди. Улар Тоштурди муаллим гапи билан ғорга борган. Бундан баримиз жазавога тушдик. Тоштурдибойникига бордик, хўп тўполон бўлди. Бақир-чақирдан сўнг болалар омон қолганига шукр айтиб, уйга қайтдик. Ҳа, билиб-билмай болаларни хатарга жўнатган кишидан ҳар ким ғазабланади-да. Ҳалиям шукур қилсин, жаҳл устида бирон хаста қилиб қўйишмади.

Болалар омон қолди. Аммо ҳалигача улар шохдор аждардан қандай қутилганини тушуниб етмадим. Айниқса, Жовлини айтаман. У аждарнинг шохини силагани учун қўйиб юборганми ёки бошқа сабаби борми, буни кейин ҳам билолмасам керак. Тушунганим шуки, Худойжон шуни тақдир қилгани учун шулар бўлган, йўқса, шохини силаганига қўйиб юборадими? Худойжоннинг шундай ғалат-ғалат ишлари бор бўлсин, яна нима дейман...



## Қор бўронида йўқолган одам

Бундан ўттиз йилча бурун қиш жуда қаттиқ келди. Қуёш юзини кўрсатай демас, қор тинмай ёғаверди-ёғаверди. Кеч-қурун молхона қорини кураб, эрталаб қарасанг, яна қор босиб чиққан бўлади. Адашмасам, ўшанда бир ой чамаси қор ёғди. Бундай кезларда одамларгаям, мол-қолгаям оғир. Одамлар жониворларга нима бераман, деб қийналса, ҳайвонлар нима ейман, деб қийналади.

Ўшандай қаҳратон кунларнинг бирида Қосимбойнинг Жўракул дегич ошнаси Кофрунга меҳмон бўлиб келибди, денг. Аслида у кофрунчи, иши бўйича Инқобод қишлоғига бориб қолган. Улфатчилик қизигандан-қизийди. Қурмагурлар ичмаса бўлмасмиди, дейманда. Иккиси роса ичиб, шер бўлиб қолади. Шундан бўлса керак, меҳмон кетаман, деб туриб олади. Ошнасининг кеч бўлиб қолди, бунинг устига шу қора совуқда нима қиласан, деган гапига қулоқ солмайди, ўз билганидан қолмайди. Мезбон ноилож рози бўлади.

— Ошна, ўзи, рухсат бермаслигим керак эди, — дейди меҳмонни кўчага кузатиб чиққан Қосимбой. — Билмадим, бу совуқда қандай етиб оласан. Ма, чопонни ол, гугуртнийам. Йўлда нима бўлишини ҳеч ким билмайди.

— Буларингни нима қиламан?

— Ол, дегандан кейин олиб қўй, эгарнинг устига ташлаб қўясан, нима, сендан нон-ош сўраяптими?

— Бўлди, ошна, уйга кир. Мен ўзим секин-аста кетавераман...

Совуқ захри Қосимбойнинг суяк-суягидан ўтиб турганми, дейман, шу гапдан сўнг ортига қайрилди. Бу пайтда Жўракулбой отни ниқтаб кетиб бораётган эди. Уям шошган, тезроқ уйимга борай, деганда, похир. Кейин отига қамчи босди. Ҳовли эшигидан киравериб, ортига сер солиб қарган Қосимбой буни илғади. Ишқилиб, эсон-омон етиб борсин, деди ўзича минғирлаб.

Жўрақулбой ярим соатча йўл юргач, қишлоқ уйлари кўринмай қолди. Бу пайтга келиб теваракни қалин туман қоплаб келаётган экан. Бундан унинг қалбига ваҳима ора-лайди. Агар йўлни йўқотиб қўйсам, нима бўлади, деган хавотир кўнглига кириб олиб, ҳеч кетмасмиш, ўзиям. Кўнгли сезади, дейман-ку, унинг кутгани бўлиб чиқди. Ҳеч қанча йўл юрмасидан, қалин туман тушди, ҳатто, бир-икки одим нариниям кўриб бўлмас экан. Ҳалиям бахтига оти бор, жонивор туманни ёриб, билганича йўл топиб бораверди. Одам қаерда эканию, қаёққа бораётганини сира билмасмиш. Бунинг устига совуқ кучайгандан кучайиб, суякка қадалар, тинкани қурутаркан. Қанчаям йўл юрганидан сўнг от ўз йўлини йўқотди. От йўлни йўқотган экан, одам қандай йўл топсин.

Зимистон кеча, қаттиқ изғирин, қалин туман. Одам ёлғиз шериги от билан қаерга бораётганини билмай кетаверди. Сўнг, у мўлжални олиш учун от жиловини тортди. Эгаси изнига бўйсунушга ўрганган жонивор таққа тўхтади. Одам бор эътиборини бир жойга жамлаб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қарайди. Аммо бундай қалин туманда йўлни кўриб бўлар-миди. Шундайин у қанча уринмасин, қаерда эканини, қаер-га бориши кераклигини тополмайди. Шу боис ноиложлик-дан тусмолаб, отини ниқтайди. От қалтираб-қалтираб йўлида давом этармиш. Одам ўзини чалғитиш, отга далда бўлиш учун ўзича ниманидир минғирлаган, деб гумон қиламан. Чунки бундай вазиятга тушган киши кўпинча шундай йўл тутади.

...Қўрқма жонивор. Бундай ҳолга биринчи марта тўқнаш келаётганимиз йўқ. Совуқ, туман ҳеч гап эмас. Амаллаб йўлни топиб олсак бўлгани, кейин марра бизники...

...Бир томондан қалин туман тушгани яхши бўлди. Нимага, дейсанми жонивор, бундай туманда жондорлар инидан чиқмайди. Чиққани билан нима топарди, совуқда қалтираб-қалтираб қуруқ қайтгани қолади. Шундай экан, инда жимгина ётгани яхши-да...

Қосимбой шу кечаси ухлай олмаган. Ахир, жон жўра-сини шундай қаҳратонда йўлга чиқарган киши қандай қилиб ухласин. Шунинг учун тонг азонда туриб олди. Молларга



қараб, энди нима қилишни билмаган одамдек ҳовли бўйлаб селтанглаб юрди. Бунинг устига кўнгли алағда эмиш. Гўё шу топда бир нима бўладигандек, аммо нималигини билмасмиш. Кейин кўнгли яна ошнаси томонга чопди. «Унга бир гап бўлган», деган ўй кўнглига кириб олиб, ҳеч кетмасди. Кўнгил сезади, дейман-ку. Ҳаялламай кўчадан отнинг аянчли кишнаши қулоққа чалинади. У аввалига «Ошнам адашиб қолган, кейин нима қиларини билмай қайтиб келаверган», деб ўйлади. Шу хаёл билан дарвоза томонга юрди. Шундоқ очиб қараса, отнинг ёлғиз ўзи сўппайиб турарди. От жуда безовта экан. Эгар-жабдуғи бўшаб, белига осилиб қолган. Сувлиқни «қатир-қутур» чайнаб, оғзидан кўпик сачратишига қараганда, унинг тинмасдан йўл босгани тайин. Аслида икки қишлоқ ораси отни бунчалик чарчатадиган йўлмас. Аммо жонивор қуюқ туманда йўлини адаштириб кўп уринган, ниҳоят, бу ерни топиб келган. Буни бир қарашда англаган одам унинг пешонасидан силай бошлайди. Унинг кўзи бежо, бир неча томчи ёш совуқдан музлаб, осилиб қолган. У дағ-дағ титраркан. Унинг бу ҳолига ачинган одам уни етаклаб, ҳовлига, у ердан отхонага олиб ўтди. Кейин:

— Ҳой, ким бор, — деб овоз берди.

Уйдан хотини:

— Ҳа, нима бўлди, — деб чиқиб келди.

— Ошнамнинг оти ёлғиз қайтибди...

— Нимага?

— Унга бир гап бўлган кўринади.

— Ундай деманг. Нимаям бўларди.

— Бу ерда гап сотиб турмай, бор, илиқ сув олиб чиқ.

Кўрмаяпсанми, жонивор қандай титрайди. Унгача мен арпа бераман.

Бу ишларни ўринлатган эр-хотин «Энди нима қилсак», дегандек бироз вақт иккиланиб турди. Шундан сўнг эр:

— Хотин, бор, қўшниларни айтиб чиқ, — деди.

— Қўшниларни нима қиласиз?

— Ҳалиям сезмадингми? Назаримда, ошнализга бирон гап бўлган. Шу боис от ёлғиз қайтган.

— Қўшнилар нима қиларди...

— Бор, дегандан кейин борда, ҳе, энангни, — ҳеч сўкин-майдиған Қосимбой бирдан сўкиб юборди.

Ярим соатга қолмай ҳовли одам билан лиқ тўлди. Бирон киши нима қилишни билмас. Шунда ҳаётнинг баланд-пастини кўрган Холмамат чол ўртага чиқди-да, кўрсаткич бармоғини сарак-сарак қилиб гапиради:

— Ў, ағайинлар, бу ерда нима қиламиз, деб қўл қовуштириб ўтирсак, унга ёрдам беролмаймиз. Тағин, кеч қолиб юрмайлик.

— Оқсоқол, нима қиламиз? — деди Қосимбой унга умид билан боқиб.

— Қидириш керак!

— Қаердан қидирамиз? Бутун бошли дала-қирни кезиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига, қор, совуқ, қалин туман...

— Бу ерда ҳеч иш қилмай ўтиролмаймиз. Қосимбой, ошнангизни қутқараман, десангиз, айтганимни қилиш керак. Иккита-иккита бўлиб олиб, Жўрақулбой бориши мумкин бўлган ҳамма жойни излаб чиқиш керак.

— Агар у уйига етиб олган бўлса-чи, — деди йиғилганлардан бири.

— Етиб олган бўлса, яхши, — деди оқсоқол, сўнг бироз ўйлаб олгач, — Нима бўлгандаям ахтариш зарур. Унгача Қосимбой унинг қишлоғига бориб, хабарлашиб келади. Бунга нима, дейсизлар?

— Бу яхши гап бўлди, — деди Қосимбой. — Унда борайлик.

Шу гап бўлиб, одамлар оқсоқол айтгандек, иккитадан бўлиб, дала-қир бўйлаб тарқаб кетди. Бу пайтда кун озроқ илиган, туман чекингандек эди. Шунданми, одамлар Жўрақулбой изини дарров топди. Аввалига от изини аниқлаган. Кўрганларнинг айтишича, из у ёқдан-бу ёққа кўп чалғиганди.

Шунинг ўзиёқ йўловчи йўл қидириб, кўп сарсон бўлганини айтиб турар. Сўнг от изи атрофида бўри излари пайдо бўлди. Бундан очикқан бўрилар иккисини исканжага олганлигини билса бўларди. Бўрилар роса эргашиб, ҳамла қилганини аниқладилар.

Кейин от изи бирданига орқага қайрилади. Нарёғига ёлғиз одам изи кетган. Бўри излари одамни-да, отни-да таъқиб қилганини айтиб турарди. Яна ҳеч қанча юрмасларидан одам билан йиртқичлар олишувидан қолган из кўринди, сал нарида қон изиям бор эди. Бундан одамлар қалбига хавотир тушди. Ахир, бундай изғиринда қутурган бўрилар галасига дуч келиш ўлим билан баробар. Аммо бир нарса уларга умид берди. Бўрилар одамни таъқиб қилгани билан уни чайнаб ташлаганини билдирадиган белги йўқ. Шу боис қидирувчилар дадилланиб, қанча йўл босганларини-да билмай қолишди. Бир пайт қарашсаки, одам изи баланд тепалиқдан пастга қараб кетган, из ўн, ўн икки қулоч келадиган жарлик лабида узилди.

Жўрақулбой бўрилар таъқибидан қочаман деб шу жардан қулаган. Одамлар пастга минг машаққат билан тушишди. Бир ҳисобда тушиш йўли бўлмагани яхши бўлган экан, дейман. Нимага, дейсизми? Агар бўлганида, йиртқичлар ўша ердан тушиб, Жўрақулбойни чайнаб ташлардида. Кун бўйи излайвериб ҳориган одамлар бундан хўп севиндилар. Аммо севинчлари узоққа бормади. Одам алақачон совқотиб ўлиб бўлган эди.

Нимаям қилардик. Шу куннинг ўзида икки қишлоқликлар бир бўлиб, унинг маййитини уйига олиб бордилар. Уйдагилари буни кўриб, адои тамом бўлдилар. Аммо вақт ўтиб кўникишади, Худойжоннинг қазосига рози бўлмасдан, нимаям қилардилар. Шуйтиб, бирники ўтдан, бирники сувдан, деганидек, ҳар келгани борки, турли сабаб билан кетиб ётибди. Уф-ф, шундай эканда, дуњаси...



## Илонлар ўраси

Шаймардонбой, чамамда, қирқ йиллардан буён чўпонлик қилади. Бу орада у неча дала-дашт, тоғу тошда бўлиб, қанча воқеани бошдан ўтказмаган дейсиз. Қайсидир ёзда тоққа чорвани ҳайдаб чиққанида ажаб бир воқеага дуч келди. Бирам қўрқинчли воқеа экан, ўзиям...

Бир куни пешинга яқин кал эчкининг қотга чиқиб олганлигини кўради. Ўлсин, эчки жониворнинг гўшти ширин, аммо шундай қилиқлари ёмон-да. Индамасанг, ундан нари кетади, кейин ортидан сарсон бўлиб излаб юрасан. Чўпон овозини баланд қўйиб: «ча-ча»лаб хўп бақирди, эчки чўққидан қайтиб тушавермади. «Бу, жин ургурга нима бўлган», деди чўпон ўзича минғирлаб. Авваллари «ча-ча» дейиши билан қаерда бўлсаям дарров етиб келарди-ку.

Чўпон эътибор қилиб, чўққига йўл йўқлиги, эчкининг қайтиб тушишга қийналаётганлигини фаҳмлайди. Энди нима қилса бўлади. Ўлсанг ўл, деб шу ҳолида ташлаб қўйиб бўлмас. Агар тушириб олмаса, бирон йиртқичга емиш бўлади. Чўпон шу хаёллар билан арқон, яна ул-булни олиб, чўққига йўл олди. Кўнгли алағда. Оёғи тортмаган экан, тек ўтирса бўлмасмиди, дейманда. Нима қилсин, ёнида тинч ўтир, тағин, бирон палакатни бошлама, дейдиган киши бўлмаган-да. Бир тарафдан уни айблаб бўлмайди. Умри бўйи бундай қийин вазиятларга кўп тўқнаш келган, чўққиниям энди кўраётгани йўқ.

Қот тагига етгач, тепага қараб тирмашади. Бундай нишаблиқда эҳтиёт бўлиб юрмаса, палакатга учраши ҳеч гап эмас. Эҳтиётсизлик қилиб битта тошни думалатсанг, тамом, у ўнлаб тошларни уриб, ҳаракатга келтириб юборади. Пастга қараб думалаётган тошлар бир-бирига урилиб, тоғу дарани «гумбур-гумбур»га тўлдиради. Бундай пайтда тош оқими одамниям тортиб кетса, ҳеч гап эмас. Шундайин, чўпон қанча эҳтиёт бўлмасин, қийиртош устида кетаётиб, оёғи тойиб

йиқилади. Бундан ҳосил бўлган қийиртош оқими пастга шовиллаб оқа бошлайди. Одам ўзини ўнглаб олмасдан туриб, оқим тезлашади. Агар бирон чорасини кўрмаса, оқим уни тубсиз жардан пастга улоқтириши аниқ. Буни тош бўлаклари пастга «шовиллаб» тушаётганидан билса бўларкан.

Чўпон пастга қулаётганини эслайди, сўнг нима бўлганини билмайди, кейин-да айтиб беролмади. Балки, эслагиси келмагандир, балки, чини билан билмас, буниси ўзига ҳавола. Қандай эшитган бўлсам, шундай айтаяпман. У кўзини очганда, зимистон жойда экан. Ўра торми-кенгми, буни билиш қийин, у ер-бу ерда ялт-юлт этиб нимадир кўринарди. Бир қарасанг, қоронғи кечада кўкда чақнаган юдузларга ўхшармиш. Орадан озроқ вақт ўтиб, ўрага мослашади. Бу пайтда тонг ғира-шира оқариб келаётган эди. Шунданми, у дадилланиб, қўли билан ул-булларни пайпаслаб кўрди: тош, илдиз, кейин совуқ нарса қўлига илинди. Хаёлида «бу илон», деган ўй чақмоқдек чақнади. Чиндан шундай бўлиб чиқди. Қарасаки, қоронғуда ялт-юлт қилиб кўринаётган нарсалар илон, йўқ, юзлаб илонлар кўзлари эмишда.

Ўзиям ҳар турли илонлар тўпланган: оқ, сариқ, қора, олачипор, катта-кичик, заҳарли, заҳарсиз. Буни кўриб одамнинг капалаги учди. Ана шунда, у илонлар ўрасига тушиб қолганлигини фаҳмлаган, аммо нима қилишни билмасди. Ахир, бу ердан чиқиш учун камида тўрт-беш қулоч келадиган тикка жардан тепага кўтарилиш керак. Бунинг учун арқон қаерда. Кечаги арқон, билмади, қаерда қолиб кетди. Қолаверса, илонлар унинг чиқишига жим қараб турармиди.

Одам ўзида жасорат сезиб, илонларни кузата бошлади. У ё пирай, бунча илон қаердан келди, деб ўйлади. Ердаги, деворлардаги илонлар дарахт илдизларидек бир-бирига чирмашиб кетган. Саноқсиз коваклардан бошини чиқариб турганлари яна қанча. Қизиғи, уларнинг бари хотиржам. Илонлар тажоввузкор бўлиши керак эди-ку, булар нега жим? Чини билан уларнинг тажоввуз қилиш нияти йўқ. Шу пайт денг, улар беўхшов ҳаракат қилиб қолди. Одам энди ўлдим, деди ичида. Аммо улар ўзларини бу ерда одам йўқдек, гўёки,

уни кўрмаётгандек тутардилар. Бу унга далда бўлган. Шундай бўлсаям уларга ишониб бўлмармиди?!

Бир пайт денг илонлар, худди аскардек саф тортди. Тўғриси, бу гапга унча ишонмадим. Ақлсиз, бунинг устига тажоввузкор жониворлар аскарый тартибни қаердан билсин. Лекин чўпон буни ишонч билан айтганди. Уларда подшоси бор, деганига, ўлайми. Аммо ўйлаб кўрсанг, бунда жон бўлиши мумкин. Ахир, Худойжон уларни бир қавм қилиб яратган. Шундай бўлгач, ҳар қавмнинг ўз тартиб-қоидаси, подшоси бўлса, бунинг нимасига ҳайрон қолиш керак. Агар, шундай бўлмаса, бари издан чиқиб, пароканда бўлади, қавм йўқ бўлиб кетади-ку, ё адашяпманми? Адашаётганим йўқ, дунёнинг тартиби шундай...

Илонлар шоҳи бегонани кўриб, одамга катта, айна пайтда қўрқинчли кўзларини қадади. Одам-да унга тикилиб қолди. Улар қандайдир бир ички туйғу билан бир-бирларининг кўнглида кечаётганларини уқардилар.

— Илонларни аврайди, дейишади, нима, аввал авраб, кейин ютасанми, — деди одам.

— Бу одамлар чўпчаги, — деди илонлар шоҳи. — Агар одам иродаси метин, ақли ўткир бўлса, уни илон аврай олмайди. Иродаси бўш кимсалар бошқа гап, улар аврашга мойил. Айрим илонлар шундан фойдаланишлари мумкин.

— Унда, илонларнинг тажоввузкорлиги ҳақидаги гаплар...

— Ҳа, шундай, одам. Агар илонга зиён-заҳмат етказмаса, уям заҳрини солмайди.

— Илонлар жин қавмидан, деган гапга нима дейсан?

— Бу бўҳтон-ку! Билсанг, жинлар одам, ҳайвон, паррандаю дарранда қиёфасига кириб, фикрларни чалкаштириб юборган. Уларга ҳеч алоқамиз йўқ. Худо бизни алоҳида қавм қилиб яратган, худди одамлар бир қавм бўлгани каби. Инсон табиат — борлиқ гултожи бўлса, биз унинг муҳим бўғинимиз. Қавмим бутунлай йўқолиб кетса, нима бўлишини билмадиму, аммо табиатда катта ўзгаришлар бўлиши аниқ. Бу ўзгариш инсон қавмини-да четлаб ўтмайди, билсанг.

Одам илондан бундай гапларни кутмаганди. Шу боис у илон кўзларига тикилиб тураверади.

— Илонларни ер юзида бўлаётган воқеаларни биледи, дейишади, — дейди одам биров фурсатдан сўнг.

— Аслида, одамзот жами жонли-жонсиздан улуг қилиб яратилган. Лекин бугунги одамлар ҳақида бундай дейиш қийин. Аждодларинг ўзини табиатнинг ажралмас бир бўлаги, деб билгани боис табиий-руҳий қуввати билан кўп нарсани билган, кўп ишларни амалга оширган. Бугун эса улар табиийликдан узоқлашди. Кўкда учган юдуз сири, яна алламбалоларни кашф этадию, аммо тобора ички туйғуси ўтмаслашиб, табиийлик, ўзликдан йироқлашаётир.

— Бу биз учун қандай яқунланиши мумкин?

— Яхши эмас. Илонларнинг оламини билиши ҳақида гапирмоқчи эдим. Бизда инсонлар бой бераётган табиийлик сақланган — бу устунлигимиз. Биз Худо берган ички сезги — робита орқали бир-биримиз билан боғланиб турамыз. Шунданми, дунёдаги анча-мунча нарсани биламыз. Шу маънода, ҳалиги гапга қўшилиш мумкин.

— Унда, қайисидир йили эди, буниси эсимда йўқ, ўшанда бир илонни ўлдириб қўйганимни-да билсанг керак?

— Ҳа, нега билмас эканман.

— Шу ишим учун мени нима қиласан, жазолайсанми?

— Сен ўлдирган илон эмасди.

— Унда нима?

— У жин эди.

— Илон қиёфасига киришдан жиннинг муроди нима бўлган?

— Наҳотки, шунга ақлинг етмаса. Илон қиёфасидаги жин ўлдирилгач, воқеа моҳиятидан ғофил илонлар одамларга қасдлашади. Қарабсанки, икки қавм ўртасида низо бошланади, бора-бора табиат уйғунлигига путур етади.

— Нима, уйғунликка дарз кетса, бундан улар зиён кўрмайдими? Билишимча, жинлар билан битта оламда яшаймиз.

— Тўғри, улар ёнимизда. Табиийлик бузилса, бундан улар-да зиён кўради. Шунинг учун мусулмон жинлар бундай ишга қўл урмайди. Буни фақат кофир жинлар қилади. Гўё одамзод кофирлари оламга низо ва адоват уруғини сепаётганидек.

– Мени нима қиласан?

– Сеними, боравер. Бундан кейин илонлар ҳақида ёмон гумонларга борма.

Одам кўзини илондан олди, шу тобда у ўзини илон таъсиридан халос бўлгандек ҳис этаётганди. Сўнг атрофга кўз югуртирди: илонлар ҳалиям саф тортиб турар. Кутилмаганда, шоҳ қаттиқ чинқиради. Унинг бу ишига одам аввалига тушунмаган, орадан сал ўтиб бунинг сабаби ойдинлашади. Узунлиги ўра тубидан то тепасигача етадиган, қалинлиги одам сонидек келадиган илон катта ковақдан чиқиб келиб, тепага қараб ўрмалашга тушади. Боши ўра ташқарисига етгач, худди арқон каби осилиб туриб олади. Одам англайдики, ундан осилиб тепага чиқиш керак. Илонлар шоҳи ҳалиги чинқириғи билан шуни амр этган экан.

Чўпон илоннинг танасидан қучди, жуда совуқ. Аммо бошқа чораси йўқ. Бу ерда бир кунни зўрға ўтказди, яна қолса, буёғига сабри етмайди. Кўзини маҳкам юмди-да, илоннинг бақувват, айна пайтда совуқ танасини қучиб, тепага чиқа бошлайди. Тоғу тош ҳадисини олган эмасми, бир пасда ўрадан чиқди. Шу дамда унинг кўзига бутун олам чароғон бўлиб кўринган бўлса керак, деб ўйлайман. Илонлар ўрасидан соғ-омон чиқиш ҳазилакам ишми?!

Шу воқеа сабабми, Шаймардонбой табиатга, айниқса, илонларга хўп меҳрибон бўлиб қолганмиш. Шундан келиб чиқиб, у одам табиатнинг бир бўлаги, ақл билан тасарруф қиладиган хожаси эканлигини англаб етган, деб гумон қила-япман.

Ҳаётда шундай воқеалар ҳам бўлар экан. Ҳа, бўлади, яна нима дейман...





## Ширинбиби

Ширинбиби дегич дугонам бўларди. У билан бўйинса эдик. Ўзиям жуда даёв эди. Тегирмонга халта-халта буғдойни орқалаб олиб бориб, яна шундай олиб қайтардик. Яна алламбало ишларни эркаклардан ўткариб қилардик. Тағин, гапимни ўтрикка чиқарманглар, бизда ўтрик йўқ, вў-ў, ҳозиргиларинг ўтрикчи. Бир-икки йил бўлди, даёв дугонам ҳам ўтди-кетди. Ким келган бўлса, бари кетиб ётибди, уф-ф-ф, шундай экан-да, дунёси!..

Айтганимдай, Ширинбиби кўп даёв эди. Бир йили ўша дугонамнинг эри нима касал бўлди, билмадим, ишқилиб, ётди-қолди. Касалининг учи чиқавермагач, шаҳардаги дўхтирхонага ётқизишди. Энди Ширинбибининг кунини кўраве-ринг. Шаҳар билан қишлоқ орасида пиёда қатнайвериб ўлди, бечора. У думурларда ҳозиргидек кўлик қаерда, дейсиз. Отда, эшакда, ё бўлмаса, пиёда бориб келардик. Дугонам чолидан неча марта хабарлашган бўлса, барида пиёда бориб келган. Бир гал борганида шу ерда даволанаётган бир аёл билан дардлашиб қолади. Жувон қурмагур унга алламбалоларни гапирибдими-ей, одам айтишгаям сесканади.

Ўша аёл бир дардга йўлиққан эмиш. У ёққа чопишади, бу ёққа чопишади, фойдаси бўлмайди. Шунда, кимдир уларга маслаҳат берган, шекилли, бир-икки йил бурун қазо қилган қариндошининг гўрини очишади. Арвоҳ тутиб ётган бўлмасин, тағин, деганда, қурмагурлар. «Худо урса, ўнган-са бўлади, арвоҳ урса, йўқ!», дегани, балки, шунданмикан?. Энди, бунисини мен билмайман, қаерданам биламан...

Шуйтиб, жувоннинг қариндошлари гўрни очади. Қарашсаки, аллақачон чириши керак бўлган ўлик гупдай семириб, қип-қизариб ётган эмишда. Сочи ҳам, тирноқлари ҳам ўсиб кетган. Бунини кўрганларнинг бир-иккитаси таппа ташлаб, ҳушидан кетади. Кейин нима қилибди, денг. Э-э, ўликкаям шунчалик жабр қиладими, майдалаб, ёқишади. Бу ёғини Ху-

дойжон билади, шундан кейин аёл шу сабабми, ё бошқа сабаб биланми тузала бошлайди. Лекин нимагадир бир жимжилоғи тузалмасдан, йиринг бойлаб тураверади. Ўзларининг калласига келганми ёки яна бирон киши маслаҳат берганми, ишқилиб, тагин ўша гўрга боришади. Бориб кўрсаки, аввалги сафар кўздан қочирган, шекилли, биргина жимжилоқ қолиб кетган экан. У гўр ичида у ёқдан-бу ёққа сакраб, ўйнаб юрармиш. Борганлар ҳайратланиб-ҳайратланиб, униям ёқади. Жувон шундан сўнг жимжилоғи тузала бошлагани, Худо хоҳласа, бир неча кунда дўхтирдан чиқшини айтади.

Хўшлаша-хўшлаша «Чолингизгаям арвоҳ ҳазиллашган бўлмасин, тагин», дебди, қурмагур. Бундан дугонамнинг ичига ўт тушади. Чунки шу гаплардан илгарироқ унинг бир қайниси қайтиш қилганди. Айтгандай, жувон ўликни ёқмасдан, касалнинг кўринишини хамирдан ясаб, тутиб ётганининг гўри ёнига кўмсаям амалга ўтаверади, деганмиш.

Ширинбиби дўхтирхонадан ғамга ботиб чиқади. Қарасаки, вақт асрдан ўтиб, шомга тортиб қолган. Юраги жиф этибди. Ўн беш чақирим йўлни аёл боши билан пиёда босиб ўтиш ҳазилми?! Бунинг устига ҳалиги аёлнинг ҳикояси хаёлидан ҳеч кетмасмиш. Нима қиларди, шаҳарда ётай деса, таниш-билиши йўқ. Ноилож йўлга тушади. Ҳеч қанча юрмасидан атрофни зимистон қоплайди. Теварак-атроф жимжит. Бечора дугонам Худо, деб келаверади. Минг хаёл билан қанча юрганини ҳам билмасмиш.

Шундоқ қараса, Қизилтепага етай деб қолган. Тепадан ошса бўлди, нарёғи қишлоқ. Кейин сескантирадиган ҳеч бало йўқ. Қишлоқнинг шобири ҳам одамга далда беради-да. Бундан дадилланган дугонам тезлашади. Шу пайт орқадан келаётган қандайдир овоз унинг хаёлини тортади. У аввалига бирон ҳайвондир, деб эътибор бермайди. Аммо овознинг нимасидир уни сескантириб, кўнглига ваҳима солади. Ҳа, бу ваҳима ўлсин, ваҳимагина ўлсин, йўқ жойдан юракни ёради-қўяди.

Шундайин, Ширинбиби даёв бўлсаям бироз доводирайди. Овоз таъқиб қилаётгандек, шундоқ ортидан эшитилармиш. Буям етмагандай «Нимадир мени таъқиб қилаяпти», деган

ўй кўнглига кириб олиб, ҳеч кетмасмиш. Ҳаммасидан ёмони шундан кейин бўлган...

— Тўхтанг, сизда гапим бор, — дебди кимдир.

— Кимсан? Нима ишинг бор, — дейишга куч топибди Ширинбиби.

— Янга, мени танимадингизми?..

Ана шу гапдан сўнг дугонамнинг ўтакаси ёрилган. Овоз яқинда қайтиш қилган қайнисининг овози эмиш-да. У тошдай қотади-қолади. Юрганинию, ўтирганини билмасмиш. Қанча вақт ўтганлигини кейинчалик ҳам эслай олмади. Ўзига келгач, ортига ўтирилади. Қарасаки, иккита кўз қоронғидан тикилиб турар, гавдаси йўқ эмиш. Бўлсаям зимистонда кўрмагандир. Энди, бунисини билмайман, қандай эшитган бўлсам, шундай қилиб айтаяпман...

Шарпа яна гапирибди:

— Янга, мен қайнингизман...

— Сен ўликсан, ўликлар гўрда ётмайдими? Бу ерларда тентираб нима қилиб юрибсан?

— Акамни олиб кетгани келдим, олиб кетишим керак!

— Чолимни бериб қўймайман, бор, қаердан келган бўлсанг, ўша ёққа кет, — дейди сал дадиллашган Ширинбиби. Сўнг тиззаси қалтираб, чўккалаб қолади. Шу кўйи қанча турганлигини билмайди. Ўзига келгач, теваракка кўз қири билан қарайди. Ҳеч зоғ йўқ. Атроф аввалгидек жимжит. Нимагадир, бу пайтда у ҳеч қўрқмаётган экан. Ана шу куч билан уйига қараб шошилади. Ҳаш-паш, дегунча уйига етиб олади. Болалари ухламасдан кутиб турган экан, уларни овқатлантиради, сўнг хамир қоришга тушади. Нияти — ҳалиги аёл айтгандай, хамирдан чолининг суратини яшаш бўлган. Бироз уриниб, унинг суратини эплайди.

Айтмадимми, дугонам даёв эди, деб. Даёв бўлмаса, бу воқеадан кейин шу юмушни қилиб ўтирармиди?! Унинг ўрнида бошқа бўлганда борми, аниқ, юраги ёрилиб ўларди, камида ажина теккандай ётарди-қоларди.

Шу кеча дугонам ухлаёлмаган, тикан устида ётгандек ағдарилиб чиқади. Шунча воқеадан сўнг тинч ётиб бўлмайди-да, ўзиям. Бу ҳам етмагандай, тонгда йўлга тушади. Қабристонга бориб, у ердан қайнисининг гўрини топади.

Кейин қўлидаги катта пичоқ билан кичкина гўр кавлайди-да, одам сиёқли хамирни ўша ерга кўмади. Сўнг нима дебди, денг. «Мана, акангни олиб келдим, энди тинч ёт, бизни бошқа безовта қилма», деб ортига қайтади. Уйига эмас, шаҳарга қараб йўл олади.

Пешинга яқин дўхтирхонага етиб келган дугонам чоли ётган хонанинг эшигидан мўралайди. Қарасаки, неча кундан бери иштаҳаси бўлмай ётган чоли кеча олиб келганларини бир чеккадан паққос тушираётганмиш. Уни кўриб: «Бу гал ўлимдан қоладиган бўлдим», дебди. Бундан Ширинбиби бир хотиржам бўлибди, бир хотиржам бўлибди, энди буни сўз билан айтиш қийин.

Шуйтиб, Ширинбиби чолини оёққа турғзади. Чоли тушмагур шундан кейин кўп йиллар яшади. Уч йил бўлди ўтганига. Орқасидан Ширинбибинини ҳам олиб кетди. Одамлар яқингача бу воқеани гурунглarda айтиб юрди, энди-энди тилдан тушаяпти. Ўйлаб кўрсам, эскининг одамлари кам қолибди. Қолганиям бундай гапларга ишонмайдими, дейман, ҳеч гапирмайди. Майли, гапирмасаям омон бўлсин!

...Ширинбиби дугонам хўп чайир, кўп даёв эди. Даёв ҳам кетди, баёв ҳам кетди. Шуйтиб, келгани кетиб ётибди.

...А, Ширинбиби, Ширинбиби...



## Суронли уй

Дунё қачондан бери бор, буни ҳеч кимса билмайди, бир Худойжондан бўлак. Ер юзида қанча одам боласи яшаб ўтмагани ҳам сир. Ҳар қадамда бир-иккитаси ётибди, десам, янглиш бўлмайди, агар, бундан кўп бўлмаса. Қанча қиргинлар бўлган, не-не норғул йигитлар қони оққан бу тупроққа! Зайнаббеча ҳикоясини шу билан боғлаб турибман, бошқача сабабини сира тополмадим...

Бундан ўттиз йиллар бурун Зайнаббеча бойи билан Бандихон томонларга бориб қолади. Бойининг иши шундай эди, озроқ у ерда ишлашса, яна озроқ бошқа жойга ишга борарди. Улар Бандихонга боргач, у ернинг катталари нураб тушай, деб турган икки хонали уйни беради. Буям майли, уйнинг яқин-атрофида бошқа уй йўқ эмиш. Аёл нима қиларди, пешонадаги шу экан, деб жанжал-панжал қилиб ўтирмайди. Энди ўйласам, бурунги аёллар жуда бардошли, чидамли, эрнинг айтганига юриб, топганига кўнадиган бўлган экан-да...

Эркак, дегани даштнинг одами, эрта азонда уйдан чиқса, шу билан ярим кечаси қайтади. Сабабини сўрасанг, тайинли гапни айтмайди. Ўзлариям сабабини билмаса керак, деб ўйлайман. Бир ҳисобда ярим кечада келсаям уйда эрка қизга ўхшаб ўтиргандан кўра, Худойжон берган ризқни териб келганиям яхши-да.

Шундайин, Зайнаббеча эридан нолишни билмасди. Эри кеч келадими, келмайдими, буни кўнглига оладиган, жанжал чиқарадиган жувон эмасди, қурмагур...

Эр-хотин қўш ҳўкиз бўлиб ишлайди, бир неча кунда ҳалиги икки хонали уйни эпақага келтиради. Шундан сўнг эр ишига шўнғийди. Баъзида кеч қайтар, кейинроқ эрталаб келадиган одат чиқаради.

Хотин бундан бироз норози бўлади. Аслида, унинг норозилигига ёлғиз гўдак билан ҳувуллаган уйда қолиб, кеча-

лари қўрқиб чиқаётгани сабаб бўлган. Бир сафар иккиси шунинг устида бироз хафалашади.

— Кечалари ухламасдан, юрагимни ҳовучлаб чиқаяпман, — дейди аёл.

— Нима қилай, силарни, деб юрибман, ишляпман.

— Одамларга яқин жойдан уй олайлик...

— Уйнинг овлоқлигини айтаяпсанми? Ёки қўрқишингга бошқа сабаб борми?

— Бор-да, бўлмаса, шунчаликка борармидим...

— Айт, нимадан қўрқаяпсан?

— Бунга бир-икки ҳафта бўлди. Ярим тундан ўтиб, отларнинг дупури, жон ҳолатда кишнаши, қиличлар шақиршуқури, аллакимларнинг ҳайқириғи эшитилди. Аввалига тевааракдан келаётган шовқин бўлса, тинчиб қолар, деб эътибор бермадим. Лекин қаёқда, озроқ тўхтагандай бўлади-да, яна қайта бошланади.

— Бўлмаган гапни қўйсанг-чи, қўрққанингга шундай туйилгандир...

Хотин ростлигини айтиб, туриб олади:

— Шовқин-сурондан кейин бир муддат жимжит бўлиб қолади. Кейин оламни ингроқ ва оҳ-воҳлар қоплайди.

— Бу овозлар ҳар куни эшитиладими?

— Йўқ, уч-тўрт кунда такрорланади, — дейди Занаббе-ча боласини бағрига босиб.

Шу кеча эр бунда, балки, жон бордир, деб ўйлаб чиқади. Ишга кета туриб:

— Бугун одамлардан суриштириб кўрай, турган жойимиз қандай жой экан, — деб шошилади. — Шуни билиб, эртароқ қайтаман...

Эр айтганидай, эрта қайтади. Овқатдан сўнг яна ўша гап бошланади.

— Хотин, гапларингда жон борга ўхшайди, — дейди эр. — Қишлоқ кексаларидан суриштириб кўрдим. Уларнинг айтишича, бу ер бир пайтлар катта жангоҳ бўлган экан. Бу ерда қанча одам жон таслим қилган, буни ҳеч ким билмайди. Тўғри, буни айтган одамлар ўз кўзи билан кўрмаган. Уларга отаси, отасига отаси айтиб берган...

— Энди нима қиламиз, кўчамизми?

— Кўчмасак бўлмайдиганга ўхшайди...

Эр гапини охиригача айтишга улгиролмади. Ухлаб ётган ўғли уйғониб, безовта бўла бошлади. Бу пайтда вақт алла-маҳал бўлиб қолан экан. Ота-она болага эътибор бериб қараса, у ниманидир кутаётгандек тутармиш ўзини. Орадан кўп ўтмасдан, шовқин-суронлар бошланибди, денг.

...Қиличлар бир-бирига урилиб, «шарақ-шуруқ» қилади, «урҳо-ур»лар қизигандан қизийди. Найзалар «қарс-қурс» қилиб синади. Шўрлик отлар қирғинбарот ичида жон ҳолатда кишнайди, пишқиради. Бечора йигитлар қилич ёки найза зарбидан «гурс-гурс» йиқилади...

Шу кўйи қанча вақт ўтганлигини эр-хотин билмайди. Улар қулоғини динг қилиб, яна нима бўлишини кутаётган эди.

...Яна чорловчи бурғу овози эшитилади, сўнг бирданига ҳамма ёқ сув қуйгандек жим бўлиб қолади. Бу овоз аскарларни ҳордиқ олишга чақирган бўлса керак. Балки, жангоҳда кеч бўлиб қолгани учун шундай қилишгандир. Энди, бунисини мен билмайман.

Эр-хотин энди «урҳо-ур»лар тинди, деб ўйлабди. Лекин қаерда, дейсиз. Кеча жимлигини ғалати овозлар босиб кела бошлабди, денг. Бу одамларнинг овози эканлигини илғаш мумкин экан. Қўли, оёғи ёки бошидан яраланган йигитларнинг «оҳ-воҳ»и, ингроқлари эмиш. Баъзиларини аниқ эшитишибди.

...Лаънатиларнинг додини бердик, улар ҳам аямади. Энди, шуҳрат билан ўладиган бўлдик!..

...Ҳали яшашим керак, ҳали умидим кўп эди, яшаб нимани кўрдим...

Шу икки овозни — икки бебахтнинг титроқ нидосини аниқ эшитишган. Бошқаларини англаб олиш қийинмиш, чунки, улар бир-бирига аралашиб, тушунарсиз бўлиб кетган экан. Тағин, мени ёлғончига чиқарманглар. Мен қандай эшитган бўлсам, ана шундай қилиб айтиб бераяпман...

Қисқаси, шу кечаси шовқин-суронлар бир неча марта такрорланади. Бунга кўникиб қолган эр-хотин эътибор қилишса, овоз бир гал уй орқасидан, бир гал чап томонидан келаётганмиш. Энг қизиғи, бир уюр от том устида чопган-

дек бўлган. Улар қўрққани учун шундай туюлган, деб ўйладим. Лекин ҳар иккиси ҳам буни ишонч билан гапирганди.

Кечани минг бир машаққат билан ўтказган эр-хотин эрталаб кўчишга тутинади. Пешинга яқин бошқа уйга кўчди. Бундан хабар топган қишлоқ кексалари суронли уйни буздиради. Кейин ҳам ҳеч ким бу ерга уй солмаган.

Зайнаббеча бу воқеани яқинда айтиб қолди. У ҳозир эри, болалари билан қишлоғимизда яшаяпти. Болалари уйли-жойли бўп кетди. Эри эса кексайиб қолган, Олло, деб юрибди.

...Суронли уй воқеасида, тўғриси, кўп ўйладим. Бу сирнинг тагига етолмадим, аммо аллабалоларни англагандайман. Қанча ҳаракат қилмайин, англаганимни ҳеч тушунтириб беролмайман. Энди, бунинг сирини Яратган Эгам билади, яна нима, дейин...





## Дортош

Қаҳатчиликнинг дийдори курсин! Одамлар етишмовчиликдан қийналиб тургани озлик қилгандек, ўртадан имонинсоф деган нарсалар ҳам кўтариларкан. Бўлмаса, қалин чўзилиб, юпқа узиламан, деб турганда, бир тўда Худодан қайтганлар йўл тўсарлик қилиб, ўтган-кетганнинг молини талаб, ўзларини қўйдаи сўйиб ташлайверармиди?!

Кофрун билан Бандихоннинг ўтиш дарасида одамлар сўйилиб-сўйилиб, қип-қизариб кетган тобатош бор. Одамлар унга Дортош, деб от қўйиб олган. Бир замонлар шу ерда кўп даҳшатли воқеалар бўлган. Не бирдай бегуноҳ одамлар бўғизланмаган бу ерда. Ўша бедарак кетганлар ортидан биронтаси «Отам, акам, укам», деб излаганми, йўқми, бунисини билмайман. Тўғриси, бу ҳақда ҳеч эшитмаган эканман.

Қисқаси, бу ерда қанча бебахт бўғизланганини бир Худойжон билади, бу нарса фақат Унга аён! Уларнинг биронтасига ҳам жаноза ўқилмаган. Э, мен нодон нималар, деяпман. Ахир, қонхўрлар ўзи бўғизлаган одамнинг бошида йиғлаб, жаноза ўқиб ўтирадимми?! Қандай сўйган бўлса, шундай ташлаб кетган. Қони тобатошга оққан, танаси қушу йиртқичларга ем бўлган. Буни бекорга айтаётганим йўқ. Эмишки, фотиҳа кўрмаган арвоҳ, худди аросатдагидек қолиб кетармиш. На у ёққа кетиб кетолмас, на бу ёққа келиб келолмаскан. Кечаси одам, ҳайвон сиёқига кириб, ўтган-кетганнинг ўтакасини ёрармиш-да...

Бир пайтлар Неъмат чўпоннинг кўтони Дортошнинг нариги томонида бўларди. У доим шу йўлдан ўтиб-қайтган. Қайсидир қишда, аниқ эсимда йўқ, ишқилиб, уйга бориб келаман, деб йўлга отланади. Бу пайтда анча кеч тушиб қолган экан. Кеч бўлган экан, индамай ўтирса бўлмасмиди, дейман-да...

Дортошга яқинлашгани сайин йўли унмай қолади. Бунинг устига унинг хаёлида бу зимистон кечада нимадир бўладигандек эмиш. Айниқса, ундан-бундан эшитган ваҳимали гаплар келиб-келиб шу пайтда ёдига тушганини айтмайсизми. У бироз чўчиганидан ортга қайтмоқчи бўлади. Аммо тоғ, қир, даштда юравериб, ўрганиб кетган чўпон буни ўзига эп кўрмай, йўлида давом этади. Кўнглига келган экан, ортига қайтса бўлмасмиди. Эй, қайсар тўнка, қайт, дейдиган одам бўлмаганда...

Чўпон қараса, Дортошга оз қолган. У янада ваҳимали кўринмоқда. Йўловчи бечора Худо, деб келаверади. Дортошга етди, яна бироз юрса, бас, бу бефайз жой орқада қолади. Бундан дадиллашган чўпон йигирма қадамча илгарилайди. «Оллоҳга шукр, Дортош ортда қолди», деган ўй кечибди унинг кўнглидан. Бироқ шу пайт ниманингдир шарпаси «лип» этиб, чап ёнидан ўнг ёнига ўтгандек бўлади. Юрак қурмагур «жир» этади. Энди бошқа чора йўқ, у нима бўлсаям кўришга мажбур. Чўпон отини тезламоқчи бўлади. От аҳволи янада батгар. Шўрлик жонивор бир нимани сезиб, галати-галати пишқирар эмиш. Бунинг устига унинг баданидан, ҳозиргина кўпкаридан чиққандек, қора тер қуюларкан. Буни пайпасланиб билган чўпоннинг юраги янада тез ура бошлайди. Шу дамда унинг бутун вужуди юракка айланиб қолган бўлса керак.

Қочган ҳам, қувган ҳам «Худо», дейди. Бечора чўпон тилидан калимани қўймасдан, «Худо», деб бораверади. Шундай пайтда йўл ҳеч унмайди-да. Чўпон ортига бурилиб қарасаки, ҳали Дортошдан унчалик узоққа кетмабди. У кўзини энди олд томонга олмоқчи экан, ҳалиги шарпа яна пайдо бўлади. Бу гал бир зумда пайдо бўлиб, лаҳзада ғойиб бўладиган шарпа эмас, худди тирик вужуддай қаққайиб турармиш, денг. Чўпон отнинг жоловини қандай тортганини билмай қолади. Эгаси измига бўйсунушга ўрганган жонивор таққа тўхтайдди. Шарпа одамга секин-аста яқинлашаверади.

— Тўхта, яқинлашма, — дейишга куч топади одам.

Шарпа яқинроқ келиб, бизга ўхшаб гапирганми, ё бошқачами, ишқилиб, гапиради:

— Сенга ёмонлик қилмоқчи эмасман, нега титрайсан?! Менинг ҳам бирон муродим бордирки, зимистон кечада тентираб юрибман.

Шарпа шу гапларни айта-айта янаям яқинлашади. Чўпон унинг гапидан бироз хотиржам тортган. Барибир, унга ишониб бўлармиди?! Шу сабабли у титраб турган отини ниқтайди. Жонивор одимлай бошлайди.

— Нега, гапимга қулоқ солмаяпсан, — шарпа унга дағ-даға қилади. — Афсус, сендан кўмак олмоқчи эдим...

— Сенинг ким ёки нималигингни билмайман. Жинми-сан, арвоҳмисан?! Шундай экан, сенга қандай қилиб ёрдам беришим мукин!

— Ундай бўлса, ўзингдан кўр!

— Кўмак беришга ҳолим йўқ! Ёрдам беради, деб хом-тама бўлма! Бор, қаердан келган бўлсанг, ўша томонга ғойиб бўл!

— Ҳатто, нима дардинг бор, деб сўрамадинг ҳам...

— Сўраб ўтираманми, бор, кет, мен кетишим керак!..

Неъмат чўпонни, хато бўлсаям, айтганида туриб оладиган қайсар одам эди, дейишади. У шарпанинг гапига қулоқ солмайди, билганидан қолмайди.

— Бунинг учун ҳали афсусланасан, — дейди шарпа, сўнг тезда ғойиб бўлади. Даҳшатнинг зўри ана шундан кейин бошланган.

... Қишлоққача ҳали йўл узоқ.

— Худога шукр, қутилдим, — ўйлайди чўпон. Шу пайт, унинг ортидан қандайдир шовқин эшитилади. Қараса, кўзлари ёниб турган аждар тўлғониб-тўлғониб келармиш. Чўпоннинг қўли пичоққа чопади. Аждар яқин келиб, ҳамла қилишга ҳозирланади. Чўпон отини янада тезлатиб:

— Кел, келавер, каллангдан ажралишни истасанг, кел, — деб пичоғини кўрсатади. Аждар ноумид бўлибми ёки бошқа сабаблари ортда қолади, бир зумда ғойиб бўлади. Салдан сўнг қип-яланғоч қиз турли ноз-карашма билан эргашиб келаётганмиш. Уям чўпонга етай-етай, дебди-ю, унинг қатъиятини кўриб, ортга чекинади.

Арвоҳ чўпонни то қишлоққача турли қиёфада таъқиб қилади. Қанча йўл юрганини билмай қолган чўпон шундоқ

қараса, қишлоққа етиб келибди. Елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлгандир. Э, нимасини айтайин, у онадан қайта туғилгандек бўлган...

Чўпон тонгга яқин уйига етиб олади. Шундан кейин у бу йўлдан қайтиб ўтмаганмиш. Энди, бунисини билмайман, шу воқеа туфайлими ёки бошқа сабаб биланми, оламдан ўтиб кетади, бебахт!

Ўлган-ку, ўлди-кетди. Безовта арвоҳ шундан кейин яна бир неча кишига кўриниб, уларнинг ўтакасини ёради. Бир сафар шу йўлдан катта эшон ўтади. Арвоҳ унгаям кўриниш бериб, ортидан эргашади. Одамларнинг айтишича, эшон арвоҳнинг муродини тушунган, шекилли, уни от олдиға солиб қувади. Йўл-йўлакай калима қайтаради, арвоҳнинг ҳақиға дуо қилади. Шарпа қабрга ўхшаб дўппайиб турган ерга кириб, сингийди. Шу-шу, арвоҳ ўтган-кетганни безовта қилмайдиган бўлганмиш...



## Болаликнинг чўнг армони

Ундан бермаган неча йиллар ўтмади, кимлар келиб, кимлар кетмади, дейсиз. Ўша думурларда беш, ё олти яшар қизалоқ эдим. Шу йили қишда итимиз болалади, ўзиям, беш-олтита туғдиёв. Бари бир-биридан чиройли. Ҳали кўзи очилмаган бўйноқ, олапар, сиртлон, яна турли белгили кучуклар энаси пинжига тиқилади. Эна меҳрибонлик билан ялаб-юлқаб қўяр, барини эмизар. Акам билан қўлимиздан келганича уларга ғамхўрлик қилдик. Уйдан билдирмай нон олиб чиқиб, итнинг олдига тўкиб ташладик, косага илиқ сув тўлдириб қўйдик. Бу қилган ишимиздан кўнглимиз тоғдек ўсди.

Кечқурун уйга кирганимиздаям хурсандчилигимиз давом этди. Буни отам бир қарашда сизди:

— Оғизларинг қулоқларингда, нима, ит туғдими, — деб ичимиздагини топди-қўйди. Мен бундан тўлқинланиб-тўлқинланиб гапиришга тушдим:

— Еттита туғибди. Бари чиройли. Энди шунча итимиз бўлади, энди бўрию тулкилар уйимизга яқинлашолмайди.

— Нечтаси арлон экан, — отам гапимни бўлиб қўйди.

— Иккитаси, қолгани... — акам мағрур қиёфада жавоб берди.

— Бунча қан...ни нима қиламиз, эркакларини олиб қолиб, қолганини кўмиб ташланглар. Акам бунга қаршилиқ қилади деб ўйлагандим, лекин у:

— Хўп, эртага чуқур кавлаб, кўмиб ташлаймиз, — деса бўладими.

— Эҳтиёт бўлинглар, кучуклари жони хатардалигини сезган ит талаб ташламасин, тагин.

— Бунинг йўли бор, итни молхонага қамаймиз-да, кейин кучукларини олиб чиқамиз.

— Шундай қилинглар!

Эрталабдан акам ўзини ишнинг кўзини биладиган катта одамлардек тутарди. Аввалига, итни ўтинхонадан алдаб олиб чиқиб, молхонага қамади. Сўнг кетмон, яна ул-бул билан деворга яқин жойдан чуқур кавлай бошлади. Бир соат чамаси уриниб, чуқурни тайёрлади. Энди ҳали кўзлариям очилиб улгурмаган кучукларни шу ерга ташлаб, устидан тупроқ тортиш қолганди. Ўтинхонага кирсак, кучукчалар «финг-финг» қилиб ётарди. Менимча, улар энаси, унинг иссиқ боврини кўмсаётганди. Буни кўриб, бир раҳмим келди, бир раҳмим келди, буни акамга билдирмадим. Сезиб қолса, кўрқадиган бўлсанг, бор уйга кир, дейишидан чўчидим. Шу орада акам кучукларни бир халтага тикдида, орқалаб чуқур томон юрди. Унга беихтиёр эргашдим.

Ҳаял ўтмай кучукчаларни чуқурга ташлаб, устидан тупроқ тортдик, бу ерда кичкинагина дўнглик ҳосил бўлди. Яхши кўмилмаганиданми, ё бошқа сабабми, ишқилиб, дўнглик лўмбиллаб-лўмиллаб турибди. Кучукларнинг нафаси қайтиб, типирчилаяпти, деган ўй миямда чақмоқдек чақнади. Шу учун акамга қараб:

— Ака, улар ҳозир ўлиб қолади, — дебман.

— Ўлсин деб кўмдим-ку, — у бемалол жавоб берди. Бундан томоғимга бир нима тикилди, йиғлаб юбормаслик учун уйга қараб чопдим, шунчалик тез чопдимки, гўё ортимдан биров қувётгандек. Уйга киргандаям ҳаяжоним босилмади. Энам буни кўриб:

— Нимага ҳовлиқасан, — деди печка устида «вақ-вақ» қайнаётган овқатнинг тузини кўраркан.

— Бечоралар ҳозир ўлиб қолади...

— Нимани айтаяпсан?

— Кучукларни...

— Отанг айтди. Уларни ўлдирмасдан, нима қиламиз. Барибир совуқда кўпи ўлиб кетади. Ундан кўра, арлонларини сақлаб қолган яхши-ку.

Энамдан бирон наф йўқлигини билгач, билдирмай ташқарига чиқдим. Билмадим, бундай ўй, бундай қатъият қаердан келди, ишқилиб, кучукларни қутқараман, дедим ичимда. Аммо қандай қилиб қутқаришни билмасдим. Шу пайт, калламга энасини қўйиб юборсам, унинг ўзи қутқариб олади,

деган фикр келди. Шунинг учун ит қамалган молхонага қараб ошиқдим. Борсам, бечора ит болаларига бир гап бўлганини билгандек, эшикни тирнаб, мунгли-мунгли фингшиётир. Энди ўйласам, ўшанда ит буни ички бир сезим билан билган, шунинг учун фингшиган. Акам эшикни қаттиқ боғлаган экан, анча вақт ипни ечолмасдан қийналдим. Бир амаллаб очганимни биламан ит аввал эшикни, кейин мени тўши билан туртиб ўтиб, ўтинхона томонга отилди.

Унинг ортидан эргашидим. Ит аввал ўтинхонага кирди, у ердан дарров қайтиб чиқди. Кейин ис олиб, болалари кўмилган жойга жон ҳолатда чоқди. Бу пайтда акам аллақачон ишни тамомлаган, дўнглик камроқ лўмбиллаётган эди. Узоқдан кўрдим, ит бора солиб тирноғи билан тупроқни кавлай кетди. Акам буни кўриб «тир-р», деб қўлидаги кетмонни ҳавога кўтарди, аммо жонивор бунга умуман эътибор бермади. Энди ўйласам, унинг бутун хаёли кучукларини қутқаришда бўлган. Шу тобда бечоранинг кўнглидан ўтаётган ҳисларни аллақандай ички сезим билан уқиб турардим: «Жоним болаларим, силарга нима қилди? Ҳали очилмаган кўзларингга тупроқ тикдимиз? Ўлмайд туринглар, яна озгина чиданглар, оз қолди, ҳозир қутқараман, момикларим. Ўлманглар, ўлсаларинг, менам ўламан...Биз буларга нима ёмонлик қилдик, улар сизларни ўлдирмоқчи...»

Акам қўлидаги кетмон билан итнинг белига қарсиллатиб туширди, ит яна эътиборсиз. Аксинча, бутун вужуди билан чуқур кавламоқда. Акам итни яна урмоқчи бўлганида, у тишларини кўрсатиб бир ириллади-да, уни тўши билан уриб, нарига учириб юборди.

Бу қиёмат томошани бошқа кўришни истамадим. Кўзимдан оқаётган ёшни енгим билан артиб, уйга қараб чопдим. Ҳаял ўтмай акам менга эргашиди, назаримда, у итнинг авзойидан қўрқиб кетганди.

Кечқурун отам:

— Айтганимни қилдиларингми? — деб акамга синчков тикилди. — Энаси роса қаршилиқ қилгандир?!

— Одамни роса қийнади, — деди акам оғзидаги овқатини чайнар экан. — Кейин у бир-иккита боласини қутқариб қолдиёв.

— Бу нима, деганинг, нима бўлганини аниқ билмайсанми?

— Ит қутуриб кетди, сал қолди талаб ташлашига. Кейин уйга чопиб келавердик.

— Майли, умри бори, ризқи узилмагани тирик қолганда. Яна нима қилишни эртага ўйлаб кўрамиз.

Тонг азонда биргаликда ҳалиги жойга бордик. Дўнглик пала-партиш кавлаб ташланган. Тупроқ орасидан иккита кучук ўлиги чиқди. Шу ҳисобда ит учтасини қутқарган, агар, кейинчалик биронтаси нобуд бўлмаган бўлса. Шу ўй билан ўтинхонага бордик, чунки уларни ўша ерда деб ўйлагандик. Борсак, у ерда итнинг ҳам, кучукларининг ҳам ном-нишонни йўқ. Эна ит бўлиб ўтган воқеадан кейин бошқа болаларимгаям қасд қилиши мумкин, деган ўйда қолган болаларини олиб, бу ердан кетган. Қаерга дейсизми, буни билмайман. Ишқилиб, бу ер хатарли эканини билиб, биздан, одамлардан узоқ кетган. Шу воқеадан сўнг анча вақтгача ўзимга келолмай юрдим. Бир ўлган кучукларни ўйласам, бир омон қолганлари қандай аҳволда экан, деб ичим ёришмайди. Бир кеча тушимга кирибдими-ей. Эна ит нола қилар: «Биз уларнинг қишин-ёзин хизматини қилдик, жонини, молини асрадик. Нега улар бизга қасд қилди?! Ҳали дунёни бир бор кўрмаган кўзларингга тупроқ тикдим, жоним, болаларим. Ундан кўра, мени ўлдирганида яхши бўларди. Энди сизларсиз, қандай яшайман. Тушундим, одамлар яхшиликни билмас экан, бу ерлардан кетамиз, буткул кетамиз...»

Орада қиш ўтди, баҳор охирлаб қолди. Ана шу кунларнинг бирида эрта тонгда ит ҳуриши эшитилди. Бу пайтда эна итниям, унинг кучуклариниям эсдан чиқарган эканман, шекилли, бу кимнинг ити бўлди дебман. Шу ўйда ҳовлига чиқдим. Бир пайт қарасам, не кўз билан кўрайки, ўзимизнинг ит, ёнида каттагина бўп қолган кучуклариям бор. Уларни кўриб бир севиндим, бир севиндим, буни на сўз, на тилга сиғдириб бўлади. Бир хил пайтда сўз-да ожиз қоладими, дейман, ўзиям.

— Ота, эна, итимиз қайтиб келди, — дедим ҳовлини бошимга кўтариб. Ичкаридан биринчи бўлиб акам чопиб чиқиб келди. Уям итни, кучукларни кўриб, хўп севинди,



буни айтмаган бўлсаям ҳаракатидан билиб турибман, деса-сангиз. Иккимизнинг ҳолимизни кўрган отам:

— Жонивор охири уйига қайтибди-да, — деди, сўнг кучукларга ишора қилди: — Буни қара, болалариям капкатта бўлиб қолибди. А, бечорагина-я, шунча ёмонлик қилдик, унинг қайтиб келганини қара. Итни бежиз вафодор дейишмаган, чинданам вафодор. Назаримда, ит бизни кечирган кўринади. Шу садоқати ҳурмати, уларни яхшилаб парваришлайсизлар.

Бизга шу етарли бўлди. Акам билан дарров уларга гам-хўрлик қилишни бошладик. Бундан ит, айниқса, кучукларнинг севинганини кўрсангиз эди.

Тез орада кучуклар бўрибосар ит бўлиб етилди. Ҳатто, бир йили улар овулга қутурган бўрилар босқин қилганида, одамларнию, мол-холимизни асраб қолди. Шу бўлдию, овулда кучукларни тириклай кўмиш одати йўқолди. Ўшанда биз, болалар қанчалик қувонмадик, дейсиз. Бундай ёмон одатни ким ўйлаб чиқарган, билмадим, аммо бундай хунук илат йўқолган экан, бундан қувонмай бўладими?!

Орадан шунча йиллар ўтиб кетди. Ҳалиям ҳалиги очилмаган кўзларига тупроқ тўлган кучукларни ўйлаб, ўқтин-ўқтин киши билмас йиғлаб оламан. Қанча йиғламай, юрагим тубида ўша маҳалда нега кучукчаларни қутқариб қолмадим, деган армон тошдай қотиб тураверади. Болаликнинг бу чўнг армони энди умр бўйи қўйиб юбормаса керак, уф-ф...



## Тулкичалар фарёди

Бир йили қишда товуқларга қирон келди. Билмадик, қаердан дориди, бир тулки ҳар кеча келар, одамларнинг кўзини шамғалат қилиб, товуқларни еб кетаверди. Овулда бундан азият чекмаган одам қолмади. Эрталаб туриб қарасанг, кимнингдир учта-тўртта товуғини гажиб кетган бўлади. Бу бало бизниям четлаб ўтмади. Қиш ярмигача йигирма товуқдан айрилдик. Мол аччиғи ёмон бўларкан, эрим охири чидай олмади, бир куни портлади:

— У шайтонни тутаман-да, оёғини осмондан қилиб осаман, шундан кейинам ўғирлик қилиб кўрсинчи.

— Бу кўпга келган тўй, — дедим уни жаҳлидан тушириш учун.

— Нима, кўпга келган тўй, деб индамай кетаверамизми?

— Ундай деётганим йўқ, қанча одам қасдлашди, лекин ҳеч ким уни тутолмади, сиз қандай тутасиз, деяпман.

— Ўзим биламан...

Билиб турибман, эрим тушмагурнинг орқа томири тортишди, энди уни аҳдидан қайтариб бўлмайди. Шунинг учун билганингизни қилинг, дегандек нари кетдим. У шу кундан тулкини тутишга киришди. Лекин орадан ўн кун ўтдиамки, ҳеч нарса қилолмади. Бундан унинг тажанг бўлиб, дуч келганга захрини сочганини кўрсангиз. Товуқ камайгани сайин унинг ғазаби қайнаб бораверди. Шу кунларнинг бириди ўзи гап очиб қолди:

— Хотин, айтганингдек, бу тулки эмас, шайтоннинг ўзи экан, шунча ҳаракатим ҳавога учди. Тузоқ қўйдим, бўлмади, гўштга маргумуш солдим, бўлмади...

— Ана, энди ўзингизга келибсиз. Қўйинг, тегманг, у бечораям ризқини териб юрибди.

— Тўхтатаман, демадим. Яхши бир режа ўйлаб қўйдим.

— Қандай режа экан?

– Хатакка, товукларнинг ёнига кириб пойлайман. Бош суқиши билан томоғидан гиппа бўғиб, ушлаб оламан.

– Қишнинг аёзини кўрмаяпсизми, у ерда тарашадай қотиб қоласиз.

– Нима, тун бўйи хатакда қолади, деб ўйлайсанми. Бир неча кундан бери кузатиб, унинг қайси пайтларда келишини билиб олдим. Шу вақтга мўлжаллаб, хатакка кирман, қарабсанки, йиртқичдан қутиламиз.

– Ишқилиб, баҳайр бўлсин-да...

У айтганини қилди, тун ярмида:

– Хотин, тур, вақт бўлди, кийимларни ол, — деб қолди.

– Чой-пой...

– Чойга бало борми, урушга кетаётганим йўқ. Хатакка кириб, озгина пойлайман, сўнг тулкини тутаман, бўлди, шу.

Ҳаял ўтмай чиқиб кетди. Мен нима бўлса бўлар, деган-дек ухладим.

Тонгда турсам, бойим у-бу ишлар билан куймаланиб юрибди. Қарасам, қовоғи очилган. Бундан билдимки, тулкини ушлаган. Ўзимни билмасликка олиб:

– Тутолмадингизми? — дедим.

– Нималар деяпсан, тутиб олиб, емхонага қамаб қўйдим.

– Энди нима қиласиз?

– Осаман, оёғидан осаман!

– Қачон? — дедим тулкига ачинганимни билдириб қўймаслик учун сохта жилмайиш билан.

– Кечқурун! Ана шундан сўнг бу ерга тулки зоти яқинлаша олмайди, ўн чақирим наридан айланиб ўтади.

Чоли тушмагур айтганини қилди: шом маҳали тулкини оёғидан бойлаб, қалин устунга осиб қўйди. Бундан у бечоранинг типирчиллаганини, ўзининг тилида нимадир деб ёлворганини кўрсангиз эди. Урғочи тулки экан, яқинда болалаган кўринади, сутга тўлган елинлари буни айтиб турибди. Ўзимни беҳол ҳис этдим, шу дамда жониворнинг нималар деб ёлвораётганлигинида уқаётгандим. У, назаримда, болаларига айтди: «Нафс туфайли бу ерларга келиб, не балога дуч келдим, жоним, болаларим! Бундай бўлишини билсам, келармидим. Одамлар барига эга бўлиб олганлигини қаердан билибман...

Сариқвой, тўнғичим, укангни эҳтиёт қил! Биламан, сенгаям осонмас, чида, сабр қил! Яна бир гап, ҳеч қачон бу ерларга келма. Ундан кўра, даштдан сичқонми, каламушми, тутиб енглар. Оч қолсаларинг-да, бу ерга келманглар, келмайман деб айт! Одамлар қўлида хор бўлишларингни истамайман...»

Тун алламаҳалгача тулкининг шу хилдаги нолишлари эшитилиб турди. Бу ерда болалари бўлмаса, у буни кимга айтди, деб ўзимча ўйлаб ётибман. Бир маҳал тулки нолишига ингичка бир овоз қўшилгандек бўлди. Эътибор қилсам, чинданам бошқа овозлар бор. Дарров билдим, очиққан, энасининг келишидан умид узган бечора кучукчалар уни излаб, бу ерга келган. Улар қандай қилиб сеза қолибди, дейсизми? Буни қаердан биламан. Ишқилиб, улар энасининг жони хатарда эканлигини қандайдир ички бир сезим билан билган-да, бу ерга минг бир машаққат билан етиб келган. Уларнинг изғирин совуқда, оч-ноҳор қалтираб-қалтираб йўл юраётганликларини кўз олдимга келтириб, кўрпага бурканиб олиб пиқ-пиқ йиғлаб олдим. Бундай ётаверсам, тулки ўлиб қолади, сўнг кучукларнинг уволига қоламиз, деган ўйда ўрнимдан турдим. Ҳали нима қилишнIAM аниқ билмасдим. Қарасам, ҳамма қотиб ухляпти. Чоли тушмагур хуррак отиб-отиб қўярди. Бундан ортиқ қулай вазият бўлмайди. Шунинг учун билдирмайгина ташқарига чиқдим. Тулкини ечиб юбораман, дедим ўзимча минғирлаб.

Айвонга чиқарканман, тулки ва болаларининг увуллашлари аниқ-тиниқ эшитила бошлади.

— Энди нима қиламиз, — деди ингичка бир овоз, назаримда, бу энаси Сариқвой деб атаган кучукча эди. Чунки наригисининг йўл азоби, очлик, изтиробдан овозиям чиқмай қолганди. Зўрға «финг-финг» қилмоқда.

— Бу ердан тезроқ кетинглар, ҳали замон тонг отади, — деди эна тулки ингроқ овозда. — Ҳалиги зулмкор турса, сизларни кўриб қолади-да, менинг кунимни бошингизга солади. Кетинглар, мени ҳеч ўйламанглар. Сариқвой, айтганларимни қил...

Роса йиғладим. Уф-ф, бундай қиёматни кўриб, йиғламанган одамнинг чини билан бағри тош бўлади. Шу ўй билан

ошхонага ўтиб, у ердан ўткир пичоқни олдим. Ниятим — арқонни узиб, тулкини қутқариш. Чолим билиб қолса, ўлдиради, деб ўйлаб ўтирмадим, арқонни шартта кесдим. Тулки ерга шалпайиб тушди. Ахир, кечаси билан шундай совуқда осилиб туриш ҳазил ишми. Бундан тулкую кучукларининг севинишини кўрсангиз эди.

— Бор, болаларингни эргаштириб, бу ердан кет, — дедим қўлим билан дашт томонни кўрсатиб. У юзимга термулиб:

— «Шинг-шинг», — деди. Буни миннатдорчилик деб тушундим. Бир муддат улар атрофимда гирдикапалак бўлиб турди. Сўнг гўё гапимни тушунгандек, болаларини эргаштириб, дашт томонга қараб чопқиллаб кетди. Бу қилган ишимдан бир қувондим, бир қувондим, буни сўз билан айтиб бўлмайди.

Эрталаб чоли тушмагур бироз жанжал қилгандек бўлди.

— Тулкини атайлаб қўйиб юборибсан, — деди жаҳл билан.

— Қўйиб юбормадим, унинг ўзи тиши билан арқонни узиб кетгандир-да, — дедим аввалига сир бой бермаслик учун.

— Арқон тиш ё пичоқ билан узилганлигининг фарқига бормайманми?! Агар тиши билан узганида, арқон ғажилиши керак эди, пичоқда кесилган.

Қаранг, шу нарса калламга келмабди. Ростини, пичоқда кесилган арқонни бир қараб билса бўлади. Энди ёлгон айтиб ўтиришдан фойда йўқ. Шу боис:

— Ҳа, уни мен қутқардим, — дедим ўзимда жасорат сезиб.

— Яна товукларимизни есин, деб қутқардингми?

— Энди емайди, бу ерларга келмайди.

— Қаердан билдинг, ҳайвонга ишониб бўладими?!?

— У менга шундай деди.

— Тулки гапирди, демасанг керак.

— Гапирса нима бўлди, жониворлар ўз тилида гаплашди-да. Айниқса, кучуклари билан мунгли-мунгли нола қилганини эшитиб, чидай олмадим.

— Кучуклари борлигини, яқинда болалаганини билгандим, нима, улар ҳали келганмиди?

– Ичимдан тўқиб чиқарибманми? Кучуклари кўзларини мўлтиратиб, шундай нола қилди, шундай нола қилди, бунга одам боласининг, айниқса, яхши ният билан фарзанд улғайтираётган энанинг бардош бериши қийин эди. Шунинг учун...

– Бўлди, нима, мениям йиғлатмоқчимисан? Яхши иш қилибсан, агар, шу ишни қилмасанг, хафа бўлсам арзирди.

– Шунча кўнглингиз бор экан, бечорани нега боғладингиз?

– Бир эсини киритиб қўяй дегандим.

– Эси кирди...

Худойжоннинг қудратидан айланай, тулки гапимга амал қилдими ёки бошқа сабаби борми, хуллас, бу ерга қайтиб қадам босмади. Товуқларимиз омонлик топди, овул тинчиб қолди.



---

## Вафодор

Итнинг фақат тили йўқ, аммо ақлли, ҳушли жонивор. Вафодорлигига-ку қиёс йўқ! Шу — кўпчилик одамлардан ҳам вафодорроқмиёв, дейман-да! Бўмаса, ҳайдашингга қарамасдан эшигингда ётиб олиб, уйингни қўриб чиқармиди?! Э-э, нимасини айтайин, бу жониворнинг фазилати кўп. Менам билиб айтаяпман, йўқса, бу гаплар қаерда, дейсиз...

Итнинг садоқати тўғрисида бир воқеани анча бурун эшитганим бор. Бир итни шунчалик, дебди-да...

Қаҳатчилик замонлари экан. Ишлайсан-ишлайсан, ейишга ҳеч вақо йўқ. Бир ҳовуч буғдойни болаларимга, деб яширсанг, ана, уйинг куйди, мана, уйинг куйди. Сўроқ-пўроқ қилмасдан, аристонга жўнатади-қўяди. У ердан омон келасанми-йўқми, Худойжон биледи! Ўлмай кетиб, келмай кетганлар кўпда.

...Э, менинг чечанлигим қурсин, яна гапдан чалғибман-ку...

Шуйтиб, қаҳатчиликнинг дийдори қурсин! Одамларга шу етмагандай, ўғирлигу талон-тарожлар авж олиб кетади. Худойжон қаҳрига олса, шундай бўлармикан ё?

Ўша думурларда чолимнинг Авазбой дегич бўйинсаси бўларди. Чўпон эди, ҳукуматнинг молини боқарди. Одамларнинг айтишича, жуда бамаъни йигит бўлган. Шу денг, у куз-қиш вақтида молини Эгизак томонларда боқар экан. У пайтда қўтонлар ҳозиргидек пухта-пишиқ бўлмаган. Қаерда қулай жой бўлса, ўша ерга молни ётқизиб кетаверган. Буям етмагандай, қишлоққа келиб, дам олиш қаёқда, дейсиз. Келсаям ёрдамчи чўпон борганда бир кун-ярим кунга «фир» этиб келиб кетган. Палакат бўлган йили эса ёрдамчиси ҳам бўлмаган. Энди унинг кунини кўраверинг. Ҳар куни сурув ортидан юриб, туёқ санагани-санаган. Ҳалиям унинг бахтига Бўйноқ дегич ақли ити бор. Баъзан шу итни сурувда

қолдириб, ўзи қишлоққа келиб кетаркан. Шу зайлда кунлар думалаб-думалаб ўтаверади.

...Тираманинг қайсидир куни, каллаи саҳарлаб Бўйноқ қишлоқда пайдо бўлади. Уйдагилар ҳайрон. Аввалига «Аваз-жон урушган бўлса, уйга келган-да», деб ўйлашади. Жонивор ҳеч кимга яқин келмасдан, фақат ғингширмиш. Сал туриб разм солиб қарашса, итнинг танаси маматалоқ, бирикки жойи нима биландир тилинган. Қон қотган жойлари билиниб турар. Кимдир нон бераман, деб олдига чақирса, жунини ҳурпайтириб, тишларини кўрсатиб, ириллаган. Балки, унга бари одамлар ёвуз, қонхўр, ўғри, каллакесар бўлиб кўриндимиди...

Одамлар итнинг аҳволидан кўнгилларига ҳар балоларни келтириб, унга янаям илиқроқ гапирибди. Шунда денг, жонивор ишонч ҳосил қилгандек, уларга яқинлашади. Ит одамларнинг бунчалик ақлсизлиги, фаҳмсизлигидан куйган, йиғлаган, деб гумон қиляапман...

Аваз бебахтнинг мункиллаб қолган отаси бўларди. У ҳовлига чиқиб қараса, итнинг авзойи бузуқ. Унинг кўнглига шубҳа оралайди. Ит чолни кўриб, гўё арз-дод қилгандай, унинг этагидан тишлаб, дашт томонга судраб, тортармиш. Чол дарров сезган. У қўни-қўшнини йиғиб, йўлга чиқади. Одамларнинг ҳаракатланганини кўрган Бўйноқ уларга эргашиб, бир тўхтаб, бир чопармиш, бир чопиб, бир тўхтармиш.

Улар қўтонга келади. Бу ерда қиёмат қойим бўлган. Ҳамма томон қон! Авазбой беш-олти жойидан пичоқ еб, ўлиб ётармиш. Сурув эса алақаёққа ҳайдаб кетилган.

Кўрганларнинг айтишича, Авазбой билан Бўйноқнинг ўғрилар билан кўп олишгани шундоқ билиниб турармиш. Ёлғиз гувоҳ — ит шу ерда ҳам у ёқдан-бу ёққа чопар, бир ўлиб ётган эгасининг олдига келар, яна қаерларга бориб келаркан. У шу ҳаракатлари билан кўрганларини айтмоқчи бўлганов, менимча. Аммо ўлик билан бўлиб, унга ҳеч ким эътибор бермаган. Ўзи, доим шундай бўлади, одамзот ўз дарди билан бўлиб, бошқани эшитмайди ёки эшитишни истамайди. Ит буни сезганми дейман, одамлардан ўн-ўн беш одим нари бориб, мунғайганча ётиб олади. Шўрлик йиғла-



ган, ўқирган, аммо буни ҳеч кимса билмайди, бир Худой-жондан бўлак.

Ўша куннинг ўзида кексалар маслаҳатлашиб, Аваз бечоранинг жасадини ўзи шаҳид бўлган жойга қўяди. Хукуматдагилар ўғриларни излашга тушади. Орадан бир неча кун ўтиб, Худодан қайтган босқинчиларни бозордан тутиб келади. Улар қилмишига яраша жазосини олган. Аммо ўртада бир одамнинг нобуд бўлиб кетгани ёмон бўлган-да...

Қисқаси, Аваз раҳматлининг уйдагилари кўп куйган. Ахир, ҳазилакам доғми бу?! Ҳали уйли-жойли бўлмаганди, бебахт! Аммо нимаям қиларди: йиғлашди, куйишди, охири, кўнишди.

Ҳасратдан янаям мункайиб қолган чол ўглининг етти-сидан сўнг қабр бошига бориб келишни ният қилиб отланибди, денг. Бориб қараса, жонивор эгасининг қабри ёнида мунгайиб ётармиш. Одамни кўриб, ҳушёр тортади. Унинг қабр бошига келаётганини фаҳмлаган жонивор яқинлаштирмасликка ҳаракат қилади. Тишини кўрсатиб, ирилайди. А, нимасини айтайин. Унинг содиқлигиними ёки боласининг дўшпайган қабрини кўрибми, чол тушмагур йиғлабди, тилига алмойи-алжойи сўзлар келибди:

...Мен, шу бир жониворчалик ҳам бўлолмадимми, болам?!

...Кексайганда шу доғни сўрабмидим, Сендан?!

...Энди шу доғ билан ўламан...

Чолнинг кейинчалик айтишича, ит кекса эгасини энди танигандек, унинг дардини тушунгандек, қабр бошига йўл беради. Нимасини айтайин, ит сезган! Бўлмаса, йўл берармиди, бўлмаса, йўл берармиди?..

Дунёси куйган чол қабр бошида қанча турганини билмайди. Шомга яқин қайтади. Кетаётиб «Боламдан битта ёдгорлик шу — ит, унинг энг яқин дўстиям шу. Кел, уни уйга олиб бориб, яхши парвариш қилай», деган ўйда итга яқинлашади. Буни сезган жонивор рўйихушлик бермаган. Чол минг макр билан унинг бўйнидан арқон ўтказди, отига тақиб, уйига олиб келади.

Жонивор йўл-йўлакай қанча фингшимаган, орқага қараб тисарилмаган, дейсиз. Одам бағрини тош қилиб, кўзидан

тизилиб оқаётган ёшни енги билан артиб, тортқилаб келаверади. Уйга келгандан сўнг қочиб кетмасин, тагин, деб боғлайди. Аммо бу ерда яхши парвариш қилишаётган бўлсаям вафодорга Аваздан бўлак одамлар етти ёт бегона. Шунинг учун у ҳеч нарса емайди-ичмайди, икки-уч кунда ўзини олдириб қўяди.

Учинчи кечасигами, тўртинчи кечасигами, Бўйноқ арқонни тиши билан узиб, ғойиб бўлади. Бунга ҳамма ҳайрон. Биров-ярим ёш-яланглар:

— Олиб келайликми, — дейди. Аммо бир нимани сезган чол тушмагур:

— Йўқ, тегманглар, эгасининг ёнига кетган, у энди бошқа жойда яшай олмайди, — деб йигитларни шаштидан туширади.

...Орадан бир-икки кун ўтиб, бориб қарашса, Аваз раҳматлининг қабри ёнида яна бир қабрга ўхшаш дўнглик пайдо бўлганмиш. Воқеадан хабардор қайсидир раҳмли одам вафодорнинг ўлиб ётганлигини кўриб, шу ерга кўмиб кетган. Ўтган-кетганда кўрганмисизлар-йўқми, билмадим, лекин ҳалиям шу икки қабр бор.

...Э, гапнинг қизиги қолиб кетибди-ку. Ўша имонли одам қабр ёнидаги тобатоташга пичоқ биланми, ё бошқа бирон нарса биланми, ҳар ҳолда, тирнаб, адашмасам, шундай гапларни ёзиб кетган: «Ҳаммасидан хабарим бўр эди. Ўтиб кетаётиб, итнинг ўлиб ётганини кўрдим. Тилсиз жонивор садоқати шунча бўладими деб, хўп йиғладим! Кейин ўйлаб ўтирмасдан, чуқур кавлаб, қадрдонининг оёғи томонга кўмдим. Буни тушунасизлар, деб ўйлайман!»

Қабр бошига борганларнинг бари буни ўқиб, ўкириб-ўкириб йиғлабди, йиғлаб-йиғлаб ўкирибди. Кейинчалик, ўтган-кетган ҳам бу ерда бир тўхтаб ўтар, кўз ёши қилиб кетаркан. Шу ёзув ҳозир бор-йўғини, билмайман. Чунки одамларнинг бу ҳақда гапирмай қўйганига кўп замон бўлиб кетди. Лекин аниқ биламан, қабрлар ҳалиям бор.

...Воҳ жонивор-а, воҳ жонивор-а, сенинг кўнглингга мунча меҳр, мунча вафони ким солди?! Воҳ жонивор-а, воҳ, вафодор-а...

## Мол-дунё ўлсин!

Мол-дунё ўлсин! Шуни деб биров жонидан айрилади, биров имонидан. Эси кирганда эса кеч бўлади. Энди, ёқа йиртадимми, бошини тошга урадимми, фойдаси йўқ. Холбойбой воқеасини эслаб, шу гаплар тилга келиб турибди...

Бу кўп йиллар бурун бўлган. Одамларнинг айтишича, Холбойбой жуда қаттол бўлган экан-да, ўзиям. Айниқса, мол-ҳол, деганда қаттоллиги янаям ортиб кетаркан. Бўлмаса, молни деб уйдагиларга зулм қилармиди.

...Гапга ўтолмай, калавани хўп чувалатдим-чувалатдим-да. Э, нимасини айтайин, доим шундай бўлади, бир нарсани айтаман, дейсан-у кўнглингдаги гапларни тўкиб-тўкиб оларкансан...

Ўн йиллар илгари у, одатдагидек, «баҳор юрт»га кўчиб чиқади. Катта болалари мактабда ўқиётганлиги учун қишлоқда қолади. Хотини, кичик ули билан бирга кўчади. Бебахт хотинининг оти нима эди, ҳеч эсимга келмаяпти. Эсимга тушса, айтарман. Шуйтиб, улар эрта кўкламда «баҳор юрт»га бориб жойлашади. Ўзиям у думурларда кўклам зўр бўларди. Бир қарасанг, «гумбур-гумбур» қилиб ёмғир келиб қолади, бир қарасанг, қуёш чарақлайди. Ўтни кўяберинг, кўм-кўк ўт белга ураман, дейди.

Янги юртга бориб жойлашгач, бир-икки кун ўтиб, Холбойбой бозорга борадиган бўлиб қолади. Кета туриб:

— Мен бозорга кетаяпман. Молга яхшилаб қара! Биронтаси йўқолса, бошинг билан жавоб берасан, — деб аёлига дағдаға қилади. Хотин эса:

— Отаси, қарайман, қарайман. Лекин тезроқ қайтинг, бир гўдак билан нимаям қилардим, — дебди зўрға.

— Билмайман, қарайсан, дедимми, қарайсан! Бўлмаса, каллангда таёқ синади, — деб отига миниб жўнайверибди, молга тўймагур.

Аёл боласини бағрига босиб, шумшайиб қолаверади. Кейин эса гўдакни қалинроқ кийинтириб, тиканак билан ўралган кўрадан молни даштга ҳайдаб чиқади. Пешингача кун яхши бўлган. Қуёш тушдан оғавериб, тоғ томондан қора булут бостириб келаверибди, денг. Менимча, унинг кўнглига ҳар турли гаплар келган бўлса керак. Ёмғир аввалига аста туша бошлайди, кўп ўтмай сатиллаб қуйгандай ёғади.

— Эна, уйга кетайлик, — дебди бола йиғламсираб.

— Йўқ, отанг келиб қолса, пешиндан молни қамадингми, деб ўлдиради! Ёмғирдан қўрқма болам, баҳорнинг ёмғири тез ўтиб кетади, — деб боласини овутади, шўрлик.

Қаёқда, дейсиз. Ёмғир тинавермабди, аксинча, зўрайгандан-зўрайган. Бир дамда ҳамма томон сувга тўлади. Ҳар бир жилғадан ариқ-ариқ бўтанок сув кўпикланиб оқармиш. Гўё дунёни сув босгандай бўлибди. Бечора қўй-эчкилар пана жой излаб, катта бир жилғадаги камарга тиқилиб олади. Шу пайт жилға суви кўпайгандан-кўпайиб, аввалига бир-иккита улоқ-қўзи, сал туриб қўй-эчкини оқиза бошлайди. Қолганлари селдан тепароққа қочиб чиқади.

Бўтанок сувга тушиб қолган бечора жониворлар бир йиқилиб, бир туриб оқаверади. Аёл тез рўй берган кўргилиқдан қотган-қолган. Сал ўзига келгач:

— Болам, сен шу ерда қимирламай тур, мен уларни қутқарай, — деб ўрнидан қўзғалади. Бола эса:

— Эна, оқса оқиб кетаверсин, сизни оқизиб кетса, мен нима қиламан, — деб унинг этагига ёпишади. Бола бўлсаям ақли бут экан, бўлмаса, шу гапни айтармиди?! А, мен ўлай, унинг гапига кўнса бўлмасмиди, дейман-да...

— Йўқ, болам, отанг бизни ўлдиради. Ҳозир қутқариб қолмасам, жилға катта сойга қўшилгандан сўнг ҳеч нарса қилолмаймиз, — дебдию, боласини силтаб ташлаб, шўрлик ўзини сувга солибди. Бу пайтда жилға суви кўпайиб қолган экан, шекилли, аёлни суриб кетаверади. У шу кетишда битта-яримта қўй-эчкини қутқарибди. Шу юмуш билан бўлиб қолган аёл боланинг жилға ёқалаб:

— Эна, эна, энажон, — деб чопаётганига эътибор бермаган. Бор фикри жониворларни қутқаришда бўлган. Балки, сел чиқишга имкон бермагандир. Нима бўлгандаям у

сел билан кураша-кураша сойга яқин бориб қолади. Буни кўрмагандир бебахт, кўрган бўлсаям тақдирга тан бердимикан...

Бола бечора:

— Эна, энди чиқинг, сойга оз қолди, — деб бақирармиш. Сойда бир дарё бўтаноқ сув бўкириб оқмоқда. Унга тушган жон омон қолиши қийин. Шу пайт аёл селдан чиқмоқчи бўлгандек ҳаракат қиладию, палакат босиб, қалқиб йиқилади. Сел кўз очиб-юмгунча уни сойга олиб тушади.

Боланинг дунёси қора бўлиб:

— Эна, энажон, энди нима қиламан, — деб сой ёқалаб чопаверади, чопаверади. Сўнг ақлидан айрилиб, ўзини сувга ташлайди. Бу пайтда сел знани алақачон домига тортиб бўлган, алақачон узоқларга оқизиб кетган, оқизиб кетаётган эди...

Худойжон инояти билан сел шўрлик болани қирғоққа қараб суради. У бундан фойдаланиб, мустаҳкам бутанинг илдизига маҳкам ёпишади. Жон ҳар кимга ширин. Бола бояги илдизга чирмашиб тураверади-тураверади...

Орадан қанча вақт ўтганлигини ҳеч кимса билмайди, бир Худойжондан бўлак...

Кун ёмон келганидан кўнглига ҳар турли гапни келтирган Холбойбой бозорга бормасдан, қишлоқдан қайтади. Ўзи билан бирга катта болаларини олиб келади. «Баҳор юрт»га келиб кўрсаки, ҳар томонда кўнгилсизлик. Ўзиям, ёмғир бу ерга айрича ёққанга ўхшаркан. Жала қаттиқ савалаганидан ернинг лойи чиқиб кетган. Жилғалардан кучли сел оқиб ўтганлиги сезилиб тураркан. Молдан, хотинию, боласидан дарак йўқ. Ҳар тарафга югуришади. Сойни ёқалаб излашган. Бир пайт болани сойнинг пастки қисмидан қалин илдизга ёпишиб турган ҳолида топиб олади. У ҳушидан кетган, шу ҳолида ҳам:

— Эна... энамни оқизиб кетди... энди нима қиламан... энажон, — деб ингранади. Бари аён бўлгач, болалар «эна»лаб йиғлайверибди. Қаҳри қаттиқ Холбойбой ҳам ўкириб-ўкириб йиғлайди.

Худойжоннинг қазосига рози бўлмасдан бошқа илож йўқ!

Холбойбой ҳам, болалари ҳам нима қиларди, бир-икки кун ўтиб, совуйди. Маросимни ўтказиш ҳақида гап кетганда, Холбойбой оёқ тираб олади:

— Хотиннинг қадрига етмадим, жасадини топмагунимча, маросимини ўтказмайман, — деб қаршилиқ қилади. Биров-ярим кексалар:

— Холбойбой, сойнинг селини биласиз-ку, катта тошларни оқизади, жасадни бўлаклаб ташлагандир, — дейди. Қаерда, у айтганидан қолмайди:

— Бир бўлагини бўлсаям топаман, ана шундан сўнг тинчийман...

Эртасига бутун қишлоқ сойни ёқалаб излашни бошлайди. Кимдир сув омборга бориб келганмиш. Излашнинг учинчи куними, тўртинчи куними-ей, Холбойбой айтганидай, жасаднинг бир бўлагини топади. Шундан сўнг у маросимларни ўтказишга розилик берган.

Ўлган-ку, ўлди-кетди. Селга оққан боласи энасидан айрилгани учунми ё сел таъсиридами, эсидан айрилди. Холбойбой болани кўриб, эзилдими ёки хотинидан бевақт айрилганигами, анча одамови бўлиб қолди, похир. Кейинкейин молга қарамасдан, уйга қамалиб ўтирадиган одат чиқарган. Тез-тез хотинининг бошига бориб тураркан. Э-э, бебахтнинг оти энди эсимга тушди, Ойнахол эди. Одамлар Холбойбойнинг қабр бошига бориб, йиғлаб турганини кўп кўрган. Бир-икки йил бўлди, шўрлик қазо қилиб кетди.

Мол-дунё ўлсин! Одамни издан чиқаради, йўлдан қолдиради. Худойжон эса: «Бировники ўтдан, бировники сувдан», деганидек, эсини киритиб қўяверади. Эс борида этакни ёпиш керак, деб айтаяпман, буларни...

...Ҳа, мол-дунё ўлсин, дунёгина ўлсин!...



---

## Чибор

От жуда ақлли жонивор. Асл йигитнинг доимий ҳамроҳи, йўлдоши. Бу иккиси гўё эгизакдай гап. Бир замонлар ана шундай бўлган. Аммо ҳозир удумлар анча ўзгариб кетдида. Йигитларнинг отга меҳри анча пасайдими, дейман. Ҳар ҳолда бу гапларни айтишимда жон бор...

Шунча яшаб отнинг ёмонлиги ҳақида деярли ҳеч нарса эшитмапман. Аммо баъзи гап-сўзлар юради. От дев наслдан бўлиб, вақти келганда аслига бир қайтар эмиш. Тўғриси, буни мен отнинг шаънига зўр тухмат деб биламан. Шундай бўлсаям бир воқеа эсимга тушди, айтийинда, қутилайин. Гап йўғида бир гап, дейман-да.

Тошпўлат чобохонни биласилар. Унинг доврўғи ҳар ёққа кетган Чибор оти бўларди. Ў-ў, нимасини айтийин, жонивор ўз вақтида эгасининг орини ерда қолдирмаган. Кўпкарларда не-не отларни чангида қолдириб, кимнинг ҳавасини, кимнинг ҳасадини келтирмаган, дейсиз. Одамларнинг айтишича, кўпкари бошланди, дегунча от ўзини тутолмай қоларкан, ўзиям. Буни сезган чобохон жиловни қўйиб юборса, бас, улоқ устида уймаланаётган уюрга ўзини урар экан-да, эгасига улоқни олишга шароит яратаркан. Улоқ тақимга босилгандан сўнг еддек югурар, то «Ҳалол!» дейилмагунча чопавераркан-чопавераркан. Шу зайл жонивор Тошпўлатбойни машҳурлик супасидан ҳеч туширмади. Кўп йиллар икки қадрдон одамларнинг назарида юрди.

Дунё бевафо-да! Иккиси қариди. На униси, на буниси кўпкарига ярамай қолди. Одамларчи, одамлар умуман унутди. Ҳа, улар ўзи шунақа! Ортда қолганни унутади, унутмаганлари тилдан чиқариб ташлайди. Шу нарсага куяман-да, шу нарсага...

Тошпўлатбой чобохон нима қиларди, одамлар унутаётганлигини сезгач, давралардан ўзини тортди, похир. Одам-

ларга бўлган фикриям ўзгарганов, менимча. Лекин қари оти, содиқ дўстига меҳрини ҳеч аямаган. Гаплашсаям у билан гаплашган. Кунларини унинг олдида уймаланиб ўтказаркан, ўзиям.

Бир-икки йил бурун шу икки дўст ўртасида ажаб воқеа бўлган. Буни эшитган одамлар яна гапиришга тушганди ўшанда. Айтишларича, шундан бир-икки кун бурун жонивор ўзини ғалати тута бошлаган. Эгасини кўрса, меҳри жўш урганиданми, ё ўрганиб қолганиданми, ўйноқлаб кутиб оладиган жонивор нимагадир совуқ тикилармиш. Бунинг устига унинг кўзида қишини сескантирадиган қизил нурми-ей, аллаббалолар бор эмиш-да, ишқилиб. Ўша кунлари от ҳеч нима емаган, ичмаган. Тошпўлатбой эса пайтавасига қурт тушгандай типирчилаб қолади. Бир уйга кирар, бир оти олдига борар. Бу ҳол кўп қайтарилган. Энди ўйласам, унинг отга меҳри бўлакча бўлган эканда, бошқа бўлганида, билмадим-ов, шундай қилармиди, йўқми.

Шу зайлда икки кун ўтади. Тошпўлатбой кўпроқ унинг олдида бўлган. Учинчи кун эса отининг олдидан бир қадам ҳам жилмаган. Айримларнинг айтишича, у от билан ниманидир гаплашганмиш. Гаплашса гаплашгандир, нима бўпди! Шунга гап деб кўтариб юрганларга ҳеч қойил эмасман. Бунинг устига Чиборни гап-сўзни тушунадиган жонивор эди, дейишади.

Одам отнинг ёлларини силаган, бўйнидан қучоқлаб, йиғлаган, йиғлаб ёрқин ўтмишини бир-бир элаган.

...Чиборжон, бир пайтлар иккимиз қанча ёрқин кунларни ўтказганмиз. Улоқни тақимга босиб, чопаётган дамларимда кўнглимдан кечган ғурурни, севинчи ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Сен ҳам севинганмидинг? Билардим, севингансан! Буни бошқа отларнинг олдидан тўшингни чўққидай қилиб ўтишларингдан билардим, Чиборжон!..

...Энди ҳаммаси ортда қолди: сен ҳам, мен ҳам, иккимиз билан боғлиқ гап-сўзлару шуҳрат чўққилари ҳам...

...Агар сен ўзингни ғалати тутмаганингда; балки, бу ҳақда ўйламаган, гапирмаган бўлармидим. Балки, бугун билан эмас, ўтмиш билан яшаб юрармидим. Сен кўзимни очдинг, Чи-



боржон, сен кўзимни очдинг! Энди ҳолимни билаяпман. Тан олиш оғир бўлсаям тан олаяпман, Чиборжон!..

У отга узоқ гапирган. Йиғлаб-йиғлаб гапирган, сўзлаб-сўзлаб йиғлаган. Чибор безътибор. Балки, безътибор, десам тўғри бўлмас, ғалати экан. Эгаси диққат қилиб қараса, у ниманидир кутармиш. Бу пайтда вақт алламаҳал бўп қолган экан. Шунда, денг, жонивор узоқ-узоқ уч марта кишнайди. Ҳаммаси ана шундан кейин бошланган. Кишнаб бўлган Чибор зарб билан арқонни узади. Кейин пишқира бошлайди. Ажаб томони шундаки, унинг бурнидан чиқаётган ҳақиқий олов экан-да. Чобахон буни кўриб, ҳушини йўқотади. Шундай бўлсаям жониворнинг ҳаракатларини кузатаверган. Қарасаки, от энди, худди одамга ўхшаб орқаси билан ерга ўтириб олган, олдинги икки оёғи одамнинг қўлидай кўтарилиб турганмиш. Кўзи эса бир балои бад бўлиб кетган. Кўз соққасида оқиям, қорасиям йўқ, уларнинг ўрнини совуқ қизил рангми, нурми эгаллаган. Кейин оғзини очибди. Тишлари айрича бўп кетган. Бу — отнинг тишлари эмас, қозиқ тишлар экан.

Чиборнинг бир дамда кўзидан совуқ нур, бурнидан олов сочиб, тишини шақиллатиб турган махлуққа айланиб қолганлигини кўрган чобахон турган жойида тошдай қотади. Энди унинг ёнида турган Чибор оти эмас, тайёр дев эмишда. Кутилмаганда махлуқ одамга ташланади. Одам чап бермаганда уни бирон хаста қилиб қўйиши ҳеч гап эмаскан. Лекин у кўп ташланмабди. Балки, жонивор шу ҳолидаям эгасини танигандир, балки, чобахоннинг қўрқмай қараб тургани сабаб бўлгандир. Ишқилиб, бир-икки уринишдан сўнг махлуқ тинчланади. Сўнг аста-секин ўзига келади.

Кўпчилигинг гапимга ишонмаяпсилар-а, сезаяпман. Ишонасиларми, йўқми, буниси ўзларингга ҳавола. Ахир, Тошпўлатбой майда гап, қўшиб-чатадиган одам эмас, у чин сўзли, мард одам. Нимани кўрган бўлса, борини уйдагиларига айтган. Мен эса ундан-бундан эшитганларимни айтаяпман...

Шуйтиб, буни эшитган айрим кайвонилар отни йўқ қилишни маслаҳат беради. Фаҳмлашимча, чобахон отидан озроқ хафа бўлган, шекилли, уларга дарров қаршилиқ қилмаган. Авваллари шу гапни эшитганда борми, маслаҳаттўй-

нинг бошини ёрган бўларди. Чобахоннинг шу қилиғини унча тушунмадим. Нега отидан хафа бўлади. Ахир, жонивор махлуқ бўламан, демагандир. Унинг қисматида шу нарса бор экан, у шўрлик нима қилсин. Ҳалиям шукр қилиш керак, махлуқлигига бориб, бирон хаста қилмабди...

У ҳеч нарса демасдан маслаҳатгўйларни кузатади. Ҳеч кимга бир оғиз сўз демай ўрнига кириб ётади. Балки, оти билан кечган ширин дамларини эслагандир, балки, жониворни нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлагандир. Бунисига бирон нарса дейиш қийин. Тўғрида, бандаси ичидагини Яратган Эгамдан бўлак ким биларди. Аммо шу кеча унинг ётиб ётгандай, ухлаб ухлагандай бўлмаганлиги рост. Бунга ишонса бўлади. Эртасига каллаи саҳар туради. Ҳеч вақт ўтмай бир-иккита томошаталаблар етиб келибди, денг...

Улар уч-тўрт киши бўлиб отхонага ўтади. Не кўз билан кўришсинки, от ўлиб ётармиш. Чобахоннинг боври тўлиб турган экан, шекилли, «Чиборжон! Чиборжон!» деб оламни бузиб йиғлайверибди. Йиғилганлар ҳеч нарса дейишолмабди. Охири, йиғлаб кўзёшлари тугагач, жониворнинг жасадини тоза жойга олиб бориб, кўмиб келади. Шу-шу чобахон дунёдан, одамлардан юз бурди. Уф-ф, Чибор ҳасрат қилса бўладиган от бўлган-да, доғида куйдирадиган от бўлганда, ўзи... Яна нимасини айтайин.

Яқинда эшитдим, Тошпўлат чобахон ётиб қолибди. Ишқилиб, Худойим шифо берсин, сабр берсин! Бандасининг қўлидан тилашдан бошқа яна нима келарди.

...А, Чибор-а, Чибор, шуйтиб куйдириб кетасанми? Чибор-а, Чибор...



## Қатралар

Пул қўлда бўлмай туриб, қанча-қанча изтиробларга мубтало қилмоқда: доимо рўзғорда бир нима етишмайди, уйни таъмирлаш, болалар боғчасию мактабига сарфлаш зарур. Яна охири кўринмайдиган орзу-ҳаваслар.

У қўлга келиб тушса, билмадим, кўргилик ва ғавғо қандай тус оларкан...

\* \* \*

Келажак — тутиб бўлмас сайд, ўтмиш — туфланган туфук бўлмаслиги керак...

\* \* \*

Қишлоқдан узоқлашдим, шаҳарга ҳамон сингиб кетолмадим — ўзимни аросатда қолгандек ҳис этапман...

\* \* \*

Виждонни ухлатинг, вақти келиб, шароит етилгач, қайтиб уйғотарсиз. Агар узоқ уйқудан сўнг ўлиб қолмаса.

\* \* \*

Йиғилишда ўтириб, турли маърузаларни тингларканман, ичи бўш жойда «шовқин» (гап дейилмоқчи) кўп бўлишига яна бир карра ишондим.

\* \* \*

Баъзан нима учун яшаётганимни тушунолмай қоламан...

\* \* \*

Қўрқоқлик ва лаганбардорлик чатишса, тутқич бермас силлиқлик пайдо бўлар, шаклланар экан.

\* \* \*

Билиб-билмай ёлгон гапирсам, хижолат тортаман. Ҳайронман, тинмасдан ёлгонлаётган амалдорда уят туйғуси бормикан?!

\* \* \*

Одам болаликда шўх, аммо кўнгли тоза ва пок бўлади. Улғайгани сайин сипо тортади, бироқ қалби кирланиб, ёвузлашиб боради. Баъзи тоифадаги инсонларгина бундан мустаснодир.

\* \* \*

«Нима учун?», деган саволнинг қошида доимо ожиз қоламан: Нима учун яратилганман? Нима учун тўғри йўл қолиб, хато йўлларда кезинмоқдаман? Нима учун доимо безовтаман?

Нима учун кўнглимда ҳаловат йўқ? Нима учун ноҳақлик ҳақиқат устидан ғолиб келаверади? Нима учун тирикликнинг гултожи бўлган инсон қонхўрлик, тамагирлик ва дилозорликни ўзига касб қилиб олган? Нима учун банда бўла туриб, бандаликни ўрнига қўймайман? Нима учун? Нима учун?

\* \* \*

Шайтон одам боласига хатарли душман эканлиги муқаддас китобларда баён қилинган. Баъзи инсонлар қора қилмишлари билан, ҳатто, унданда ўзиб кетмоқда.

Воқеан, шайтонлар тоифаси одамлар орасида борлиги ҳақидаги гаплар рост эканда...

\* \* \*

Одамларнинг пул учун бир-бирини алдаб, тубанликка шўнғиётганлирини кўриб, очиғи, пулдан кўнглим қолди.

Шунинг учун пулга, киши хулқи бузуқ аёлга фақат ўз нафси йўлида муомила қилгани каби муносабатда бўлмоқчиман.

\* \* \*

Минг бир йўл билан амал курсисига ўтирган кимса билан учрашганимда, қадим аждодларнинг: «Болам, сенга амалдор бўлолмайсан, деганим йўқ, одам бўлолмайсан, дегандим» мақоли ёдга тушади.

\* \* \*

Қарзимни сўраб кўп безовта қилдим, шекилли, танишим қўл телефонини «хизмат доирасидан ташқари» қилиб қўйди. Ҳарчанд ҳаракат қилмайин, топа олмадим. Наҳотки, у мени шу ёлғонга ишонади, деб ўйласа?! Кўпроқ шундан хижолат бўлаяпман.

\* \* \*

Бир нечта амалдорлар қўлида хизмат қилдим. Аввалига уларнинг барига яқинлашиб, кейин узоқлашдим. Чунки бошқалардек ёлтоқланолмадим (қилмоқчи бўлдим, эплай олмадим), бўлар-бўлмас мақтай олмадим, хуллас, қотишиб кетолмадим. Бу феълимдан кўп панд едим. Балки, инсон ўзлиги шумикан?

\* \* \*

Ҳаётни муаллим, дейишади. Ҳа, у қаттиққўл муаллим. Негаки, доимо қўлидаги таёғини ўқталгани-ўқталган. Мен шунчалик ёмон ўқувчиманми?

\* \* \*

Тез қарор қилолмасдан қийналаман. Худойим қарор чиқариб бўлган экан, мен нима дейишим мумкин? Яратганининг қарори олдида бандасиники нима бўлди? Бунинг неча пуллик қадри бор, шундай эмасми?!

\* \* \*

Қалбимда бир дард бор — буни биламан. Аммо бу дард қайдан келди, унинг оти нима, қачонгача қийнайди — бунисини билмайман. Агар у улуғларимизни манзилга етказган дард бўлса, ундан розиман!

\* \* \*

Қалбим тош қотиб бораётганини ҳис этаяпман. Биланман, бу илмсизлик, яъни илмга тез-тез мурожаат этмаётганим оқибатидир. Ана шундай кезларда «Уч кун илм ўқимаган кишининг қалби қораяди», деган ҳикматнинг нечоғли ҳақиқат эканлигини теран англаркансан, киши.

\* \* \*

Каттароқ иш бошламоқчи бўлганимда, маслаҳатгўйлар кўпайиб кетди. Бири яхшиликка, бошқаси шунчаки айтди. Гўёки уларни эшитаётгандек, бунга амал қиладигандек, бош билан тасдиқлаб ҳаракат қилдим. Аммо мен ўз билганидан қолмайдиган ўжар мавжудотман...

\* \* \*

Маст-аластга ўхшайман. Дунё — бировнинг хотини эканини билиб туриб ҳам унга суйкаганим-суйкалган.

\* \* \*

Болалар бахт нималигини ҳис этади, аммо тушунишмайди, катталар эса бахт нималигини тушунади, лекин уни ҳис этолмайдилар.



## МУНДАРИЖА

### Қиссалар

|                               |    |
|-------------------------------|----|
| Тузоқ.....                    | 3  |
| Оқ ўтовнинг мунгли ўлани..... | 81 |

### Ҳикоялар

|                  |     |
|------------------|-----|
| Қайтар дунё..... | 142 |
| SMS севги.....   | 147 |
| Сўнги ов.....    | 165 |

### Кайвони момо чўпчаклари (туркум)

|                                  |     |
|----------------------------------|-----|
| Қашқа бия ноласи.....            | 175 |
| Шохдор аждар билан тўқнашув..... | 182 |
| Қор бўронида йўқолган одам.....  | 192 |
| Илонлар ўраси.....               | 197 |
| Ширинбиби.....                   | 202 |
| Суронли уй.....                  | 206 |
| Дортош.....                      | 210 |
| Болаликнинг чўнг армони.....     | 214 |
| Тулкичалар фарёди.....           | 219 |
| Вафодор.....                     | 224 |
| Мол-дунё ўлсин.....              | 228 |
| Чибор.....                       | 232 |
| Қатралар.....                    | 236 |

*Адабий-бадиий нашр*

**Зокир ХУДОЙШУКУР**

## ТУЗОҚ

*(қиссалар ва ҳикоялар)*

*Муҳаррир Қ. Раҳимова ❀ Бадиий муҳаррир И. Азаматов  
Техник муҳаррир Е. Толочко ❀ Матн терувчи Г. Азизова*

Лицензия рақами АИ № 163. 09.11.2009. Босишга 2019 йил 18 июнда рухсат этилди. Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози. BalticaUz гарнитураси. Шартли босма табоғи 13,95. Нашр табоғи 12,18. Адади 5000 нусха. Шартнома № 79 – 2019. Буюртма № 19-351.

Оригинал макет Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланди. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: +998-71244-10-45. Факс: +998-71244-58-55.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг «O'zbekiston» номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.